

**"СБХ" газетаси кутубхонаси**

# **ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ**

**6**  
**ЧИҚАРИЛИШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ИНСТИТУТИ  
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БУХГАЛТЕРЛАР  
ВА АУДИТОРЛАР АССОЦИАЦИЯСИ**

**М. Қ. ПАРДАЕВ, Б. И. ИСРОИЛОВ**

**ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ  
(Ўқув кўлланма)**

**2-қисм**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги хузуридаги мувофиқлаштирувчи  
кенгаш томонидан олий ўқув юртлари учун ўқув  
кўлланма сифатида нашрга тавсия этилган**

**6-чиқарилаш**

**ТОШКЕНТ — 2001**

65.053-2я73

П 21 С

**Тақризчилар:** Тошкент молия институти «Молиявий таҳлил» кафедраси;  
**И. Т. Абдукаримов** — и.ф.д., профессор. Халқаро ахборотлаштириш академияси академиги;  
**Ш. У. Ҳайдаров** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубиёти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, и.ф.н., доцент

**Нашир менежери Б. С. Муслимов**

**П 21 Пардаев М. К., Исройлов Б. И. Иқтисодий таҳлил: (Ўкув кўлланма): 2-қисм. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳукуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001. — 256 бет.**

Сарлавҳада: Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Самарқанд кооператив институти, Самарқанд вилояти бухгалтерлар ва аудиторлар асоциацияси.

I. Муаллифдош.

Китоб бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида корхонада иқтисодий таҳлилни ташкиллаштириш, унда қўлланиладиган усуллар, корхона иқтисодий ва молиявий салоҳияти, меҳнат салоҳияти, иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлик, молиявий барқарорлик каби муҳим иқтисодий категорияларни ифодаловчи кўрсаткичлар, уларнинг тизими, тавсифи, аниқланиш ва баҳоланиш йўллари, таҳлил қилиш усуллари назарий ва амалий жиҳатдан очиб берилган. Деярли барча назарий тавсиялар аниқ амалий маълумотлар билан исботланган.

Қўлланма олий ва ўрта маҳсус ўкув юртлари талаба ва ўқитувчиларига, магистрларга, аспирантларга мўлжалланган. Ундан раҳбарлар, бухгалтерлар, менежерлар, аудиторлар ва бошқа иқтисодий иш билан шугулланувчи барча мутахассислар ҳам фойдаланишлари тумкни.

KUTUBXONA

ББК 65.053-2я73

- © Самарқанд кооператив институти, М.К.Пардаев, Б.И.Исройлов, 2001.  
© «Иқтисодиёт ва ҳукуқ дунёси» нашриёт уйи, Тошкент, 2001.

## **5-боб. КОРХОНАНИНГ МЕҲНАТ САЛОҲИЯТИ (ПОТЕНЦИАЛИ) ТАҲЛИЛИ**

### **5.1. Меҳнат, унинг характеристи, салоҳияти ва самарадорлигини баҳолаш мезонлари**

#### ***5.1.1. Меҳнат тушунчаси***

**Меҳнат** — одамларнинг табиат ва жамият неъматларини ўз эҳтиёжига мослаштириш мақсадида амалга ошириладиган онгли фаолият жараёнидир. Масалан, инсон узлуксиз истеъмол қилиб турадиган энг қимматли неъматлардан бири нонни олайлик. Аммо у табиатда тайёр ҳолда учрамайди. Нон қилиш учун аввал буғдой экиласди, уни парвариш қилиб ўстириласди, ўриб олинади ва буғдой ҳолига келтириласди. Буғдойдан ун, ундан эса нон тайёрланади. Кўриниб турибдик, ҳар куни истеъмол қиладиган нонни яратиш учун инсон қанча меҳнат сарфлайди. Шу орқали табиат неъматини, яъни буғдойни инсон ўзининг онгли фаолияти натижасида ўз эҳтиёжини қондирадиган тайёр маҳсулотга, яъни нонга айлантиради.

Инсоният бошқа мавжудодлардан шу хусусияти, яъни онгли равишда меҳнат қилиши билан фарқ қиласди. Бу хусусият инсонга Оллоҳ томонидан берилган буюк неъматdir.

Инсон табиат неъматларини ўз эҳтиёжига мослаштириш учун ўзининг меҳнатидан фойдаланади. Аммо инсон ўз меҳнати билан ҳамиша табиатга таъсири қилиш имконига эга эмас, чунки у жисмоний жиҳатдан ожизлик қиласди. Бу эса уни меҳнат қуролларидан фойдаланишга мажбур қиласди.

Меҳнат қуролларидан фойдаланиш жараёни инсоннинг билими ва ақдунинг такомиллашувига олиб келади. Масалан, ўша буғдойни етиштиришни олайлик. Олдин одамлар оддий омочдан фойдаланган, сўнгра у кучли қувватга эга бўлган тракторларнинг вужудга келишини тақозо қиласди. Ёки ун тайёрлашда олдин оддий сув ва ҳаво тегирмонидан фойдаланган, ҳозир эса бутун йирик саноат асосида курилган тегирмонлардан фойдаланилмокда. Демак, бун-

дан кўриниб турибдики, меҳнат қуроллари мунтазам ра-вишда такомиллашиб бориш қонуниятига эга экан.

Меҳнат меҳнат жараёнида содир бўлади. Фараз қиласлик меҳнат қилиш қобилиятига эга одам бор. Меҳнат қуроли мавжуд. Бу иккаласининг мавжудлиги ҳали ҳеч нарса эмас. Меҳнатнинг содир бўлиши учун меҳнат жараёни бўлиши керак.

*Меҳнат жараёни* табиатга меҳнат, меҳнат предмети ва меҳнат воситасининг биргаликда таъсири туфайли содир бўлади.

Ўша нон ишлаб чиқариш жараёнига қайтадиган бўлсак, у ердаги ишлаётган нонвойларни меҳнат соҳиби дейиш мумкин. Нон ишлаб чиқаришга мўлжалланган цех (тандир) *меҳнат воситаси* ҳисобланади ва ун, туз, сув каби қоришмалар (хамир) *меҳнат предмети* бўлиб ҳисобланади. Нонвойнинг тандирга хамирни ёпиб нон тайёрлаш жараёни *меҳнат жараёнидир*. Учаласини бирдан ҳаракатга келтирилса, бизнинг эҳтиёжимизни қондирадиган тайёр маҳсулот, яъни нон ишлаб чиқарилади. *Тайёр маҳсулот* деганда табиат неъматларини инсон эҳтиёжини қондириш учун ис-теъмолга тайёр ҳолга келтирилган маҳсулот тушунилади.

Нон ишлаб чиқарган одам кийим кийиши керак, кийим ишлаб чиқарган одам нон ейиши керак ва ҳоказо. Шу яаш жараёнида одамлар бир-бири билан муносабатда, алоқада бўладилар. Бу муносабатлар ишлаб чиқариш муносабатлари деб айтилади. Демак, *ишлаб чиқариш муносабатлари* деганда одамларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш учун бир-бири билан бўладиган муносабатларини тушунмоқ керак.

Жамият тараққиёти меҳнатнинг такомиллашувини талаб қилса, меҳнатнинг такомиллашуви жамият тараққиётини таъминлайди. Булар бир-бири билан узвий боғлиқ ва доимий равишда такомиллашиб бориш қонуниятига эга бўлган тушунчалардир.

### **5.1.2. Бозор муносабатлари шароитида меҳнатнинг характеристи ва манфаатлар муштараклиги**

Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий асосини яратувчи куч бу меҳнатдир. Шу туфайли унинг характеристини ўрганиш ҳамиша долзарб бўлиб келган. Социализм шароитида

бу муаммога бағишенгандан ўнлаб институтлар мавжуд бўлиб уларда юзлаб олимлар шуғулланар эди.

Меҳнатнинг характерини назарий жиҳатдан таҳлил қилгандагундаги унумли ёки унумсиз эканлигини исботлаш асосий ўринни эгаллайди. Унумли ва унумсиз меҳнат муаммоси билан жуда кўп йирик олимлар, жумладан С.Г.Струмилин, А.Ш.Румянцев, В.С.Немчинов, Е.С.Варга, Г.С.Хачатуров, Н.А.Кронрод, А.И.Ноткин, А.С.Кудрявцев, М.М.Гатовский, В.В.Новожилов, Г.А.Пруденский, П.А.Хромов, Е.Л.Маневич кабилар шуғулланган.

Бу муаммонинг бевосита муоммала соҳасида, хусусан савдода қандай ҳал бўлиш масаласи билан М.И.Баканов, В.И.Иваницкий, Л.И.Кравченко, Н.П.Писаренко, А.М.Фридман, С.В.Сапов, М.В.Сладков, Д.Тимошевский, В.Х.Задорожный, В.Д.Хорин каби бир қанча олимлар шуғулландилар.

Бу муаммони тадқиқ қилишда Ўзбекистонлик олимларнинг ҳам ҳиссаси катта. Улар таркибига И.Т.Абдукаримов, Н.Б.Бозоров, Д.С.Сирождетдинов, Р.Х.Шодиев, М.М.Мухаммедов, А.Ўлмасов, Ё.Абдуллаев кабиларни киритиш мумкин.

Бозор муносабатлари шароитида меҳнатнинг характерини тадқиқ қилиш фақаттинга назарий жиҳатдан эмас, балки катта амалий аҳамиятга ҳам эга. Ҳар бир соҳада банд бўлган ходимлар меҳнатининг характерини ўрганмасдан шу соҳанинг ҳалқ хўжалигида тутган ўрнини, давлатимизнинг ички ялпи маҳсулотига ва ялпи миллий маҳсулотига қўшган ҳиссасини аниқлаш қийин. Қайсики бу кўрсаткичлар шу давлатнинг иқтисодий кудратини, аҳолининг ижтимоий аҳволини, иқтисодий ўсиш даражасини, бошқа давлатлар ўртасида тутган ўрнини ифодаловчи кўрсаткичлардир.

Масаланинг мұхимлиги шу муаммонинг бир қанча назарий жиҳатларини ҳозирги давр нуқтаи назаридан ўрганишни ва талқин қилишни талаб қиласи. Булар жумласига кўп мулкчилик шароитида меҳнатнинг характерини (унинг унумли ёки унумсизлигини), унинг қайси соҳага мансублигини (ишлиб чиқариш ёки ноишшиб чиқариш), меҳнат натижасини қандай баҳолашни (меҳнат унумдорлиги ёки меҳнат самарадорлигини) аниқлаш каби муаммолар киради. Бу

муаммоларнинг ҳал қилиниши ўзининг мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган республикамиз учун катта аҳамият касб этади. Чунки, булар мавжуд меҳнат потенциалининг қанча қисмини шу соҳага жалб қилиш зарурлигини, улардан қандай самарали фойдаланиш мумкинлигини кўп мулкчиликка асосланган ушбу соҳанинг жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятига қандай ҳисса қўшаётганлигини аниқлашда метадологик асос бўлади.

*Меҳнатнинг характери* деганда мазкур жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий қурилишига тўғри келадиган меҳнат табиати тушунилади. Ўзбекистонда бозор муносабатлари шаклланмоқда. *Бунинг иқтисодий асослари* энг аввало кўп мулкчилик, эркин рақобат ва эркин нархлардан иборатдир. Ушбу тушунчалар бозор муносабатлари амал қиладиган бир қанча бошқа қонуниятлар билан бевосита боғлиқ. Хусусан, нархнинг ўзгариши талаб ва таклиф қонунига амал қилади. Талаб кўпайса нарх ошади, таклиф кўпайса тескариси. Талаб ва таклифнинг мувозанати нархнинг барқарорлигини таъминлайди.

Кўп мулкчилик ўз навбатида ягона марказлашган бошқарувдан холи эркин тадбиркорликнинг шаклланиши учун объектив замин яратади. Рақобат эса ҳар бир хўжалик юритувчи субъектдан самарали ишлашни талаб қилади ва ҳ.к.

Меҳнатнинг характери худди шу жараёнда шаклланади. Бунда энг аввало ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилишнинг турли шаклларини, яъни кўп мулкчиликни эътироф этиш лозим. Кўп мулкчилик биринчи галда мулкдорларнинг манфаатига хизмат қилади.

Мулкдорлар ўзининг иқтисодий фаолиятидан, энг аввало, мулкни кўпайтиришдан манфаатдордир. Мулкни кўпайтириш учун қандайдир фаолият кўрсатиш керак. Бу фаолият жамият эҳтиёжидан келиб чиқмоғи лозим, чунки ҳар қандай фаолият шунчаки содир бўлмайди. Ундан кимдир манфаатдор бўлиши лозим. Шу жиҳатдан мулкдорнинг манфаати жамият манфаатига мос келиши даркор. Бу — масаланинг биринчи жиҳати.

Иккинчидан, мулкдор ўз фаолияти натижасида олган даромади (фойдаси) ва мулкидан солиқ тўлаш йўли билан давлат орқали жамиятнинг манфаатига яна мос кела-

диган ишни қилади. Бундан кўриниб турибдики, мулкдор мулкининг кўпайиши давлат ва жамият учун ҳам фойдали. Демак, фуқароси бой мамлакат иқтисодий жиҳатдан кудратли мамлакат бўлиши муқаррар экан.

Бу ҳолда меҳнат бевосита мулкдор ва жамият манфаатларини ифода этадиган, уларнинг муштараклигини таъминлайдиган характерга эга бўлади.

Аммо меҳнатни меҳнаткаш қилади. Унинг манфаати ҳам манфаатлар тизимида муҳим ўринни эгаллайди. Шу туфайли меҳнат қилганде меҳнаткаш энг аввало ўз манфаати нуқтаи назаридан қарайди. Шу туфайли ҳам кўп, яхши ва сифатли меҳнат қилса у мулкдордан шунчалик кўп меҳнат ҳақи олиши лозим. Бу учун меҳнат қилувчи ўзининг меҳнат унумдорлигини ошириб боради. Бунда барча манфаатларнинг мувофиқлиги таъминланади.

Биринчидан, мулкдорнинг мулки, унинг даромади кўпаяди. Иккинчидан, давлатнинг ушбу объектлардан оладиган солиғи ошади. Учинчидан, меҳнаткашнинг меҳнат ҳақи кўпаяди ва шунга мос равишда давлатга тўлайдиган солиғи ҳам ошади. Демак, барча манфаатларнинг бир-бирiga мувофиқлиги таъминланади.

Жамиятдаги барча моддий ва маънавий неъмат шу жамиятда мавжуд бўлган меҳнат билан яратилган. Меҳнат жамият, табиат ва инсон тафаккурида содир бўладиган жараёнларни такомиллаштириб боради. Демак, ҳар қандай тараққиёт замирида меҳнатнинг такомиллашуви ётади. Бироқ, меҳнатнинг характеристи, унинг инсонга ва ижтимоий тараққиётга таъсири ҳар хил тарихий даврда бир хил бўла олмайди, чунки инсон меҳнати унинг ақл-заковати билан бошқарилади, меҳнат қилиш жараёни эса бир қанча омиллар таъсирида содир бўлади. Кўриниб турибдики, меҳнат муаммоси жуда кенг қамровли, жуда катта тадқиқот кўламини талаб қиласиган муаммодир. Биз эса бу муаммонинг фақат бир қисмига, бозор муносабатлари шароитида меҳнатнинг характеристи режали иқтисодиётга нисбатан қандай ўзгаришлар содир бўлганлигига ва жамият тараққиётининг шу босқичида унинг қанақа ўзига хос хусусиятлари вужудга келганлигига тўхталамиз.

Ижтимоий мулкка асосланган социалистик ишлаб чи-

қариш шароитида меҳнатнинг характеристи дейилганда унинг миллий даромадни яратишга қўшган ҳиссаси тушунилар эди. Бу учун назарий жиҳатдан меҳнатнинг унумли ёки унумсиз меҳнат эканлигини асослашни талаб қилинар эди. Эндиликда, кўп мулкчиликка асосланган бозор муносабатлари шароитида саводдаги меҳнатнинг характеристи жамиятнинг ялпи миллий маҳсулотини яратишга қўшган ҳиссаси билан белгиланади.

Миллий даромад ва ялпи миллий маҳсулот бир-биридан моҳияти ва мазмuni жиҳатидан фарқ қиласди. Назарий жиҳатдан тадқиқ қилишда ушбу меҳнатнинг характеристига унумли ёки унумсиз меҳнат нуқтаи назаридан эмас, балки меҳнатнинг манфаатга хизмат қилиши нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқdir. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, ҳозирги шароитда унумли меҳнатга моддий неъмат ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан эмас, балки миллий маҳсулот ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан қараш лозим. Чунки социалистик ишлаб чиқариш шароитида ижтимоий ишлаб чиқариш моддий неъмат ишлаб чиқариш ва моддий неъмат ишлаб чиқармайдиган соҳаларга бўлинар эди. Бозор муносабатлари шароитида миллий даромад кўрсаткичи ўрнига ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичи киритилиб, уни яратишида моддий неъмат ишлаб чиқариш соҳаси билан бирга даромад келтирувчи барча хизматлар ҳам киради. Ушбу муаммога шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ҳозирги шароитда унумли ва унумсиз меҳнатни аниқлашга янгича методологик усул билан ёндашиш лозим бўлади.

Социалистик ишлаб чиқариш шароитида унумли ёки унумсиз меҳнат муаммосини ҳал қилишда унга асосан ижтимоий ишлаб чиқариш жамият нуқтаи назаридан қаралар эди. Эндиликда эса бу муаммони ҳал қилишда асосан мулк эгаси, соҳибкор нуқтаи назаридан қараш лозим. Бу тавсия бозор муносабатлари шароитида унумли ва унумсиз, фойдали ва бефойда меҳнат характеристини тадқиқ қилишда асосий назарий концепция бўлиб ҳисобланади.

Марксизм таълимоти нуқтаи назаридан ҳар қандай моддий неъмат яратувчи меҳнат унумли меҳнатdir. Аммо бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай моддий неъмат яратган меҳнат агар у мулк эгасига, соҳибкорга фойда

келтирмаса, унумли меҳнат ҳисобланмайди. Бундай меҳнат натижаси, унга молиявий хўжалик фаолиятини иқтисодий инқирозга олиб келади. Бундай меҳнатнинг соҳибкор учун кераги бўлмайди. Аммо у жамият учун унумли меҳнат, чунки моддий неъмат яратилди.

Унумли меҳнатта меҳнаткаш нуқтаи назаридан ҳам ёндашиш лозим. Агар меҳнаткаш сарф қилган меҳнати эвазига оладиган меҳнат ҳақи билан ўзининг ва оиласининг яшашини таъмин қилса, иш кучини такрор ишлаб чиқара олса, бу меҳнат шу ишчи, меҳнаткаш учун унумлидир. Меҳнаткашни у моддий неъмат ишлаб чиқараяптими ёки чиқармаяптими, ёки хизмат соҳаси билан бандми уни қизиқтирумайди. Уни қизиқтирган нарса ўз меҳнати учун (унумлимни ёки унумсизми, қатъи назар) оладиган меҳнат ҳақидир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, умуман меҳнатнинг характеристини тадқиқ қилишда бозор муносабатлари шароитида, унга асосан мулк эгаси, соҳибкор нуқтаи назаридан ёндашиш лозим экан. Аммо ҳар қандай соҳибкор ўзи яшаб турган давлатнинг ичida шу жамиятнинг аъзоси. Шу нуқтаи назардан унинг меҳнатига фақат ўзининг иқтисодий манфаатидан келиб чиқмасдан, балки жамият манфаатини ҳам ҳисобга олиш лозим. Шу жамиятнинг аъзоси сифатида ҳар бир меҳнаткашнинг ҳам ўз манфаати бор. Шу туфайли меҳнатнинг характеристи тадқиқ қилинганда унинг манфаати ҳам четда қолиб кетмаслиги лозим. Демак, бозор муносабатлари шароитида меҳнатнинг натижасини баҳолашда социализмдагидек фақат жамият нуқтаи назаридан қаралмасдан, балки мулк эгаси, соҳибкор, жамият ва меҳнаткаш манфаатларининг муштараклигини таъминлаш нуқтаи назаридан қараш лозим экан.

Бозор муносабатлари шароитида муҳим муаммолардан бири савдонинг қайси соҳага мансублигини аниқлашдан иборатdir. Режали иқтисод шароитида миллий даромаднинг яратилиши нуқтаи назаридан ижтимоий ишлаб чиқариш иккита йирик моддий неъмат ишлаб чиқарувчи, унумли ва моддий неъмат ишлаб чиқармайдиган, унумсиз соҳага бўлинар эди. Бу табақаланиш жамият нуқтаи назаридан тўғри, чунки жамиятнинг бойлиги асосан моддий ишлаб чиқариш орқали кўпаяди.

Бизнинг иқтисодиётимизнинг ўзига хос хусусияти шундаки, биз миллий ҳисоб тизимини халқаро андозалар даражасида қабул қиласакда, бизда бу икки соҳанинг сақланиб қолиши муқаррар, чунки Ўзбекистон республикасининг танлаган ўзига хос ва мос йўлида Президентимиз И.А.Каримов бир неча марта таъкидлаганидек, ҳар қандай ислоҳотдан мақсад — халқ фаровонлигини ошириш, унинг аҳволини яхшилашдан иборатдир. Демак, бизда ижтимоий манфаатлар ҳукмрон (гегемон) бўлмасада, ўз устуворлигини йўқотган эмас. Бундай шароитда, албатта, моддий неъмат ишлаб чиқарувчи унумли соҳа алоҳида сақланиб қолиши объектив заруратдир. Бу эса Ўзбекистонда шакланаётган бозор муносабатларининг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Энди иқтисодий жараённинг содир бўлиши давлатнинг бошқарувдаги роли, умуман хўжалик юритиш соҳасида вазият тубдан ўзгарди.

Кўп мулкчиликка асосланган савдо ташкилотлари мустақил фаолият кўрсатмокда. Уларнинг аксарият қисми давлат тасарруфидан чиқарилди. Аммо, давлат бу субъектларни ўз тасарруфида қонун йўли билан ушлаб турибди, чунки улар давлатнинг қонунлари доирасида фаолият кўрсатмоқдалар. Хўжалик субъектлари, шу жумладан савдо корхоналари, ҳам ҳар қандай иқтисодий фаолият натижасидан (агар у имтиёзга эга бўлмаса) давлатга солиқ тўлайдилар. Давлат солиқ механизми орқали ўз назоратини амалга оширади. Савдо корхоналари ҳам даромад (фойда) келтирадиган фаолияти натижасидан маълум меъёр асосида солиқ тўлайди. Агар савдонинг кўрсатадиган пуллик хизматига ана шу давлат нуқтаи назаридан қарабалса, у жамият учун ҳам унумли соҳага айланади. Савдода банд бўлган ходим ўз меҳнати эвазига иш ҳақи олади ва ўзининг сарф қилган иш кучини такрор тиклайди. Бу эса у учун унумли меҳнатдир. Шу туфайли бозор муносабатлари шароитида савдони давлат (жамият), мулк эгаси (соҳибкор), меҳнаткаш (ишчи кучи) манфаатларининг муштараклигини тъминловчи унумли ва наф келтирувчи соҳа деб ҳисоблаш лозим. Том маънода савдо бозор муносабатлари шароитида сервис хизматига киради.

Савдода меҳнатнинг характеристи ўрганилганда, албатта, унинг натижасини қандай баҳолашни кўриб чиқилмаса, фикримизча, бу борадаги тадқиқот охирига етмаган ҳисобланади. Социалистик ишлаб чиқариш шароитида савдода унумли меҳнат улушкининг кўплигидан келиб чиқиб бу соҳадаги меҳнатнинг натижасини баҳолашда меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи қўлланилар эди. Бу кўрсаткични ҳисоблаш учун асос қилиб товар обороти жорий ва солиштирма баҳода олинар эди. Эндиликда ҳам савдо корхонасининг асосий кўрсаткичи товар обороти бўлиб қолиши керак, чунки молиявий хўжалик фаолиятини ифодаловчи деярли барча кўрсаткичлар (ялпи даромад, фойда, муомала харажатлари ва ҳоказо) шу кўрсаткичнинг ҳажмига боғлиқ.

Шу туфайли бозор муносабатлари шароитида ҳам меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини битта савдо ходимига тўғри келадиган товар оборотининг ҳажми (жорий ва солиштирма баҳода) билан баҳолаш усулини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ. Бироқ, мулк эгаси учун, у давлатми, жамоами ёки хусусий соҳибкорми, қатъи назар, товар оборотидан кўра фойда кўрсаткичи муҳимроқдир. Бу албатта унинг иқтисодий манфаатидан келиб чиқади. Шу туфайли меҳнат натижасини баҳолаш учун унинг унумдорлиги билан бирга фойдалилик даражасини ифодаловчи кўрсаткични ҳам қўллашни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бу ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда суммаси билан ифодаланади.

Ушбу кўрсаткичнинг афзаллиги шундаки, ҳар бир савдо ходимининг ва шу корхона молиявий хўжалик фаолияти билан қизиқувчи субъектларнинг меҳнат самараси тўғрисида хулоса қилиш учун аникроқ маълумотни беради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий йислоҳотлар меҳнат характеристини тубдан ўзгартиради. Улар ўртасидаги зиддият ва қарама-қаршиликларни сусайтиради. Меҳнат қачон тўғри рағбатлантирилсагина ўшангэ эришилади. Иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорлик ҳам меҳнатнинг тўғри рағбатлантирилишига бевосита боғлиқ.

Меҳнат бундай шароитда ижодий характеристерга ва у оддий меҳнатдан мураккаб шаклига қараб ўзгариш тенденциясига эга бўлади.

Меҳнатнинг иқтисодий характеристига эга бўлиши, унинг

тўғри рағбатлантирилиши, кишиларни боқимандалик руҳиятидан қутулишига олиб келади. «Ишламаган тишламайди» тамойилининг амал қилишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида жамиятнинг ҳар бир меҳнатта қобилиятли аъзосини ишлашга, меҳнат қилишга даъват этади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ҳам боқимандалиқдан қутулиб, худди шундай руҳият шаклланмоқда.

Меҳнат кишини улуғлайди. Ҳар бир мамлакатда ижобий натижага, худди шу ҳолатга эришиш лозим. Қайси давлат самарали меҳнатни қадрласа, улуғласа, шу давлат катта муваффақиятга эришади. Меҳнат эса узлуксиз такомиллашиб боради, унинг самарадорлиги ва унумдорлиги ошади.

Ўзбекистонда сифат жиҳатидан янги жамият шаклланмоқда. Бу меҳнатнинг характеристикини ҳам шунга мос равища ўзгаришини талаб қиласи. Аммо ҳозирги ўтиш даврида меҳнатни ташкил қилиш, уни тўғри рағбатлантириш, унинг ижодий меҳнатга айланишини таъминлашни ўз ҳолига қўймаслик лозим. Бунга давлатнинг назорати ва бу борадаги ислоҳотларга етакчилик қилиш лозимлигини тақозо қиласи.

Холоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлади. Бунинг жуда кўп ўзига хослиги мавжуд. Булардан бири юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, иқтисодни унумли ёки унумсиз бўлиб ўрганиш эмас, балки манфаатлар муштараклигини таъминлашдир. Шундай экан, савдодаги меҳнатнинг характеристикини тадқиқ ва таҳлил қилганда унга унумли ёки унумсиз соҳа нуқтai назаридан эмас, балки ишчи кучи эгаси, яъни меҳнаткаш, мулкдор, давлат ва жамият манфаатлари нуқтai назаридан қараш мақсадга мувофиқдир. Савдони эса унумли ёки унумсиз соҳа демасдан уни сервис хизмати таркибиға кирувчи инсон ҳаёти учун муҳим соҳа деб қарашни тақозо қилмоқда.

### ***5.1.3. Меҳнат салоҳияти (потенциали) тушунчаси***

Режали иқтисодиёт шароитида чоп қилинган иқтисодий адабиётларда меҳнат тушунчалари таркибида меҳнат ресурси, меҳнатнинг ўзи, иш кучи, меҳнат унумдорлиги, меҳнат

самарадорлиги каби тушунчалар қўлланилар эди. Эндиликда кўп соҳаларда янгиланиш жараёни давом этмоқда. Кундалик ҳаётимизга, фанга янги иқтисодий иборалар, атамалар ҳам кириб келмоқда. Шулардан бири меҳнат салоҳияти (потенциали) тушунчасидир.

Меҳнат салоҳияти нима деган саволга жавоб бериш учун, энг аввало, унинг амал қилиш соҳаси ва турларини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Меҳнат салоҳияти тушунчасини бир киши, меҳнат жамоаси ва бутун жамият миқёсида аниқлаш, баҳолаш лозим.

Буни тўғри аниқламоқ учун аввал меҳнат ресурси тушунчасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Меҳнат ресурси меҳнатга қобилияти ёшдаги аҳоли (аёллар 16-54 ёшда, эркаклар 16-60 ёшда) сонида ўз ифодасини топади. Бу ёшдаги ногиронлик ва бошқа сабаблар билан ишламайдиганлар меҳнат ресурсига кирмайди. Демак, меҳнат ресурси деганда аҳолининг маълум чегараланган ёшдаги ишлай оладиган фаол қисми тушунилади.

Аммо бозор муносабатлари шароитида меҳнат қилувчилар ёшидан қаъи назар, меҳнат қилиш қобилияти бўлса, моддий неъмат ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш билан машғул бўлмоқдалар. Бундан мулкдор ҳам, иш берувчи ҳам одамларнинг ёшини чегараламасдан, балки уларнинг меҳнат қила олиш қобилиятидан келиб чиқади.

Масалан, битта хусусий корхонада 100 киши ишлайди. Шундан 8 киши нафақа (пенсия) ёшида, 2 киши ҳали 16га кирмаган. Буларнинг ҳаммасини меҳнат ресурси деб бўлмайди. Меҳнат ресурсининг сони атиги 90 киши, 10 киши меҳнат ресурсига кирмайди. Лекин корхонанинг меҳнат салоҳияти сон жиҳатидан ушбу корхонада 100 кишидан иборат бўлади.

Меҳнат ресурси иқтисодий адабиётларда ҳам аҳолининг ёшига қараб, таъкидланганидек, сон жиҳатидан маълум чегара доирасида қаралади. Меҳнат салоҳияти эса ходимларнинг ёшини чегараламайди. Унинг турли ҳолатларда қўлланиладиган таърифини кўриб чиқамиз.

Бир кишининг *меҳнат салоҳияти* деганда шу ходимнинг маълум бир вақтда маълум бир ишни бажариши мумкин бўлган жисмоний ва интеллектуал қобилияти тушунила-

ди. Бу бир кишининг меҳнат салоҳиятига берилган таъриф. Кишилар ҳар хил бўлганлиги туфайли уларнинг меҳнат салоҳияти ҳам турлича. Бир киши маълум бир вақт бирлигига жуда кўп моддий неъмат ёки бошқа меҳнат натижасини яратиши мумкин, иккинчи киши шу вақт бирлигига унга нисбатан жуда оз ёки кўп нарса яратиши мумкин. Шу туфайли кишиларнинг меҳнат салоҳияти уларнинг турли ҳажмда яратувчанлик қобилиятини белгилайди.

Меҳнат ресурси меҳнатнинг борлиги, мавжудлигини ифодаласа, меҳнат салоҳияти унинг яратувчанлик қобилиятини ифодалайди.

*Жамоанинг меҳнат салоҳияти (потенциали)* деганда шу жамоа қилиши лозим бўлган бирорта ишни (хизматни) баҷаришга қодир турли ёшдаги, малака ва жинсдаги ходимлар мажмуаси тушунилади. Жамоанинг меҳнат салоҳияти сон ва сифат жиҳатидан меҳнат ресурсидан фарқ қиласи. Юқорида таъкидланганидек, 100 кишилик жамоада меҳнат салоҳияти 100 киши, шундан 90 киши шу жамоанинг меҳнат ресурсини ташкил қиласи. Худди шундай ҳолатни ҳудуд ва бутун жамият миқёсида ҳам кўриш мумкин.

Масалан, битта вилоят аҳолиси 3,0 миллион киши. Шулардан меҳнатга қобилиятли ёшдаги аёллар ва эркаклар сони 1,8 миллион кишини ташкил қиласи. Шулардан 0,5 миллион киши вақтинчалик ишламайди. Аммо ишлаётганлар сони ушбу вилоятда ёш болалар ва нафақа ёшидагилар билан бирга 1,9 миллион кишини ташкил қиласи. Энди шуларни тегишли категорияларга бўлиш мумкин.

1. Аҳолининг сони — 3,0 миллион киши.
2. Меҳнат ресурслари — 1,8 миллион киши.
3. Ходимлар сони — 1,9 миллион киши.
4. Меҳнат салоҳияти — 2,4 миллион киши ( $1,8+0,6$ ).

Ушбу тенгламада 0,6 миллион киши ишлаётган нафақахўрлар ва ёшлардир. Бу қуйидагича аниқланади:

$$1,9 + 0,5 - 1,8 = 0,6.$$

Ушбу кўрсаткичларга асосан меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш даражасини ҳам аниқлаш мумкин. Вилоятда меҳнат салоҳияти 2,4 миллион кишини ташкил қилган бир пайдада иш билан банд аҳоли, яъни ходимлар сони 1,9 киши-

ни ташкил қиласы. Мәхнат салоҳиятининг фойдаланиш коэффициенти 0,792га ёки 79,2 фоизга ( $1,9:2,4 \times 100$ ) тенг экан. Шундай қилиб, бозор муносабатлари шароитида мәхнат кўрсаткичларига яна бир муҳим кўрсаткич — мәхнат салоҳияти тушунчаси кириб келди. Бу, бизнинг фикримизча, объектив зарурият. Эндиги мутахассислар ушбу тушунчаларнинг мазмунини, фарқини яхши англаб олишлари лозим, чунки бу кўрсаткичлар бошқариш ва тегишли режаларни тузиш учун ўта муҳимдир. Зоро, ҳар бир ходим шунчаки субъект бўлиб қолмасдан, балки жонли ижтимоий-иқтисодий категориядир.

Унинг орқасида оиласи турибди, мәхнат қилиб уни моддий жиҳатдан таъминлаш керак. У мәхнати учун иш берувчи мулкдордан ҳақ талаб қиласы. Бу мулкдор учун харажат. Ҳар бир қилинган харажат мулкдорга наф келтириши лозим. Шундай қилиб, ҳозирги бозор муносабатлари шаклланаётган пайтда ушбу кўрсаткичларнинг фақат таркиби эмас, балки мазмуни ҳам тубдан ўзгарди.

*Мәхнат салоҳияти (потенциали) тушунчасига жамият нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, унинг мазмуни битта ходим мәхнат потенциалидан фарқ қиласы, чунки мәхнат жараёнида ҳамиша битта ходим эмас, балки мәхнат жамоалари иштирок этади. Бу жамият миқёсигача кўтарилади. Шундай қилиб, ушбу тушунчага жамият нуқтаи назаридан қуидагича таъриф бериш мумкин.*

*Мәхнат салоҳияти (потенциали)* — бу бирор кўзда тутилган ишни (фаолиятни) маълум бир вақтда бажаришга қодир бўлган турли малакага эга барча ишчи ва хизматчилар мажмуасидир. Таҳлил қилиш учун уни натурал ва қиймат кўрсаткичларида ифодалаш лозим. Бу унинг таркибида намоён бўлади.

#### **5.1.4. Мәхнат салоҳияти (потенциали) таркиби**

Мәхнат салоҳияти (потенциали) таркибини натурал ва қиймат жиҳатидан ифодалаш мумкин. Натурал жиҳатидан унинг таркибига қуидагилар киради: олий маълумотли ходимлар; ўрта маҳсус маълумотли ходимлар; умумий ўрта маълумотли ходимлар; тўлиқсиз ўрта маълумотли ходим-

лар (булар таркибига бошланғич маълумотта эга бўлган ходимлар ҳам киради) (28-чиизма).

## 28-чиизма

### Меҳнат салоҳияти (потенциали) таркиби

Меҳнат потенциали			
Олий маълумотли ходимлар	Ўрта маҳсус маълумотли ходимлар	Ўрта маълумотли ходимлар	Тўлиқсиз ўрта маълумотли ходимлар

Ҳар бир гурӯҳ ходимлар ўз навбатида мутахассислари бўйича ҳам туркумланади, чунки барча олий маълумотли ходимларга бир хил талаб кўйиб уларнинг ҳар биридан бир хил самара кутиб бўлмайди. Масалан, агроном керак бўлган жойга юқори малакали математика ўқитувчисини ўтқазиб кўйсангиз ўқитувчининг юқори малакасидан ҳеч қанақа наф келмайди. Ёки унинг тескариси она тили ўқитувчиси ўрнига астрономия ўқитувчисини ёки агрономни ўтқазиб кўйсангиз ҳам худди шундай. Шу туфайли ҳар бир гурӯҳ ходимларнинг бажараёттан ишига малакалари тўғри келишини аниқлаш лозим.

Бундай ҳолат ҳозирги бозор муносабатлари шароитида жамият учун ҳам, мулкдор учун ҳам, иш кучи соҳиби учун ҳам муҳимдир. Иш кучи соҳиби ишлаган жойида ўз малакасига тўғри келадиган ишни бажаради, уни такомиллаштиради ва ноёб мутахассисга айланиб боради. Мулкдор учун унинг қулиялиги шундаки, у бундай ходимларни ишлатиб самарали ва сифатли кўрсаткичларга эришади, тўлаған меҳнат ҳақи бежиз кетмайди. Жамият учун бу ҳолатнинг фойдаси шунда намоён бўладики, охир оқибатда, биринчидан, мулкдорнинг мулки, иш кучи соҳибининг даромади кўпаяди ва булардан олинадиган солиқ миқдори мос равишда ошади. Иккинчидан эса жамиятда сифатли маҳсулот (иш, хизмат) кўпаяди, бозор тўлади, фаровонлик ошади.

Шундай қилиб, меҳнат потенциали ҳар бир гурӯхининг маълум даражада яна гурӯҳланиши муҳим аҳамиятга эга.

Худди шундай ҳолатда бошқа гурухларга ҳам ёндашиш мүмкін. Мәғнат потенциали гурухлари қуйидаги 28-чизмада ўз аксини топган.

Мәғнат потенциали таркибини иқтисодий мазмұни жиҳатидан түғри аниклаш учун мәғнат ресурслари ва ходимлар сони каби тушунчаларни ҳам аниклаб олишни тақозо қилади.

*Мәғнат ресурслари деганда*, таъкидланғанидек, корхонада банд бўлган мәғнатга қобилиятли ёщдаги (эркаклар 16-60 ёш, аёллар 16-54 ёш) ишчи ва хизматчилар тушунилади.

Бу асосан натурал кўрсаткичда, яъни ходимлар сонида ифодаланади. Буларнинг таркибини аниклаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мүмкін:

$$M_p = I + M_{tx} + X_3 + B_x,$$

бунда:  $M_p$  — мәғнат ресурси;  $I$  — ишчи;  $M_{tx}$  — муҳандис техник ходимлар;  $X_3$  — хизматчилар;  $B_x$  — бошқарув ходимлари.

Бунда шуни инобатта олиш лозимки, барча кўрсаткичлар таркибида пенсионерлар ва ўсмиirlар ифода этилмайди.

Ходимлар сони, таъкидланғанидек, мәғнат ресурсларидан микдори ва мазмұни жиҳатидан ҳам фарқ қилади.

*Ходимлар сони деганда* — корхонада банд бўлган (ёшидан қатъи назар) барча ишчи ва хизматчилар йифиндиси тушунилади. Бу ҳам фақат натурал микдорда ифодаланади ва қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$X = (I + M_{tx} + X_3 + B_x) + (\Pi + Y),$$

бунда:  $\Pi$  — ишлаётган пенсионерлар;  $Y$  — ишлаётган ўсмиirlар.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, ходимлар сони мәғнат ресурсларидан ишлаётган пенсионер ва ўсмиirlар сонига кўп бўлади.

Масалан,  $M_p = 200$ ,  $X = 220$  бўлиши мүмкін. Бунда ишлаётган пенсионерлар ва ўсмиirlар сони 20 кишига  $220 - 200 = 20$  тенг бўлади.

Ушбу тушунчаларнинг амалиётда қўлланилишини кўриш учун уларнинг ҳар бирини аниклаш йўлларини маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

*Меҳнат потенциалига оид күрсаткىчларни аниклаш*  
учун қыйидаги мисолни келтирамиз.

Фараз қиласыз, бир корхонада қыйидаги таркибда ишчи  
ва хизматчилар фаолият күрсатади.

1. Олий маълумотли ходимлар	—	22
Шу жумладан пенсионер ва ўсмирлар	—	3
2. Ўрта маҳсус маълумотли ходимлар	—	31
Шу жумладан пенсионер ва ўсмирлар	—	4
3. Ўрта маълумотли ходимлар	—	50
Шу жумладан пенсионер ва ўсмирлар	—	12
4. Тўлиқсиз ўрта маълумотли ходимлар	—	18
Шу жумладан пенсионер ва ўсмирлар	—	1
5. Жами ишда банд ( $1k+2k+3k+4k$ ) бўлган ходимлар	—	121

Ушбу маълумотларга асосан меҳнат потенциали таркиби билан боғлиқ күрсаткىчларни қыйидагича аниклаш мумкин:

меҳнат ресурслари 101 кишига тенг:

$$(22 - 3) + (31 - 4) + (50 - 12) + (18 - 1) = 101;$$

ходимлар сони 121 кишига тенг:

$$22 + 31 + 50 + 18 = 121;$$

ишлаётган пенсионерлар ва ўсмирлар сони 20 кишига тенг:

$$3 + 4 + 12 + 1 = 20;$$

меҳнат потенциали 121 кишига тенг:

$$22 + 31 + 50 + 18 = 121 \text{ ёки } 101 + 20.$$

Шундай қилиб, меҳнат потенциали ва у билан боғлиқ күрсаткىчларни аниклаш йўлларини, уларнинг миқдори ва мазмани жиҳатидан бир-биридан фарқини аниқлаб олиш мумкин экан. Шуни таъкидлаш лозимки, жамият миқёсида меҳнат ресурси ва меҳнат потенциали бир-биридан миқдор жиҳатидан фарқ қиласы. Аммо корхона миқёсида ушбу икки тушунча ўртасида миқдор жиҳатидан аксари яхолда тенгликни кўрамиз.

### *5.1.5. Мәҳнат самарадорлиги тушунчаси*

Ушбу тушунчани түлиқ англаб етиш учун энг аввало «самара», «самарадор», «самарадорлик» атамаларининг мазмунига тўхталамиз. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да (М: «Русский язык», 1981, 17 бет) «самара» сўзига қўйидагича изоҳ берилган. «Самара» натижа, оқибат; мева. «Самарадор» сўзини кутилганича ёки ундан ҳам ортиқ самара берадиган, самарали, сермаҳсул деб изоҳлаган. «Самарадор мәҳнат»ни унга мисол тариқасида келтириб қўйган. «Самарадорлик» атамаси самарадор сўзининг изоҳига киришни кўрсатиб, иқтисодий самарадорлик, мәҳнат самарадорлигини оширмоқ каби сўзлар билан изоҳланган.

Ҳақиқатда ушбу атамаларга изоҳ беришда номи зикр этилган изоҳли луғатда иқтисодиёт нуқтаи назаридан келиб чиқилган. Лекин ушбу тушунчаларни иқтисодиётга тадбиқ қилиш учун уларга янада аниқлик киритиш лозим.

«Самара» — деганда, иқтисод нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бирорта иқтисодий жараёнда эришилган натижа тушунилади. Ёки бирорта иқтисодий фаолият натижасини ҳам самара сифатида қабул қилиш мумкин. Шунинdek, асосий воситалар, айланма маблағлар ёки мәҳнатнинг ишлатилишидан олинадиган натижани ҳам самара сифатида ифодалаш мумкин. Масалан, ишлаб чиқаришда эришилган натижа тайёр маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариш, савдода товар айланмаси ҳажмига эришиш, хизмат соҳасида эришилган натижа — маълум нафар одамларга хизмат қилиш, ишнинг натижаси — шунча ишни бажариш ва ҳоказо. Демак, бирор онгли фаолиятнинг маълум натижага эришиши самара деб айтилар экан.

«Самарадор» атамаси бирор фаолият ёки предметни ишлатишнинг серунумлилигини англатади. Масалан, олий маълумотли малакали кишининг мәҳнати оддий малакасиз кишининг мәҳнатига нисбатан самарадор, серунум. Бироқ у «самарадорлик» атамаси билан, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да таъкидланганидек, синоним сўзлар эмас. Самарадор сўзи, кўп ҳолларда келгуси замон маъносида ишлатилади. Самарадорлик эса содир бўлган жараённи ифодалайди, яъни ўтган замон маъносида яшлатилади.

«Самарадорлик» — бу том маънода натижавийликтадир. Бирорта содир бўлган иқтисодий жараённинг қандай натижа билан якунланганигини ифодалайдиган тушунча. Самара ва самарадор сўзлари иқтисодиётда асосан мутлақ кўрсаткичлар билан ифодаланса самарадорлик сўзи нисбий кўрсаткичлар билан ифодаланади. Масалан, нон ишлаб чиқариш соҳасини олайлик. Унда бир ойда 600 минг нон ишлаб чиқарилади, деб фараз қиласиз. Бу кўрсаткич нон ишлаб чиқарувчи корхонанинг самараси. Лекин шу миқдордаги нонни неча киши ишлаб чиқарди. Фараз қиласиз 10 киши. Демак, ҳар бир киши бир ойда 60 минг ( $600:10$ ) донадан нон ишлаб чиқарибди. Бу ерда 60 минг ушбу нон ишлаб чиқарувчи корхонадаги бир кишининг меҳнат самарадорлиги ёки меҳнатнинг натижавийлигини ифодалайди.

Ушбу корхонада оддий учта тандир билан 600 мингта нон ишлаб чиқсан, иккинчи бир шундай корхонада битта электр қувватига мослаштирилган печ билан 700 мингта нон ишлаб чиқилган деб фараз қиласиз. Биринчисида, таъкидланганидек, ўн киши ишлаган бўлса, иккинчисида тўрт киши ишлаши мўлжалланган. Энди савол туғиладики қайси корхона самарадор. Албатта электр қувватига мослаштирилган печга эга бўлган корхона ҳар томонлама самарадор. Чунки унда, биринчидан, одам сони кам, иккинчидан эса, кўп маҳсулот етиштириб берилади.

Энди ушбу тушунчаларни бевосита меҳнатга, меҳнат потенциали ва ресурсларига тадбиқ қиласиган бўлсак, қўйидагича хулосаларни қилиш мумкин.

*Меҳнат самараси* деганда, маълум вақт бирлигига (кун, ой, чорак, йил) эришилган натижа билан ифодалангандан кўрсаткич тушунилади. Масалан, меҳнатнинг самараси ишлаб чиқариш соҳасида яратилган тайёр маҳсулот, даромадлар ёки фойда кўрсаткичларида ифодаланиши мумкин. Савдо соҳасида товар айланмаси (обороти), ялпи даромад ва фойда билан ифодаланса, нақлиёт соҳасида юк айланмаси (обороти) каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

*Меҳнат самарадорлиги* деганда, унинг натижавийлиги, яъни маълум вақт бирлигига битта ходимга (бир меҳнат потенциалига) тўғри келадиган натижа билан ўлчанади. Масалан, ишлаб чиқаришда бир кишига тўғри келадиган

тайёр маҳсулот ҳажми, бир кишига түгри келадиган да-ромад ёки фойда каби кўрсаткичларни киритиш мумкин. Савдо соҳасида ҳам худди шундай ҳолатни айтиш мумкин. Масалан, тайёр маҳсулот ўрнига бу ерда товар айланмаси (обороти) олинади. Колган кўрсаткичлар номи бир-бирига түгри келади.

Кўриниб турибдики, меҳнат самарадорлиги эса нисбий кўрсаткичларда ўз ифодасини топган.

Таҳлил жараёнида шуни инобатга олиш лозимки, меҳнат ҳам, унинг натижаси ҳам турли кўрсаткичларда ифодаланади. Масалан, меҳнат натижаси маҳсулот ҳажмида, да-ромад ёки фойда суммасида ифодаланиши мумкин. Таҳлилнинг мақсадига қараб ушбу кўрсаткичлардан бирини ёки ҳаммасини натижга сифатида қабул қилиш мумкин. Худди шундай меҳнат ҳам турли кўринишда ифодаланади. Масалан, корхонада банд бўлган умумий ходимлар сони, корхонада банд бўлган ишчилар сони, мутахассислар, бошқа-рув ходимлари, хизматчилар кабиларни олиш мумкин.

Шу туфайли меҳнат самарадорлиги тўғрисида тўлиқ ва батафсил холоса қилиш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан (системасидан) фойдаланиш мақсадга му-вофиқ деб ўйлаймиз. Аммо кўрсаткичлар тизимига такри-бан ёндашиш, улар таркибига нима түгри келса кирита-вериш мумкин эмас. Шу туфайли меҳнат самарадорлиги-ни ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолаш ва аниқлаш ме-зонини ишлаб чиқиши лозим. Бунда меҳнат, меҳнат ресур-слари билан бирга улардан фойдаланишда кетадиган ха-ражатлар, иш кучининг қиймати, иш ҳақи каби тушун-чаларни ҳам инобатга олиш лозим, чунки бозор муноса-батлари кўп ва сифатли маҳсулот яратиш билан бирга унинг тежамли бўлишини ҳам тақозо қиласи.

### *5.1.6. Меҳнат салоҳияти (потенциали) самарадорлигини баҳолаш мезонлари*

Бозор муносабатлари шароитида меҳнат салоҳиятидан (потенциалидан) самарали фойдаланиш давр талаби. Бу ҳеч эскирмайдиган муаммодир, чунки ундан самарали фойда-

ланиш мулкнинг ёки ижтимоий тузумнинг қандай шаклда бўлишидан қатъи назар ҳамиша долзарбдир.

Шу боисдан ҳам бу масала ҳамиша олимлар ва мутахассислар дикқат-эътиборида бўлиб келмоқда ва бугунги бозор муносабатлари шароитида ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Меҳнат потенциалидан самараали фойдаланиш республикамиз учун бугунги кунда айниқса муҳимдир.

Бу муаммони ҳал қилиш учун унинг баъзи назарий томонларини кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Кўп адабиётларда меҳнат потенциалини иш кучи билан бир хил категория сифатида ифодалайди. Уларнинг самарадорлигини аниқлаш мезони ва кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ ҳақида аниқ тушунча берилмайди. Биз ушбу ишда меҳнат потенциали самарадорлигини аниқлаш мезонига, уни бозор муносабатлари тамойилларидан келиб чиқкан ҳолда таҳтил қилишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Самарадорлик мезонини унинг кўрсаткичларидан фарқ қилмоқ лозим. **Самарадорлик мезони** – бу моҳияти жиҳатидан ишлаб чиқарувчи, мулк эгаси ва давлатнинг моддий манфаатдорлигини ифодаловчи объектив баҳо берадиган ўлчов бирлигидан иборат бўлган иқтисодий категориядир.

Ҳар бир объект ёки жараённинг, жумладан меҳнат потенциали самарадорлигининг мезонини аниқлашда, ҳозирги бозор муносабатлари шароитида, энг аввало мулк эгасининг моддий манфаатдорлиги нуқтаи назаридан қараш лозим. Мулкдор ўзида мавжуд меҳнат потенциалидан ишлаб чиқаришда ёки бошқа соҳаларда фойдаланиши, шунчаки уларнинг ишлатилиши заруриятидан эмас, балки қандай манфаатдор эканлигидан келиб чиқади. Агар шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, меҳнат потенциалининг самарадорлиги мезони мулкдорга қанчэ моддий манфаат (фойда) келтирилиши билан ифодаланиши лозим.

Агарда меҳнат потенциали самарадорлиги мезонини ишлаб чиқарувчилар (ишчилар) нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, унда шу ишлаётган кишига қандай манфаат берётганлиги, келтираётганлиги билан аниқлаш мумкин. Ўнда самарадорлик мезони бир иш вақти бирлигига ходимга қандай манфаат келтириши билан ифодаланади. Шу сабабли ҳам меҳнат потенциали самарадорлигини

оширишда манфаатдорликнинг муштараклигини таъминлаш лозим. Агар уларнинг ишлатилишидан фақат мулкдор манфаатдор бўлса, меҳнаткашларнинг меҳнат қилишга қизиқиши бўлмайди. Агарда меҳнат потенциалидан фойдаланишга фақат ишчиларнинг манфаати кўзда тутилган бўлса, унда мулк эгаси ундан фойдаланмайди.

Хозирги пайтда республикамизда жуда кўп соҳаларда корхоналарнинг асосий қисми давлат тасарруфидан чиқарилди. Бу жуда тўғри тадбир бўлди, чунки ишчи ва ходимлар энди олдингидек фақат мулк эгаси — давлат нуқтаи назаридан эмас, балки ўзларининг шахсий манфаати нуқтаи назаридан қарайдиган бўлди. Зеро энди меҳнаткаш бир вақтнинг ўзида ҳам мулк, ҳам иш кучи ва унинг натижасига эгалик қиласидиган бўлди. Натижада бу мавжуд моддий-техника базасининг тез ва аёвсиз ишлатилиши, муддатидан олдин ишдан чиқиши ва барбод бўлишининг олди олинадиган бўлди. Энди самарадорликнинг шундай мезонини топиш керакки, у бир вақтнинг ўзида ҳам мулкдор, ҳам меҳнаткаш, ҳам давлат манфаатини тўлиқ ифодаласин.

Хозир республикамизда кўплаб хусусий корхоналар, жамоат мулкига асосланган акциядорлик жамиятлари, маъсулияти чекланган корхоналар очилмоқда ва фаолият кўрсатмоқда. Бундай корхоналарнинг иш ҳажми қисқа, фақат шу мулк эгаларининг иш кучига асосланган.

Бу ҳолда мулк ва иш кучи эгаси — меҳнаткашнинг манфаати бир-бири билан узвий ва бевосита боғлиқ. Бу шаклдаги ишлаб чиқариш ёки савдо корхонасининг меҳнат потенциали самарадорлигидан манфаатдорлик мулк эгаси учун муҳимлир. У ҳолда меҳнат потенциалидан узоқ муддат самарали фойдаланишини кўзлаб кўплаб фойда олишга интилиб иш кўради. Бу ҳолда меҳнат потенциали самарадорлиги мезонини унинг эгасига маълум вақт бирлигидан қанча фойда келтириши билан ифодалаш мумкин.

Бироқ давлат мулкига асосланган корхоналарда мулк эгаси ва меҳнаткашнинг моддий қизиқиши ҳар хил. Давлат мавжуд меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиб кўпроқ манфаатдор бўлишни хоҳласа, меҳнаткашлар эса давлат корхонасидаги моддий-техника базасини ишлатиб кўпроқ фойда олишни кўзлаб ишлайдилар.

Бундай шароитда шу икки томоннинг манфаатини ифодалайдиган самарадорлик мезонини топиш жуда мушкул. Бу борада ўз фикримизни кенг ўқувчилар оммасига, мутахассислар ва олимлар билан ўртоқлашмоқчимиз.

Бизнинг фикримизча меҳнат потенциали самарадорлиги мезонини аниқлашда унинг шаклидан келиб чиқиш лозим. Бу эса ўз навбатида глобал ва локал шаклларга бўлинади.

**Самарадорликнинг глобал мезонини аниқлашда давлат манфаати нуқтаи назаридан келиб чиқиш мақсадга мувоғиқ.** Давлатимизнинг ҳозирги сиёсати манфаатлар муштарақлигини таъминлашта қаратилган. Ҳар бир қилинган иш давлатимиз учун ҳам, мулкдор учун ҳам, меҳнаткаш учун ҳам фойдали бўлиши лозим.

Давлатимиз меҳнат потенциалидан самарали фойдаланишда фақат ўзининг кўпроқ фойда олишини кўзлаб эмас, балки меҳнаткашларнинг фаровонлигини, турмуш даражасини яхшилашни кўзлаб иш кўрмоқда. Республика раҳбариятининг ҳозирги сиёсати давлатни бойитиш билан биргаликда ҳар бир меҳнат қилган меҳнаткашнинг ҳам фаровонлигини таъминлашдан иборатdir. Зеро, фуқароси бой мамлакатнинг давлати ҳам бой бўлади.

Шундай қилиб, меҳнат потенциали самарадорлиги мезонини аниқлашда шу давлат, жамият нуқтаи назаридан ҳам қарашиб лозим экан. Бундан ҳар бир меҳнат потенциали энг аввало шу иш кучи соҳибига ва иккинчидан давлатга фойда келтириши лозим деган тушунча келиб чиқади. Бу ҳозирги бозор муносабатлари шароитида жуда муҳимдир, чунки меҳнат потенциали самарадорлигини ошириш билан биргаликда унинг доимий равишда такомиллашиб боришини ҳам таъминлаш лозимдир.

Меҳнат потенциали самарадорлигининг локал мезони бевосита мулк эгаси ва ишлаб чиқарувчилар манфаатининг муштарақлигидан келиб чиқади. Самарадорликнинг глобал мезонида ишлаб чиқарилган ялпи миллий маҳсулотнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши орқали мақсадга эришилса, бу локал мезонда миллий даромаднинг қуий бўғинларидағи тақсимланиши орқали эришилади.

Бу бевосита ишчи ва хизматчиларнинг маълум вакт

бирлигиде сарф қилинган меҳнати ва шу даврда оладиган иш ҳақининг ҳажмида ўз ифодасини топади. Бунда меҳнат потенциалининг самарадорлигини ошириш эвазига иш ҳақини кўпайтириш лозим.

Меҳнат потенциали самарадорлигининг ошиши моддий-техника базасининг қайси мулкка мансуб бўлишидан қати назар унинг ҳам самарадорлиги таъминланади. Демак, бу срда мулк эгасининг манфаатдорлиги ҳам ўз ифодасини топади. Иш ҳақининг ошиши эса иш кучи эгаси, ишчи ва хизматчилар манфаатдорлигини таъминлайди. Бу ерда давлатнинг манфаатдорлиги ҳам бор. Меҳнат потенциалининг самарадорлигини ошириш эвазига корхонанинг даромади (фойдаси) кўпаяди, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ошади. Бу икки кўрсаткич қанча кўп бўлса, давлатга тўланадиган солиқ ҳам шунча кўп бўлади. Бу билан манфаатлар муштараклиги таъминланади. Бу муштараклик меҳнат потенциали самарадорлигини оширишнинг объектив иқтисодий асоси бўлиб хизмат қиласи.

## **5.2. Меҳнат салоҳиятини (потенциалини) ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг таснифи, аниқланиш йўллари ва таҳлили**

### **5.2.1. Меҳнат салоҳиятини (потенциалини) ифодаловчи кўрсаткичлар тизими**

Меҳнат потенциалини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар иқтисодий жиҳатдан турли гуруҳларга мансуб, чунки меҳнат потенциалининг у ёки бу жиҳатларини ифодалайди.

Меҳнат потенциалини ифодаловчи барча кўрсаткичлар иқтисодий мазмунига қараб уч гуруҳга бўлинади:

1. Меҳнат потенциали ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар.
2. Меҳнат потенциали билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар.
3. Меҳнат потенциали самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Ушбу кўрсаткичлар таснифи ва уларнинг мазмuni куйидаги чизмада келтирилган (29-чизма).

## Меҳнат потенциалини (Мп) ифодаловчи кўрсаткичлар тизими

Кўрсаткичлар		
Мп. ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар	Мп. билан тъмин- ланганликни ифода- ловчи кўрсаткичлар	Мп. самарадорли- гини ифодаловчи кўрсаткичлар
Ушбу гуруҳга Мп. қандай ҳолатда эканлигини, унинг умумий миқдори, таркиби каби ҳолатларни ифодаловчи кўрсаткичлар киради	Ушбу гуруҳга Мп. билан корхонанинг штат жадвали, асосий ва айланма маблағлари қайси даражада тъминланганлигини, меҳнатнинг сифими кабиларни ифодаловчи кўрсаткичлар киради	Ушбу гуруҳ кўрсаткичларга Мп. қандай самара берастганлигини ифода этувчи унинг натижавийлиги, фойдалилиги ва даромадлилигини аниқловчи кўрсаткичлар киради

### 5.2.2. *Меҳнат салоҳияти (потенциали) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари*

Меҳнат потенциали ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар унинг қандай аҳволда эканлигини кўрсатади. Бу кўрсаткичларни ҳам ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки шу кўрсаткичлар орқали меҳнат потенциали қандай аҳволда эканлигини билиш билан бирга, уларнинг ўзгариш динамикасини, обороти ва қўнимсизлиги каби муҳим кўрсаткичларни ҳам билиш мумкин. Бозор муносабатлари шароитида ходимларнинг обороти ва қўнимсизликлари ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки улар ишсизликнинг олдини олиш, самарадорликни ошириш, ходимлар тажрибасининг ошишини тъминлаш каби муҳим жиҳатларни ўзида акс эттиради.

Меҳнат потенциали ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Меҳнат потенциалининг ўртача сони.
2. Меҳнат потенциалининг таркиби.

3. Мөхнат потенциалининг обороти.
4. Мөхнат потенциалининг кўнимсизлиги.
5. Мөхнат потенциалининг турғунлиги.

*Мөхнат потенциалининг ўртача сони таҳлил қилинаётган ҳисобот даврида аниқланади. Буни ҳисоблаш учун мөхнат потенциалининг давр бошидаги (Мпдб) ва охиридаги (Мpdo) сони қўшилиб иккига бўлинади:*

$$\overline{M_p} = \frac{M_{pd} + M_{pdo}}{2}.$$

Агар ҳисобот даврида мөхнат потенциали тўғрисидаги маълумот бир қанча вақтларда ифодаланган бўлса, у ҳолда барча кўрсаткичлар қўшилиб унинг сонига бўлинади:

$$\overline{M_p} = \frac{1}{2} \sum_{i=1}^n M_{pi}.$$

*Мөхнат потенциали таркибини таҳлил қилганда ходимларни алоҳида категориялар бўйича аниқлаш лозим. Масалан, умумий мөхнат потенциалида олий маълумотли ходимлар (Омх) улуши ёки ўрта маҳсус маълумотли ходимлар (УМХ) улуши каби кўрсаткичларни аниқлаш мумкин.*

$$M_{pt} = \frac{Om_x}{M_p} \quad M_{pt} = \frac{UM_x}{M_p} \times 100.$$

Булардан ташқари умумий мөхнат потенциалида бошқарув ходимлари улуши, муҳандис-техник ходимлар улуши, мутахассислар улуши каби кўрсаткичларни ҳам аниқлаш мумкин.

$$M_{pt} = \frac{M_{pi}}{M_p},$$

бунда:  $M_{pi}$  — мөхнат потенциалининг алоҳида  $i$  — гуруҳлари.

*Мөхнат потенциали оборотини таҳлил қилиш ҳам хозирги даврда катта аҳамиятга эга. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун барча ишга қабул қилинган ходимларга (Мп.к) ишдан бўшатилган ходимларни (Мп.б) қўшиб умумий мөхнат потенциали сонига бўламиз.*

$$M_{\text{п.об}} = \frac{M_{\text{п.к}} + M_{\text{п.б}}}{M_{\text{п}}}.$$

Ушбу кўрсаткични алоҳида ишга қабул қилинган ва ишдан бўшатилган ходимлар бўйича ҳам аниқлаш мумкин:

$$M_{\text{п.об.к}} = \frac{M_{\text{п.к}}}{M_{\text{п}}}; \quad M_{\text{п.об.б}} = \frac{M_{\text{п.б}}}{M_{\text{п}}}.$$

*Меҳнат потенциалининг қўнимсизлиги* умумий меҳнат потенциалида салбий оқибатлар натижасида ишдан бўшатилган ходимларнинг улушини ифодалайди. Салбий сабаблар билан ишдан бўшаганлар таркибига ўз аризаси билан бўшаганлар ҳам киради. Чунки кўпинча ўз ихтиёри билан ишдан бўшаган одамлар бирор шароитдан норози бўлиб бўшайди. Лекин сабабини ҳаммага айтиб ўтиришни ўзларига эп кўрмайдилар. Шу туфайли бундай кишилар ҳам ходимларнинг қўнимсизлигини аниқлашда қўшилади. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$M_{\text{п.кўп}} = \frac{M_{\text{п.салб}}}{M_{\text{п}}}.$$

*Меҳнат потенциалининг турғуналиғи* ҳам унинг ҳолатини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир. Буни аниқлаш учун шу корхонада ( фирмада, компанияда) уч йилдан ортиқ ишлаган ходимлар сонини ( $M_{\text{п}} 3$  йилдан кўп ишлаганлар) меҳнат потенциалининг умумий микдорига бўлиш йўли билан аниқлаш мумкин:

$$M_{\text{п.тур}} = \frac{M_{\text{п}} 3 \text{ йилдан ортиқ ишлаганлар}}{M_{\text{п}}}.$$

Ушбу кўрсаткичларнинг номи, аниқланиш йўллари ва нимани ифодалайдиган мазмуни қуйидаги чизмада келтирилган (*30-чизма*).

Ушбу кўрсаткичларни амалий маълумотларни қўллаган ҳолда аниқлаб тегишли таҳлилий хulosалар чиқариш лозим. Бу учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиласиз. (*38-жадвал*).

### 30-чизма

#### Меҳнат потенциали (Мп) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари

Мп ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар				
Мп.нинг ўртача сони	Мп.нинг таркиби	Мп. обороти	Мп.нинг қўнимсизлиги	Мп. турғуналиги
Мпдб + Мпдо 2	Мпі Мп	Мпк + Мпб Мп	Мп.салб Мп	МпЗйор. Мп
Мп. билан боғлиқ кўп кўрсаткичларни аниқлашда зарур. Бу бир давр бирлигига ўртача қанча Мп. банд бўлганлигини ифодалайди	Мп. таркиби қанча мутахассислар олий ёки ўрта маъсус маълумотга эга кадрлар улуши кабиларни ифодалайди	Ҳисобот даврида қанча киши ишдан бўшаган ва қабул қилинганинг улушкини ифодалайди. Ишга қабул қилинган ва ишдан бўшаганларнинг улушкини алоҳида ҳисоблаш ҳам мумкин	Салбий сабаблар (шу жумладан ўз аризасига биноан) билан бўшатилган ходимларнинг умумий ходимлардаги улушкини ифода этади	Корхонада тургун одамлар яъни шу ерда, З йилдан кўп ишлаган одамлар улушкини ифода этади

### 38-жадвал

#### Меҳнат потенциали ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Ўзгириш суръати, %
1. Меҳнат потенциалининг ўртача йиллик сони, киши	112	121	+9	108,0
2. Шу жумладан олий маълумотли мутахассислар, киши	20	22	+2	110,0
3. Уларнинг улуди, % (2кx100:1к)	17,86	18,18	+0,32	101,8
4. Ишчилар сони, киши	98	106	+8	108,2
5. Ишчиларнинг улуди, % (4кx100:1к)	87,5	87,6	+0,1	100,1

### 38-жадвал давоми

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Ўзгариш суръати, %
6. Ишга қабул қилинганлар, киши	10	17	+7	170,0
7. Ишдан бўшатилганлар, киши	5	8	+3	160,0
8. Шу жумладан салбий асослар билан бўшатилганлар, киши	3	5	+2	166,7
9. Мп. обороти, коэффициенти $(6к+7к):(1к)$	0,134	0,207	+0,073	154,5
10. Мп. қўнимсизлиги, коэффициенти $(8к:1к)$	0,027	0,041	+0,014	151,9
11. Шу корхонада 3 йилдан кўп ишлаган ходимлар сони, киши	101	105	+4	104,0
12. Мп. турғунлиги, коэффициентда $(11к:1к)$	0,90	0,87	-0,03	96,7

*Изоҳ.* Жадвалдаги кўрсаткичлар сони анча қисқартирилиб олинди. Масалан, меҳнат потенциали таркибини ходимлар малакаси бўйича оладиган бўлсак, у тўртта бўлиши керак. Аммо биз факат олий маълумотли мутахассислар улушкини аниқлаш билан чекландик. Бу услубий асос бўлиш учун шундай қилинди, чунки қолган кўрсаткичлар ҳам худди шу тарзда аниқланади.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, меҳнат потенциали ҳолатини ифодаловчи ва у билан боғлиқ барча кўрсаткичлар ҳисобот даврида ўтган даврга нисбатан ошган. Аммо улар турли даражага эга. Масалан, меҳнат потенциалининг ўртача йиллик сонининг ўсиш суръати 108%ни ташкил қилган бир пайтда, олий маълумотли мутахассислар сонини 110,0%ни ташкил қиласди. Демак, ушбу корхонада ходимларнинг малакалик даражаси ошганлигидан далолат беради. Ҳақиқатда ушбу кўрсаткич ўтган йилда 17,86%ни ташкил қилган бўлса, бу йил 18,18%га етди, яъни 1,8% бандга ошди. Ишчилар сони меҳнат потенциалига мос равишда ўстган. Унинг ўсиш суръати 108,2%ни ташкил қиласди. Натижада уларнинг улуси деярли ўзгармасдан қолган.

Ходимларнинг обороти ва қўнимсизлигининг ўсиш суръати мос равищда 154,5 ва 151,9%ни ташкил қиласди. Натижада меҳнат потенциалининг турғунлиги камайган. Ўтган йили 3 йилдан ортиқ ишлаётганларнинг улуси барча ходимларнинг 90%ни ташкил қилган бўлса, ҳисобот йи-

лида ушбу кўрсаткич 87%ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич албатта салбий ҳолатдан далолат беради. Лекин ишга қабул қилганларни чукурроқ ўрганиш лозим. Балки янги ходимлар илғор технологиянинг кириб келиши билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Шундай қилиб, ҳар бир таҳлил қилинаётган обьектда меҳнат потенциали ва ҳолатини ўрганиш бу борадаги хulosани ойдинлаштиради.

### *5.2.3. Меҳнат салоҳияти (потенциали) билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари*

Меҳнат потенциалини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимида улар билан таъминланганликни характерловчи кўрсаткичларнинг алоҳида ўрни бор, чунки меҳнат потенциали билан етарли даражада таъминланмаса ҳар қандай жараён ҳам меъёрдагидек содир бўлмаслиги мумкин. Агар керагидан кўп таъминланган бўлса корхона учун ортиқча сарф харажатларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Шу туфайли ушбу гурӯҳ кўрсаткичларини аниқлаш, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш бозор муносабатлари шароитида муҳим аҳамиятга эга.

Меҳнат потенциали билан таъминланганликни ифодалаш учун қўйидаги асосий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишни тавсия қиласиз:

1. Меҳнат потенциали билан штат жадвалининг таъминланганлиги.
2. Меҳнат потенциали сифими.
3. Меҳнат потенциалининг қуролланганлиги.
4. Айланма маблағларнинг меҳнат потенциали билан таъминланганлиги.

Ҳар бир кўрсаткичнинг аниқланиш йўлларини кўриб чиқиш лозим. Таҳлилнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда ушбу кўрсаткичлар сонини кўпайтириш ёки камайтириш мумкин.

*Меҳнат потенциали билан штат жадвалининг таъминланганлигини аниқлаш учун бир қанча ҳисоб-китоблар қилиш мумкин. Энг аввало бу бўйича умумий кўрсаткични аниқлаш лозим. Бу учун меҳнат потенциалининг*

ҳақиқий миқдорини (Мп.х) унинг штат жадвалидаги миқдорига (Мп.шж) бўлинади:

$$Мп.шж.там = \frac{Мп.х}{Мп.шж}.$$

Худди шундай кўрсаткични унинг алоҳида гуруҳлари бўйича ҳам аниқлаш мумкин. Масалан, олий маълумотли ходимларнинг ҳақиқий миқдорини штат жадвали бўйича шундай ходимларга бўлиш мумкин. Ёки корхонада банд бўлган муҳандис-техникларнинг ҳақиқий миқдорини штат жадвалидаги шундай мутахассислар миқдорига бўлиш йўллари билан ҳам аниқлаш мумкин. Бу каби кўрсаткичларни аниқлаш шу соҳа бўйича нимани таҳлил қилиншига боғлиқ.

*Меҳнат потенциалининг сигими* (Мпсг) ҳам ушбу гуруҳга кирувчи муҳим кўрсаткичлардан бири. Уни аниқлаш учун меҳнат потенциали миқдорини (Мп) яратилган (сотилган) маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмининг (Q) миқдорига бўлинади:

$$Мпсг = \frac{Мп}{Q}.$$

Ушбу кўрсаткич режа бўйича ва ҳақиқатда бир қанча даврларга аниқланиб таққосланиши орқали таҳлил қилинади ва тегишли хulosалар чиқарилади.

*Меҳнат потенциалининг қуролланганини ёки асосий воситалар фаол қисмининг меҳнат потенциали* билан таъминланганлигини ифодаловчи кўрсаткични аниқлаш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳозир жаҳонда фан-техника тараққиёти жадал ривожланаётган пайтда Ўзбекистон ҳам орқада қолмаслиги, шу ютуқ томон интилиб яшаши лозим. Бу эса меҳнатнинг энг илғор техника ва технология билан қуролланишини тақозо қиласи. Шу туфайли ушбу кўрсаткични ҳар бир корхонада аниқлаш ва таҳлил қилиш лозим. Буни аниқлаш учун асосий воситаларнинг фаол қисмини (Ав.Ф) меҳнат потенциали миқдорига (Мп) бўлинади ёки тескариси:

$$Мп.к = \frac{Ав.Ф}{Мп}; \quad \text{ёки} \quad Мп.т = \frac{Мп}{Ав.Ф}.$$

*Айланма маблағларнинг меҳнат потенциали билан таъминланганлиги* (Айм.мп) ҳам меҳнат потенциалини таҳлил қилишда ва бошқа кўрсаткичлар ўзгаришига шу билан боғлиқ омилларнинг таъсирини аниқлашда қўлланилади. Буни аниқлаш учун меҳнат потенциали миқдорини (Мп) айланма маблағлар ҳажмига (Ам) бўлиш лозим:

$$\text{Айм.мп} = \frac{\text{Мп}}{\text{Айм}}.$$

Ушбу кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш йўллари ва нимани ифодалайдиган мазмуни қуйидаги чизмада келтирилган (*ЗI-чизма*).

### ЗI-чизма

#### Меҳнат потенциали (Мп) билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари

Мп. билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар			
Мп. билан штат жадвалининг таъминланганлиги	Мп. сифими	Мп.нинг куролланганлиги	Айланма маблағларнинг Мп. билан таъминланганлиги ва ҳоказо
$\text{Мпшж.Там} = \frac{\text{Мп.х}}{\text{Мп.шж}}$	$\text{Мп} = \frac{\text{Мп}}{Q}$	$\text{Мп.к} = \frac{\text{Ав.Ф}}{\text{Мп}}$	$\text{Айм.мп} = \frac{\text{Мп}}{\text{Айм}}$
Корхона штат жадвали қай даражада таъминланганлигини, тегишли мутахассисларнинг етарли эканлиги ёки янги мутахассисларни қабул қилиш зарурлиги кабиларни ифодалайди	Битта маҳсулот (иш, хизмат) бирлигига тўғри келадиган меҳнат потенциалини ифодалайди	Мп. қай дараҷада фаол асосий воситалар билан таъминланганлигини ёки унинг тескариси 1 сўм асосий воситага қанча Мп. тўғри келишини ифода этади	1 сўм айланма маблағларга қанча Мп. тўғри келишини ифодалайди, ёки унинг тескариси Мп.нинг қай дараҷада Айм. билан таъминланганлигини кўрсатади

Чизмадаги назарий тавсиялар бевосита амалиёт талабидан келиб чиқсан ва улар амалиётда қўлланилиши лозим. Шу мақсадда ушбу формулаларнинг амалиётда фойдаланишини аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда таҳдил қилиш усусларини кўриб чиқамиз. Бу учун қўйидаги жадвални тузишни тавсия қилинади (39-жадвал).

### 39-жадвал

#### Меҳнат потенциали билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Ўзгариш суръати, %
1. Меҳнат потенциали сони штат жадвали бўйича, тегишли йил бошида, киши	107	109	+2	101,9
2. Ҳақиқий меҳнат потенциали сони, тегишли йил бошида, киши	110	114	+4	103,6
3. Мп. билан штат жадвалининг таъминланганлик даражаси, % (1к:2к×100)	97,3	95,6	-1,7	98,3
4. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
5. Мп. ўртача йиллик миқдори, киши	112	121	+9	108,0
6. Меҳнат сифими, бир миллион сўм маҳсулотга тўғри келадиган ходимлар сони, киши (5к:4к)	24,4	21,2	-3,2	86,9
7. Асосий воситалар фаол қисмининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	3726	3938	+212	105,7
8. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	5660	6000	+340	106,0
9. Мп.нинг куролланганлиги, минг сўм (7к:5к)	33,27	32,55	-0,72	97,8
10. Айм.нинг Мп. билан таъминланганлиги, бир миллион сўм Айм.га тўғри келадиган Мп, киши (5к:8к)	19,8	20,2	+0,4	102,0

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турбдики, штат жадвалининг таъминланганлик даражаси ҳисобот даврида ўтган йилга нисбатан 1,7 фоиз бандга камайган, яъни ўтган йилда ушбу кўрсаткичнинг миқдори 97,3%ни ташкил қилган бўлса, ҳисобот йилида 95,6 фоизга тенг бўлди. Қайси-

ки шу ҳудудда иш сўраб меҳнат биржасига мурожаат қилгандар кўпчиликни ташкил қиласи. Бундай шароитда корхона биринчи галда штат жадвали бўйича кадрлар билан ўз эҳтиёжини таъминлаб олгани маъқул. Ҳисобот даврида ўтган йилга нисбатан меҳнат сифими ҳам 3,2 бандга, яъни 24,4 кишидан 21,2 кишигача камайган. Бу яхши кўрсаткич. Лекин у штат жадвалининг тўлиқ таъминланган пайтига тўғри келса жуда яхши бўлар эди. Ҳудди шундай ҳолатни меҳнат потенциалининг қуролланганлиги бўйича ҳам қайд қилиш мумкин. Чунки ушбу кўрсаткичнинг микдори ўтган йилдаги 33,3 минг сўмдан ҳисобот йилида 32,6 минг сўмгача, яъни 2,2% камайган (100–97,8). Бу ҳолатни ҳозирги пайтда оқлаб бўлмайди. Ҳозир, юқорида таъкидланганидек, меҳнатнинг қуролланганлик даражаси муутазам равишда ошиб бориши лозим. Шундагина ҳар бир хўжалик юритувчи субъект юқори унумдорликка эришиши мумкин. Ушбу корхонада айланма маблағларнинг меҳнат потенциали билан таъминланганлик даражаси ошган. Ушбу кўрсаткичнинг микдори ўтган йилда 19,8 кишини ташкил қиласи бўлса, ҳисобот йилида 20,2 кишига етган ёки 2,0% кўп бўлган. Бу кўрсаткич ҳам етарли даражада ижобий ҳолатдан дарак бермайди. Чунки ҳисобот йилида буюмлашган меҳнатнинг микдорига нисбатан жонли меҳнатнинг ҳажми ошиб борган. Булар эса меҳнат потенциали самарадорлигининг пасайишига таъсир этмасдан иложи йўқ.

#### *5.2.4. Меҳнат салоҳияти (потенциали) самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари*

Меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш мулк шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ўта муҳимдир. Чунки меҳнат қанча самарали бўлса, иқтисодий кўрсаткичлар шунча юқори бўлади. Шу туфайли ушбу груп кўрсаткичларини алоҳида баҳолаш ва таҳлил қилиш лозим.

Меҳнат потенциали самарадорлиги ҳам самарадорликнинг умумий тамойилига асослангандир, яъни уни аниқлаш учун натижани ( $Q$ ) меҳнат потенциали ( $M_p$ ) нисба-

тига бўлиш лозим. Аммо турли соҳаларда натижа ҳам ҳар хил кўрсаткичлар билан ўлчаниши мумкин. Бу таҳлилнинг вазифаси ва аҳамиятидан келиб чиқади. Биз ушбу ишда ҳамма соҳага умумий бўлган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиши тавсия қиласиз. Бундай кўрсаткичларга қўйидагилар киради:

1. Меҳнат потенциалининг натижавийлиги.
2. Меҳнат потенциалининг рентабеллиги.
3. Меҳнат потенциалининг даромадлилиги.

Ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бирини аниқлаш йўлларини алоҳида кўриб чиқиш мақсадгага мувофиқдир.

*Меҳнат потенциалининг натижавийлиги* (Мп.н) натижанинг меҳнат потенциалига нисбати билан аниқланади. Натижа қандай кўрсаткичлар бўлиши мумкин? Бу ўрганилаёттан соҳага, таҳлилнинг мақсадига қараб турлича бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш соҳасида асосий натижавий кўрсаткич ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, тайёр маҳсулот ҳажми бўлиши мумкин. Бу таҳлилнинг қайси кўрсаткичини қайси мақсадлар учун ўтказилаётганлигига боғлиқ. Бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш корхоналари учун ҳам маҳсулотнинг сотилиши мухим. Шу жихатдан кўп ҳолларда сотилган маҳсулот ҳажми олинади. Савдо соҳасида натижавий кўрсаткич товар обороти, транспорт корхоналарида юк обороти, қурилишда бажарилган ишлар ҳажми каби кўрсаткичлардан фойдаланиши мумкин.

Агар натижани «Q» деб белгиласак, унинг меҳнат потенциалига (Мп) нисбати, яъни меҳнат потенциалининг натижавийлиги қўйидагича аниқланади:

$$M_p.n = \frac{Q}{M_p}.$$

Ушбу кўрсаткич I сўм меҳнат потенциалига қанча сўм микдорида натижа (маҳсулот, товар обороти, юк обороти кабилар) тўғри келганлигини ифодалайди. Буни бошқача сўз билан меҳнат унумдорлиги деб ҳам аташ мумкин. Ушбу кўрсаткич қанча кўп бўлса, меҳнат потенциалининг самарадорлиги шунча юқори эканлигидан далолат беради.

*Меҳнат потенциали рентабеллиги* (Мп.р) ҳар бир меҳнат потенциали бирлигига тўғри келадиган фойда (Ф)

миқдорини ифодалайди. Уни аниқлаш учун фойда суммасини меҳнат потенциалига (Мп) нисбати олинади:

$$M_{p.r} = \frac{\Phi}{M_p}.$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори ҳам қанча кўп бўлса, самарадорлик кўрсаткичи шунча юқори эканлигидан далолат беради.

*Меҳнат потенциали даромадлилиги* (Мп.д) ҳам унинг самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир. Уни аниқлаш учун ялпи даромад суммасини (Д) меҳнат потенциали миқдорига (Мп) бўлинади:

$$M_{p.d} = \frac{D}{M_p}.$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори ҳам қанча кўп бўлса, самарадорлик шунча юқори деган хуносага келиш мумкин. Чунки ҳар меҳнат потенциалига тўғри келадиган даромад миқдори юқори бўлади.

Ушбу кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш йўллари ва мазмуни қўйидаги чизмада ифодаланган (32-чизма).

Чизмада келтирилган кўрсаткичлар тизимига амалий маълумотларни қўллаб меҳнат потенциали самарадорлигини таҳдил қилиш мумкин. Бу учун қўйидаги жадвал тузилади (40-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, маҳсулот ҳажми ялпи даромад ва фойда миқдори ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан анчага ўстган. Ушбу кўрсаткичларнинг ўсиш суръати мос равишда 124,2, 139,3 ва 134,8%ни ташкил қиласди. Бироқ меҳнат потенциалининг ўсиш суръати ушбу натижавий кўрсаткичларга нисбатан анча паст. Унинг миқдори шу таҳдил даврида атиги 108,0%ни ташкил қиласди. Оқибатда самарадорликнинг барча кўрсаткичлари бўйича юқори натижага эришилган. Масалан, меҳнатнинг натижавийлиги бўйича ўсиш суръати 115,0%ни ташкил қиласган бўлса, унинг даромадлилиги 128,9%га тенг бўлди. Меҳнат потенциалининг рентабеллилиги эса 124,6% ошган. Демак, меҳнатнинг самарадорлигини ифодаловчи барча кўрсаткичлар бўйича таҳдил қилинаётган объект юқори кўрсаткичларга эришган.

## 32-чизма

### Мехнат потенциали самарадорлигини ифодаловчи күрсаткичлар тизими ва уларни аниклаш йўллари

$\text{Мехнат потенциали самарадорлиги (Мпс) = } \\ \text{Натижга (Q) / Мехнат потенциали (Мп)}$		
Мп. натижавийлиги	Мп. рентабеллиги	Мп. даромадлилиги
$Мп.н = \frac{Q}{Мп}$	$Мп.р = \frac{\Phi}{Мп}$	$Мп.д = \frac{Д}{Мп}$
I Мп. миқдорига неча сўм маҳсулот тўғри келишини ифодалайди	I Мп. миқдорига қанча фойда суммасининг тўғри келишини ифодалайди	I Мп. миқдорига қанча даромад суммаси тўғри келишини ифодалайди

## 40-жадвал

### Мехнат потенциалининг самарадорлигини ифодаловчи күрсаткичларнинг ҳисоб-китоби

Күрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисоббот йилида	Фарқи (+, -)	Ўзгариш суръати, %
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
2. Ялпи даромад, минг сўм	511,0	711,7	+200,7	139,3
3. Соф фойда, минг сўм	368	496,2	+128,2	134,8
4. Мехнат потенциали ўртача йиллик миқдори, киши	112	121	+9	108,0
5. Мп. натижавийлиги, яъни меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1к:4к)	40,02	47,06	+6,14	115,0
6. Мп. даромадлилиги, минг сўм (2к:4к)	4,56	5,88	+1,32	128,9
7. Мп. фойдалилиги, минг сўм (3к:4к)	3,29	4,10	+0,81	124,6

Албатта, бу ўз-ўзидан содир бўлган эмас. Бунга бир қанча омиллар таъсир қилган. Таҳлил жараёнида қандай омиллар қайси кўрсаткичга қай даражада таъсир қилганини аниклаш муҳимдир.

### *5.2.5. Меҳнат салоҳияти (потенциали) самарадорлигининг омилли таҳлили*

Юқорида таъкидланганидек меҳнат потенциали самарадорлигини ифодалаш учун кўрсаткичлар тизими қўлланилади. Бироқ ҳар бир кўрсаткич ҳам у ёки бу жиҳати билан муҳимдир. Шу туфайли омилли таҳлилда уларнинг ҳар бирига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг бошқа кўрсаткичларга қандай таъсир қилганлигини ҳам ҳисоблаш катта аҳамиятга эга. Чунки иқтисодий жараёнлар ва уларнинг иникоси бўлган кўрсаткичлар ҳам бирбири билан узвий боғлиқдир.

Шу билан бирга бир кўрсаткич таҳлил жараёнида биринчи галда натижа деб қаралса, иккинчи ҳолда омил деб қаралиши мумкин. Масалан, меҳнат унумдорлигини олайлик. Бу меҳнат потенциали самарадорлигини ифода этувчи муҳим натижавий кўрсаткич. Омилли таҳлилнинг биринчи босқичида шунга таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш мумкин. Шу билан бирга айнан ушбу кўрсаткич бир қанча бошқа кўрсаткичларга таъсир этувчи омил ҳамдир.

Бу эса омилли таҳлилда ҳар бир кўрсаткични аввало натижавий кўрсаткич сифатида ва сўнгра омил сифатида қараш лозимлигини тақозо қиласи.

**Меҳнат унумдорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар ҳисоби.** Меҳнат унумдорлиги меҳнат потенциали самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири. Чунки бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти айнан шу кўрсаткич миқдорига боғлиқ.

Меҳнат унумдорлиги бир вақт бирлигida (кун, ой, чорак, йил) бир ходим томонидан яратилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми билан ўлчанади. Бу кўрсаткич натижани ходимларнинг ўртача сонига (вақт бирлигига) бўлиш йўли билан аниқланади:

$$\text{Меҳнат унумдорлиги} = \frac{\text{Фаолият натижаси (Q)}}{\text{Меҳнат потенциали ёки ходимлар сони (X)}}.$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, меҳнат унумдор-

лигига иккита омил таъсир қылмоқда. Уларнинг натижа ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун бир қанча усуллардан фойдаланиш мумкин. Бу ерда қайта ҳисоблаш усулини қўллаган ҳолда аниқлаш йўлари кўрсатилган. Энг аввало натижа, яъни меҳнат унумдорлиги қайта ҳисобланаб олинади:

**Қайта ҳисобланган меҳнат унумдорлиги ( $My_{.kx}$ ) қуйидаги формула билан аниқланади:**

$$My_{.kx} = \frac{Q^x}{X^p}.$$

бунда:  $Q^x$  — натижанинг ҳақиқий миқдори;  $X^p$  — Мп.нинг режадаги миқдори.

Энди меҳнат унумдорлиги ўзгаришига натижанинг таъсирини ( $My_Q$ ) аниқлаш мумкин. Бу учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta My_Q = My^{kx} - My^p = \left( \frac{Q^x}{X^p} \right) - \left( \frac{Q^p}{X^p} \right)$$

бунда:  $My^{kx}$  — қайта ҳисобланган меҳнат унумдорлиги;  $My^p$  — режадаги меҳнат унумдорлиги.

Меҳнат унумдорлиги ўзгаришига ходимлар сони таъсирини ( $My_x$ ) аниқлаш учун эса қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta My_x = My^x - My^{kx} = \left( \frac{Q^x}{X^x} \right) - \left( \frac{Q^x}{X^p} \right)$$

бунда:  $My^x$  — меҳнат унумдорлигининг ҳақиқий миқдори.

Шу икки омил таъсири  $My$ .нинг умумий фарқига тенг ( $\Delta My$ ):

$$\Delta My = \Delta My_Q \pm \Delta My_x.$$

Ушбу формулаларга аниқ маълумотларни қўллаб меҳнат унумдорлиги ўзгаришига юқорида қайд этилган омиллар таъсирини ҳисоблаш йўларини кўриб чиқиш мумкин (41-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдик, меҳнат унумдорлиги ҳисбот даврида 6,14 минг сўмга ёки 115,0%га ошган. Бунга иккита омил таъсир қилган. Уларнинг таъсирини аниқлаш учун қайта ҳисоблаш усулидан фойдаланилади.

**Меҳнат унумдорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар  
ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Ўзгариш суръати, %
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
2. Ходимлар сони, киши	112	121	+9	108,0
3. Меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1к:2к)	40,92	47,06	+6,14	115,0

Қайта ҳисобланган меҳнат унумдорлигини аниқлаш учун маҳсулот ҳажмининг ҳакикий миқдорини ( $Q^x$ ) ходимлар сонининг ўтган йилги миқдорига ( $X^p$ ) бўлинади:

$$My^{xx} = \frac{Q^x}{X^p} = \frac{5694,5}{112} = 50,84 \text{ минг сўм.}$$

Энди меҳнат унумдорлиги ўзгаришига маҳсулот ҳажми ўзгаришининг таъсирини аниқлаш мумкин. Бизнинг мисолимизда маҳсулот ҳажмининг 1111,2 минг сўмга ошганилиги меҳнат унумдорлиги миқдорини 9,92 минг сўмга кўпайтириди:

$$50,84 - 40,92 = +9,92 \text{ минг сўм.}$$

Ходимлар сонининг 9 кишига кўпайиши эса меҳнат унумдорлигини 3,78 минг сўмга камайтириди:

$$47,06 - 50,84 = -3,78 \text{ минг сўм.}$$

Ана шу икки омилнинг таъсири натижа ўзгаришининг умумий фарқига teng:

$$9,92 - 3,78 = +6,14 \text{ минг сўм.}$$

Энди омилли таҳлилни иккинчи йўналиш бўйича кўриб чиқамиз. Бунда меҳнат унумдорлигига омил сифатида қаралади. Меҳнат унумдорлиги энг аввало маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсир қиласи. Энди натижа сифатида маҳсулот ҳажми ( $Q$ ) олинади.

Меҳнат унумдорлиги асосан ишчиларнинг меҳнати эвазига ошади. Шу туфайли уларнинг таъсирини алоҳида

Ўрганиш амалиёт нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади, натижага, яъни маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига, ( $\Delta Q$ ) ходимлар сони ( $X$ ) ишчиларнинг умумий ходимлардаги ҳиссаси ( $Y_i$ ) ва уларнинг меҳнат унумдорлиги ( $M_{ui}$ ) таъсирини аниқлаш учун қуидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$Q = X \times Y_i \times M_{ui}.$$

Q.нинг ходимлар сони ўзгариши эвазига ўзгарғанлигини фарқли усул билан ҳам аниқлаш ( $\Delta Q_x$ ) мумкин. Бу учун қуидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Q_x = (X^x - X^p) \times Y_i^p \times M_{ui}^p.$$

Q.нинг  $Y_i$  таъсири эвазига ўзгаришини аниқлаш ( $\Delta Q_{yi}$ ) учун эса қуидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\Delta Q_{yi} = X^x \times (Y_i^x - Y_i^p) \times M_{ui}^p.$$

Q.нинг  $M_{ui}$  таъсири эвазига ўзгаришини аниқлаш ( $\Delta Q_{mui}$ ) учун ушбу формула тавсия қилинади:

$$\Delta Q_{mui} = X^x \times Y_i^x \times (M_{ui}^x - M_{ui}^p).$$

Q.нинг ўзгаришига барча омилларнинг таъсири қуидагича ҳисобланади:

$$\Delta Q = \Delta Q_x \pm \Delta Q_{yi} \pm \Delta Q_{mui}.$$

Ушбу формулалардан фарқли усулни қўллаган ҳолда фойдаланилади. Бундан ташқари натижага омиллар таъсирини занжирли алмаштириш усули билан ҳам аниқлаш мумкин. У ҳолда биринчи омилнинг таъсири қуидагича аниқланади:

$$\Delta Q_x = (X^x \times Y_i^p \times M_{ui}^p) - Q^p.$$

Иккинчи омил таъсирини аниқлашда ушбу формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Q_{yi} = (X^x \times Y_i^x \times M_{ui}^p) - (X^x \times Y_i^p \times M_{ui}^p).$$

Натижа ўзгаришига учинчи омил таъсири қуидагича ҳисобланади:

$$\Delta Q_{mui} = Q^x - (X^x \times Y_i^x \times M_{ui}^p).$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$\Delta Q = \Delta Q_x \pm \Delta Q_{yu} \pm \Delta Q_{mu}.$$

Ушбу усулга амалий маълумотларни қўллаб натижага алоҳида омиллар таъсирини аниқлаш мумкин (42-жадвал).

**42-жадвал**

**Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига ( $Q$ ) ходимлар сони ( $X$ ),  
ишчиларнинг умумий ходимлардаги улуши ( $Y_u$ )  
ва уларнинг меҳнат унумдорлигининг ( $M_u$ ) таъсирини  
аниқлаш ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Занжирли алмаштиришлар		
				1	2	3
1. Ходимлар сони, киши	112	121	+9	121	121	121
2. Шу жумладан ишчилар сони	98	106	+8	x	x	x
3. Ишчиларнинг умумий ходимлар сонидаги улуши, % ( $2k:1k \times 100$ )	87,5	87,6	+0,1	87,5	87,6	87,6
4. Ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги, минг сўм ( $5k:2k$ )	46,77	53,72	+6,95	46,77	46,77	53,72
5. Маҳсулот ҳажми, минг сўм ( $1k \times 3k \times 4k$ )	4583,3	5694,5	+1111,2	4951,8	4957,4	5694,5

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, маҳсулотнинг ҳажми ҳисобот йилида 1111,2 минг сўмга кўпайган. Бунга қўйидаги омиллар таъсири қилган:

1. Ходимлар сонининг 9 кишига кўпайганлиги маҳсулот ҳажмини 368,5 минг сўмга кўпайтирган:

$$4951,8 - 4583,3 = +368,5 \text{ минг сўм.}$$

2. Ишчиларнинг умумий ходимлардаги улушкининг 0,1% кўпайганлиги маҳсулот ҳажмини 5,6 минг сўмга оширган:

$$4957,4 - 4951,8 = +5,6 \text{ минг сўм.}$$

3. Ишчилар меҳнат унумдорлигининг 6,95 минг сўмга ошиганлиги маҳсулот ҳажмини 737,1 минг сўмга оширган:

$$5694,5 - 4957,4 = +737,1 \text{ минг сўм.}$$

Одатдагидек, барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$368,5 + 5,6 + 737,1 = +1111,2 \text{ минг сўм.}$$

Омилли таҳдил натижасида меҳнат унумдорлигини, яъни потенциалининг натижавийлигини икки томонлама кўриб чиқдик. Биринчидан ушбу кўрсаткичга таъсир этувчи омилларни, иккинчидан эса ушбу кўрсаткичларнинг бошқа натижа кўрсаткичларга таъсирини. У ва бу ҳолда ҳам мавжуд ички имкониятлар ўрганилди, аниқланди ва тегишли қарорлар қабул қилиш учун асосий ахборотларга эга бўлинди.

### *5.2.6. Меҳнат салоҳияти (потенциали) рентабеллиги ва унга таъсир қилувчи омиллар таҳдили*

Меҳнат потенциали рентабеллиги фойдани юзга кўпайтириб унинг миқдори ёки қийматига бўлиш йўли билан аниқланади:

$$\frac{\text{Меҳнат потенциали}}{\text{рентабеллиги (Мпр)}} = \frac{\text{Фойда } (\Phi) \times 100}{\text{Меҳнат потенциали (Мп)}}.$$

Ушбу кўрсаткич ўзгаришига фойда ва меҳнат потенциали миқдори таъсир қиласи. Буларнинг натижага таъсирини аниқлаш учун қайта ҳисоблаш усулидан фойдаланилади. Қайта ҳисобланган меҳнат потенциали рентабеллиги ( $M_{pr}^{xx}$ ) қуидагича аниқланади:

$$M_{pr}^{xx} = \frac{\Phi^x}{M_p^p}.$$

Меҳнат потенциали рентабеллигининг фойда эвазига ўзгаришини ( $M_{pr}.\Phi$ ) аниқлаш учун қуидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta M_{pr}.\Phi = M_{pr}^{xx} - M_{pr}^p = \left( \frac{\Phi^x}{M_p^p} \right) - \left( \frac{\Phi^y}{M_p^p} \right)$$

Меҳнат потенциали рентабеллигининг меҳнат потенциали ҳажми ўзгариши эвазига ўзгарганлигини ( $M_{pr}.mp$ ) аниқлаш учун қуидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta M_{\text{пр.мп}} = M_{\text{пр}^x} - M_{\text{пр}^{kx}} = \left( \frac{\Phi^x}{M_{\text{пр}^x}} \right) - \left( \frac{\Phi^x}{M_{\text{пр}^{kx}}} \right)$$

Одатдагидек, натижанинг умумий ўзгариши шу икки омил таъсирига teng. Бу қуйидагича аниқланади:

$$\Delta M_{\text{пр}} = M_{\text{пр.ф}} \pm M_{\text{пр.мп.}}$$

Ушбу формулаларга амалий маълумотларни кўллаб тавсия қилинган назарий усулнинг амалиётда фойдаланиш мумкинлигини асослаш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (43-жадвал).

### 43-жадвал

#### Меҳнат потенциали самараадорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Ўзгариш суръати, %
1. Соф фойда, минг сўм	368,0	496,2	+128,2	134,8
2. Меҳнат потенциали, киши	112	121	+9	108,0
3. Меҳнат потенциали рентабеллиги, сўм (Ік:2к)	3286	4101	+815	124,8

Ушбу жадвал маълумотларига асосан меҳнат потенциали рентабеллигининг қайта ҳисобланган микдори ҳақиқий фойдани ўтган йилги меҳнат потенциалига бўлиш йўли билан аниқланади:

$$M_{\text{пр}^{kx}} = \frac{496,2 \text{ минг сўм}}{112} = 4430 \text{ сўм.}$$

Меҳнат потенциали рентабеллиги соф фойда суммасининг 128,2 минг сўмга кўпайганлиги эвазига 1144 сўмга ошган:

$$\Delta M_{\text{пр.ф}} = 4430 - 3286 = +1144 \text{ сўм.}$$

Меҳнат потенциали микдорининг 9 кишига кўпайганлиги унинг рентабеллигини 329 сўмга камайтирган:

$$\Delta M_{\text{пр.мп}} = 4101 - 4430 = -329 \text{ сўм.}$$

Шу икки омил таъсири натижа ўзгаришининг умумий фарқига teng:

$$1144 - 329 = +815 \text{ сўм.}$$

Шундай қилиб, меҳнат потенциали рентабеллиги ўзгаришига икки омил таъсирини аниқлаш усули кўриб чиқилди. Бу усул меҳнат потенциали самарадорлигини таҳлил қилиш учун методологик асос сифатида келтирилди. Ушбу кўрсаткичга бошқа омиллар таъсири ҳам шу тариқа аниқланishi мумкин.

Таҳлилнинг навбатдаги босқичида уни янада чуқурлаштириш мумкин. Хусусан, меҳнат потенциали ( $M_p$ ) рентабеллигига ( $M_{pr}$ ) унинг алоҳида элементлари ўзгаришининг таъсирини аниқлаш ҳам мумкин. Бу учун одатдаги формуладан фойдаланилади:

$$M_{pr} = \frac{\Phi \text{ода} (\Phi)}{M_p}.$$

Бу ерда  $M_p$ ни кенгайтириб олинади. Таъкидланганидек, меҳнат потенциали қўйидаги элементлардан ташкил топади:

$$M_p = Omx + \bar{U}mmx + \bar{U}mx + T\bar{U}mx,$$

бунда:  $Omx$  — олий маълумотли ходимлар сони;  $\bar{U}mmx$  — ўрта маҳсус маълумотли ходимлар сони;  $\bar{U}mx$  — ўрта маълумотли ходимлар сони;  $T\bar{U}mx$  — тўлиқсиз ўрта маълумотли ходимлар сони.

Олдинги формуладаги меҳнат потенциали ўрнига унинг элементлари қўйилса, формула қўйидаги шаклга эга бўлади:

$$M_p \cdot \Phi = \frac{\Phi}{Omx + \bar{U}mmx + \bar{U}mx + T\bar{U}mx}.$$

Таҳлилда энг аввало меҳнат потенциали рентабеллигининг фарқи аниқланади:

$$\Delta M_{pr} = M_{pr}^x - M_{pr}^p.$$

Бу формулага тегишли элементларни қўйсак, қўйидаги шаклга эга бўлинади:

$$\Delta M_{pr} = \left( \frac{\Phi^x}{Omx^x + \bar{U}mmx^x + \bar{U}mx^x + T\bar{U}mx^x} \right) - \left( \frac{\Phi^p}{Omx^p + \bar{U}mmx^p + \bar{U}mx^p + T\bar{U}mx^p} \right)$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, натижага, яъни меҳнат потенциали рентабеллиги ўзгаришига энди бешта омил таъсир қиласи. Таҳлил жараёнида натижа ўзгаришига барча омиллар таъсирини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бу учун таҳлилнинг анъанавий усувларидан бири занжирли алмаштириш усулидан фойдаланиш мумкин. У ҳолда меҳнат потенциали рентабеллиги ўзгаришига омиллар таъсири қўйидагича аниқланади:

Натижага фойда суммаси ўзгаришининг таъсирини ( $\Delta M_{\text{пр}}^{\Phi}$ ) аниқлаш учун қўйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиласиз:

$$\Delta M_{\text{пр}}^{\Phi} = M_{\text{пр}}^{\Phi} - M_{\text{пр}}^P =$$

$$= \left( \frac{\Phi^x}{Omx^P + \bar{U}_{mmx}^P + \bar{U}_{mx}^P + T_{mx}^P} \right) - M_{\text{пр}}^P.$$

Натижага олий маълумотли ходимлар сони ( $Omx$ ) ўзгаришининг таъсири ( $\Delta M_{\text{пр}}^{omx}$ ) қўйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\Delta M_{\text{пр}}^{omx} = M_{\text{пр}}^{omx} - M_{\text{пр}}^{\Phi} =$$

$$= \left( \frac{\Phi^x}{Omx^x + \bar{U}_{mmx}^P + \bar{U}_{mx}^P + T_{mx}^P} \right) - M_{\text{пр}}^{\Phi}.$$

Натижага ўрта маҳсус маълумотли ходимлар сони ( $\bar{U}_{mmx}$ ) ўзгаришининг таъсири ( $\Delta M_{\text{пр}}^{\bar{U}_{mmx}}$ ) қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\Delta M_{\text{пр}}^{\bar{U}_{mmx}} = M_{\text{пр}}^{\bar{U}_{mmx}} - M_{\text{пр}}^{omx} =$$

$$= \left( \frac{\Phi^x}{Omx^x + \bar{U}_{mmx}^x + \bar{U}_{mx}^P + T_{mx}^P} \right) - M_{\text{пр}}^{omx}.$$

Натижага ўрта маълумотли ходимлар сони ( $\bar{U}_{mx}$ ) ўзгаришининг таъсири ( $\Delta M_{\text{пр}}^{\bar{U}_{mx}}$ ) қўйидагича аниқланади:

$$\Delta M_{\text{пр}}^{\bar{U}_{mx}} = M_{\text{пр}}^{\bar{U}_{mx}} - M_{\text{пр}}^{\bar{U}_{mmx}} =$$

$$= \left( \frac{\Phi^x}{Omx^x + \bar{U}_{mmx}^x + \bar{U}_{mx}^x + T_{mx}^P} \right) - M_{\text{пр}}^{\bar{U}_{mmx}}.$$

Натижага түлиқсиз ўрта маълумотли ходимлар сони (Тұмх) үзгаришининг таъсири ( $\Delta M_{\text{пр}_{\text{тұмх}}}$ ) қуидаги ҳисобланади:

$$\Delta M_{\text{пр}_{\text{тұмх}}} = M_{\text{пр}}^{\text{тұмх}} - M_{\text{пр}}^{\text{ұмх}} = \\ = \left( \frac{\Phi^x}{Omx^x + \bar{U}mmx^x + \bar{U}mx^x + Tumx^x} \right) - M_{\text{пр}}^{\text{ұммх}}.$$

Одатдагидек, барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлади:

$$\Delta M_{\text{пр}} = \Delta M_{\text{пр}_\Phi} \pm \Delta M_{\text{пр}_{omx}} \pm \Delta M_{\text{пр}_{\bar{U}mmx}} \pm \\ \pm \Delta M_{\text{пр}_{\bar{U}mx}} \pm \Delta M_{\text{пр}_{Tumx}}.$$

Ушбу формулага амалий маълумотларни қўллаб меҳнат потенциали рентабеллигига таъсир этувчи юқорида аниқланган бешта омилнинг таъсирини ҳисоблаш мумкин. Бу учун қуидаги жадвални тузишни тавсия қиласиз (44-жадвал).

#### 44-жадвал

#### **Меҳнат потенциали рентабеллиги үзгаришига унинг алоҳида элементлари үзгариши таъсирининг ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Занжирли алмаштиришлар			
				1	2	3	4
1. Соф фойда, минг сўм	368,0	496,2	+128,	496,2	496,2	496,2	496,24
2. Олий маълумотли ходимлар, киши	20	22	+2	20	22	22	22
3. Ўрта маҳсус маълумотли ходимлар, киши	27	31	+4	27	27	31	31
4. Ўрта маълумотли ходимлар, киши	46	50	+4	46	46	46	50
5. Түлиқсиз ўрта маълумотли ходимлар, киши	19	18	-1	19	19	19	19
6. Меҳнат потенциали, киши	112	121	+9	112	114	118	122
7. Меҳнат потенциали рентабеллиги, сўм (Ік:бк)	3286	4101	+815	4430	4353	4205	4067

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики,

мөхнат потенциали рентабеллиги ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 815 сүмга ошган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир қилган:

1. Соф фойданинг 128,2 минг сүмга кўпайғанлиги, таъкидланганидек, натижани 1144 сүмга оширган:

$$4430 - 3286 = +1144 \text{ сўм.}$$

2. Олий маълумотли ходимлар сонининг 2 кишига кўпайғанлиги натижа ўзгаришига 77 сүмга салбий таъсир қилган:

$$4353 - 4430 = -77 \text{ сўм.}$$

3. Ўрта маҳсус маълумотли ходимларнинг 4 кишига кўпайғанлиги мөхнат потенциали рентабеллигини 148 сүмга камайтирган:

$$4205 - 4353 = -148 \text{ сўм.}$$

4. Ўрта маълумотли кишиларнинг 4 кишига кўпайғанлиги натижани 138 сүмга камайтирган:

$$4067 - 4205 = -138 \text{ сўм.}$$

5. Тўлиқсиз ўрта маълумотли ходимларнинг бир кишига камайиши мөхнат салоҳияти рентабеллигини 34 сүмга оширган:

$$4101 - 4067 = +34 \text{ сўм.}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$1144 - 77 - 148 - 138 + 34 = +815 \text{ сўм.}$$

### **5.3. Мөхнат мотивацияси ва унинг таҳлили**

#### ***5.3.1. Мөхнат мотивацияси тушунчаси***

Маълумки, мөхнат бу инсоннинг бирорта эҳтиёжини қондиришга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолиятидир.

Мотивация инглиз тилидан олинган бўлиб, энг аввало ўзини ва сўнгра бутун жамоани умумий мақсадларни бажаришга даъват этувчи фаолиятни рағбатлантириш жараёнидир.

Мөхнат мотивацияси деганда эса инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолиятини турли рағбатлантириш йўллари билан юқори самарадорликка эришишга йўналтироқ, уни

унумли меңнат қилишга ундаңыз, ички түйғуларини құзғатыңыз түшүниләди.

Бозор муносабатлари шароитида меңнат мотивацияси мұхим ажамиятта эгі. Чунки ҳар бир инсон меңнатни мажбур бўлиб эмас, балки ўз ихтиёри билан қилиши лозим. Шундагина бу борада юқори натижаларга эришиләди. Лекин ҳар ким ҳамиша ўз ихтиёри билан самарали меңнат қиласкермайди. Бунинг учун инсонда энг аввало шундай меңнат қилишга даъват этувчи түйғу үйғотилиши керак. Бундай түйғу турли рағбатлантириш йўллари билан амалга ошириләди.

Рағбатлантириш асосан иккى йўналишда олиб борилади. Биринчиси моддий рағбатлантириш, иккинчиси маънавий.

Меңнатнинг рағбатлантирилиши деганда меңнатнинг соодир бўлишини таъминловчи ва унинг фаоллигини оширувчи моддий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатлар мажмуаси түшүниләди.

Меңнатнинг ўзи, таъкидланганидек, кишиларнинг бирорта эҳтиёжини қондиришга қаратилган мақсадли фаолиятдан иборат. Демак, киши меңнатни шунчаки қилмайди, балки замирида бирорта манфаатни қондирадиган мақсад ётади.

Кишининг меңнат қилишдан манфаати энг аввало моддий рағбатлантиришни талаб қиласы, чунки у меңнати эвазига ўзининг ва оила аъзоларининг яшашини, яъни етарли даражада моддий неъматлар билан таъминлаши лозим.

Меңнатнинг рағбатлантирилиши нималарда намоён бўлади? Бу, энг аввало, меңнаткаш меңнати учун олган маоши ўзининг ва оила аъзоларининг яшashi учун бемалол этиши лозим. Шундагина меңнатнинг бир қисми бўлган иш кучининг қиймати тўлиқ тўланган, меңнаткаш эса тўлиқ рағбатлантирилган бўлади.

Энди меңнатнинг ўлчами нима деган саволга жавоб бериш лозим, чунки ҳамма бир хил меңнат қила олмайди ва бир хил рағбатлантирилмайди. Меңнатнинг бирламчи ўлчами меңнаткашнинг сарф қилган вақти, яъни иш вақти билан ўлчанади.

Меңнатни рағбатлантиришда энг аввало кимнинг қанча вақт ишлагани инобатга олинади. Ҳамма бир хил иш вақти сарф қилиб ишлаши мумкин. Лекин ҳаммага бир хил иш ҳақи тўланмайди. Чунки улар бир иш вақтида турли натижаларга эришишлари мумкин.

Рағбатлантиришнинг иккинчи ўлчови ишнинг натижасидир. Мехнаткаш бир вақт бирлигига 10та иш бажарса 10 сўм, 30та иш бажарса 30 сўм иш ҳақи олиши мумкин. Аммо ишчилар бир хил иш бажарди деб ҳам фараз қиласиз.

Лекин улар оладиган иш ҳақи яна бир хил бўлиши мумкин. Бу ҳолда рағбатлантиришнинг учинчи ўлчови ишга тушади. Энди рағбатлантириш иш натижасининг сифатига боғлик бўлади.

Демак, меҳнатни рағбатлантиришнинг ўлчови учта, яъни иш вақти, иш натижаси ва сифатидан иборат экан.

Рағбатлантириш қанча юқори бўлса, меҳнатнинг ҳам самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Меҳнатни моддий рағбатлантириш билан бирга маънавий рағбатлантириш ҳам мавжудки, бунинг таъсир кучи ҳам моддий рағбатлантиришдан кам эмас. Маънавий рағбатлантиришга қуидагилар киради:

1. Моддий рағбатлантириш. Меҳнаткашни моддий рағбатлантириш билан бирга уни бевосита маънавий рағбатлантирилади, чунки унинг қандай ишлаётганлиги эътироф этилганлиги намоён бўлади.

2. Жамоа олдида яхши ишлаётганлигини қайд этиш, маъмурият буйруғи билан раҳматнома ва ташаккур эълон қилиш.

3. Фахрийлар тахтасига, китобига ёзиш, фахрий ёрликлар билан тақдирлаш.

4. Унвонлар бериш, шу соҳада хизмат кўрсатилганлигини қайд қилиш.

Масалан, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи» кабилар.

5. Орден ва медаллар билан тақдирлаш.

6. «Ўзбекистон қаҳрамони» унвонини бериш каби таъбирлар меҳнаткашларни маънавий рағбатлантиришга киради.

Шу ўринда таъкидламоқчимизки, манфаатлар, улар ўртасидаги қарама-қаршилик ва зиддиятларни мувофиқлаштирувчи, уларга барҳам берувчи омил бу маънавиятдир.

Маънавият кучли бўлган жойда манфаатлар ўртасида номувофиқлик бўлмайди, бундай вазиятда қарама-қаршилик ва зиддият ҳам келиб чиқмайди. Шу туфайли Ўзбе-

кистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан маънавият масаласига жуда катта эътибор қаратилаётганилиги бежиз эмас.

Маънавияти бой мамлакатда тинчлик, барқарорлик, аҳиллик ҳукм суради. Бундай жойда иқтисодий юксалиш, фаровонлик ва манфаатлар муштараклиги таъминланади.

Биз меҳнат мотивациясининг айрим йўналишларигагина тўхталдик, холос. Бу масала юқорида таъкидланганлар билан чекланиб қолмайди. Бунинг жуда кўп типлари, омиллари ва йўналишлари мавжуд.

### ***5.3.2. Меҳнат мотивациясининг типлари ва омиллари***

Меҳнат мотивациясининг типлари ҳақида турли фикрлар мавжуд. Лекин уларнинг барчаси меҳнат қилувчининг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондириш учун ҳис-туйғуларни уйғотиш йўлини ахтаришга қаратилган. Шу боисдан меҳнат мотивациясининг иккита типи алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаш жоиз. Бунга қўйидагилар киради: биринчидан, ҳис-туйғуни уйғотувчи тадбирлар мажмуаси бўлса, иккинчидан, ақл-идрок билан қилинадиган ишлардир.

Кишиларнинг яхши меҳнат қилиши учун иккаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Баъзи тадбирлар борки, ақл-идрок билан қилиниб, кишиларда яхши меҳнат қилиш учун кучли ҳис-туйғу уйғотади. Масалан, миллатпарвар, фидоий, жонкуяр инсон учун яхши меҳнат қилиш ҳис-туйғусини уйғотишда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганлиги жуда катта омил бўлиб хизмат қиласи. Ёки компаниянинг равнақи учун аҳил бўлган меҳнат жамоасининг бир тан, бир жон бўлиб кечаю-кундуз уни юксалтириш учун қилинган ишлари. Ҳамма-ҳаммасида инсонлардаги ақл-идрок, ҳис-туйғу ҳамоҳангдир.

Меҳнат қилувчининг, яъни меҳнаткашнинг меҳнат қилиши учун бир қанча мотивлари борки, буларсиз самарали меҳнатнинг содир бўлиши мумкин эмас. Буларга қўйидагилар киради:

1. *Кўпроқ меҳнат ҳақи тўланиши.* Бу борада олдинги параграфларда ҳам айтилган эди. Аммо шуни алоҳида таъ-

кидлаш жоизки, ҳозирги пайтда бу муаммо Ўзбекистон учун жуда муҳим. Чунки ўтиш даврининг қийинчиликларига дош беролмаётган кўпгина корхона ва хўжаликлар ойлаб иш ҳақини ўз вақтида беролмаяпти. Бу ҳол меҳнаткашни меҳнат қилишдан совутиб қўяди. Ҳаётий тажрибалар кўрсатаяпти, масалан, пахта теримида терилган пахта учун ҳар куни ҳисоб-китоб қилиб борилса меҳнат унумдорлиги одатдагидан 2-2,5 баравар юқори бўлади. Меҳнатнинг натижаси қанча тез рағбатлантирилиб борилса, у шунча унумли самарали бўлади. Жуда кўп мамлакатларда ойлик маош тўланади. Аммо АҚШда ҳар ҳафтада, баъзан ҳар куни маош тўланиши эвазига ҳам юқори меҳнат унумдорлигига эришадилар. Хўжаликни юритища меҳнатнинг бу мотивини инобатга олиш юқори самарадорликка эришиш учун жуда муҳимдир.

Таҳдил жараёнида меҳнат самарадорлиги ва унга иш ҳақини тўлаш муддатининг боғлиқлигини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бу боғлиқликни таҳдилнинг анъанавий усуллари билан бирга статистик ва математик усулларидан хусусан корреляцион, регрессион таҳдиллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

*2. Яхши меҳнат шароитининг яратилиши.* Бу меҳнаткаш учун жуда катта аҳамиятга эга. Меҳнат шароити ходимларни ишга олиб келиш, ишлаш жараёнини таъминлаш ва ишдан уйгача кузатиб қўйишни ўз ичига олади. Ҳозир транспорт харажатлари қиммат. Ходимларнинг ишга бориб-келиши учун ойлик маошининг асосий қисми кетиб қолади. Шу туфайли одамлар озроқ иш ҳақи бўлса ҳам яшаш жойига яқинроқ жойдаги корхоналарда ишлашни хоҳлайдилар. Албатта бу ходимнинг малакасига ҳам, мутахассислигига ҳам тўғри келмаслиги мумкин. Лекин у йўл ҳақини тежаш эвазига кўпроқ моддий манфаатдор. Аммо бундан меҳнаткаш ҳам, узокроқда жойлашган корхона ҳам, жамият ҳам катта зарар кўради. Шу туфайли ҳар бир корхона ўз ходимини ишлатиш билан бирга уни ишга олиб келиш ва ишдан уйгача кузатиб қўйиш чорасини ҳам кўриши керак.

Ҳозирги пайтларда кўп корхоналарда ўз ходимларига корхона ҳисобидан йўлда юриш учун бепул ойлик чипталарни ташкил қўлган. Бу жуда яхши. Аммо шунинг ўрни-

га уларни ташийдиган автобус ташкил қилинса, ундан ҳам яхши бўлар эди. Агар шу корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулот бозоргир бўлса, бу харажатлар маҳсулот таннархига киритилиши ёки фойдасидан бир қисмини ажратиш эвазига амалга ошириши мумкин. Бунда корхона ютқазмайди, балки ютади. Бу озгина харажат меҳнатнинг самарадорлиги ошганлиги эвазига қопланиб кетиши табиий.

Ҳар бир ходимнинг ишлайдиган жойи ҳар томонлама кулаги, ёруғ, озода, ҳаводор бўлиши лозим. Бу борада меҳнат эргономикаси талабларига жавоб берадиган бўлиши керак. Бу ҳам яхши ва самарали ишлаш учун асосий мотивлардан биридир. Корхона жуғрофий жиҳатдан ҳам қулаги жойлашган бўлиши лозим. У транспорт воситаси учун бекатга яқин, дўконга, ошхонага, бозорларга яқин ва уларга бориш ҳам қулаги жойда жойланиши ҳам унда ишлайдиган ходимлар учун аҳамиятлидир.

3. *Ходимнинг малакасига мос иш билан таъминланилиши.* Бу ҳам меҳнатнинг муҳим мотивларидан биридир. Ходим малакали бўлсаю, у оддий, малака талаб қилмайдиган ишга кўйилса ҳам, малакаси бўлмасдан малака талаб қиласидиган ишга кўйилса ҳам, унинг меҳнатида самара бўлмайди. Масалан, юқори малакали компьютер операторини оддий калькулятор билан ишлайдиган жойга ва оддий калькуляторда ишлай оладиган кишини компьютерга ўтқазиб қўйиш ҳам самарасиздир. Икки ҳолда ҳам корхона, меҳнаткаш, жамият ютқазади. Шунинг учун ҳар бир ходими яхши ўрганиб, унинг қобилияти ва малакасига яраша иш билан таъминлаш лозим. Корхонада шундай муҳит яратилиши лозимки, қайсики бирор ходим малакасини мунтазам ошириб борса, шунга яраша у моддий ва маънавий рағбатлантирилиши лозим, яъни унга лойиқ ишни топиб бериб, керак бўлса лавозимини кўтариб қўйиш керак. Бу биринчидан, шу ходим учун жуда катта рағбат бўлади. Иккинчидан эса корхонада технологик жараён такомиллашиб боради. Малака талаб қиласидиган илғор дастгоҳлар ишлаб чиқаришга, бошқаришга жорий қилинишнинг интеллектуал асоси яратилади.

4. *Корхонада яхши маънавий — руҳий муҳитнинг яратилиши.* Бу ҳам меҳнат самарадорлигини ошириш учун энг

муҳим омиллардан биридир. Чунки ҳар бир киши маънаний жиҳатдан мустақил. У меҳнат жамоасида, жамиятда ўз ўрнига, мавқеига эга бўлишни хоҳлайди. Шу туфайли ҳар бир шахс ўз ўрнида етарли даражада объектив равишда баҳоланиши лозим. Унинг иззат-обройи ўз ўрнига қўйилиши керак. Корхонанинг умумий муваффакияти учун шу корхонада ишлаётган бирорта киши ўзини ортиқча ёки жамоадан четда ҳис қиласлиги керак. Жамоада ҳамманинг, яъни фаррошдан тортиб то бажарувчи бошлиққа қадар ўз ўрни бор. Ҳамма ўз ўрнида қилган меҳнати натижасига қараб муносиб баҳоланиши лозим.

Режали иқтисодиётда амал қилган жуда кўп маъмурӣ буйруқбозлик усуллари бозорли иқтисодиёт учун ёт унсурлардир. Энди кишилар тазийқ билан мажбур бўлиб ишламасликлари керак. Уларда ишлаш учун ички туйғулар, имкониятлар ишга тушиб, меҳнат қилиш ихтиёрий эҳтиёжга айланиши лозим. Бунга ўз-ўзидан эришиб қолинмайди, балки фақат инсонга жуда катта эътибор бериш билан эришиш мумкин. Бу ҳолат кўп ҳолда ортиқча капитал талаб қиласада, лекин кўп самара, наф келтириши мумкин бўлган тадбирдир.

Бошлиқнинг овози кўтарилиган жойда ишнинг самараси пасайиши, унинг овози мулойим бўлган жойда иш жадаллашиши мумкин. Мулойимлик яхши рағбатлантирувчи тадбирлар билан амалга оширилиши лозим. Ҳар бир киши меҳнат қилаётган киши энг аввало ўзи учун, ўз манфаати учун меҳнат қилаётганлигини ҳис қилиши керак. Шундагина унинг меҳнати эҳтиёжга айланади. Меҳнаткаш режанинг бошқарилиши учун ёки раҳбар обрўсининг ортиши учун ишлаётганлигини ҳис қилиб ишласа бирор учун ишлаётгандек. Яна таъкидлаймизки, у ўзи учун ишлаётган, меҳнат қилаётганлигини доим ҳис қилиб турсин. Меҳнат жамоасида шундай маънавий-руҳий муҳит яратилиши керак. Бу эса ҳозирги раҳбарлардан ўта тадбиркорликни, ақл-заковатни талаб қилади.

*5. Ҳар бир кишининг ўз ўрнига эга бўлишини таъминлаш.* Бу борада маънавий-руҳий муҳитнинг яратилишида анча гап юритилади. Чунки бу омиллар бир-бири билан узвий боғлиқ омиллардир. Ҳар бир киши ўзицинг меҳнати би-

лан жамоанинг умумий мувоффақиятига у ёки бу даражада озми-кўпми ҳисса қўшади. Лекин у ҳар бир меҳнаткаш учун жуда каттадек туюлади. Шу жиҳатдан у ўзи ишлаётган меҳнат жамоасида ўз ўрним бор деб ҳис қилади. Айнан одамларда шаклланган шу туйгуни поймол қилмаслик керак. Зарур ҳолларда фақат унинг ютуғи, иши қайд қилинса, демак ундан фақат ҳамма ишни ўзи қилаётгандек туюлади. Шунингдек, жамоанинг муваффақияти бевосита унга боғлиқ эканлиги ва ўзининг жамиятга, жамоага кераклигини ҳис қилади. Бундай ҳис-туйғу билан боғлиқ меҳнат мотивацияси унинг самарали, унумли ишлаши учун асос ва омил бўлади.

*6. Ҳар бир кишини шу корхонанинг эгаси, хўжайини ва унинг бу ерда зарур эканлигини ҳис қилишни таъминлаш.* Ҳар бир киши ўзи ишлаган жойининг хўжайини ёки эгаси эканлигини ҳис қилиши лозим. Бунга ишлаганига қараб, яъни иш натижасининг ҳажмига қараб иш ҳақини ошириб бориш, йил охирида олинган фойданинг бир қисми-ни дивиденд тарикасида бўлиб бериш орқали эришилади. Бу туйғу ҳар бир ишчида шу хўжалик мулкини сақлашга, тежамли бўлишга, йилни кўпроқ фойда билан якунлашга даъват этади. Шунингдек, ҳар бир киши самарали меҳнат қилишта ҳаракат қилади.

Шундай қилиб ходимнинг меҳнат мотивацияси шакли, типлари ва омиллари жуда кўп эканлигига амин бўлдик. Биз бу ерда унинг баъзиларига, яъни муаллиф учун муҳим ҳисобланганларигагина тўхталдик. Унинг жуда кўп омиллари борки, уларнинг сонини аниқ вазиятдан келиб чиқиб кўпайтириш ёки камайтириш мумкин.

### ***5.3.3. Меҳнат бозорида иш кучи, унинг товарга айланиши***

Бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида Ўзбекистонда ҳам бозор тизими шаклланмоқда. Бу тизимда меҳнат бозори ҳам вужудга келди ва ўз ўрнига эга бўлмоқда. Меҳнат бозорида савдо қилинадиган объект бу меҳнатнинг ўзи. Бошқачароқ қилиб айтганда ишчи кучидир. Ўз-ўзидан маълумки, меҳнат бозорида сав-

до қилинадиган нарса меҳнат бўлгандан кейин, унинг қиймати ва баҳоси бўлиши керак. Аммо булар ўта мураккаб ва аниқланиши қийин тушунчалар.

Кўп адабиётларда иш кучини, яъни меҳнатни товар деб қабул қилинган. Аммо бунга товарнинг мумтоз таърифидан келиб чиқадиган бўлсак, меҳнат товарга мазмун жиҳатидан тўгри келмайди.

*Товар* деб, биринчидан, у сотишга мўлжалланган ва бирор бир истеъмолни қондирадиган бўлиши лозим. Маълумки олди-сотди натижасида товарнинг эгаси, унга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хукуқлари ўзгаради.

Иш кучида эса мазмун бошқача. Бу ҳақиқатда сотишга мўлжалланган, бирорта эҳтиёжни қондирадиган бўлиши мумкин. Лекин иш кучини олди-сотди жараёнида унинг эгаси, эгалик қилиш хукуқи ўзгармайди. Шу жиҳатдан у оддий товардан фарқ қиласди.

Бундан ташқари товарни олди-сотди жараёнида унинг нархи келишилган микдорда тўлиқ тўланади. Бу ҳақиқатда товарнинг тўлиқ нархи бўлиб ҳисобланади. Аммо иш кучи (меҳнат)нинг нархи ҳеч маҳал тўлиқ тўланмайди, чунки меҳнат жараёнида унинг қиймати ва қўшимча қиймати яратилади. Унинг қиймати сифатида иш кучи соҳибига иш ҳақи тўланади. Лекин бу фақат зарурий меҳнатнинг қиймати. Қўшимча меҳнатнинг қиймати қўшимча қиймат иш берувчида ёки мулк эгасида (мулкдор, давлат, жамоа, акциядорлик корхоналари кабиларда) қолади. Шу туфайли меҳнатнинг қиймати сифатида, шартли равишда, унинг бир қисми бўлган, иш ҳақини қабул қилиш мумкин.

Кўп адабиётларда «иш кучи» ва «меҳнат» қиймати нуқтаи назарида бир хил мазмунга эга сифатида қаралади. Аммо улар бир-бири билан жуда яқин бўлсада, мазмун жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди.

*Меҳнат*, таъкидланганидек, кишиларнинг ўз эҳтиёжини қондириш мақсадида амалга ошириладиган онгли фолият жараёнидир. *Ишчи кучи* деганда, лўнда қилиб, кишининг жисмоний ва интеллектуал меҳнат қилиш қобилиятини тушуниш мумкин.

Кўриниб турибдики, меҳнат бу кишининг содир бўлган

онгли фаолияти, иш кучи эса унинг ҳали содир бўлмаган меҳнат қилиш қобилияти экан. Демак, бу тушунчалар бир-бири билан мазмун жиҳатидан, содир бўлиш вақт, яъни замон жиҳатидан ҳам фарқ қиласди. Албатта меҳнат ва иш кучининг қиймати деганда ҳам бу тушунчаларни фарқлаш лозим.

*Меҳнатнинг қиймати*, яъни унга тўланадиган иш ҳақи ҳар хил миқдорда табақаланган бўлиши мумкин, чунки бир вақтда сарф қилинган меҳнат унинг малакасига қараб турли ҳажмда маҳсулот яратиши, турли натижага эришиши мумкин. Бундай натижага эришиш шу меҳнаткашнинг иш куролига ҳам боғлиқ. Масалан, ер ҳайдовчи ишчини олайлик. У омоч билан бир кунда 0,5 гектар ерни ҳайдаши, трактор билан эса 10 гектар ерни ҳайдаши мумкин. Бундай мисолларни кўплаб келтирса бўлади.

Хулоса қилиб айтганда меҳнатнинг қиймати унинг бир қисми бўлган, иш ҳақининг ҳажми билан белгиланаар экан.

*Иш кучи деганда* инсоннинг моддий ва маънавий неъмат ишлаб чиқариш жараёнида жисмоний ва ақлий (интеллектуал) кучи мажмуасидан иборат бўлган меҳнат қилиш қобилияти тушунилади.

Иш кучи ҳар қандай жамиятда ишлаб чиқаришнинг асосий омили бўлиб ҳисобланади. У орқали инсон табиат неъматларини тайёр истеъмол қиласиган ҳолга келтиради.

Товар-пул муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши билан иш кучи ҳам товарга айланади. Бу кишилик жамияти тараққиётининг капиталистик формацияси босқичига келиб яққол намоён бўлди, чунки бу даврга келиб кишилар, биринчидан, шахс сифатида ўз эркинликларини таъминлаб ўз иш кучларига эгалик қиласиган бўлди. Аммо, иккинчидан, эса уларда ишлаб чиқариш воситалири йўқ эди. Натижада улар ўз иш кучларини сотишга мажбур бўлдилар. Шу тариқа иш кучи товарга айланди.

Иш кучи ҳам бошқа товарлар каби қиймати ва истеъмол қийматига эга. *Иш кучининг истеъмол қиймати* ишчининг ёлланган жойида ўз иш кучи қийматига нисбатан кўпроқ қиймат яратиши, яъни қўшимча қиймат келтирилиши тушунилади. Шунинг учун мулкдор, иш берувчи иш кучини сотиб олади ва ундан фойдаланади. Иш кучининг

қиймати деганда шу иш кучи эгасининг ва унинг оиласининг нормал фаолиятини ва яшашини таъминлайдиган харажатларни қоплай оладиган қиймати, яъни оладиган меҳнат ҳақи тушунилади.

Шу туфайли иш кучининг қийматини иш берувчи унинг эгасига меҳнат ҳақи тарзида тўлайди. Шу туфайли меҳнат ҳақи инсон меҳнатининг тўлиқ қийматини белгиламайди, балки фақат иш кучи қийматига тенг бўлади. Иш кучининг эгаси ҳамиша иш кучи қийматидан ташқари қўшимча қиймат ҳам яратади. Бу эса мулкдор, иш берувчи ихтиёрида қолади.

Жамиятнинг иқтисодий тараққиёти билан иш кучининг қиймати ҳам ошиб боради, чунки ишчи ўз иш кучини такрор ишлаб чиқариш ва оиласини таъминлаш учун зарур бўлган неъматлар қиймати ҳам қимматлашиб боради. Шу жиҳатдан турли мамлакатларда, уларнинг иқтисодий тараққиёт даражасига қараб иш кучининг қиймати ҳар хил бўлади. Лекин иш берувчи ва ишчи ўртасидаги зиддият иш кучи қийматининг ошиб боришига сабаб бўлади.

Иш берувчи иш кучининг истеъмол қийматидан, ишчи эса унинг қийматидан манфаатдор. Бу ерда манфаатлар ўртасида зиддият мавжуд. Иш берувчи кўпроқ иш кучи истеъмол қийматининг ошибига интилса, иш кучи эгаси эса иш кучи қийматининг ошибига манфаатдор.

Иш кучининг қиймати ва унинг баъзи хусусиятлари тўғрисида «Меҳнатнинг қиймати» мавзусида ёритилган. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ҳам бозор иқтисодиётининг шаклланиши меҳнат бозорини вужудга келтирди. Бу бозорнинг асосий обьекти иш кучидир. Демак, иш кучи бизда ҳам товар. Шу туфайли у қийматига ва истеъмол қийматига эга.

Аммо Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати иш кучининг қиймати ва истеъмол қийматидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги зиддиятнинг кескинлашмаслиги учун тегишли чора-тадбирларни қўллаб келмоқда. Бу вақти-вақти билан иш ҳақи микдорининг ошиби, кучли социал ҳимоянинг қўлланилишида намоён бўлмоқда. Бу тадбирлар иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминловчи асосий омиллардир.

#### **5.3.4. Мәхнат мотивациясида иш күчининг қиймати ва уни баҳолаш муаммоларини ечиш бўйича айрим тавсиялар**

Бозор муносабатлари деярли барча соҳаларда кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширишни талаб қилмоқда. Режали иқтисодиёт шароитида мавжуд бозор таркиби ҳам ўзгармоқда. Олдин ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол товарлари бозори мавжуд бўлган бўлса, эндиликда капитал (қимматбаҳо қоғозлар) бозори, мәхнат бозори каби янги тушунчалар ҳам кундалик ҳаётимизга кириб келди ва иқтисодий фаолиятимизда муҳим ўринларни эгалламоқда.

Бозор муносабатлари шароитида бозор системасида мәхнат бозори ҳам ўз ўрни, мазмуни ва моҳиятига эга. Бу бозорнинг обьекти нима, яъни унда нима сотилади деган саволнинг туғилиши табиий. Мәхнат бозорида кулдорлик даврида куллар сотилган. Бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда эса бу бозорда инсонлар мустақил бўлиб энди уларнинг иш кучи сотиладиган бўлди. Демак, иш кучи эндиликда товарга айланди, унинг қиймати ва истеъмол қиймати мавжуд. Бу нимада ва қандай баҳоланиши, унинг баҳоси қандай аниқланишининг назарий асоси ҳамон иқтисодий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган.

Адабиётларда иш күчининг қиймати ва баҳоси ҳақида ҳар хил қараашлар мавжуд. Баъзи муаллифлар бу икки тушунчани фарқламайдилар. Баъзилари эса иш күчининг қийматини унинг баҳоси билан, баҳосини эса қиймати билан алмаштириб, чалкаштириб изоҳлайдилар. Бунга обьектив сабаблар мавжуд. Хусусан, иш кучи режали иқтисодиёт шароитида товар сифатида қаралмас эди. Унинг баҳоси, яъни иш ҳақи марказлашган тарзда аниқланар ва у эса иш күчининг реал қийматини белгиламас эди, чунки иш ҳақининг миқдорига иш күчининг баҳоси сифатида қаралмаган. Оқибатда унга тўланадиган иш ҳақи унинг қийматини умуман белгиламаган, ундан жуда узокда эди. Масалан, савдо корхоналарида иш ҳақи фондининг ташкил бўлишини олиб қарайлик.

Биринчидан, узоқ йиллар давомида иш ҳақи фонди савдо корхоналарида товар оборотига нисбатан фоиз ҳисобида бел-

гиланиб келди. Бу албатта, режали иқтисодиёт талабига жавоб берар эди, чунки у пайтларда савдо корхоналари учун товар обороти асосий директив кўрсаткич сифатида қўлланилар эди. Бу усул ходимларнинг иш сифатини, меҳнат унумдорлигини, савдо хизмати сифатининг даражасини инобатга олмаган. Фақат миқдор, ҳажм кўрсаткичларининг яхшиланиши, кўлпайиши рағбатлантирилган. Савдо ходимларини ҳар томонлама рағбатлантириш учун моддий рағбатлантириш фонди ташкил қилинар эди. Аммо бу фонднинг миқдори ҳам товар обороти ва фойда ҳажмига нисбатан ташкил қилиниб жуда оз миқдорда эди. Бу фонддан рағбатлантириш иш ҳақининг умумий миқдорига нисбатан 40%дан ошмайдиган қилиб чегаралганган эди. Бу ҳам фақат товар обороти ва фойда режасининг бажарилганлиги учун тўланган. Бошқа сифат кўрсаткичлари инобатга олинмаган.

Иккинчидан, собиқ иттифоқ даврида бошланган қайта куриш жараёни иқтисодий дастакларнинг энг муҳимларидан бири бўлган меҳнатни рағбатлантириш усулини такомиллаштириш заруратини туғдирди. Натижада иш ҳақи фонди ва моддий рағбатлантириш фондлари бирлаштирилиб ягона меҳнат ҳақи фонди ташкил қилинди. Бу фонд товар обороти ҳажмига нисбатан эмас, балки корхонанинг даромадига нисбатан белгиланган нормативда (меъёрда) ташкил қилинадиган бўлди. Бу албатта, кўп жиҳатдан корхонанинг мустақиллиги, унга тўла хўжалик ҳисоботини жорий қилинишини таъминлади. Бу эса ўз навбатида ҳар бир корхона даромадининг ўсишини, харажатларнинг камайишини рағбатлантириди. Аммо белгиланадиган меъёр ўта марказлаштирилганлиги туфайли қуйи хўжалик бўғинларининг хусусиятлари, уларнинг реал аҳволи инобатга олинмас эди. Марказлаштирилган ушбу усул ҳам ўзини оқламади. Хуллас, ҳар бир корхонанинг ўз хусусиятларидан келиб чиқиш лозим бўлди.

Учинчидан, меҳнат ҳақи фонди истеъмол фондига алмаштирилди. Бу фонднинг ташкил бўлиши, айнан, шу мақсад учун ўтган йилги ҳажмни товар обороти ўсиш суръатига нисбатан маълум фоизда ўстириш орқали белгилайдиган бўлди. Бу усул микроиктисодий ўсишни рағбатлантириди. Аммо бозор муносабатлари шароитига бу ҳам ун-

чалик тўғри келмасдан қолди, чунки унинг ҳажми моли-яйи кўрсаткичларининг бирортаси билан ҳам боғлиқ бўлмади ва уларнинг яхшиланишини рағбатлантирумади. Аммо ушбу усул ўзимизда ҳамон сакланиб қолмоқда. Давлат ва тижорат банклари корхонанинг меҳнат ҳақи фондининг ўсишини шу тамойилга асосан назорат қилмоқда.

Хозир кўпгина ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат ҳақи фонди харажатлар таркибида белгиланган меъёрга асосан ташкил қилинмоқда. Савдода эса ҳамон ўттан йилги ҳажмини товар обороти ўсишига мос равишда маълум фоизга ўстириш йўли билан аниқланмоқда. Фикримизча, бозор муносабатлари шароитида корхоналар, мулк шаклидан қатъи назар, меҳнат ҳақи фондини икки хил йўналишда аниқласалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Биринчидан, меҳнатта ҳақ тўлашда ишбай усули қўлланиладиган бўлса қайси кўрсаткич учун ҳақ тўланса (масалан, савдода товар обороти), ўша кўрсаткичнинг ўсиш суръатига мос равишда ушбу фонд миқдорини ҳам кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$МХФ_{ж} = \frac{МХФ_уз \times [(\Delta Q\% \times Z_i) + 100]}{100},$$

бунда:  $МХФ_{ж}$  – жорий йилдаги ўзгарувчи (ишбай) меҳнат фонди;  $\Delta Q\%$  – меҳнат ҳақи фондини ташкил қилишда инобатга олинадиган кўрсаткичнинг ўсиш суръати (савдода товар обороти);  $МХФ_уз$  – ўтган даврдаги меҳнат ҳақи фондининг ҳақиқий миқдори;  $Z_i$  – ҳар бир фоиз ўсишига тўғри келадиган  $МХФ$  ўсишнинг миқдори.

Меҳнат ҳақининг иккинчи қисми лавозимига қараб қатъий белгиланган ягона тариф тўридаги тариф коэффициентлари асосида оладиган ойликларидир. Меҳнат ҳақининг бу қисмини аниқлашда тасдиқланган штат жадвалидаги ходимлар ва уларга тўланадиган ойлик миқдори олиниши мақсадга мувофиқ. Бу ҳажмни қуйидаги формула орқали ҳисоблашни тавсия қиласиз.

$$МХФ_{ум} = X_i \times C_{ти} \times t_i,$$

бунда:  $МХФ_{ум}$  – меҳнат ҳақи фондининг ўзгармас (вактбай) қисми;  $X_i$  – ходим лавозимлари тартиб сони;  $C_{ти}$  – лавозимдаги ходимнинг  $t$ -даврда (одатда бир ойда)

оладиган ойлик маоши;  $t_i$  — мөхнат ҳақи фондининг  $t$  — давридаги миқдори ( $t=1, 12$ ).

Масалан, фирманинг 2001 йилга мүлжалланган мөхнат ҳақи фондининг миқдорини аниқлаш лозим. Ўтган йили ушбу фонднинг ўзгарувчи миқдори 2340 минг сўмни ташкил қилган. Бу йил иш ҳажми (товар обороти) шу давр мобайнида 5,4%га ошириши, ҳар бир фоиз иқтисодий ўсиш суръати учун 0,7% мөхнат ҳақининг ўсиши кўзда тутилган. Бу ҳолда мөхнат ҳақининг ўзгарувчи қисми куйидагича аниқланади:

$$\frac{2340 \times [(5,4 \times 0,7) + 100]}{100} = 2428,5 \text{ минг сўм.}$$

Мөхнат ҳақининг ўзгармас қисмини ҳисоблаш учун куйидаги маълумотлар берилган. Фирма раиси 1 киши маоши 3000 сўм, 5та етакчи мутахассислар 2500 сўмдан, 4та мутахассислар 2200 сўмдан, 3та хизмат кўрсатувчи ходимлар 1800 сўмдан ойлик маоши олиши кўзда тутилган. У ҳолда фирмада мөхнат ҳақи фондининг ушбу қисмининг бир йиллик миқдори 356,4 минг сўмни ташкил қиласди:

$$[(30000 \times 1) + (25000 \times 5) + (22000 \times 4) + (18000 \times 3) \times 12] = 3564 \text{ минг сўм.}$$

Ушбу фирманинг бир йиллик иш ҳақи фондининг режадаги миқдори 2784,9 минг сўмни ташкил қиласди:

$$2428,5 + 3564,0 = 5992,5 \text{ минг сўм.}$$

Бозор муносабатлари шароитида иш ҳақининг жуда кўп жиҳатлари нуқтаи назаридан таҳлил қилишга тўғри келади. Биринчидан, у ишлаб чиқариш (муомала) харажатларининг бир моддаси, элементи сифатида намоён бўлади. Бу билан у бевосита ишлаб чиқариш ҳажмига ва фойда суммасига таъсир қиласди. Иш ҳақини ўзгартирмасдан туриб ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш эвазига ёки ўша ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармаган ҳолда иш ҳақига кетган харажатларни камайтириш йўли билан ҳам фойда суммасини кўпайтириш мумкин.

Иккинчидан, мөхнат ҳақи фонди мөхнат қилаётган аҳолининг иш кучи баҳосини, яъни уларнинг яшаш даржасини белгилайди. Тенг шароитда нарх ўзгармасдан иш

ҳақининг ўзгариши, яъни кўпайиши аҳоли фаровонлигининг яхшиланишига ижобий таъсир қиласи. Шу туфайли барча мамлакатларда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам иш ҳақи ва унинг даражаси давлатнинг ижтимоий-иктисодий сиёсатида энг муҳим марказий ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

Учинчидан, иш ҳақи товар, иш ва хизматларга бўлган талаб даражасини белгилайди. Иш ҳақининг даражаси қанча паст бўлса, товарга бўлган талаб таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари устувор бўлади. Аҳоли ўзи эплай олмайдиган энг зарур хизмат турларидангина фойдаланади, холос. Аксарият хизматни ўзлари бажарадилар.

Тўртинчидан, аҳолининг иш билан бандлик даражаси ҳам ўша иш ҳақи ҳажмига боғлиқ. Меҳнат унумдорлиги паст бўлган мамлакатларда иш кучининг қиймати, шунга боғлиқ равишда меҳнаткашларнинг турмуш даражаси ҳам паст бўлади. Бундай жойларда иш кучининг қиймати арzon бўлади, яъни иш ҳақи жаҳон даражасига нисбатан паст бўлади. Демак, меҳнат унумдорлиги, турмуш даражаси ва иш ҳақи бир-бири билан диалектик боғлиқ категориялардир. Бу категорияларнинг бирини иккинчисидан ҳоли равишида таҳлил қилиб бўлмайди. Меҳнаткашларнинг турмуш даражасини кўтариш учун, энг аввало, уларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга эришмоқ лозим. Бусиз иш ҳақини ҳам ва шундан келиб чиқсан ҳолда меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ҳам ошириб бўлмайди. Иш ҳақини меҳнат унумдорлиги ўсишига мувофиқ равишида ошириб борилса, унинг даражаси ҳам ўсишдан тўхтайди. Бироқ, Ўзбекистон ижтимоий йўналтирилган социал-бозорни шакллантириш йўлини танлади. Бу аҳолининг муҳтоҷ қисмини кучли ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган. Ҳозирги иқтисодий қийинчилик шароитида ҳам иш ҳақининг даражаси ижтимоий меҳнат унумдорлиги дарajasiga nisbatan tez ўсмоқда. Лекин бу аҳвол билан узоққа бориб бўлмайди. Ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ошишига эришмоқ давр тақозоси.

Шундай қилиб, иш ҳақи бозор иқтисодиёти шароитида мазмуни жиҳатидан тубдан ўзгарди ва бозорнинг муҳим категорияларидан бирига айланаб қолди. Демак, энди

уни бозор концепциясига мос тамойиллар асосида ўзгаришишга, янгидан шакллантиришга ва ривожлантиришга түғри келади. Аммо бу борада ҳам назария амалиётдан орқада қолиб кетганлигини эътироф этиш лозим.

Тенг ҳолда, иш ҳақининг энг кам даражаси иш кучи эгасининг минимал яшаш шароитини таъминлаши лозим. Аммо ҳозирги шароитда булар ўртасидаги боғлиқлик иммий жиҳатдан асосланмаган, назарий концепцияси ишлаб чиқилмаган.

Ҳозирги Ўзбекистонда ягона тариф жадвали (системаси) жорий қилинди. Бу жуда чуқур ўйланган бозор муносабатларига мос, уни тўлиқ ифода этадиган тадбир. Унда меҳнат ҳақини 23та разряд бўйича (0 дан 22 гача) табақалаш коэффициенти белгиланган бўлиб, нолинчи разрядга 1,000 тариф коэффициенти, 22-чи разрядга эса 7,198 тариф коэффициенти берилиши кўзда тутилган. Меҳнат ҳақининг бошланғич миқдоридан охирги энг кўп миқдори 7,2 мартаға кўп демакдир. Аммо ушбу тариф ва жадвал орқали табақалangan меҳнат ҳақи меҳнаткашларнинг малакаси, маълумоти, иш стажи каби жамиятга фойдали бўладиган жиҳатларини тўлиқ инобатга оладими деган саволга тўлиқ ижобий жавоб бериб бўлмайди. Бу масала назарий жиҳатдан етарли даражада асосланмаган.

Масалан, олий ўкув юртида ишлаётган доцент билан корхона ва ташкилот бўлимларида ишлаётган бош ва етакчи мутахассислар бир хил разряд орқали ойлик оладилар. Доцент доцент бўлиши учун камида 20 йил ўқийди. Бош, етакчи мутахассис бўлиши учун эса олий маълумотли бўлиши, яъни 4-5 йил ўқиши кифоя. Баъзи ҳолларда етакчи мутахассислар ҳатто олий маълумотта ҳам эга эмас. Фикримизча, кўп ўқиган киши малакали бўлиши, малакали киши малакасиз кишига нисбатан жамиятга моддий ва маънавий нафни кўпроқ келтириши табиий. Иш ҳақининг даражаси эса ана шуларни инобатга олиши лозим.

Ягона тариф жадвали бўйича оклад белгилашнинг яна бир камчилиги шундаки, у ходимларни меҳнат унумдорлигини оширишга, иш сифатининг яхшиланишига қизиқтирмайди. Тариф жадвали бўйича бир хил мутахассисга бир хил иш ҳақи белгиланади. Аммо бор кучини сарфлаб куй-

иб-ёниб ишлаган ҳам, дангасалик қилиб ишламаган ҳам бир хил ойлик оладилар. Бу эса ходимларни малакасини ошириш ва шу орқали меҳнат унумдорлигини кўпайтиришга эмас, балки лавозим эгаллашга рағбатлантиради. Охир оқибатда иш кучининг баҳоси нотўғри белгиланади.

Ягона тариф жадвалида мутахассис ходимларнинг та-бақалангандан ҳолда разрядлараро жойланишини яна бир бор илмий асослаган ҳолда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, шу жадвал бўйича белгилангандан иш ҳақи мазкур ходимга берилиши мумкин, лекин албатта мажбур деган, ҳозирги шароитдагидек хуло-са келиб чиқмаслиги керак. Бу миқдор иш ҳақининг мўлжалланган меъёрий ҳажми бўлмоғи лозим. Агар ходим ўз вазифасини ҳалол-покиза, кўзда тутилган меҳнат унумдорлиги ва иш сифатига эришган ҳолда бажарса, шу тариф жадвалида белгилангандан коэффициентга асосан иш ҳақини олиши мумкин. Аммо ходим тадбир ва ақл билан иш тутиб меҳнат унумдорлигини, иш самарасини ва си-фатини оширса, албатта у ўртача ишлаётган касбдошига нисбатан кўп маош олиши шарт. Аммо буни ягона тариф жадвали рағбатлантирмайди. Бу учун шундай йўлни топиш керак-ки, ким кўп ва сифатли меҳнат қилса, марҳамат, иш ҳақини шунга яраша олсин. Шундагина ҳар бир ходим меҳнат унумдорлигини, ишининг сифати ва самара-дорлигини оширишга ҳаракат қиласди.

Бунга қандай эришиш мумкин деган саволнинг туғи-лиши табиий. Бунга эришиш учун ҳар бир корхона ўзи-нинг меҳнат меъёрларига (нормативларига) эта бўлиши лозим. Шу меъёрни бажарса, ўзига белгилангандан иш ҳақини олади, агар ундан оширса, шунга мос равишда ойлик миқдори ҳам ошиши шарт. У ҳолда ойлик маошнинг ошиши куйидагича икки усул билан ҳисобланиши мумкин.

Биринчидан, меҳнат унумдорлиги, ишининг сифати ва самарадорлиги ошган пайтда оладиган рағбатлантирувчи ойлик маоши, иккинчидан, меҳнат унумдорлиги, иш си-фати ва самарадорлиги пасайган пайтда оладиган жазолов-чи ойлик маошидир.

Рағбатлантирувчи ойлик маошни ҳисоблаш учун қуйи-даги формулани тавсия қиласмиз:

$$I_{xp} = I_{x_{tj}} + (K_i \times C_{ti}),$$

бунда:  $I_{xp}$  — иш ҳақининг рағбатлантирувчи миқдори;  $I_{x_{tj}}$  — иш ҳақининг тариф жадвали бўйича оладиган миқдори (оклади);  $K_i$  — меҳнат унумдорлиги, иш сифати ва самарадорлигининг меъёрий коэффициенти ( $K_m=1$ );  $C_{ti}$  — ходим меҳнат унумдорлиги ёки иш сифатининг 0,01 коэффициент оширишига (камайишига) тўланадиган иш ҳақининг миқдори.

Бу ерда меҳнат унумдорлигининг ошиши, иш сифатининг яхшиланиши ҳақида гап бормоқда. Аммо амалиётда меҳнат унумдорлиги ҳамиша ўсиб, иш сифати доим яхшиланавермайди. Бундай ҳолда иш ҳақининг тариф жадвали бўйича оладиган миқдорнинг (оклади) қисқариши, яъни жазоловчи бўлмоғи лозим. У ҳолда қўйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

$$I_{xj} = I_{x_{tj}} + (-K_i \times C_{ti}),$$

бунда:  $I_{xj}$  — иш ҳақининг жазолантирувчи миқдори;  $K_{i-j}$  — ходим меҳнат унумдорлиги, иш сифати ва самарадорлигининг меъёрдан кам коэффициенти.

Масалан, фирмада етакчи мутахассис иш ҳақининг рағбатлантирилган миқдорини топиш лозим бўлса, унга тўланадиган иш ҳақининг тариф жадвали бўйича оладиган қисмини 25000 сўм деб фараз қиласиз. Шу ходимнинг меҳнат унумдорлиги, иш сифати ва самарадорлигининг меъёрга нисбатан даражаси 1,071 коэффициентга teng ва ушбу кўрсаткичнинг ҳар 0,01 миқдорига тўланадиган мукофот, яъни меҳнатни рағбатлантирувчи миқдор 600 сўмни ташкил қиласа, у ҳолда ушбу ходим иш ҳақининг рағбатлантирувчи миқдори 29260 сўмга teng бўлади:

$$25000 + [(0,071 \times 600) \times 100] = 29260 \text{ сўм.}$$

Ушбу формуланинг кўлланилиши ҳам биз ўрганаётган ходимнинг фаолиятига татбиқ қиладиган бўлсак, шу ходимнинг иккинчи ойда меҳнат унумдорлиги, иш сифати ва самарадорлиги пасайди ва уни белгиловчи коэффициент 0,983ни ташкил қилди деб фараз қиласак ( $1-0,983=0,017$ ), у ҳолда унга ҳисобланадиган ойлик маошнинг миқдори 2160 сўмни ташкил қиласи:

$$25000 + [(-0,017 \times 600) \times 100] = 25000 - 1020 = 23980 \text{ сўм.}$$

Кўриниб турибдики, етакчи ходимнинг меҳнат унумдорлиги, иш сифати ва самарадорлиги ошган пайтда унга белгиланган ойлик маошга нисбатан 17,0% кўп тўланди [ $(29260 \times 100:25000) - 100$ ]. Иш сифати ва самарадорлиги пасайган ҳолда эса 4,08%га [ $100 - (23980 \times 100:25000)$ ] кам олишга муваффақ бўлди.

Бу тавсиялар ҳаётга татбиқ қилинса, сўзсиз, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ошишига, иш сифатининг яхшиланишига, натижада жамиятда иқтисодий барқарорликнинг таъминланишига эришилади. Энг муҳими иш кучи қиймати ва баҳосини аниқлашда адолат қарор топади.

Ушбу назарий хulosаларни умумлаштирадиган бўлсак, иш кучининг қиймати ва баҳосини аниқлаш мумкин бўлади. Чунки ушбу иқтисодий категорияларнинг микдорини аниқлаш таҳдил учун жуда муҳимдир. Иш кучининг қиймати унга сарф қилган харажатларда, унинг баҳоси эса унга тўланадиган меҳнат ҳақида намоён бўлади.

Иш кучининг қийматини амалий жиҳатдан шу ходимнинг (мутахассиснинг) шаклланишига кетган харажатлар билан ифодалаш (Икк) мумкин. Буни аниқлаш учун қуйидаги формулани қўллашни тавсия қиласиз:

$$\text{Икк} = \frac{\text{Ўрта маълумот олишга кетган сарф-харажатлар}}{(\text{Ўм})} + \frac{\text{Ўрта маҳсус маълумот олишга кетган харажатлар}}{(\text{Ўмм})} + \frac{\text{Олий маълумот олишга кетган харажатлар}}{(\text{Олм})} + \frac{\text{Малака оширишга кетган харажатлар}}{(\text{Мо})}$$

$$\text{Икк} = \text{Ўм} + \text{Ўмм} + \text{Олм} + \text{Мо}.$$

Ушбу формуланинг математик моделини қуйидаги аддитив модел билан ифодалаш мумкин:

$$Y_j = \sum_{i=1}^n X_i; \quad (i = \overline{1, n}, n = 4).$$

*Иш кучининг баҳоси*, таъкидланганидек, ходимга (мутахассисга) тўланадиган асосий ва қўшимча меҳнат ҳақи микдори билан ифодаланади (Икб). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиласиз:

$$\text{Икб} = \frac{\text{Асосий меҳнат ҳақи}}{(\text{Амх})} + \frac{\text{Қўшимча меҳнат ҳақи}}{(\text{Кмх})} + \frac{\text{Ҳар хил рағбатлантириш йўли билан тўловлар}}{(\text{Рт})}$$

$$\text{Икб} = \text{Амх} + \text{Кмх} + \text{Рт}.$$

Ушбу формулани аддитив моделда қуйидагича ифода этиш мүмкін:

$$Y_j = \sum_{i=1}^n X_i; \quad (i = 1, n; n = 3).$$

Таҳлил қилишда ушбу күрсаткычларни аниклаш учун услубий тавсия сифатида иш кучининг қиймати ва баҳосини аниклашнинг ҳисоб-китобини көлтирамиз. Ушбу күрсаткычлар миқдори ўрта ҳисобда бир киши мисолида бир йилга аникланади. Бугунги кун баҳосида рақамлар тақрибан олинган.

1. Ўрта маълумот олиш учун кетган харажатлар миқдори (10 йилда 25 мингдан) — 250,0 минг сўм.
2. Ўрта маҳсус маълумот олиш учун кетган харажатлар (2 йилда 50 мингдан) — 100,0 минг сўм.
3. Олий маълумот олишта кетган харажатлар (4 йилда 180 мингдан) — 720,0 минг сўм.
4. Малака оширишга кетган харажатлар — 55,0 минг сўм.
5. 16 йил маълумот олиш учун кетган жами харажатлар, яъни иш кучининг қиймати ( $1k+2k+3k+4k$ ) — 1125,0 минг сўм.
6. Ходимга тўланадиган бир ойлик асосий меҳнат ҳақи — 23,5 минг сўм.
7. Барча қўшимча меҳнат ҳақи — 5,0 минг сўм.
8. Ҳар хил рағбатлантириш йўли билан бериладиган тўловлар — 1,8 минг сўм.
9. Иш кучининг баҳоси ( $6k+7k+8k$ ) — 30,3 минг сўм.

Ҳозирги пайтда ҳар бир ходимнинг маълумот олиш учун ўрта ҳисобда бир кишига қанча маблағ сарф қилиниши аникланган ва у ўқитиш жараёнида қўлланилмоқда. Ушбу мисолда услубий кўргазма учун тахминий рақамлардан фойдаланилди. Аммо шуни эътироф этиш керакки, бу усул бизнинг шахсий кузатувлар оқибатида қилган хуласамиз натижасидир. Бундай усуллар олдин иқтисодий адабиётларда баён этилмаганлиги туфайли тавсия тариқасида берилмоқда. Бу усулнинг албатта олимлар ва мутахассислар таклифлари билан келажакда такомиллашишига ишончимиз комил.

### 5.3.5. Меҳнат ҳақининг режадаги ва ҳақиқий миқдорини аниқлаш

Таҳдилнинг асосий тамойиллари ва усулларидан бири солиширишdir. Иш ҳақи бўйича ҳақиқий эришилган натижани режа билан солишириш учун энг аввало унинг режадаги миқдорини тўғри ҳисоблаб олиш лозим, чунки бу кўрсаткич иш ҳақи бўйича бизнес-режани тузишда, унинг стратегиясини аниқлашда қўлланилади.

Иш ҳақининг режадаги миқдорини аниқлаш учун ушбу компаниянинг (корхонанинг) штат жадвали бўйича ходимлар ва уларнинг Ўзбекистонда амал қилаётган ягона тариф сеткасидаги тариф разрядлари коэффициентлари олинади. Бу кўрсаткичлар минимал иш ҳақи миқдорига нисбатан ҳисобланади. Буни ҳисоблаш учун қуйидаги формулани тавсия қиласиз:

$$U_x^p = \sum_{i=1}^n (U_{xm} \times T_{pi} \times X_j);$$

бунда:  $U_x^p$  — иш ҳақининг режадаги миқдори;  $i$  — ходимлар сони ( $i = 1, n$ );  $T_{pi}$  — ягона тариф сеткасида  $i$  — ходимга тўғри келадиган тариф разряди;  $U_{xm}$  — минимал иш ҳақининг миқдори;  $X_j$  —  $j$  — гурӯҳдаги ходимлар сони;  $j = j$  — гурӯҳлар сони ( $j = m$ ).

Ушбу формулада келтирилган иш ҳақининг режадаги миқдорини ( $I_x^p$ ) аниқлаш усулини кенгайтирилган ҳолда қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$I_x^p = (I_{xm} \times T_{p1} \times X_1) + (I_{xm} \times T_{p2} \times X_2) + \\ + (I_{xm} \times T_{pn} \times X_n),$$

бунда:  $I_{xm}$  — Ўзбекистон Республикасида жорий қилинган минимал иш ҳақининг миқдори;  $T_{p1}$  — ягона тариф сеткасидаги тариф разяди;  $X_1$  — шу тариф разрядига тўғри келадиган ходимлар сони.

Иш ҳақининг режадаги умумий миқдори аниқлангач, уни штат жадвали бўйича банд бўлган ходимлар сонига бўлиб, ўртача иш ҳақи ( $I_x$ ) миқдорини ҳисоблаш мумкин. Бу учун қуйидаги формула қўлланилади:

$$I_x = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n (I_{xmi} \times T_{pi} \times X_i), \quad (i = \overline{1, n});$$

бунда:  $n$  — умумий ходимлар сони.

Таҳлил жараёнида иш ҳақининг ўзгаришини аниқлаш мұхим ақамиятта эга. Бу учун унинг ҳақиқий миқдорини аниқлаш лозим. Шуни әтироф этиш керак-ки, иш ҳақининг ҳақиқий миқдори ишбай ва вақтбай иш ҳақидан иборат бўлади. Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$I_x = I_{\text{ших}} + B_{\text{их}},$$

бунда:  $I_{\text{ших}}$  — ишбай иш ҳақи;  $B_{\text{их}}$  — вақтбай иш ҳақи.

Ишбай иш ҳақининг ҳақиқатдаги ҳажми қўйидагича аниқланади:

$$I_{\text{ших}} = Q_1^x \times I_{x1Q},$$

бунда:  $Q_1^x$  — бажарилган иш ҳажми;  $I_{x1Q}$  — 1 бажарилган иш учун тўланадиган иш ҳақи.

Вақтбай иш ҳақининг миқдорини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$B_{\text{их}} = I_{xm}^x \times T_{pi}^x \times X_i^x,$$

бунда:  $I_{xm}^x$  — минимал иш ҳақининг амалдаги миқдори;  $T_{pi}^x$  —  $i$  — ходимга тўғри келадиган тариф разряди;  $X_i^x$  —  $i$  — тариф разрядига тўғри келадиган ходимлар сони.

Таҳлил қилинаётган обьектни ўрганиш учун тегишли режадаги ва ҳақиқатдаги маълумотлар таҳт бўлгач, уни таҳлил қилиш мумкин бўлади.

### *5.3.6. Мехнат ҳақи умумий ҳажмининг таҳлили*

Иш ҳақини таҳлил қилиш бевосита унинг суммаси, даражаси ва ҳаражатлардаги улуши ҳамда уларнинг ўзгаришини аниқлашдан бошланади. Иш ҳақининг умумий суммаси бухгалтерия ва статистик ҳисоботларда ифодаланади. Унинг даражаси ( $U_{x.d}$ ) иш ҳақи суммасини ( $U_x$ ) юзга кўпайтириб иш ҳажмининг миқдорига ( $Q$ ) бўлинади:

$$U_{x.d} = \frac{U_x \times 100}{Q}.$$

Иш ҳақининг барча ҳаражатлардаги улушкини топиш

учун иш ҳақининг миқдорини барча харажатлар (ХА) ҳажмига бўлиб юзга кўпайтирилади:

$$U_{x, ул} = \frac{U_x \times 100}{ХА}.$$

Ушбу кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш учун куйидаги жадвал тузилади (*45-жадвал*).

*45-жадвал*

### **Иш ҳақи умумий ҳажми ва даражасининг ҳисобот йилидаги ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Режала	Ҳақиқатда	Фарқи (+, -)	Режанинг бажарилиши
1. Натижа (маҳсулот ҳажми), минг сўм	5542,4	5694,5	+152,1	102,7
2. Харажатлар, минг сўм	921,8	941,2	+19,4	102,1
3. Харажатлар даражаси, % (2к:1к×100)	16,63	16,53	-0,10	99,4
4. Меҳнат ҳақи, минг сўм	350,3	356,7	+6,4	101,8
5. Меҳнат ҳақи даражаси, % (4к:1к×100)	6,32	6,26	-0,06	99,1
6. Меҳнат ҳақининг барча харажатлардаги улуси, % (4к:2к×100)	38,0	37,9	-0,1	99,7

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, барча харажатлар, шу жумладан меҳнат ҳақи миқдори ҳам таҳлил қилинаётган даврда кўпайган. Аммо уларнинг даражаси шу даврда камайган. Харажатлар даражаси режадаги 16,63 фоиздан ҳақиқатда 16,53 фоизгача, меҳнат ҳақи даражаси эса, мос равишда, 6,32 фоиздан 6,26 фоизгача камайган. Харажатлар даражасининг камайиши ходимлар меҳнатининг самарадорлиги ошганлигидан далолат беради.

Таҳлилнинг навбатдаги босқичида меҳнат ҳақи миқдорининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш муҳим аҳамиятга эга, чунки шу йўл билан меҳнат ҳақига тўланадиган харажатни нисбий жиҳатдан камайтириш ва унинг самарадорлигини оширишга эришилади.

Таҳлил жараёнида иш ҳақи ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш лозим. Меҳнат ҳақи ҳажмининг ўзга-

ришига бешта омил таъсири қиласи. Буларга қуйидагилар киради. Бу учун қуйидаги формулани келтирамиз:

$$U_x = (Q_i \times U_{xi}) j + (U_x \times Tr_i \times X_i) j,$$

бунда:  $Q_i$  — иш ҳақи;  $U_x$  — битта бажарилған иш учун тұланадиган мәннат ҳақи;  $U_{xm}$  — минимал иш ҳақининг миқдори;  $Tr$  — тариф разряди;  $X$  — ходимлар сони.

Таҳлил жараёнида шу омиллар ўзгаришининг мәннат ҳақи миқдори ўзгаришига таъсирини топиш учун иқтисодий таҳлилнинг аңынавий усулыдан фойдаланиш мүмкін.

Келтирилған формулага асосан мәннат ҳақи ҳажмиға таъсири қилувчи омилларни қуйидагича хисоблаш мүмкін:

1. Иш ҳажми ўзгаришининг мәннат ҳақи ўзгаришига таъсири ( $\Delta U_{xQ}$ ):

$$\Delta U_{x \times Q} = (Q^x - Q^p) \times U_{xIQ}.$$

2. Бир иш ҳажмиға тұланадиган мәннат ҳақи (расценкаси) ўзгаришининг мәннат ҳақи умумий суммасига таъсири ( $\Delta U_{xIQ}$ ):

$$\Delta U_{xIQ} = Q^x \times (U_{xIQ}^x - U_{xIQ}^p).$$

3. Минимал иш ҳақи миқдори ўзгаришининг мәннат ҳақи ҳажмининг ўзгаришига таъсири ( $\Delta U_{xxm}$ ):

$$\Delta U_{xxm} = (U_{xm}^x - U_{xm}^p) \times Tr^p \times X^p.$$

4. Ягона тариф сеткасида тариф разряди ўзгаришининг мәннат ҳақи ҳажми ўзгаришига таъсири ( $\Delta U_{x \times tr}$ ):

$$\Delta U_{x \times tr} = U_{xm}^x \times (Tr^x - Tr^p) \times X^p.$$

5. Ходимлар сони ўзгаришининг мәннат ҳақи ҳажми ўзгаришига таъсири ( $\Delta U_{xxx}$ ):

$$\Delta U_{xxx} = U_{xm}^x \times Tr^x \times (X^x - X^p).$$

Барча омиллар таъсири, одатдайдек, натижанинг, яъни мәннат ҳақи ҳажмининг умумий фарқига тенг бўлади:

$$\Delta U_x = \Delta U_{x \times Q} \pm \Delta U_{xIQ} \pm \Delta U_{xxm} \pm \Delta U_{x \times tr} \pm \Delta U_{xxx}.$$

Ушбу назарий тавсиялар амалиёт талабидан келиб чиққан ва унга мос равища яратылған. Буни исботлаш учун ушбу формулаларга амалий маълумотларни қўллаган ҳолда натижа ўзгаришига ҳар бир омилнинг таъсирини аниқлаш мүмкін. Бу учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (46-жадвал).

**Меҳнат ҳақи ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг  
ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Режада	Ҳақи- қатда	Фарқи (+, -)	Меҳнат ҳақи ўзгари- шига таъсири (+, -)
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	5542,4	5694,5	+152,1	+5,6
2. Меҳнат ҳақи жами, минг сўм	350,3	356,7	+6,4	×
Шу жумладан:				
2.1. Вақтбай меҳнат ҳақи, минг сўм	145,5	158,3	+12,8	×
2.2. Ишбай меҳнат ҳақи, минг сўм	204,8	198,4	-6,4	×
3. Ишбай иш ҳақининг ўртача ставкаси 100 сўмга, сўм	3,695	3,484	-0,211	-12,0
4. Минимал иш ҳақининг миқдори, сўм	750	750	-	0
5. Тариф разрядининг ўртача миқдори, коэффициенти	2,456	2,513	+0,057	+3,4
6. Ходимлар сони, киши	79	84	+5	+9,4

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, меҳнат ҳақининг умумий миқдори режага нисбатан 6,4 минг сўмга ошган. Бунга қўйидаги омиллар таъсири кўрсатган.

1. Маҳсулот ҳажмининг 152,1 минг сўмга ошганлиги меҳнат ҳақини 5,6 минг сўмга оширди:

$$152,1 \times 3,695 = +5,6 \text{ минг сўм.}$$

2. Ишбай иш ҳақининг ўртача ставкаси 0,211 сўмга камайган. Бу эса ўз навбатида меҳнат ҳақи ҳажмини минг сўмга камайтирган.

$$5694,5 \times 0,211 = -12,0 \text{ минг сўм.}$$

3. Минимал иш ҳақи миқдори ҳисбот даврида ўзгармасдан қолди ва унинг натижага таъсири нолга тенг бўлади.

$$0 \times 2,456 \times 79 = 0.$$

4. Ўртача тариф разрядининг миқдори ҳисбот йилида 0,057 коэффициентига кўпайганлиги умумий меҳнат ҳақи миқдорини 3,4 минг сўмга оширди

$$750 \times 0,057 \times 79 = +3,4 \text{ минг сўм.}$$

5. Ходимлар сонининг 5 кишига кўпайиши меҳнат ҳақи миқдорини 9,4 минг сўмга оширган.

$$750 \times 2,513 \times 5 = +9,4 \text{ минг сўм.}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$5,6 - 12,0 + 0 + 3,4 + 9,4 = +6,4.$$

Натижага таъсир этувчи омилларниң умумий ҳажми-ни кенгайтирилган ҳолда ва жамланган тарзда ҳисоблаш мумкин. Масалан, меҳнат ҳақининг умумий ҳажмига ходимлар сони ва ўртача иш ҳақи ҳам таъсир қилиши мумкин. Бу ҳақда иқтисодий адабиётларда, хусусан «Матлубот кооперацияси хўжалик фаолияти таҳлили» (Тошкент: «Ўқитувчи», 1989) номли дарсликда ҳам ёритилган.

Меҳнат ҳақи ( $M_x$ ) ўзгаришига юқорида қайт этилган омиллар таъсирини ҳисоблаш учун куйидаги формула тавсия қилинади:

$$MX = X \times Y_{mx},$$

бунда:  $X$  — ходимлар сони;  $Y_{mx}$  — ўртача меҳнат ҳақи.

Ушбу формулага қайта ҳисоблаш усулини қўллаб натижага омиллар таъсирини аниқлаш мумкин. Қайта ҳисобланган меҳнат ҳақи куйидагича ҳисобланади:

$$MX^{xx} = X^x \times Y_{mx}^p,$$

Натижага омиллар таъсири куйидагича ҳисобланади.

1.  $MX$  ўзгаришига ходимлар сонининг таъсирини ( $\Delta MX_x$ ) аниқлаш учун куйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta MX_x = MX^{xx} - MX^p = (X^x \times Y_{mx}^p) - (X^p \times Y_{mx}^p).$$

2.  $MX$  ўзгаришига  $Y_{mx}$  ўзгаришининг таъсирини ( $\Delta MX_{ymx}$ ) аниқлаш учун эса куйидагича формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\Delta MX_{ymx} = MX^x - MX^{xx} = (X^x \times Y_{mx}^x) - (X^x \times Y_{mx}^p).$$

Барча омиллар таъсири одатдагидек натижанинг умумий фарқига тенг бўлади.

$$\Delta MX = \Delta MX_x \pm \Delta MX_{ymx}.$$

Ушбу формулага амалий маълумотларни қўллаб натижага омиллар таъсирини аниқлаш мумкин (47-жадвал).

**Меҳнат ҳақи ҳажмининг ўзгаришига ходимлар сони ва ўртача меҳнат ҳақи ўзгариши таъсирининг ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Режа-да	Ҳақи-катда	Кайта хи-соб-лан-ган	Фарқи (+, -)		
				жами	шу жумладан	ўртача меҳ-нат ҳақи эва-зига
1. Ходимлар сони, киши	79	84	84	+5	x	x
2. Ўртача меҳнат ҳақи, сўм	4434	4246	4434	-188	x	x
3. Меҳнат ҳақининг уму-мий ҳажми ( $1k \times 2k$ )	350,3	356,7	372,5	+6,4	+22,2	-15,8

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, меҳнат ҳақининг умумий ҳажми ҳисбот йилида 6,4 минг сўмга ошган. Бу ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсири қилган.

1. Ходимлар сонининг 5 кишига кўпайғанлиги меҳнат ҳақи умумий миқдорини 22,2 минг сўмга кўпайтириди:

$$372,5 - 350,3 = +22,2 \text{ минг сўм.}$$

2. Ўртача меҳнат ҳақининг 188 сўмга камайиши умумий меҳнат ҳақининг ҳажмини 15,8 минг сўмга камайтириди:

$$356,7 - 372,5 = -15,8 \text{ минг сўм.}$$

Одатдагидек, ушбу икки омил таъсири натижанинг умумий ўзгаришига teng:

$$22,2 - 15,8 = +6,4 \text{ минг сўм.}$$

Ушбу омилларни тегишли қоидалар асосида кенгайтириш ҳам мумкин. Масалан, ходимлар сони (X) иш ҳажмининг (Q) меҳнат унумдорлигига (МУ) нисбати билан аниқланади.

$$X = \frac{Q}{M\Upsilon}.$$

Агар олдинги формуладаги ходимлар сони ўрнига унинг аниқловчисини қўйсак, у қуйидаги шаклга эга бўлади.

$$MX = \frac{Q}{M\Upsilon} \times Y_m = \frac{Q \times Y_m}{M\Upsilon}.$$

Ушбу боғлиқлик чизмада қуйидагида ифода этилиши мүмкін (33-чизма).

### 33-чизма

**Меңнат ҳақи ҳажмиға  
таъсир қылувчи омиллар**

Ходимлар сони

×

Үртача меңнат ҳақи

Ушбу боғлиқликка амалий маълумотларни ва иқтисодий таҳлилнинг занжирли алмаштириш усулини қўллаб, меңнат ҳақи ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлаш мүмкін (48-жадвал).

### 48-жадвал

#### Меңнат ҳақи ўзгаришига алоҳида омиллар таъсирини аниқлаш ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Режа-да	Ҳақи-қатда	Фарқи (+, -)	Занжирли алмаштиришлар		
				1 омил ўзга-риши билан	2 омил ўзга-риши билан	3 омил ўзга-риши билан
1. Иш ҳажми (товар обороти, тайёр маҳсулот), минг сўм	5542,4	5694,5	+152,1	5694,5	5694,5	694,5
2. Меңнат унумдорлиги, минг сўм	70,16	67,79	-2,37	70,16	67,79	67,79
3. Үртача меңнат ҳақи, сўм	4434	4246	-188	4434	4434	4246
4. Меңнат ҳақи ҳажми, минг сўм	530,3	356,7	+6,4	359,9	372,5	356,7

Ушбу жадвал маълумотидан кўриниб турибдики, меңнат ҳақининг умумий ҳажми 6,4 минг сўмга кўпайган. Бу қуйидаги омиллар эвазига содир бўлган:

1. Тайёр маҳсулот ҳажмининг 152,1 минг сўмга ошганилиги меңнат ҳақи ҳажмини 9,6 минг сўмга кўпайтирган:

$$359,9 - 350,3 = +9,6 \text{ минг сўм.}$$

2. Меңнат унумдорлигининг 2,37 минг сўмга камайиши меңнат ҳақи ҳажмини 12,6 минг сўмга ошириб юборишига сабаб бўлди:

$$372,5 - 359,0 = +12,6 \text{ минг сўм.}$$

3. Ўртача мөхнат ҳақининг 188 сўмга камайиши мөхнат ҳақи умумий ҳажмини 15,8 минг сўмга камайтириди:

$$356,7 - 372,5 = -15,8 \text{ минг сўм.}$$

Барча омиллар тасири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$9,6 + 12,6 - 15,8 = +6,4 \text{ минг сўм.}$$

## **5.4. Корхонада банд бўлган ходимлар сони таҳлили**

### ***5.4.1. Ходимлар сони тушунчаси***

Ходимлар сони деганда корхонада банд бўлган барча ишчи ва хизматчиларнинг умумий сони тушунилади. Бу икки кўринишда бўлади.

1. Рўйхатдаги ходимлар сони.

2. Ишга келган ходимлар сони.

*Рўйхатдаги ходимлар сони* деганда корхона рўйхатига киритилган доимий, мавсумий ва вақтинчалик ишлайдиган ҳамда шу корхонадан маош оладиган барча ходимлар тушунилади. Буларнинг таркибига:

1) ҳақиқатда ишлаётганлар;

2) вақтинча хизмат сафарида, навбатдаги мөхнат таътилида, декрет таътилида юрганлар;

3) касаллиги туфайли ишга келмаганлар, давлат ва ижтимоий ташкилотлар топшириқларини бажариш мақсадида бошқа ишни қилаётганлар; маъмурият рухсати билан келмаганлар, байрам ва дам олиш кунлари ишлаганлиги учун таътилда юрганлар, сабабсиз ишга келмаганлар ҳам киради.

Булардан ташқари қишлоқ хўжалик ишларига вақтинча жалб қилинганлар, малака оширишда ўқиётганлар, ўқиш учун таътилга чиқиб навбатдаги сессиясини топшираётганлар ҳам шу корхонада вақтинча ишламасада, унинг рўйхатдаги ходимлар сонига киради.

Шундай ходимлар борки, улар шу корхонада маълум даражада фаолият кўрсатади, аммо рўйхатдаги ходимлар сонига кирмайди. Булар жумласига шу корхонада ишлаб

чиқариш амалиётини ўтаётган, лекин ишга қабул қилинмаган олий ва ўрта маҳсус ўкув юртлари талабаларини, корхонанинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишни бажаришга 5 кунгача қабул қилинган ходимларни, шу корхонада ўриндошликда (совместитель) бўлиб ишлатганларни ва бошқа шунга ўхшаш тоифадаги ходимларни киритиш мумкин.

Амалиётда, айниқса таҳлил қилишда, *ўртacha rўйхатдаги ходимлар сони* деган кўрсаткич ҳам ишлатилади. Бу бир ойга, бир чоракка, ярим йилга, тўққиз ойга ва бир йилга ҳисобланиши мумкин. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун корхонадаги рўйхатдаги ходимлар сонининг ҳар бир кунлигини қўшиб ҳисобланётган даврдаги тақвим кунлари сонига бўламиз. Масалан, бир ойлик ўртacha rўйхатдаги ходимлар сонини топмоқчи бўлсак, шу ой мобайнида дам олиш ва байрам кунларини ҳам қўшган ҳолда рўйхатдаги ходимларнинг ҳар кунлигини жамлаб чиқамиз ва чиқсан натижани шу ойдаги тақвим кунлари сонига бўламиз.

Ўртacha rўйхатдаги ходимлар сонини бир чорак муддатта аниқлаш учун уч ойлик ўртacha rўйхатдаги ходимлар сонини қўшиб учга бўлиш кифоя. Олти ойликни топиш учун олти ойлик ўртачани қўшиб олтига бўлинади ва ҳ.к.

Ушбу кўрсаткич корхонада таҳлил қилинаётган даврда меҳнат унумдорлигининг даражасини ва бошқа самарадорлик билан боғлиқ кўрсаткичларни аниқлаш учун кўлланилади.

*Ишга келган ходимлар сони* бир тақвим кунида фақат ишга келган ходимлардан иборатdir. Агар шу корхонанинг рўйхатида бўлса-да, у ёки бу сабаб билан ишга келмаса, ишга келган ходимлар сонига қўшилмайди. Бу кўрсаткичлар ҳам ўртacha бир ой, бир чорак, ярим йил, тўққиз ой ва бир йилга ҳисобланиши мумкин.

Бир ойлик ўртacha ишга келган ходимлар сонини топиш учун ҳар иш кунида ишга келган ходимлар сонини қўшиб шу ойдаги иш кунларига бўлиш кифоя. Агар ушбу кўрсаткични бир чоракка топиш лозим бўлса ўртacha арифметик усулдан фойдаланиб уч ойлик ўртacha ишга келган ходимлар сонини қўшиб учга бўлинади. Шу тариқа бошқа даврларни ҳам аниқлаш мумкин.

Ушбу кўрсаткич ҳам корхонанинг меҳнат унумдорлигини аниқлаш учун кўлланилади. Лекин шу кўрсаткич билан аниқланган меҳнат унумдорлиги меҳнат самарадорлигининг ҳақиқий миқдорини ифодалайди. Бозор муносабатлари шароитида корхона ишининг ҳақиқий натижасини аниқлаш учун ушбу кўрсаткич муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли ҳар бир тадбиркор, ишбилармон ёки менежер келтирилган кўрсаткичларни аниқлаш йўлларини, уларнинг ҳисобланиш усуllibарини, кўлланилиш доирасини, асл моҳиятини билишлари лозим. Шундагина у корхонада банд бўлган ходимлар сони, уларнинг ўзгариши ва улардан самарали фойдаланиш йўлларини тўғри таҳлил қилиши мумкин.

*Ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сонини аниқлаш усули.* Ушбу кўрсаткичнинг муҳимлиги ҳақида олдинги параграфда батафсил айтилди. Уни аниқлаш усули статистика фанида тўлиқ ўрганилади. Аммо ушбу ҳолатда ўрганилаётган кўрсаткични аниқлаш усулинин келтириш объектив заруратдан келиб чиқмоқда, чунки меҳнат муаммоси билан шугулланадиган айrim мутахассислар, айниқса шу соҳа билан шугулланувчи тадбиркорлар статистика фанини ўрганмаган бўлиши мумкин.

Таъкидланганидек, ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сонини ( $Y$ ) аниқлаш учун барча ходимларга маълум бир даврда тўғри келадиган одам (киши) кунини шу даврдаги тақвим кунларига (30, 90, 180, 360) бўламиз. Бу учун қўйидаги ўртача салмоқли статистик формуладан фойдаланиш мумкин:

$$y = \frac{\sum Y_t}{\sum t},$$

бунда:  $Y$  — бир давр бўлагига тўғри келадиган ходимларнинг киши кунлари;  $t$  — тақвим кунлари.

Ушбу формуланинг амалиётда кўлланилишини аниқлаш учун қўйидаги мисолни келтириш мумкин. Масалан, таҳлил қилинаётган корхонада май ойининг бошида 30 киши ишлар эди. 10 май куни 2 киши ўз аризасига биноан ишдан кетди. 14 май куни ушбу корхона раҳбарияти 3 кишини янгидан ишга қабул қилди. 25 май куни яна бир

кишини ишга қабул қилди. Ушбу ҳолатда май ойи учун ходимларнинг рўйхатдаги ўртacha сонини аниқлаш лозим. У ҳолда қуйидаги жадвални тузиш мумкин (49-жадвал).

#### 49-жадвал

### Корхонада банд бўлган ходимлар сони ва уларнинг иш ва тақвим кунлари ҳажмининг ҳисоб-китоби

Май ойида ходимлар сони ўзгарган даврнинг оралиги	Ходимлар сони, киши	Даврдаги тақвим кунлари, кун	Киши кунлар ҳажми, кунларда (2ус.×3ус.)
1–9	30	9	270
10–13	28	4	112
14–24	31	11	341
25–31	32	7	224
Жами:	×	31	947

Ушбу кўрсаткичлардан ходимларнинг май ойидаги ўртacha рўйхатдаги сонини аниқлаш мумкин. Бу кўрсаткич ушбу таҳдил қилаётган корхонада 30,5 кишига teng (947:31) экан.

Агар бунга иккинчи чорак учун ходимларнинг ўртacha сонини аниқлаш лозим бўлса, худди шу усул билан апрель ва июнь ойларида топилган кўрсаткични оламиз. Масалан, апрель ойида ушбу кўрсаткичнинг миқдори 29 киши бўлса, июнь ойида 32,5 кишига teng деб фараз қиласиз. У ҳолда шу иккинчи чорак учун ходимларнинг ўртacha рўйхатдаги сони 30,7 кишига [(29+30,5+32,5):3] teng бўлади.

Худди шу тарзда ушбу кўрсаткичнинг йиллик миқдорини ҳам аниқласа бўлади. Бу учун қуйидаги мисолни келтириш мумкин. Ушбу корхонада ходимларнинг ўртacha сони биринчи чоракда 28 кишини, учинчи чоракда 36,3 кишини, тўртинчи чоракда 39,0 кишини ташкил қилди деб фараз қиласиз. У ҳолда ходимларнинг рўйхатдаги йиллик сони 33,5 кишини ташкил қиласи:

$$\frac{28,0 + 30,7 + 36,3 + 39,0}{4} = \frac{134}{4} = 33,5.$$

Ушбу кўрсаткичлар статистик ҳисботнинг 1-Т шакли «Меҳнат ҳисботи»да ифодаланилади. Ушбу ҳисбот ойда, чоракда, ярим йилда, тўққиз ойда ва бир йилда тузилади ва тегишли ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси-

нинг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонунига биноан тақдим этилади.

*Ходимларнинг ўртача иш стажини аниқлаш усули.* Ходимларнинг иш стажи қанча катта бўлса, шунча яхши деб ҳисобланади, чунки унинг тажрибаси, малакаси ошади. Шу туфайли уларнинг ўртача иш стажини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу кўрсаткич икки усулда аниқланади.

Биринчиси, ходимлар кам бўлган жойда ҳар бир ходимнинг иш стажини қўшиб (Ист) ходимлар сонига (Х) бўлиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Президентининг 1998 йил 9 апрелда имзоланган «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асосан савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда йилига ўрта ҳисобда 5 нафаргача иш билан банд бўлган мўъжаз фирмалар кичик бизнес субъектлари бўлиб ҳисобланади. Бундай корхоналарда ходимларнинг ўртача иш стажи куйидагича аниқланиши мумкин. Бу учун куйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (*50-жадвал*).

Агар ходимлар сони кўп бўлса, аниқ иш стажи ўрнига ҳар бир груп бўйича унинг ўртача миқдори аниқланади. У ҳолда ходимларнинг ўртача иш стажини аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузиш мақсадга мувофиқдир (*51-жадвал*).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган корхонада ходимларнинг ўртача иш стажи 11,7 йилни ташкил қиласи. Шулардан 8 киши ёки умумий ходимларнинг 14,0 фоизининг стажи уч йилгача. Ушбу корхонада ходимларнинг турғунлилик даражаси, яъни 3 йилдан кўп ишлаган ходимларнинг улуши 86,0 фоизни ташкил қиласи.

$$\frac{(11+14+9+15)\times 100}{57} = 86\%.$$

Ушбу корхонада ўн йилдан ортиқ ишлаётганлар улуши 45,6%ни ташкил қиласа  $[(9+15)\times 100]:57]$ , 20 йилдан ортиқ ишлаганлар, яъни ўта тажрибали ходимлар улуши 26,3%ни  $(15:57\times 100)$  ташкил қиласи. Бу умуман олганда яхши кўрсаткичлар. Лекин ушбу таҳдилни янада чукурлаштириш учун уларни бир қанча йиллар бўйича солиштириш лозим.

*50-жадвал*

**Ходимларнинг ўртача иш стажини аниқлаш усули**

Иш стажи (У)	Ходимлар сони (Х)	Аниқ иш стажи (t)	Ходимлар- нинг уму- мий иш стажи, киши кун (xt)	Ушбу кичик корхонада ходимлар- нинг ўртача иш стажи
1 йилгача	1	1	1	
3 йилгача	—	—		$\Sigma X t = 59$
5 йилгача	1	4	4	$y = 11,8 \text{ йил}$
10 йилгача	—	—		$\times 5$
20 йилгача	2	16	32	
20 йилдан ортиқ	1	22	22	
Жами:	5	×	59	

*51-жадвал*

**Ходимларнинг ўртача иш стажини аниқлаш ҳисоб-китоби**

Иш стажи, йил	Ўртача иш стажи (t)	Ходимлар сони (x)	Ходимлар- нинг уму- мий иш стажи, киши кун (xt)	Корхонада ходимлар- нинг ўртача иш стажи
1 йилгача	0,5	4	2	
1–3	2	4	8	669
3–5	4	11	44	$y = 1,7$
5–10	7,5	14	105	57
10–20	15	9	135	
20 ва кўп	25	15	375	
Жами:	—	57	669	

**5.4.2. Ходимлар сонининг таҳлили**

Бозор муносабатлари шароитида корхонада банд бўлган ходимлар сонини таҳлил қилиш иқтисодий ишларнинг энг муҳим соҳаларидан биридир. Чунки ходимлар сони, биринчидан, ҳар бир корхонани меҳнат потенциали ва малакали иш кучи билан таъминланганлигини ифодаласа, иккинчидан, катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятта эга. Зоро, ҳар

бир ходимнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи ўзлари ишлаётган корхоналарда бандлиги ва у ердан оладиган ойлик маоши, меҳнат ҳақи ва бошқа рағбатлантириш механизмларининг қандай ташкил қилинганини билан ифодаланади.

Охир-оқибатда корхонанинг иши, унинг самарадорлиги шу ердаги банд бўлган ходимлар сонига, уларнинг малакасига, меҳнат қилиш шароити ва улар ўртасидаги маънавий-руҳий муҳитга бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ходимлар сонини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ходимлар сонини таҳлил қилишнинг вазифаси унинг аҳамиятидан келиб чиқади. Бунга бозор муносабатлари шароитида қўйидагиларни киритиш мумкин.

1. Мавжуд ходимлар сонини ва уларнинг штат жадвалига тўғри келиш келмаслигини аниқлаш.

2. Ходимларнинг малакаси, маълумоти бўйича таркиби-ни аниқлаш ва уларнинг ўзгаришига баҳо бериш.

3. Ходимларнинг динамикасини корхонанинг асосий кўрсаткичлари билан солиштирган ҳолда ўрганиш ва уларнинг ўзгариш тенденциясига баҳо бериш.

4. Ходимларнинг обороти, қўнимсизлиги, мустаҳкамлиги каби кўрсаткичларни аниқлаш, уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни белгилаш каби муҳим тадбирларни амалга ошириш.

Таҳлилнинг вазифаси бу келтирилганлар билан чекланиб қолмайди, балки ҳар сафар таҳлилнинг мақсади ва аниқ вазиятдан келиб чиқиб ўзгариб туриши табиий. Чунки бозор муносабатлари шароитида вазиятлар тез ўзгариб туриши мумкин. Бу ўзгариш жараёнини таҳлил қилиб, тегишли қарорлар қабул қилиб, амалий чора-тадбирларни қўллаш бошқариш ва иш юритиш усулларини вазиятга қараб мослаб бориш чораларини кўриш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шундай экан, ходимлар сонини таҳлил қилиш келажакда иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисмига айланishi табиий.

Ходимлар сонини таҳлил қилиш бевосита уларнинг умумий сонини, таркибини ва фарқини аниқлашдан бошланади. Бу учун қўйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (52-жадвал).

**Корхонада банд бўлган ходимлар сони  
ва унинг таркибидаги ўзгаришлар**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида		Фарқи (+, -)	
		штат жадвалида	ҳақиқатда	режага нисбатан	ўтган йилга нисбатан
1. Корхонада банд бўлган барча ходимлар, киши	112	108	121	+13	+9
2. Ишлаб чиқариш билан банд бўлган асосий ходимлар, киши	104	102	109	+7	+5
3. Асосий ходимларнинг умумий ходимлардаги улуси, % ( $2k:1k \times 100$ )	92,9	94,4	90,1	-4,3	-2,8

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ходимлар сони ҳисобот йилида режага ва ўтган йилга нисбатан, мос равишда 13 ва 9 кишига кўпайган. Шу билан бирга асосий ходимлар сони ҳам кўпайган. Бу кўрсаткич режага нисбатан 7 кишини ташкил қилган бўлса, ўтган йилга нисбатан 5 кишига кўпайган. Аммо асосий ходимларнинг улуси ўтган йилдаги 92,9%дан ҳисобот йилида 90,1%гача, яъни 2,8% бандга камайган. Асосий ходимлар улусини ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан кўпайтириб 94,4%га етказиш кўзда тутилган эди. Аммо ҳисобот йилида, таъкидланганидек, бу кўрсаткич 90,1%ни ташкил қилди ва унинг миқдори 4,3%га камайди. Бундай ҳолатни бозор муносабатлари шароитида оқлаш қийин. Асосий ишлаб чиқарища банд бўлган ходимлар улусининг кўпайиши мақсадга мувофиқ.

Агар ушбу кўрсаткичларнинг динамикасини ўрганадиган бўлсак, корхонанинг барча ходимлари 108,0% ( $121:112 \times 100$ ) ошган бир пайтда, асосий ходимлар сони атиги 104,8% ( $109:104 \times 100$ ) кўпайган. Асосий ходимларнинг ўсиш суръати умумий ходимлар ўсиш суръатига нисбатан кам. Бу кўрсаткич 0,97 коэффициентни ( $104,8:108,0$ ) ташкил қиласди. Бозор муносабатлари шароитида ушбу кўрсаткичнинг миқдори бирдан катта бўлганда натижани ижобий баҳолаш мумкин эди.

Таҳлилнинг навбатдаги босқичида ходимлар сони асосий

кўрсаткичларининг ўзгариш тенденциясини аниқлаш лозим. Бу эса уларнинг динамикасини таҳлил қилишни тақозо килади. Ходимлар сонининг динамикасини аниқлашда албатта ҳажм кўрсаткичлари, фойда каби кўрсаткичлар динамикаси билан солиштирилган ҳолда таҳлил қилиш лозим. Бу учун қуйидагича жадвал тузилади (53-жадвал).

### 53-жадвал

#### **Ходимлар сони, маҳсулот ҳажми ва фойда кўрсаткичларининг 1995-1998 йиллардаги динамикаси**

Йиллар	Ходимлар сони		Маҳсулот ҳажми		Соф фойда	
	киши	Ўзгариш суръати, %	суммаси, минг сўм	Ўзгариш суръати, %	суммаси, минг сўм	Ўзгариш суръати, %
1	2	3	4	5	6	7
1997	96	100,0	4291,2	100,0	350,7	100,0
1998	103	107,3	4334,8	101,0	359,4	102,5
1999	112	116,7	4583,3	106,8	368,0	104,9
2000	121	126,0	5694,5	132,7	496,2	141,5

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ходимлар сони шу тўрт йил мобайнида 126,0%га ўсган. Аммо маҳсулот ҳажми ва фойданинг ўсиш суръати шу йилларда ходимлар сонига нисбатан юқори. Масалан, маҳсулот ҳажми шу тўрт йилда 32,7%га ошган бўлса, корхонанинг соф фойдаси 41,5%га ошган. Бу кўрсаткичлар меҳнат самарадорлигининг ошганлигидан далолат беради. Буни аниқ билиш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиласиз (54-жадвал).

### 54-жадвал

#### **Меҳнат унумдорлиги ва рентабеллигининг ўзгариш динамикаси**

Йиллар	Меҳнат унумдорлиги (4у:2у)		Меҳнат рентабеллиги (6у:2у)	
	суммаси, минг сўм	Ўзгариш суръати, %	1 ходимга тўғри келадиган фойда, сўм	Ўзгариш суръати, %
1997	44,7	100,0	3653	100,0
1998	42,1	94,2	3489	95,5
1999	40,9	91,5	3285	89,9
2000	47,1	105,4	4101	112,3

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, меҳнат унумдорлиги ҳам, меҳнат рентабеллиги ҳам олдинги икки йил, яъни 1998, 1999 йиллар мобайнида камайиб келган, аммо 2000 йилда 1997 йилга нисбатан ўсиш суръатининг шу иккала кўрсаткич бўйича ҳам ошганлигини кўрамиз. Масалан, меҳнат унумдорлиги 1997 йилда 44,7 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 1999 йилда атиги 40,9 минг сўмга тенг бўлди. Ушбу кўрсаткич шу уч йилда 8,5% камайди (100,0–91,5). Меҳнат рентабеллигига ҳам худди шундай ҳолатни кўриш мумкин. Унинг миқдори 1997 йилдаги 3653 сўмдан 1999 йилда 3285 сўмгача ёки 10,1% (100,0–89,9) камайди. Лекин 2000 йилда шу икки кўрсаткич бўйича ҳам ўсиш суръати кескин ошди. 2000 йилда 1999 йилга нисбатан меҳнат унумдорлиги 105,4%ни ташкил қиласи. Корхонанинг бу ҳолати бевосита Ўзбекистон иқтисодиётидаги аҳволга тўғри келади. У 1999 йилда ўшишга эришган эди, аммо бу корхона шундай ҳолатга бир йилдан кейин эришди холос. Демак, бу борада иқтисодиётда яхшиланиш, ўнгланиш жараёни бошланганлигидан далолат бериб турибди.

Таҳлилни шу ерда тамом қилиш мумкин эди. Аммо ходимлар сонининг ўзгариши бу ўз-ўзидан содир бўлмайди, балки иш ҳажмининг ўзгариши ходимлар сонининг миқдорига катта таъсир қиласи, яъни иш ҳажмининг қисқариши ходимлар сонини қисқартирса, унинг кенгайиши ходимлар сонини кўпайтиради. Шу туфайли ходимлар сони ўзгаришини иш ҳажми ўзгаришига қай даражада боғлиқлигини ифода этиш лозим. Бу учун ходимлар сонининг нисбий фарқини аниқлаш кифоя. Бу қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\Delta X_{\text{нис}} = X_x - (X_p \times \Delta Q\%),$$

бунда:  $\Delta X_{\text{нис}}$  — ходимлар сонининг нисбий фарқи;  $X_x$  — ходимларнинг ҳақиқий сони;  $X_p$  — ходимларнинг режадаги сони;  $\Delta Q\%$  — маҳсулот ҳажми ўзгариш суръати.

Ушбу усулни амалий маълумотларни қўллаб аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (55-жадвал).

**Корхонада банд бўлган ходимлар сонининг нисбий  
фарқини аниқлаш**

Кўрсаткичлар	Ўт- ган йил- да	Ҳисобот йили- да	Ўзга- риш суръ- ати, %	Ходимлар- нинг маҳсулот ўзгариши билан ҳисобланган режадаги миқдори, киши	Фарқи (+, -)	
					мут- лақ	ни- сбий
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583,3	5694,5	124,2	x	1111,2	x
2. Корхонада банд бўлган барча ходим- лар сони, киши	112	121	108,0	139	+9	-18
3. Ишлаб чиқариш билин банд бўлган асосий ходимлар сони, киши	104	109	104,8	129	+5	-20

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ходимлар сони ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан ошган. Умумий ходимлар мутлақ фарқи бўйича 9 кишига, асосий ходимлар 5 кишига кўпайган. Аммо уларнинг кўпайишини маълум даражада оқлаш мумкин, чунки ходимларнинг нисбий фарқи анча камайғанликдан далолат беради. Агар ходимлар ҳам маҳсулот ҳажмига мос равишда кўпайганда эди, унинг умумий режадаги миқдори 139 тага ( $112 \times 124,2$ ), асосий ходимларнинг эса 129 тага ( $104 \times 124,2$ ) етган бўлар эди. У ҳолда ҳақиқий ишлаб чиқариш билан банд бўлганлари бўйича эса 20 кишига кам. Демак, тўлиқ хулоса қилиш учун ходимларнинг ўзгиришини аниқлашда мутлақ кўрсаткичлар билан бирга нисбий кўрсаткичларни ҳам аниқлаш лозим экан. Шундагина бу борадаги асосий кўрсаткичлар ҳақида тўғри ва тўлиқ хуносага келинади.

### **5.4.3. Қўшимча иш ўринларини очишнинг самарадорлиги**

Бозор муносабатлари шароитида қўшимча иш ўринларини очиш муҳим аҳамиятга эга. Бу, биринчидан, ишсиз юрганларни иш билан таъминлаш имконини берса, иккинчидан қўшимча маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш имкониятини яратади. Бу эса ўз навбатида, аҳолини маҳсулот (иш, хизмат) билан таъминлайди.

Таҳдил жараёнида қўшимча иш ўринлари очиш билан қанча ижтимоий-иктисодий самарага эришганликни аниқлаш лозим. Бу кўрсаткични корхона, ҳудуд, туман, вилоят, мамлакат миқёсида ҳам аниқлаш мумкин. Масалан, битта тадбиркор ўз фаолиятини кенгайтириш мақсадида ишлаб топган ортиқча маблағини жалб қилиб қўшимча иш ўрнини очишга қарор қилди. Бу бўйича тузилган бизнес-режада ҳисоб-китоб қилингандага 15 та янги иш ўрнини очиш мумкинлиги аниқланди. Бу тадбирнинг ижтимоий самараси шундаки, у 15 кишини ишга жойлаштириш имконини туғдирди. Унинг иктисодий самараси ҳам мавжуд. Уни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.

$$ИУис = Яиу \times M_{yx},$$

бунда: ИУис — янги очилган ўриннинг иктисодий самараси; Яиу — янги иш ўрнининг сони;  $M_{yx}$  — шу корхонада ишлаётган ходимлар меҳнат унумдорлигининг ҳақиқий миқдори.

Фараз қиласиз, корхонада меҳнат унумдорлигининг бир йиллик ҳақиқий даражаси 100,0 минг сўмни ташкил қиласиди. У ҳолда ушбу корхона қўшимча иш ўрнини ташкил қилиб яна қўшимча 1500,0 минг сўмлик ( $15 \times 100,0$ ) маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади. Бу эса аҳолини яна шунча қўшимча маҳсулот билан таъминлайди деган гап. Агар унинг маҳсулоти ҳалқаро бозорда чет мамлакатга сотиладиган бўлса, давлатимизга шунга тенг бўлган қўшимча чет эл валютасини ёки энг зарур маҳсулотини (технологияни) олиб келиш имкониятини яратади.

Худди шундай ҳисоб-китобни бир чоракка, бир ойга ва бир туман, вилоят ва мамлакат миқёсида ҳам ҳисоблаш

мумкин. Масалан, битта туманда 2000 кишилик янги иш ўрни очилди деб фараз қиласиз. Унинг ҳар бири бир йилда ўртача 60,0 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарса, шу туманда кўшимча 120,0 миллион сўмлик ( $2000 \times 60,0$ ) маҳсулот яратилади. Энг муҳими 2000 киши туманда иш билан таъминланади. Маҳсулотнинг кўп ишлаб чиқарилиши, иш билан таъминланганликнинг ошиши эвазига аҳолининг фаровонлиги ошади. Чунки шу икки минг киши оиласига ҳар ойда кўшимча маош олиб келиш имкониятига эга бўлади. Худди шундай ҳолатни, таъкидланганидек, мамлакат миқёсида ҳам аниқлаш мумкин.

## **5.5. Корхонада иш вақти ва ундан фойдаланишининг таҳлили**

### ***5.5.1. Иш вақти тушунчаси***

***Иш вақти*** бўлиб ходимнинг ўз вазифасини бажариши лозим бўлган вақти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг VII боби иш вақтига бағишланган. Бу масала ушбу кодекснинг 114-115-моддаларида ўз ифодасини топган.

Ходим учун иш вақтининг нормал муддати Ўзбекистонда бир ҳафтада 40 соатдан ортиқ бўлмаслиги керак деб белгиланган. Бунда олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунига ишнинг муддати 7 соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса 8 соатдан ошиб кетмаслиги кўзда тутилган.

Иш вақти қўйидаги кишилар учун қисқартирилган ҳолда белгиланади:

- ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга;
- 1 ва 2 гуруҳ ногирони бўлган ходимларга;
- ноқулай меҳнат шароитида банд бўлган ходимларга;
- алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимларга;

16-18 ёшгача бўлган ходимларга иш вақтининг муддати ҳафтасига 36 соатдан, 15-16 ёшгача бўлган шахсларга, таътил даврида ишлаётган 14-16 ёшгача бўлган ўкувчиларга эса ҳафтасига 24 соатдан қилиб белгиланади.

Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига меҳнат ҳақи

камайтирилмаган ҳолда иш вақти ҳафтасига 36 соат қилиб белгиланган.

Нокулай меҳнат шароитида ишлаётган, хусусан меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, химиявий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа заарли омиллари таъсир этадиган ходимлар учун ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган муддат белгиланган.

Меҳнат шароити ўта заарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган иш вақтининг муддати чегараси Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланади.

Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимларга юқори даражадаги ҳис-ҳаяжон, ақлий зўриқиши, асаб тинчлиги билан боғлиқ ишларда ишлайдиган шахслар киради. Буларга тиббиёт ходимлари, педагоглар ва бошқа шунга тенглаштириладиган ходимларни киритиш мумкин. Бундай ходимларга ҳам иш вақти ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланган (118-модда). Бундай ходимларнинг рўйхати ва аниқ иш вақти Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланади.

Томонлар келишилган ҳолда қисқартирилган иш вақтини ҳам белгилаш мумкин.

*Тунги вақтдаги ишнинг муддати бир соатга, иш ҳафтаси шунга мувофиқ равишда қисқаради. Соат 22 дан то соат 6-00 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади.*

Ходимлар иш вақтидан ташқари ишларга ҳам жалб қилиниши мумкин. *Иш вақтидан ташқари иш деб ходим учун белгиланган қундалик иш (смена) муддатидан ташқари бажарилган ишга айтилади.* Бунга дам олиш кунлари ва байрам кунлари киради. Бу кунларда ишлаган ходимларга камида икки ҳисса иш ҳақи тўланади. Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида 4 соатдан ва йилига 20 соатдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Кўриниб турибдики, иш вақти олдинги давларга нисбатан ҳафтасига 1 соатга қисқартирилган, шунингдек баъзи ходимларга қисқартирилган иш куни жорий қилиниб уларнинг меҳнати муҳофаза қилинган. Белгиланган иш вақтидан ортиқча ишлаганлик учун унга тўланадиган ҳақ ҳам кўпайтирилган. Демак, Ўзбекистонда иш вақти ва ундан фойдаланища инсон манфаатларининг устуворлиги кўзда тутилган.

Бозор муносабатлари шароитида иш вақтидан самарали фойдаланишни тақозо қиласи. Бу учун корхонанинг иш вақти ҳажмини аниқлаш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Корхонанинг иш вақти ҳажми деб барча ходимларнинг бир йиллик иш кунида бажариши лозим бўлган иш соатлари йифиндисига айтилади. Таҳлил жараёнида ушбу кўрсаткични чукур ўрганиш лозим, чунки ҳар бир дақиқа корхона ва жамият учун қимматлидир.

### **5.5.2. Иш вақти ҳажмининг таҳлили**

Таҳлил қилиш учун иш вақтининг умумий ҳажмини (УХИВ) аниқлаб олиш лозим. Ушбу кўрсаткич барча ходимлар сонини ( $X$ ) ҳар бир ходимнинг ўртача ишлаган кунлари (ИК) ва бир кундаги иш вақти ( $B_x$ ) муддатига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Бу учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$УХИВ = X \times ИК \times B_x \quad (5.1).$$

Иш вақти ҳажмини бевосита асосий иш билан банд бўлган ходимлар бўйича ҳам аниқлаш мумкин. Асосий иш билан банд бўлган ходимларни ( $Aх$ ) аниқлаш учун барча ходимлар сонидан ( $X$ ) бошқарувда банд бўлган ходимлар ва хизматчилар ( $Bx$ ) айрилади.

$$АХ = X - БХ \quad (5.2).$$

Ушбу ходимлар иш вақти ҳажмини ҳам барча ходимлар иш вақти ҳажми сингари аниқлаш мумкин. Бу кўрсаткич асосий ишда банд бўлган ходимларнинг меҳнат унумдорлигини аниқлашда, унга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишда кўлланилади. Иш вақти ҳажмининг таҳлили ушбу кўрсаткичлар фарқини аниқлашдан бошланади. Бу учун қуйидаги жадвални тузишини тавсия қиласиз (56-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган корхонада иш вақти умумий ҳажмининг ўсиш суръати 112,4%ни ташкил қиласи. Асосий ходимлар бўйича эса ушбу кўрсаткич 106,9%ни ташкил қиласи. Бунга ўз-ўзидан эришилган эмас. Энг аввало умумий ходимлар сони ўтган йилга нисбатан 9 кишига ёки 108%га

*56-жадвал*

**Корхона иш вақти ҳажмининг ҳисоб даврида ўзгаришини аниқлаш ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Ўзгариш суръати, %
1. Барча ходимларнинг йиллик ўртача сони, киши	112	121	+9	108,0
2. Шу жумладан асосий ходимлар, киши	104	109	+5	104,8
2.1. Асосий ходимларнинг умумий ходимлардаги улуши, %	92,86	90,08	-2,78	97,0
3. Битта ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик иш куни, кун (беш кунлик иш ҳафтасида)	232	238	+6	102,6
4. Асосий ходимнинг бир йиллик ўртача иш куни, кун	234	237	+3	101,3
5. Бир ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача иш вақти, соат	7,61	7,72	+0,11	101,4
6. Битта асосий ходимнинг бир кунлик ўртача иш вақти, соат	7,57	7,62	+0,04	100,7
7. Иш вақтининг умумий ҳажми, соатда ( $1k \times 3k \times 5k$ )	197738	222321	+24583	112,4
8. Иш вақти ҳажмининг асосий ходимлар бўйича ҳажми, соатда ( $2k \times 4k \times 6k$ )	184224	196847	+12623	106,9

ўсган. Битта ходимнинг ўртача иш куни ҳам, мос равишда, 5 киши ва 104,8%ни ташкил қиласди. Бу ходимлар ўтган йилда ҳар бири ўрта ҳисобда 8 соат ишлаш керак эди. Аммо 7,61 соат ишлаган. Демак ҳар бир киши ўрта ҳисобда 36,6 минут  $[(60 \times 61) : 100]$  меъёрга нисбатан кам ишлаган. Чунки ходимлар турли сабабларга кўра (касаллиги туфайли, интизомни бузганлиги кабилар) ишга келмаган бўлиши мумкин. Бу барча ходимлар бўйича иш вақтининг йўқолишига олиб келади. Ўтган йилда ушбу кўрсаткичнинг ҳажми 10140 соатни  $[(112 \times 232 \times 8,0) - 197738]$  ташкил қиласган бўлса, ҳисобот йилида унинг микдори 8063 соатга  $[(121 \times 238 \times 8,0) - 222321]$  тент бўлди. Таҳлил қилинаётган вақтда ушбу корхона бўйича иш вақти ҳажмининг йўқолиши 20,5%га  $[100 - (8063 \times 100 : 10140)]$  камайган. Бу эса иш кунига ҳисобланса, ўтган йилда 1268 кунни (10140:8), ҳисобот йилида 1008 кунни (8063:8) ташкил

қиласи. Агар ушбу кўрсаткичларни одам сонига айлантирадиган бўлса, ўтган йилда 112 та кишидан 11,3 киши (1268:112) умуман ишга чиқмаган. Ушбу кўрсаткичнинг микдори ҳисобот йилида 8,3 кишини (1008×121) ташкил қиласи.

Худди шундай таҳлилни корхонада банд бўлган асосий ходимлар бўйича ҳам қилиш мумкин.

Таҳлилнинг навбатдаги босқичида иш вақти ҳажмининг ўзгаришига қандай омиллар қай даражада таъсир қилганигини аниқлаш лозим. Бу учун натижа билан омиллар ўргасидаги функционал боғлиқликлардан келиб чиқлади. Агар шундай қиласидан бўлсак, биз ушбу бобдаги 5.1 формулани асос қилиб оламиз. Бу ҳолда иш вақти ҳажмига қуйидаги омилларнинг таъсир қилишини кўрамиз:

- барча ходимларнинг йиллик ўртача сони ( $X$ );
- ҳар бир ходимнинг шу бир йилда ўртача ишлаган кунлари (ИК);
- ҳар бир ходимнинг ўртача бир кунлик иш вақти ( $B_x$ ).

Натижага, яъни иш вақти ҳажмига ушбу омиллар таъсирини аниқлаш учун таҳлилнинг бир қанча анъанавий усулларидан фойдаланиш мумкин. Биз таҳлил учун занжирли алмаштириш усулидан фойдаланишни тавсия қиласиз. У ҳолда 5.1 формулага асосан қарайдиган бўлсак, натижа ўзгаришига омиллар таъсири қуйидагича ҳисобланади.

1. Иш вақти ҳажмининг барча ходимларнинг ўртача йиллик сони таъсирида ўзгаришини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta UHIBx = (X^x \times IK^P \times B_x^P) - (X^P \times IK^P \times B_X^P) \quad (5.3).$$

2. Иш вақти ҳажмининг иккинчи омил, яъни ҳар бир ходимнинг бир йилда ўртача ишлаган кунлари таъсирида ўзгаришини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta UHIVik = (X^x \times IK^X \times B_X^P) - (X^X \times IK^P \times B_X^P) \quad (5.4).$$

3. Натижанинг ҳар бир ходимнинг ўртача бир кунлик иш вақти, яъни учинчи омил эвазига ўзгаришини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta UHIVbx = (X^x \times IK^X \times B_X^x) - (X^X \times IK^x \times B_X^P) \quad (5.5).$$

Одатдагидек, барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta \text{УХИВ} = \Delta \text{УХИВх} \pm \Delta \text{УХИВик} \pm \Delta \text{УХИВвх} \quad (5.6).$$

Келтирилган усулни 56-жадвал маълумотларидан фойдаланган ҳолда таҳлил қиласиган бўлсак, куйидаги жадвални тузиш мумкин (57-жадвал).

### 57-жадвал

#### Корхона иш вақти ҳажмига алоҳида омиллар таъсирининг ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Занжирили алмаштиришлар		
				I	II	III
1. Ходимларнинг ўртача йиллик сони, киши	112	121	+9	121	121	121
2. Бир ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик иш куни, кун	232	238	+6	232	238	238
3. Бир ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача иш вақти, соат	7,61	7,72	+0,11	7,61	7,61	7,72
4. Иш вақтининг умумий ҳажми, минг соатда ( $1\text{k} \times 2\text{k} \times 3\text{k}$ )	197,7	222,3	+24,6	213,6	219,2	222,3

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган корхонада иш вақтининг умумий ҳажми 24,6 минг соатга ошган. Бунга куйидаги омиллар таъсири қиласиган.

1. Ходимлар ўрта йиллик сонининг 9 кишига кўпайганлиги корхона иш вақти умумий ҳажмини 15,9 минг соатга кўпайтирган:

$$213,6 - 197,7 = +15,9 \text{ минг соат.}$$

2. Бир ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик иш кунининг 6 кунга ошганлиги корхона иш вақти умумий ҳажмини 5,6 минг соатга ошириган:

$$219,2 - 213,6 = +5,6 \text{ минг соат.}$$

3. Бир ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача иш вақти умумий ҳажмини 3,1 минг соатга оширишга олиб келган:

$$222,3 - 219,2 = +3,1 \text{ минг соат.}$$

Одатдагидек, барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$15,9 + 5,6 + 3,1 = 24,6 \text{ минг соат.}$$

Худди шундай таҳдилни корхонада банд бўлган асосий ходимлар иш вақти бўйича ҳам амалга ошириш мумкин. Аммо уларга таъсир этувчи омиллар бирмунча ўзгаради. Бунда умумий ходимлар ўрнига асосий ходимларга тегишли кўрсаткичлар аниқланади.

Асосий ходимлар иш вақти ҳажмига таъсир этувчи омиллар сонини 5.1 формулани ўзгартириш эвазига кўпайтириш мумкин. Масалан, асосий иш билан банд бўлган ходимлар сони ( $Ax$ ) умумий ходимлар сонини ( $X$ ) асосий ходимлар сонининг улушига ( $Uax$ ) кўпайтириш йўли билан аниқлаш мумкин:

$$Ax = X \times Uax \quad (5.7).$$

У ҳолда асосий ходимлар иш вақтини ( $Axib$ ) куйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$Axib = X \times Uax \times Ika \times Bxa \quad (5.8),$$

бунда:  $Ika$  — бир асосий ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик иш кунлари;  $Bxa$  — бир асосий ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача иш вақти.

Ушбу формулага асосий маълумотларни қўллаб, натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқликни аниқладиган бўлсак, асосий ходимлар иш вақти ҳажмига тўртта омил таъсирини кўрамиз. Бу омилларга қуйидагилар киради:

- барча ходимларнинг ўртача йиллик сони ( $X$ );
- асосий ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссаси ёки улуши ( $Uax$ );
- бир асосий ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик иш кунлари ( $Ika$ );
- бир асосий ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртacha иш вақти ( $Bxa$ ).

Ушбу омилларнинг натижа билан боғлиқлигини аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (58-жадвал).

**Корхонада асосий ходимлар иш вақти ҳажмининг  
ўзгаришига алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблаш**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарки (+, -)	Кўрсаткичлар индекси	Натижага таъсири: ижобий (+) салбий (-)
1. Барча ходимларнинг йиллик ўртача сони, киши	112	121	+9	1,0803	+14,8
2. Асосий ходимларнинг умумий ходимлардаги улуши, %	92,86	90,08	-2,78	0,9701	-6,0
3. Бир асосий ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик иш кунлари, кун	234	237	+3	1,0128	+2,5
4. Бир асосий ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача иш вақти, соат	7,57	7,62	+0,04	1,0066	+1,3
5. Асосий ходимлар иш вақтининг умумий ҳажми, минг соат ( $1k \times 2k \times 3k \times 4k$ )	184,2	196,8	+12,6	1,0684	x

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, асосий ходимлар иш вақтининг умумий ҳажми 12,6 минг соатга ошган. Ушбу ўзгаришга бир қанча омиллар таъсири қилган. Омиллар таъсирини индекс усулини қўллаб аниқлаш йўлларини кўриб чиқамиз.

1. Барча ходимлар йиллик ўртача сонининг 9 кишига ўзгариши натижаси, яъни асосий ходимлар иш вақтининг умумий ҳажмини 14,8 минг соатга кўпайтирган:

$$(184,2 \times 1,0803) - 184,2 = 199,0 - 184,2 = +14,8 \text{ минг соат.}$$

2. Асосий ходимларнинг умумий ходимлардаги улуши 2,78 банд фоизга камайганлиги уларнинг шу вақти ҳажмини 6,0 минг соатга камайтирган:

$$\begin{aligned} (184,2 \times 1,0803 \times 0,9701) - (184,2 \times 1,0803) &= \\ &= 193,0 - 199,0 = -6,0 \text{ минг соат.} \end{aligned}$$

3. Бир асосий ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик иш кунининг уч кунга ошганлиги асосий ходимлар иш вақти ҳажмининг 2,5 минг соатга кўпайишига олиб келган:

$$(184,2 \times 1,0803 \times 0,9701 \times 1,0128) - \\ - (184,2 \times 1,0803 \times 0,9701) = +2,5 \text{ минг соат.}$$

4. Бир асосий ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача иш вақтини 0,04 соатга ошганлиги уларнинг иш вақти ҳажмини 1,3 минг соатга кўпайтирган:

$$(184,2 \times 1,0803 \times 0,9701 \times 1,0128 \times 1,0066) - \\ - (184,2 \times 1,0803 \times 0,9701 \times 1,0128) = \\ = 196,8 - 195,5 = +1,3 \text{ минг соат.}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$14,8 - 6,0 + 2,5 + 1,3 = 12,6 \text{ минг соат.}$$

## **5.6. Меҳнат салоҳияти (потенциали) ва харажатлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича корхона рейтингини аниқлаш усуслари**

### ***5.6.1. Меҳнат салоҳияти (потенциали) ва харажатлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш йўллари***

Таҳдилнинг асосий ва энг муҳим вазифаларидан бири ҳар бир иқтисодий категория ёки жараённи тегишли кўрсаткичлар билан баҳолаш ва унинг аниқланиш йўлларини кўрсатиб беришдан иборатdir.

Ушбу ишнинг 5.4-бобида меҳнат потенциали самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига, уларни аниқлаш йўллари ва нимани ифодалаш мазмунига тўхталган эдик. Аммо бу кўрсаткичлар бўйича корхона рейтингини аниқлаш усули кўрсатилмаган эди. Шу туфайли ушбу кўрсаткичларнинг баъзи намуналаридан корхонанинг меҳнат самарадорлиги бўйича рейтингини аниқлашда фойдаланамиз.

Корхонанинг меҳнат самарадорлиги бўйича рейтингини аниқлаш учун фақат меҳнат потенциали самарадорлиги етарли эмас. Бозор муносабатлари шароитида мавжуд потенциалдан қандай фойдаланаётганлиги билан чекланиб қолмасдан, балки, у қанча харажатга тушаётганлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Шу боисдан корхонанинг меҳнат

бўйича рейтингини аниқлаш учун албатта меҳнат потенциали самарадорлигининг кўрсаткичлари билан бирга меҳнат харажатлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳам олиш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат харажатлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- меҳнат ҳақи харажатлари даражаси;
- бир сўм меҳнат ҳақига тўғри келадиган даромад;
- бир сўм меҳнат ҳақига тўғри келадиган фойда.

Ушбу кўрсаткичларни иқтисодиётнинг барча соҳалари бўйича ҳам қўллаш мумкин. Биз бу ерда уларнинг аниқланиш ва таҳлил қилиш йўлларини савдо корхоналари мисолида кўриб чиқамиз. Энг муҳими бу ишдан мақсад корхоналар рейтингини аниқлаш усулини кўрсатиб бериш. Ушбу методологияни иқтисодиётнинг барча соҳасида қўллаш мумкин.

Савдо корхоналари меҳнат потенциали ва харажатлари самарадорлигини тўлиқ ифодалаш учун қўйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мумкин:

1. Меҳнат унумдорлиги (натижавийлиги).
2. Меҳнат потенциали даромадлилиги.
3. Меҳнат потенциали рентабеллиги.
4. Товар оборотининг меҳнат унумдорлиги эвазига ошган қисми.
5. Меҳнат ҳақи харажатлари даражаси.
6. Меҳнат ҳақи даромадлилиги (бир сўм меҳнат ҳақига тўғри келадиган даромадлар суммаси).
7. Меҳнат ҳақи рентабеллиги (бир сўм меҳнат ҳақига тўғри келадиган фойда суммаси).

Келтирилган кўрсаткичлар тизимининг 1-дан 3-чи рақамигача аниқданиш усувлари ушбу рисоланинг 5.4-бобида келтирилган. Бу ерда қолган кўрсаткичларни аниқлаш йўлларини кўриб чиқамиз.

*Товар оборотининг меҳнат унумдорлиги эвазига* ошган қисмини аниқлаш учун таҳлилнинг нисбий кўрсаткичи усулидан фойдаланиш мумкин. У ҳолда ушбу кўрсаткич қўйидагича аниқланади:

$$\Delta T_{my} = 100 - \frac{\Delta X \times 100}{\Delta T},$$

бунда:  $\Delta T_{\text{му}}$  — товар оборотининг меҳнат унумдорлиги ошганлиги эвазига ўзгарган қисми, %;  $\Delta X$  — ходимлар сонининг ўсиш суръати, %;  $\Delta T$  — товар оборотининг ўсиш суръати, %.

*Меҳнат ҳақи харажатлари даражасини* ( $D_{\text{Mx}}$ ) аниқлаш учун меҳнат ҳақи суммасини ( $MX$ ) юзга кўпайтириб товар оборотининг умумий ҳажмига ( $T$ ) бўлинади. Бу учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$D_{\text{Mx}} = \frac{MX \times 100}{T}.$$

Ушбу кўрсаткичнинг микдори юз сўм товар оборотининг неча сўми меҳнат ҳақига кетишини кўрсатади. Масалан, ушбу кўрсаткич ҳажми ҳақиқатда 3,0%ни ташкил қилса, бу дегани 100 сўмлик товар оборотининг 3 сўми меҳнат ҳақидан иборат эканлигидан далолат беради.

*Меҳнат ҳақи даромадлиигини* ( $M_{\text{Хд}}$ ) ҳисоблаш учун даромадлар суммасини ( $D$ ) меҳнат ҳақи суммасига бўлиш кифоя:

$$M_{\text{Хд}} = \frac{D}{MX}.$$

Ушбу кўрсаткич бир сўм меҳнат ҳақига қанча даромад тўғри келганлигини ифодалайди. Масалан, шу кўрсаткичнинг микдори 20 келиб чиқди, деб фараз қиласиз. Бу дегани бир сўм меҳнат ҳақига йигирма сўм даромад тўғри келганлигидан далолатdir.

*Меҳнат ҳақи рентабеллигини* ( $M_{\text{Хр}}$ ) аниқлаш учун соғ фойда суммасини ( $\Phi$ ) меҳнат ҳақи ( $MX$ ) суммасига бўлинади:

$$M_{\text{Хр}} = \frac{\Phi}{MX}.$$

Ушбу кўрсаткичнинг микдори бир сўм меҳнат ҳақига қанча фойда суммаси тўғри келганлигини ифодалайди. Масалан, ушбу кўрсаткич ҳажми 4 га тенг бўлди, деб фараз қиласиз. Бу дегани бир сўм меҳнат ҳақи суммасига 4 сўм фойда суммасининг тўғри келганлигидан далолат беради.

Таҳлил жараёнида ушбу кўрсаткичларнинг ҳақиқий микдори режа ва ўтган давр микдорлари билан солиштирилади, ўзгариш фарқи суммада ва фоизда аниқланади. Аммо бу билан таҳлилни бут ва мукаммал қилинди деб бўлмайди. Шу туфайли, бозор муносабатлари шароитида

шу кўрсаткичлар бўйича корхонанинг рейтингини аниқлаш лозим бўлади. Бу учун эса кўрсаткичлар тизимидан комплекс умумлашган кўрсаткични аниқлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Корхонанинг рейтингини тўлиқ аниқлаш учун тизимдаги барча кўрсаткичларни олиш мақсадга мувофиқ. Аммо биз корхонанинг рейтингини аниқлаш усулини кўрсатиш мақсадида шу келтирилган еттига кўрсаткичнинг баъзиларини олиб ҳисоблаш йўлларини келтирамиз.

### *5.6.2. Мехнат салоҳияти (потенциали) ва ҳаражатлари самарадорлиги бўйича корхона рейтингини аниқлаш методологияси*

Мехнат потенциали самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими жонли меҳнатдан самарали фойдаланишининг ҳамма жиҳатларини қамраб олади. Аммо бу кўрсаткичлар сонининг кўплиги ва уларнинг ҳар хил йўналишга эгалиги меҳнат самарадорлигини реал баҳолаш ва ушбу кўрсаткичлар бўйича корхона рейтингини аниқлаш имкониятини бермайди. Шу туфайли, бу тизимга кирувчи барча кўрсаткичларни умумлаштирувчи кўрсаткичга эҳтиёж туғилади. Лекин бу кўрсаткич ҳажмини мавжуд кўрсаткичларни жамлаш йўли билан аниқлаб бўлмайди, чунки ҳар бир кўрсаткич мазмуни ва ўлчов бирлиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласи. Уларни жамлаш учун кўрсаткичлар тизимини солиштирма ҳолатга келтириш лозим.

Алоҳида олинган кўрсаткичларни солиштириладиган ҳолатга келтириш учун уларни бир хил ўлчов бирлигига ифодалаш лозим, чунки мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар ҳар хил ўлчовга эга бўлади. Шунинг учун уларни бир хил ўлчовга келтириш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолатга кўрсаткичларнинг бир хил нисбий миқдорини аниқлаш орқали эришиш мумкин. Бу учун ҳар бир кўрсаткичнинг этalon миқдорини аниқлаб олиш лозим. Бу илмий-эксперт йўли билан аниқланади. Кўрсаткичларнинг этalon миқдори сифатида таҳлил қилинаётган кўрсаткичнинг шу ҳудуддаги ўртача миқдорини олишни тавсия қиласиз. Кўрсаткичларнинг ўртача миқдори доимо статистик ҳаққоний ва давр мобайнига нисбатан турғун. Шунинг учун вақт нуқтаи на-

заридан ҳисобланган кўрсаткич аниқ иқтисодий мазмунга эга бўлади.

Нисбий кўрсаткичларни ҳисоблашда ҳар бир кўрсаткичнинг ўлчови ва можияти бир хил эмаслигини инобатга олиш лозим. Масалан: меҳнат ҳақи харажатининг даражаси товар оборотига нисбатан фоиз ҳисобида ифодаланади. Корхона бу кўрсаткичнинг камайишидан манфаатдор. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини оладиган бўлсак, бу кўрсаткич сўмда ифодаланади, корхона эса бу кўрсаткич ҳажмининг ошишидан манфаатдор. Шунинг учун бу кўрсаткичларни иқтисодий мазмуни жиҳатидан ҳам бир хил ўлчовга келтиришимиз лозим. Бунинг учун, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир кўрсаткични нисбий ҳолатга (индекс, коэффициент каби) келтиришимиз лозим. Кўрсаткичнинг миқдори ошса, хўжалик фаолияти натижаси ижобий ифодаланиши мумкин. Бундай кўрсаткичлар учун нисбий миқдорларни ҳисоблашда қуйидаги формула тавсия этилади:

$$A_{ij} = \frac{Q_{ij}}{Q_{эт}},$$

бунда:  $A_{ij}$  – i – кўрсаткичнинг j – обьектдаги нисбий кўрсаткичи;  $Q_{ij}$  – i – кўрсаткичнинг j – корхонадаги мутлақ миқдори;  $Q_{эт}$  – i – кўрсаткичнинг этalon миқдори; i – кўрсаткичлар тартиб сони ( $i = \overline{1, n}$ ); j – обьектнинг тартиб сони ( $j = \overline{1, m}$ ).

Масалан, Жizzах вилоят матлубот акциядорлик жамиятлари уюшмасида 2000 йилда савдо ходимларининг меҳнат унумдорлиги ўртача – 45,5 минг сўмни ташкил этган. Фаллаорол туман ҳиссадорлик жамиятида бу кўрсаткич 40,4 минг сўмга teng. Бахмал туман акциядорлик жамиятида эса 46,2 минг сўмни ташкил этган. Бу ҳолда меҳнат унумдорлигининг нисбий кўрсаткичи қуйидагича бўлади:

$$\text{Фаллаорол туман акциядорлик жамиятида} = \frac{40,4}{45,5} = 0,89,$$

$$\text{Бахмал туман акциядорлик жамиятида} = \frac{46,2}{45,5} = 1,06.$$

Ушбу усулни кўрсаткичлар миқдорининг ошганлиги корхона учун ижобий бўлган барча кўрсаткичларга (МП даромадлилиги, МП рентабеллиги кабиларга) кўллаш мумкин.

Баъзи кўрсаткичлар миқдорининг ошиши хўжалик фаолияти самарадорлигининг пасайишидан далолат беради. Масалан, муомала харажатлари даражаси қанча кўп бўлса, савдо корхонаси хўжалик фаолияти учун ўшанча ёмон.

Бундай ҳолда кўрсаткичларниң нисбий миқдорларини кўйидаги формула асосида ҳисоблашни тавсия қиласиз:

$$A_{ij} = \frac{Q_{\text{эт}}}{Q_{ij}}.$$

Масалан, Жizzах вилоят матлубот акциядорлик жамиятлари уюшмасида 2000 йилда меҳнат ҳақи харажатлари даражаси товар оборотига нисбатан 2,47% ташкил этган. Бу Фаллаорол туман акциядорлик жамияти бўйича 2,47%га, Бахмал туман акциядорлик жамияти бўйича 2,49%га тент. Бундан келиб чиқсан ҳолда меҳнат ҳақи харажатлари даражасининг нисбий миқдори қўйидагича аниқланади:

Фаллаорол туман акциядорлик жамиятида  $\frac{2,47}{2,42} \approx 1,02$ ,

Бахмал туман акциядорлик жамиятида  $\frac{2,47}{2,49} = 0,99$ .

Ушбу кўрсаткичлар тизимиға кирувчи бошқа корхоналар бўйича ҳам уларнинг нисбий миқдорларини ҳисоблаш мумкин. Бу ҳисоб-китоблардан сўнг барча кўрсаткичлар миқдори бир хил ўлчамга ва солиштириладиган йўналишга эга бўлади. Энди бу кўрсаткичларни қўшиш мумкин бўлади ва комплекс кўрсаткични аниқлаш имкони туғилади. Бунинг учун қўйидаги формуладан фойдаланиш тавсия этилади:

$$\bar{E}_j = \sum_{i=1}^n A_{ij},$$

бунда:  $\bar{E}_j - j$  – объектда (корхонада) меҳнат самарадорлигининг комплекс (умумлашган) рейтинг кўрсаткичи;  $j$  – корхоналар тартиб сони ( $i = 1, m$ ).

Бу усулни Жizzах вилоят акциядорлик жамиятлари уюшмаси мисолида 2000 йил учун кўриб чиқамиз (59-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, биринчи кўрсаткич, яъни меҳнат унумдорлиги бўйича олдинги ўринни Жizzах туман ҳиссадорлик жамияти эгаллаб турибди, охирги ўринни эса Санзар ҳиссадорлик жамияти,

**Жиззах вилоят матлубот акциядорлик жамиятлари  
уюшмаси тизимида савдо ходимлари мөннат  
самарадорлигини ифожаловчи асосий кўрсаткичлар  
тизимининг 2000 йилдаги ҳолати**

Ташкилотлар номи	Мутлақ кўрсаткичлар				
	мөннат унумдорлиги, минг сўм	мөннат унумдорлиги эвазига товар обороти ҳажми ўсишининг хиссаси, %	мөннат ҳақи харажатлари даражаси, %	бир савдо ходимига тўғри келадиган фойда, минг сўм	I сўмлик иш ҳақи фондига тўғри келадиган фойда, минг сўм
1. Арнасой ТАЖ	43,2	75,1	2,29	1,01	1,18
2. Бахмал ТАЖ	46,2	79,2	2,49	1,17	1,12
3. Санзар ТАЖ	39,7	72,1	2,50	1,16	1,10
4. Фаллаорол ТАЖ	40,4	74,0	2,42	1,14	1,17
5. Лалмикор ТАЖ	41,9	71,3	2,32	1,09	1,11
6. Жиззах ТАЖ	49,3	78,3	2,25	1,14	1,18
7. Дўстлик ТАЖ	46,3	69,1	2,48	1,17	1,11
8. Зарбдор ТАЖ	45,0	76,1	2,50	1,16	1,12
9. Зомин ТАЖ	45,5	76,1	2,13	1,14	1,15
10. Мирзачўл ТАЖ	46,3	71,1	2,34	1,11	1,19
11. Зафаробод ТАЖ	47,1	73,4	2,57	1,18	1,20
12. Паҳтакор ТАЖ	46,3	76,3	2,51	1,20	1,10
13. Фориш ТАЖ	45,3	74,3	2,56	1,12	1,13
Жами вилоят бўйича (шу ҳудуд бўйича) ўртача	45,5	75,0	2,47	1,15	1,13

Иккинчи кўрсаткич — мөннат унумдорлиги эвазига товар обороти ҳажми ўсишининг хиссаси бўйича — биринчи ўрин Бахмал туман ҳиссадорлик жамиятига берилиши мумкин. Иш ҳақи фонди даражасини қарайдиган бўлсак, энг яхши кўрсаткич Зомин туман ҳиссадорлик жамиятида, энг паст кўрсаткич эса Зафаробод туман ҳиссадорлик жамиятида ва ҳоказо. Юқорида баён этилгандан кўриниб турибдики, бу беш кўрсаткичга асосан акциядор жамиятлар рейтингини аниқлаб уларга илгор ёки қолоқ деган баҳони бериш мумкин.

кин. Шу мақсадда бу күрсаткичлар тизими асосида умумий күрсаткични ҳисоблаш лозим.

Меҳнат самарадорлигининг ягона умумий күрсаткични ҳисоблаш мақсадида мутлақ ва улуш күрсаткичлар асосида уларнинг нисбий миқдорини ҳисоблаймиз.

Күрсаткичларнинг нисбий миқдорини ҳисоблашда 59-жадвал маълумотларидан фойдаланиб 60-жадвалини тузамиз.

#### 60-жадвал

**Жиззах вилоят матлубот акциядорлик жамиятлари уюшмасида савдо ходимлари меҳнат самарадорлиги күрсаткичларининг нисбий миқдорининг 2000 йилдаги ҳолати**

№	a <sub>1</sub>	a <sub>2</sub>	a <sub>3</sub>	a <sub>4</sub>	a <sub>5</sub>	ΣA <sub>i</sub>
1.	0,95	0,95	1,08	0,88	1,04	4,90
2.	1,02	1,06	0,99	1,02	0,99	5,08
3.	0,87	0,96	0,99	1,01	0,97	4,80
4.	0,89	0,99	1,02	0,99	1,04	4,93
5.	0,92	0,95	1,06	0,95	0,98	4,86
6.	1,08	1,04	1,10	0,99	1,04	5,25
7.	1,02	0,92	0,99	1,02	0,98	4,93
8.	0,99	1,01	0,99	1,01	0,99	4,99
9.	1,00	1,01	1,16	0,99	1,02	5,18
10.	1,02	0,95	1,06	0,96	1,05	5,04
11.	1,04	0,98	0,98	0,03	1,06	5,07
12.	1,02	1,02	0,98	1,04	0,97	5,03
13.	1,00	0,99	0,96	0,97	1,00	4,92
Жами:	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	5,0

Кўриниб турибдики, бу беш күрсаткичга асосан акциядор жамиятлар рейтингини аниқлаб уларга илғор ёки қолоқ деган баҳони бериш мумкин. Шу мақсадда бу күрсаткичлар тизими асосида умумий күрсаткични ҳисоблаш лозим.

Келтирилган меҳнат самарадорлигини ифодаловчи барча күрсаткичларни моҳияти жиҳатидан тенг деб фараз қиласиз, яъни унинг моҳиятлилик коэффициенти 1 га тенгдир ( $K_m=1$ ).

Бу ҳисоб-китобдан сўнг барча күрсаткичлар бир хил кўринишга ва бир ўлчамга келтирилади. Шунинг учун уларни энди кўшиш (жамлаш) мумкин. Бу бешта күрсаткич-

ларнинг нисбий миқдорларини жамлаб, меҳнат самарадорлигининг умумий кўрсаткичини ҳисоблаймиз. Меҳнат самарадорлигининг комплекс кўрсаткичи асосида уларнинг рейтинги жамланади ва ҳар бирини илгор ёки қолоқ корхона қаторига киритиш мумкин бўлади. Масалан, 13 та акциядорлик жамиятларидан энг яхши натижага эришгани Жиззах туман акциядорлик жамиятидир, чунки унинг рейтинги 5,25 коэффициентлар йиғиндисига teng, иккичи ўринда Зомин туман акциядорлик жамияти 5,18, учинчи ўринда Бахмал туман акциядорлик жамияти 5,08 ва ҳоказо. Энг охирги ўринда Санзар акциядорлик жамияти. Унинг рейтинги 4,80 коэффициентлар йиғиндисига teng.

Комплекс рейтинг кўрсаткичи алоҳида кўрсаткичлар нисбий миқдорининг жамланган ҳажмидан иборат. Ушбу кўрсаткич меҳнат самарадорлигининг ҳисбот йилидаги ҳолатини олдинги давр кўрсаткичлари миқдори билан солиштириб ўзгариш суръатларини ҳам аниқлаш имконини беради.

Умумлаштирувчи кўрсаткичнинг иқтисодий моҳиятини очиб бериш учун самарадорлик коэффициентини ( $K_{ej}$ ) аниқлаш лозим. Агар бу кўрсаткич бирга teng бўлса, унда бу корхонада меҳнат самарадорлиги, ижтимоий зарурий харажатлар даражасига mos келади.

Агарда унинг миқдори бирдан кўп бўлса, унда меҳнат самарадорлиги мазкур корхонада юқори ва аксинча. Мазкур кўрсаткични ҳисоблаш учун қўйидаги формулани тақлиф этамиз:

$$K_{ej} = \frac{1}{\sum_{i=1}^n m_i} \quad \Theta_j = \frac{1}{\sum_{i=1}^n m_i} \times \sum_{i=1}^n A_{ij},$$

бунда:  $\sum_{i=1}^n m_i - i$  — кўрсаткичнинг этalonda ifodalangan nisbий miqdonining soni ( $m=1$ ).

Кўрсаткичлар тизимига нечта кўрсаткич киритилган бўлса, ушбу кўрсаткич миқдори шунга teng бўлади.

60-жадвал маълумотлари асосида акциядорлик жамиятлари бўйича меҳнат самарадорлиги коэффициентини ҳисоблаймиз. Масалан: Арнасой туман акциядорлик жамиятида меҳнат самарадорлиги коэффициенти 0,980

(4,90:5,0)ни, Бахмал туман акциядорлик жамиятида — 1,016ни (5,08:5,0), Санзар акциядорлик жамиятида — 0,96ни (4,80:5) ва ҳоказо миқдорларни ташкил этади. Шу тарзда бошқа акциядорлик жамиятлари бўйича ҳам ҳисоблаб, натижасини *61-жадвалда* ифодалаш мумкин.

### *61-жадвал*

#### **Жиззах вилоят матлубот акциядорлик жамиятларида меҳнат самарадорлиги рейтингининг ифодаловчи комплекс кўрсаткичининг 2000 йилги ҳисоби**

Ташкилотлар номи	Меҳнат самарадорлиги рейтингининг комплекс кўрсаткичи	Меҳнат самарадорлиги коэффициенти	Меҳнат самарадорлиги рейтингининг комплекс кўрсаткичига асосан эгаллаган ўрни
1	2	3	4
1. Арнасой ТАЖ	4,90	0,980	11
2. Бахмал ТАЖ	5,08	1,016	3
3. Санзар ТАЖ	4,80	0,960	13
4. Фаллаорол ТАЖ	4,93	0,986	8-9
5. Лалмикор ТАЖ	4,86	0,972	12
6. Жиззах ТАЖ	5,25	1,050	1
7. Дўстлик ТАЖ	4,93	0,986	8-9
8. Зарбдор ТАЖ	4,99	0,998	7
9. Зомин ТАЖ	5,18	1,036	2
10. Мирзачўл ТАЖ	5,04	1,008	5
11. Зафаробод ТАЖ	5,07	1,014	4
12. Пахтакор ТАЖ	5,03	1,006	6
13. Фориш ТАЖ	4,92	0,984	10
Вилоят бўйича жами:	5,0	1,0	x

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, 13 акциядорлик жамиятларидан 6 тасида меҳнат самарадорлиги юқори, чунки бу ташкилотларда меҳнат самарадорлиги бўйича рейтинг коэффициенти бирдан юқори. Учта акциядорлик жамиятларида меҳнат самарадорлиги намунавий (эталон) атрофида, чунки бу ташкилотларда самарадорлик коэффициенти бирга яқин. Колган ташкилотларда эса меҳнат самарадорлиги паст ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб натижалари шуни кўрсатади-ки, Жиззах вилоят акциядорлик жамиятлари уюшмаси тизимида меҳнат самарадорлиги кўрсаткичи бўйича биринчи ўринда Жиззах туман акциядорлик жамияти туради, иккинчи ўринда Зомин туман акциядорлик жамияти ва ҳоказо. Юқорида баён этилган комплекс кўрсаткичлар орқали рейтинг усулини самарадорликнинг бошқа кўрсаткичларини аниқлашда ҳам қўллаш мумкин. Бу усул ёрдамида нафакат илгор ва қолоқ ташкилотларни аниқлаш, балки самарадорликни оширишнинг янги захираларини (резервларини) ахтариб топиш ҳам мумкин.

Ҳисоб-китоб натижаларидан кўриниб турибдики, Жиззах туман акциядорлик жамияти вилоят тизимида меҳнат самарадорлиги бўйича биринчи ўринда турибди, аммо унда ҳамон меҳнат самарадорлигини ошириш захираси (резерви) мавжуд. Меҳнат самарадорлиги кўрсаткичлари тизимидағи бешта кўрсаткичдан  $A_4$  кўрсаткичи микдори намунавий (этalon) кўрсаткичдан 0,01 га пастдир. Агарда бу кўрсаткич ҳеч бўлмагандга намунавий (этalon) кўрсаткичга тенг бўлганида, умумий самарадорлик кўрсаткичи Жиззах туман акциядорлик жамиятида янада юқори бўлар эди.

Тақдим этилган меҳнат самарадорлиги рейтингининг комплекс кўрсаткичини ҳисоблаш усули алоҳида-алоҳида ташкилотлар фаолияти натижаларини солиширишда ҳар бирида самарадорликни ошириш учун ички захираларини аниқлашда кенг қўлланилиши мумкин экан.

Ушбу усулдан фирмаларнинг молия хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда, уларнинг ишдаги ва молия бозоридаги фаоллигини ўрганишда, молиявий барқарорликни ва тўловга қодирлик даражасини аниқлашда ва ниҳоят бозор муносабатлари шароитида корхона фаолияти рейтингини комплекс баҳолаш лозим бўлган барча ҳолларда фойдаланиш мумкин. Бозор муносабатлари шароитида ўта дол зарб бўлган барча иқтисодий жараёнларни ифодалашда асосан кўрсаткичлар тизими қўлланилади. Бу тизим мавжуд бўлган жойда комплекс кўрсаткичнинг қўлланилиши табиий. Демак, ушбу усул ўзининг универсаллиги ва амалиётга зарурлиги жиҳатидан ҳеч маҳал долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмайди.

## **6-боб. КОРХОНА ИҚТИСОДИЙ ВА МОЛИЯВИЙ МУСТАҲКАМЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**

### **6.1. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг зарурлиги**

Ўзбекистонда шакланаётган ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт бир томондан жаҳон тажрибасига таянса, иккинчи томондан ўзига хослиги, бетакрорлиги билан ажралиб турди. Чунки, Ўзбекистон аҳолиси ўзига хос тарихга, анъаналарга, урф-одатларга, сиёсий ва мағкуравий қарашларга, маънавиятга эга. Ҳар қандай иқтисодиёт аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқ. Зеро, охир-оқибатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳам, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар ҳам аҳоли томонидан истеъмол қилинади. Шу туфайли иқтисодиёт аҳоли манфаатларини эътиборга олмасдан, унинг туб моҳиятидан келиб чиқмасдан иложи йўқ. Шундай экан ўзига хос иқтисодиёт ўзига мос иқтисодий механизmlарни, дастакларни, унсурларни ишлаб чиқаришни ва ундан самарали фойдаланишни талаб қиласди.

Иқтисодиётни бошқаришда кўлланиладиган энг муҳим иқтисодий дастаклардан бири микрокўламда корхоналар хўжалик фаолиятини таҳлил қилишdir. Бу соҳа режали иқтисодиёт шароитида мустақил фан сифатида шаклланди ва ривожланди. Аммо ундаги таҳлил қилиш усуллари асосан режали иқтисодиётга мослаштирилган бўлиб, асосий эътибор режани бажариш чора-тадбирларини ишлаб чиқишига қаратилган эди. Эндиликда эса тубдан янги бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт шаклланмоқда. Бу эса ўзига хос иқтисодий дастакларни, хусусан, ўзига хос таҳлилни ҳам шакллантиришни талаб қиласди. Ушбу ўзига хослик таҳлилнинг янги усулларини, кўрсаткичларини ишлаб чиқиши тақозо қиласди. Буларнинг энг муҳимларидан бири корхоналарнинг молиявий ва иқтисодий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилишdir.

Иқтисодий адабиётларда корхонанинг молиявий ва

иқтисодий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари яхши ёритилган эмас. Буни инобатга олиб ушбу бобда корхоналарнинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигининг мазмунига, уни ифодаловчи қўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишига ҳаракат қилинди. Ишда иқтисодий ва молиявий мустаҳкамликни ифодаловчи қўрсаткичларни баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари кўрсатилган. Энг муҳими, барча назарий тавсиялар аниқ маълумотлар билан исботланган, унинг амалиётда қўлланиш мумкинлиги кўрсатилган. Бу эса ишнинг фақатгина илмий-назарий аҳамиятини ошириб қолмасдан, балки муҳим амалий аҳамиятга эга эканлигидан ҳам далолат беради.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатлари дастаклари узлуксиз равишда шаклланиб, такомиллашиб бормоқда. Бу эса, таъкидланганидек, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг янги усулларини жорий қилишни тақозо қилмоқда.

Ҳозирги пайтда корхоналарнинг асосий қисми давлат тасарруфидан чиқарилди. Умуман олганда эркин иқтисодиётнинг асоси яратилди. Корхоналар ўртасида эркин рақобат шаклланмоқда ва ривожланмоқда. Бунинг қонуний асоси ҳам яратилди.

Ўзбекистонда монополияга қарши давлат сиёсатини фаллаштириш, рақобатни ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида» ва «Истемолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилинди. Уларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида монополиядан чиқиши ва рақобатни ривожлантириш қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» Фармони (1996 йил 15 май) эълон қилди. Ушбу фармонга асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши хузурида «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси», вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бошқармалари хузурида «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармалари» ташкил этилди.

Энди Ўзбекистонда эркин рақобатнинг хукм суриши муқаррар. Бундай шароитда ҳар бир корхона эгаси унинг

рақобатбардошлигини, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан мустаҳкамлигини баҳолай олиши лозим. Аммо корхоналарнинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашнинг назарий йўллари ҳамон ишлаб чиқилмаган. Бу эса уларнинг амалиётда қўлланилишини қийинлаштиради.

Буни инобатга олиб корхоналар фаолиятининг рақобатбардошлигини, банкротликдан сақланиш йўлларини, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан мустаҳкамлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш усуllibарини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу кўрсаткичларни аниқлаш, айниқса ҳозирги аудиторлик холосасини чиқариш ва хўжалик фаолиятига иқтисодий жиҳатдан ташхис қўйиш учун ўта муҳимдир.

Ҳар қандай кўрсаткич шу ўрганилаётган иқтисодий категория ёки жараённинг мазмунидан келиб чиқмоғи, уни тўлиқ ифода этмоғи лозим. Бу эса ўз навбатида корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигининг, моҳияти ва мазмунини қараб чиқиши талаб қиласди.

## **6.2. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигининг моҳияти ва мазмуни**

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир корхона иқтисодий ва молиявий жиҳатдан мустақил ва мустаҳкам бўлиши лозим. Бу эса ҳар бир корхонанинг фаолиятини молиявий жиҳатдан қарам ҳолда, ташқи омиллар таъсирига боғлиқликда қолдирмасликни талаб қиласди. Буни ҳал қилиш ҳозирги кунда айниқса муҳим, чунки олдингидек давлат қопламасининг йўқолиши билан бирга эркин рақобат шаклланмоқда. Бундай шароитда кўзда тутилган муаммоларни ҳал қилиш учун энг аввало корхонанинг молиявий ва иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичларни, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки корхона рақобатбардошли бўлиши, банкротликка учрамаслиги учун биринчи галда молиявий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлигини таъминлаш лозим. Бу қайси кўрсаткичлар орқали баҳоланишини билишни тақозо қиласди.

Корхонанинг молиявий ва иқтисодий мустаҳкамлиги борасида иқтисодий адабиётларда етарлича маълумот йўқ. Шу туфайли унинг иқтисодий моҳиятига ва мазмунига алоҳида тўхталиш мақсадгага мувофиқдир.

Корхонанинг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам бўлиши учун у энг аввало ўзининг асосий фаолияти натижаси бўйича тегишли ютуқларни қўлга киритиши лозимки, қайсики эркин рақобат ҳукм суриб турган даврда ҳар қандай ички ва ташқи омиллар таъсирида у синмайдиган бўлсин. Бунга эришиш ўз-ўзидан тасодифан содир бўлиб қолмайди, балки изчил, самарали фаолият юргизишни талаб қиласди.

Бозор муносабатлари шароитида корхона фаолияти натижасини баҳолаш учун асосий кўрсаткич бўлиб фойда ҳисобланади. Фойда миқдорида мулк эгасининг ҳам, меҳнаткашнинг ҳам, корхона жамоасининг ҳам, давлатнинг ҳам, инвесторларнинг ҳам манфаатлари ўз ифодасини топади. Корхонанинг фойдаси қанча кўп бўлса, мулк эгаси уни шунча кенгайтириш ва бошқа иқтисодий аҳволини яхшилаш имконига эга бўлади. Корхона жамоаси эса шунча кўп мукофот олишга, рағбатлантирилишига эришади. Акциядор бўлса ўзининг оладиган дивиденд миқдори орқали манфаатдор бўлса, давлат солиқнинг кўпайишидан манфаатдор. Чунки фойда қанча кўп бўлса, фойдадан тўланадиган солиқ шунча кўп бўлади. Демак, бозор муносабатлари шароитида фойда категорияси энг муҳим натижавий кўрсаткич даражасига кўтарилар экан.

Булардан қўриниб турибдики, корхона иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам бўлиши учун энг аввало у тегишли фойда миқдорини таъминлай олиши лозим экан. Демак, корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини баҳолашда ҳам айнан ана шу манфаатларнинг муштараклигини таъминловчи илмий концепциядан, фойда категориясидан келиб чиқишини тақозо қиласди.

**Шундай қилиб, *корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлиги* деганда тегишли фойда миқдорини ва рентабеллик даражасини таъминлай оладиган фаолият натижасига эришиш тушунилади.**

Шуни эътироф этиш керакки, ҳозирги пайтда корхона фойдасининг миқдори фақат бир асосий фаолияттагига боғлиқ эмас. Унинг шаклланишида асосий фаолият билан бирга бир қанча қўшимча фаолиятлар ҳам мавжуд-ки, уларнинг ҳам корхона фойдасининг шаклланишидаги ҳиссаси анча. Булар қаторига молиявий фаолиятдан олинадиган фойда миқдорини, тасодифий фойда кабиларни киритиш мумкин.

Аммо биз ушбу бобда корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун услубий (методологик) асос сифатида ишлаб чиқарувчи корхонани ва унинг асосий фаолияти бўлган ишлаб чиқариш соҳасининг натижасини асос қилиб олдик.

Корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги деганда, энг аввало, у ўз фаолиятини молиявий жиҳатдан мунтазам равишда таъминлаб боришини тушунмоқ лозим, чунки хўжалик фаолияти доимий равишда давом этиб туриши учун уни молиявий маблағ билан таъминлаб боришини талаб қиласди. Бу эса хўжалик фаолияти натижасининг, таъкидланганидек, мунтазам равишда фойда олиш билан якунланиб туришини талаб қиласди. Демак, корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини таъминлаш учун унинг барча харажатларини (доимий ва ўзгарувчи) қопланишини, рентабеллик даражасининг ошиб боришини, ҳеч бўлмаганда, унинг камайишига йўл қўймасликни таъминлаш лозим экан.

Ушбу назарий асосдан келиб чиқиб молиявий мустаҳкамликка қуйидагича таъриф бериш мумкин.

**Корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги** деганда корхона фаолияти натижасининг барча харажатларини қоплаб меъёрдаги (режадаги) рентабеллик даражасига эриша оладиган иш ҳажмига ва ўз истиқболини таъминлай оладиган фойда миқдорига эришиши тушунилади.

Ушбу қоидалардан келиб чиқиб корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш, уларни аниқланиш ва таҳлил қилиш йўлларини тавсия қилиш мумкин.

### **6.3. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари**

#### **6.3.1. Корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар**

Корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлиги кенг қамровли тушунча. Шу туфайли уни тўлиқ ифодалаш учун битта кўрсаткич камлик қиласи. Бундан келиб чиқиб корхона иқтисодий мустаҳкамлигини ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан (системасидан) фойдаланишни тавсия қиласиз:

Ушбу кўрсаткичлар тизимида қўйидагиларни киритиш мумкин:

1. Маржинал фойда миқдори.

2. Фойдалилик нуқтасига эришиш учун зарур бўлган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми.

3. Бизнес-режада кўзда тутилган фойдага эришиш учун зарур бўлган маҳсулот.

4. Иқтисодий мустаҳкамлик миқдори.

5. Иқтисодий мустаҳкамлик даражаси.

Ушбу кўрсаткичлар тизими уларни аниқлаш йўллари қўйидаги чизмада келтирилган (34-чизма).

Ушбу чизмадан кўриниб турибдики, корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодалаш учун бешта кўрсаткичларни ўз ичига олган яхлит кўрсаткичлар тизими тавсия қилинган. Булардан бири корхонанинг маржинал фойдасидир (Мф). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун корхонанинг барча харажатларини иккига (доимий ва ўзгарувчи) бўлиш лозим. Доимий харажатлар ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун бевосита сарф қилинмасада, унинг қийматига киради. Аммо ўзгарувчи харажатлар маҳсулотнинг қийматини бевосита шакллантирувчи харажатлар ҳисобланади.

Маржинал фойдани (Мф) аниқлаш учун битта маҳсулотнинг қийматидан (Мқ) шу маҳсулотга кетган ўзгарувчи харажатлар миқдорини ( $\bar{M}_{xI'm}$ ) айриш кифоя. Бу қўйидагича ҳисобланади:

$$M_f = M_k - \bar{M}_{xI'm} \quad (6.1)$$

## Корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими



Корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи яна бир муҳим кўрсаткичлардан бири фойдалилик нуқтасига эришиш учун зарур бўлган маҳсулот (иш, хизмат) микдоридир. Ҳар бир корхона энг аввало барча харажатларини қоплаш учун қанча маҳсулот ишлаб чиқиши, иш бажариши ёки хизмат кўрсатиши кераклигини билиши лозим. Бу учун фойдалилик нуқтасига эришиш учун қанча маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ҳажмини (Мфи) аниқлаш мақсадга мувофиқ. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун қўйидаги формулани тавсия қиласиз:

$$Mfi = \frac{Dx}{Mf} \quad (6.2),$$

бунда:  $Dx$  — корхонанинг доимий харажатлари;  $Mf$  — бир маҳсулотга тўғри келадиган маржинал фойда.

Корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи яна бир кўрсаткич сифатида бизнес-режада кўзда тутилган фойдага эришиш учун зарур бўлган маҳсулот микдорини олиш мумкин. Чунки ушбу кўрсаткич даражаси корхонанинг нафақат иқтисодий қувватини, балки унинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодалайди. Ушбу кўрсаткич-

лар барча маҳсулот ҳажмини ифодалайди. Уни аниқлаш учун куйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиласиз:

$$Мбрф = \frac{Дх + Фбр}{Мф} \quad (6.3),$$

бунда: Фбр — бизнес-режада кўзда тутилган фойда.

Корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлик кўрсаткичининг миқдорини (Имм) аниқлаш учун бизнес-режада кўзда тутилган умумий фойда суммасини (Фбр) бир маҳсулотга тўғри келадиган маржинал фойда (Мф) суммасига бўлиш йўли билан аниқлашни тавсия қиласиз:

$$Имм = \frac{Фбр}{Мф} \quad (6.4).$$

Иқтисодий мустаҳкамликнинг даражасини (Имд) унинг миқдорини (Имм) юзга кўпайтириб барча ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига (М) бўлиш йўли билан аниқлаш мумкин:

$$Имд = \frac{Имм \times 100}{М} \quad (6.5).$$

Ушбу кўрсаткичлар корхона иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи энг муҳим ва асосий кўрсаткичлардир.

**Корхона иқтисодий мустаҳкамлигининг миқдори** бизнес-режада кўзда тутилган фойдага эришиш учун фойдалилик нуқтасига эришгандан кейин қанча қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш зарурлигини кўрсатади.

**Иқтисодий мустаҳкамлигининг даражаси** эса фойдалилик нуқтасига эришгандан кейин неча фоиз ортиқча маҳсулот ишлаб чиқарилганлигини ифодалайди.

Масалан, ушбу кўрсаткичининг даражасини 20% деб фараз қиласиз. У ҳолда ушбу корхона ишлаб чиқариш ҳажмини 20%гача қисқартирса ҳам натижаси зарар билан якунланмайди. Ундан кўп камайса корхона натижаси фойдалилик нуқтасидан пасайиб кетади ва унинг фаолияти зарар билан якунланади.

Шундай қилиб, корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ экан. Аммо унинг баъзи камчиликлари бор. Хусусан, таҳдил қилишда шу кўрсаткичларниң динамикасини аниқлашда, бошқа корхоналар кўрсаткичлари билан солиштиришда бироз қийинчиликлар туғдиради. Чунки бир кўрсаткич биринчи корхонада яхши бўлса, иккинчидан ёмон, иккинчи кўрсаткич бўйича унинг акси бўлиши мумкин. У ҳолда яхши ишлаган корхонани ажратиб олиш, аниқлаш учун маълумотлар етарли бўлмайди. Шундай қилиб, чизмада келтирилган барча кўрсаткичларни комплекс таҳдил қилиб корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги тўғрисида умумий холоса қилиш мумкин. Бу учун ушбу кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиб битта комплекс кўрсаткични ҳам аниқлаш лозим. Комплекс кўрсаткични аниқлашнинг бир қанча усуllibари мавжуд<sup>28</sup>.

Ушбу кўрсаткичлар тизимининг ўлчами ҳар хил. Шу туфайли улардан комплекс кўрсаткични аниқлашда нисбий кўрсаткичили усульдан фойдаланамиз. У ҳолда комплекс кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формулани қўллаш мақсадга мувофиқ;

$$K_{kj} = \sum_{i=1}^n A_{ij} \times K_{ci} \quad (6.6),$$

бунда:  $K_{kj}$  — корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи комплекс кўрсаткич;  $A_{ij}$  —  $i$ -<sup>йи</sup> кўрсаткичнинг  $j$  — объектдаги (корхонадаги) миқдори;  $i$  — кўрсаткичнинг тартиб сони ( $i=\overline{1,n}$ ) ;  $j$  — таҳдил қилинаётган объектларнинг (корхоналарнинг) тартиб сони ( $j=\overline{1,n}$ ) ;  $K_{ci}$  — кўрсаткичнинг салмоқлилик коэффициенти;  $\Sigma$  — жамлаш белгиси.

Корхона иқтисодий мустаҳкамлигининг комплекс кўрсаткичини аниқлаб шу бўйича ўзгариш тенденцияларини ҳисоблаб бирор холосага келингач, таҳдилни умумийликдан хусусийлик сари давом эттириш мумкин.

Бунда ҳар бир кўрсаткични алоҳида таҳдил қилиш лозим, чунки иқтисодий мустаҳкамликни таъминлаш учун

<sup>28</sup> Пардаев М.К. Комплекс таҳдилда комплекс баҳолаш усуllibари.— Самарқанд: СамКИ, 1997.

уни ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳар бири бўйича ички резервларни (имкониятларни) ахтариб топиш мақсадга мувофиқдир.

### **6.3.2. Корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар**

Корхонанинг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлиги унинг молиявий мустаҳкамлигини аниқлаш учун асосдир. Ҳар бир корхона, бозор муносабатлари шароитида молиявий жиҳатдан таъминланган ва шу соҳа бўйича унинг ҳолати мустаҳкам бўлиши лозим. Бу кўрсаткичнинг молиявий манбаси фаолият кўрсатаётган корхоналар учун фойда бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини ифодалаш учун фойда билан боғлиқ қўйидаги кўрсаткичлар тизими тавсия қилинади:

1. Бизнес-режада кўзда тутилган фойда суммаси.
2. Меъёрдаги рентабеллик даражасини таъминловчи фойда суммаси.
3. Молиявий мустаҳкамлик даражаси.
4. Маҳсулот (иш, хизмат) рентабеллик даражаси.
5. Меъёрдаги рентабелликнинг таъминланиш даражаси.

Ушбу кўрсаткичлар тизими ва уларнинг аниқланиш йўллари қўйидаги чизмада кўрсатилган (35-чизма).

**35-чизма**

#### **Корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими**



Молиявий мустаҳкамликни ифодалаш учун энг аввало **бизнес-режада кўзда тутилган фойда миқдорини** қўллаш лозим. Ушбу кўрсаткич барча фаолият натижаси бўйича аниқданиши шарт. Аммо ушбу ишда методологик асос сифатида фақат ишлаб чиқариш соҳаси олинди. Ушбу кўрсаткич ҳажмини (Фбр) аниқлаш учун бизнес-режада кўзда тутилган маҳсулотнинг қийматидан (Мбр) доимий (Дх) ва ўзгарувчи (Ўх) харажатлар чегириб ташланади:

$$\text{Фбр} = \text{Мбр} - (\text{Дх} + \text{Ўх}) \quad (6.7).$$

Корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири **меъёрдаги рентабеллик даражасини таъминловчи фойда миқдоридир**. Ушбу кўрсаткичнинг аҳамияти шундаки, ҳар қандай рентабеллик даражаси ҳам корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги ва барқарорлигини таъминлай олмайди. Шу туфайли рентабеллик даражаси баъзи тармоқларда меъёрлаштирилган бўлса, баъзиларда унинг даражаси белгиланиб қўйилади. Масалан, қишлоқ хўжалик корхонасининг рентабеллик даражаси 40%дан кам бўлса, улар учун 3% солиқ ставка белгиланган; агар ушбу кўрсаткич даражаси 40%дан ошса 20% солиқ ставкаси билан тўлаш кўзда тутилган. Чунки қишлоқ хўжалик корхоналарида рентабеллик даражаси 40%дан кам бўлса, улар ўзларининг молиявий барқарорлигини таъминлаши қийин. Шу туфайли молиявий мустаҳкам бўлмаган корхонада солиқ олишни ҳам камайтирган. Демак, молиявий мустаҳкамликни таъминловчи рентабеллик даражасига эришиш учун тегишли фойда миқдорини аниқлаш ҳозирги бозор муносабатлари шароитида муҳим кўрсаткичлардан биридир. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Phi_r = \frac{\text{Мбр} \times \text{Рме}}{100} \quad (6.8),$$

бунда:  $\Phi_r$  — белгиланган рентабеллик даражасини таъмин этадиган фойда суммаси (ушбу кўрсаткич бизнес-режага киритилиши лозим); Мбр — бизнес-режа бўйича ишлаб чиқарилиши лозим бўлган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми; Рме — эришиш лозим бўлган (меъёрда кўзда тутилган) рентабеллик даражаси.

**Корхона молиявий мустаҳкамлигини** ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири унинг **даражасидир**. (Ммд). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун бизнес-режада кўзда тутилган фойда микдорини (Фбр) меъёрдаги рентабелликни таъминловчи фойда микдорига (Фмр) бўлиш кифоя.

$$Ммд = \frac{Фбр}{Фмр} \quad (6.9).$$

Агар ушбу кўрсаткичнинг микдори бирдан кам бўлса, ( $Ммд < 1$ ) корхона ҳали молиявий жиҳатдан мустаҳкам эмаслигидан далолат беради, чунки бу кўрсаткич унинг истиқболини таъминлай оладиган даражадаги фойда микдорига эришмаганигидан далолатдир. Агар  $Ммд > 1$  бўлса, унда корхона молиявий жиҳатдан мустаҳкам. Негаки, бу кўрсаткич корхона меъёр даражасидаги рентабелликни таъминлай оладиган фойда микдорига эришганлигини ифодалайди.

Корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи яна бир кўрсаткич **ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) рентабеллигидир** (Рм). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун фойда суммасини ( $\Phi$ ) юзга кўпайтириб маҳсулотнинг ҳажмига ( $M$ ) бўлинади:

$$Рм = \frac{\Phi \times 100}{M} \quad (6.10).$$

Бу анъанавий кўрсаткич. Аммо молиявий мустаҳкамликни ифодалаш учун қўшимча кўрсаткич сифатида хизмат қиласи, чунки ушбу кўрсаткич орқали корхона меъёрдаги рентабеллик даражасига эриша олганми, йўқми билиш мумкин. Бу учун **корхонанинг меъёрдаги рентабеллик даражасининг таъминланганиги** аниқланади.

Ушбу кўрсаткични (Ртд) аниқлаш учун корхона рентабеллигини (Рм) меъёрдаги рентабеллик даражасига (Рме) бўлиш кифоя:

$$Ртд = \frac{Рм}{Рме} \quad (6.11).$$

Ушбу кўрсаткич ҳам олдингидек бир билан солиштирилади. Агар унинг микдори  $Ртд < 1$  бўлса, ҳали корхона меъёрдаги рентабеллик даражасига эриша олмаганигидан, агар  $Ртд > 1$  бўлса, яхши натижага эришганлигидан далолат беради.

Таҳлил жараёнида ушбу кўрсаткичларни комплекс равиша, ундан сўнг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ўрганиб корхонада мавжуд бўлган ички имкониятларни (резервларни) аниқлаш лозим.

Ушбу кўрсаткичлар тизимидан комплекс кўрсаткични аниқлаш мумкин. Бу учун унинг бир қанча усуслари мавжуд. Бу усуслардан бири ушбу ишнинг 6.3.1-параграфида келтирилган эди. Бундан ташқари комплекс кўрсаткични ҳар бир кўрсаткичнинг индивидуал индексларини кўпайтириш йўли билан ҳам аниқлаш мумкин. Бунда факат кўрсаткичлар даражасининг бир хил йўналишига эга бўлишини таъминлаш лозим. У ҳолда комплекс кўрсаткични аниқлашда қўйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиласиз:

$$M_{MKD} = iX_1 \times iX_2 \times \dots \times iX_n = \prod_{i=1}^n iX_i \quad (6.12).$$

Ушбу кўрсаткич молиявий мустаҳкамликнинг таҳлил даврида ўрта ҳисобда қанча ўсганлигидан далолат беради. Буни бошқа корхоналарнинг шундай кўрсаткичларига ҳам солиштириб тегишли холоса қилиш мумкин.

Кўрсаткичлар тизими ва ундан комплекс кўрсаткични аниқлаб бўлгандан сўнг ушбу категорияни батафсил таҳлил қилиш мумкин.

## **6.4. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигининг таҳлили**

### ***6.4.1. Корхона иқтисодий мустаҳкамлигининг таҳлили***

Таҳлил қилиш учун ҳар қандай кўрсаткич бухгалтерия ва статистик ҳисоботларда тайёр ҳолда ҳамиша учрайвермайди. Шу туфайли тегишли ҳисоботлардан, меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиб аввал таҳлил қилинадиган кўрсаткичларнинг мутлақ ва нисбий миқдорларини аниқлаб олиш лозим. Бу жараён таҳлилнинг энг муҳим босқичларидан биридир.

Таҳлил жараёнида навбатдаги қилинадиган иш шу кўрсаткичларнинг ҳисобот йилидаги ўзгаришини, ўтган даврларга нисбатан ўсиш суръатларини аниқлашдан иборатдир. Агар кўрсаткичлар бўйича режа тузилса, ҳақиқий эришилган натижা биринчи галдаги режа билан солиштирилади. Агар режа тузилмайдиган бўлса ўтган йилги натижা билан солиштирилиб тегишли хуоса қилинади. Агар кўрсаткичларнинг бир қанча йилларга ўсиш суръатларини аниқлаб ўзгариш тенденцияси ўрганиладиган бўлса, уларнинг камида беш йиллик динамикаси таҳлил қилинади.

Хуллас, корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилиш учун қўйидаги дастлабки жадвал тузишни тавсия қиласиз (62-жадвал).

#### 62-жадвал

#### **Корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Ўсиш суръати, %
1. Доимий харажатлар, минг сўм (Дх)	1890,1	1960,2	+90,1	104,8
2. Фойда, минг сўм (Ф)	368,0	496,2	+128,2	134,8
3. Битта маҳсулотнинг қиймати, сўм	3856	4829	+973	125,1
4. Бир маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчи харажатлар, сўм	1956	2729	+0,773	139,3
5. Маржинал фойда, сўм (Мф) (3к;4к)	1900	2100	+200	110,5
6. Иқтисодий мустаҳкамлик миқдори, дона (Имм) (2к;5к)	193,7	236,3	+42,6	122,0
7. Барча маҳсулот ҳажми, дона (Мм)	1188,5	1179,3	-9,2	99,2
8. Иқтисодий мустаҳкамлик даражаси, % (Имд) (6к×100:7)	16,3	20,0	3,7	122,9
9. Барча маҳсулотнинг қиймати, минг сўм (Мк)	4583,3	5694,5	+1111,2	124,3
10. Фойдалилик нуқтасига эришиш учун зарур бўлган маҳсулот (Мфн) (1к;5к)	994,8	943,0	-51,8	84,8
11. Бизнес-режада кўзда тутилган фойдага эришиш учун зарур бўлган маҳсулот (Мбрф) (1к+2к;5к)	1188,5	1179,2	-9,3	99,2

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлик миқдорининг ўсиш суръати 122,0%ни ташкил қилади. Унинг даражаси эса ўтган йилдаги 16,3% дан ҳисобот йилида 20,0% гача кўтарилиган ёки ўсиш суръати 122,9%ни ташкил қилган. Бу ҳолатни нисбий баҳолаш мумкин. Шуни таъкидлаш лозими, доимий харажатлар суммаси ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 4,8% ўсган бир ҳолатда, битта маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчи харажатлар 39,3% ошган. Бу асосан иш ҳақи тарифларининг ошганлиги эвазига содир бўлган. Яна шуни таъкидлаш жоизки, ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорининг ҳажми 0,8% камайган. Аммо унинг қийматдаги ҳажми 24,3% ошган. Демак, маҳсулот қийматининг ошганлиги асосан нархнинг ўзгарганлиги, яъни унинг ўсганлигидан далолат беради. Ҳақиқатда битта маҳсулотнинг қиймати ўтган йилда 3856 сўмни ташкил қилган бўлса, ҳисобот йилига келиб унинг ҳажми 4829 сўмга етди ёки бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 25,1% кўпайди.

Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини аниқлаш ва таҳлил қилишда фойдалилик нуқтасини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу кўрсаткич биз таҳлил қилаётган обьектда камайган. Ўтган йилда барча сарфларни қоплаш учун 994,8 дона маҳсулот ишлаб чиқариш зарур бўлган бўлса, ҳисобот йилида ушбу кўрсаткич 943,0 донани ташкил қилади, яъни 25,2 пункт фоизга камайган. Бу эса ҳар бир маҳсулотдан олинадиган маржинал фойданинг ўсганлиги эвазига эришилган. Маржинал фойда ҳажми ҳисобот даврида 10,5%га ошган.

Корхона молиявий жиҳатдан мустаҳкам бўлиши учун факат фойдалилик нуқтасига эришиши, етарли эмас, балки тегишли фойда суммасини таъмин этадиган маҳсулот (иш, хизмат) миқдорига эришишни талаб қилади. Таҳлил қилинаётган обьект ўтган йилда кўзда тутилган фойдага эришиш учун 1188,5 дона маҳсулот ишлаб чиқариш зарур бўлган. Ҳисобот йилида эса ушбу кўрсаткич 1179,2 донани ташкил қилмоқда, яъни ўтган йилга нисбатан 0,8% кам. Бу натижা, таъкидланганидек, ҳар бир маҳсулотдан олинадиган маржинал фойданинг ошганлиги эвазига эришилган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини таҳлил қилиш учун унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ифодаловчи кўпгина энг муҳим кўрсаткичларни таҳлил қилишга тўғри келар экан. Бу эса таҳлилнинг атрофлича кенг қамровда ўтказилишини тақозо қиласди.

#### *6.4.2. Корхона иқтисодий мустаҳкамлигига таъсири этувчи омиллар*

Ҳар бир иқтисодий кўрсаткичлар ўзгариши ўз-ўзидан содир бўлмайди. Уларга қандайdir омиллар таъсири қиласди. Шу туфайли таҳлилнинг навбатдаги босқичида таҳлил қилинаётган кўрсаткич ўзгаришига таъсири қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг натижага таъсирини ҳисоблаш лозим.

Корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичларнинг ҳаммасига таъсири қилувчи омилларни аниқлаб ҳар бири бўйича тегишли ички имкониятларни ахтариб топиш ва шу йўл билан иқтисодий мустаҳкамликни яхшилаш лозим.

Корхона иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири иқтисодий мустаҳкамликнинг микдоридир. Таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири, таъкидланганидек, ушбу кўрсаткичнинг ўзгаришига таъсири этувчи омилларни аниқлаш ва уларни ҳисоблаш йўлларини ишлаб чиқаришдан иборатdir.

Корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлиги микдори бир қанча омиллар таъсирида ўзгаради. Бизнинг тадқиқотлар кўрсатдики, корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигининг ўзгаришига қўйидаги омиллар таъсири қиласди:

1. Маҳсулот рентабеллиги ( $X_1$ ).
2. Доимий харажатлар самарадорлиги ( $X_2$ ).
3. Фойдалилик нуқтасини таъминлайдиган маҳсулот микдори ( $X_3$ ).

Агар ушбу омилларга изоҳ берадиган бўлсак, биринчи омил маҳсулотнинг рентабеллигини ( $\Phi/M$ ) ифодалайди, иккинчи омил эса доимий харажатлар маҳсулдорлигини, яъни самарадорлигини ( $M/Dx$ ) ўзида акс эттиради, учинчи омил эса фойдалилик нуқтасига эришиш учун зарур

бўлган маҳсулот миқдорини ифодалайди. Бу омилларнинг ўзаро боғлиқлигини қуидагича ифодалаш мумкин:

$$M_{\text{мм}} = \frac{\Phi}{M_{\text{Ф}}} = \frac{\Phi}{M} \times \frac{M}{Dx} \times \frac{Dx}{M_{\text{Ф}}} \quad (6.13).$$

Натижа, яъни иқтисодий мустаҳкамлик ва юқорида номлари қайд қилинган омиллар ўртасидаги боғлиқлини ихчамлаштириб аддитив моделни ҳосил қилиш мумкин.

$$Y = X_1 \times X_2 \times X_3 = \prod_{i=1}^3 X_i \quad (i = \overline{1, 3}) \quad (6.14).$$

Ушбу формулага иқтисодий таҳлилнинг бир қанча усулларини (занжирли алмаштириш, фарқли, индекс, интеграл каби) қўллаб натижа ўзгаришига омилларнинг таъсирини ҳисобласа бўлади. Масалан, индекс усулини қўллаб омиллар таъсирини ҳисоблашни қуидагича ҳал қилишни тавсия қиласиз.

1. Натижа ўзгаришига биринчи омил таъсири ( $\Delta Y_{X_1}$ ) қуидагича ҳисобланади:

$$\Delta Y_{X_1} = (Y^p \times i_{x_1}) - Y^p \quad (6.15),$$

бунда:  $Y^p$  — натижанинг режадаги миқдори;  $i_{x_1}$  — биринчи омилнинг индивидуал индекси.

2. Натижа ўзгаришига иккинчи омил таъсири ( $\Delta Y_{X_2}$ ) қуидагича аниқланади:

$$\Delta Y_{X_2} = (Y^p \times i_{x_1} \times i_{x_2}) - (Y^p \times i_{x_1}) \quad (6.16),$$

бунда:  $i_{x_2}$  — иккинчи омилнинг индивидуал индекси.

3. Натижа ўзгаришига учинчи омил таъсирини ( $\Delta Y_{X_3}$ ) ҳисоблаш учун қуидаги формуладан фойдаланиш мумкин:  $\Delta Y_{X_3} = (Y^p \times i_{x_1} \times i_{x_2} \times i_{x_3}) - (Y^p \times i_{x_1} \times i_{x_2}) \quad (6.17)$ ,

бунда:  $i_{x_3}$  — учинчи омилнинг индивидуал индекси.

Одатдагидек, барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига ( $\Delta Y$ ) тенг бўлади:

$$\Delta Y = \Delta Y_{X_1} \pm \Delta Y_{X_2} \pm \Delta Y_{X_3} \quad (6.18).$$

Кўриниб турибдики, иқтисодий мустаҳкамлик миқдорига бир қанча омиллар таъсир қиласиз. Таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири шу омиллар таъсирини ҳисоблаш-

дан иборатдир. Юқорида таъкидланганидек, иқтисодий мустаҳкамлик миқдори ўзгаришига учта омил таъсир қилиши назарий жиҳатдан исботланди. Энди ушбу назарий тавсиянинг амалда қўлланилишини аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда кўриб чиқиш учун қуидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (63-жадвал).

### 63-жадвал

#### **Корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигига таъсир қилувчи омиллар таъсирининг ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Занжирили алмаштиришлар		
				I	II	III
1. Маҳсулот рентабеллиги, %	0,029	8,714	+0,68	8,714	8,714	8,714
2. Доимий харажатлар са-марадорлиги, коэффи-циентда	2,425	2,876	+0,45	2,425	2,876	2,876
3. Фойдалилик нуқтасини таъминлайдиган маҳсулот миқдори, дона	994,8	943,0	-51,8	994,8	994,8	9,43,0
4. Иқтисодий мустаҳкам-лик миқдори, дона	193,7	236,3	+42,6	210,2	249,3	236,3

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисбот йилида иқтисодий мустаҳкамлик миқдори 42,6 донага ошган. Ушбу кўрсаткичга қуидаги омиллар таъсир қилган:

1. Маҳсулот рентабеллигининг ҳисбот йилида 0,68% ошганлиги иқтисодий мустаҳкамлик ҳажмини 16,5 донага (210,2–193,7) оширган.

2. Доимий харажатлар самарадорлиги ҳам ҳисбот йилида 0,45 коэффициентга кўпайган. Ушбу омил таъсирида корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлиги 39,1 донага (249,3–210,2) ошган.

3. Фойдалилик нуқтасига эришиш учун зарур бўлган маҳсулот ҳажмининг 51,8 донага камайганлиги корхона иқтисодий мустаҳкамлик миқдорини 13,0 донага (236,3–349,3) камайтирган.

Барча омиллар таъсири натижа кўрсаткичининг умумий фарқига тенг:  $42,6 = 16,5 + 39,1 - 13,0$ .

Ушбу таҳдилни назарий жиҳатдан тавсия қилинган индекс усулини қўллаб ҳам амалга ошириш мумкин. Бунда натижага ўзгаришига омиллар таъсирини қуидагича ҳисоблаш мумкин:

1. Маҳсулот рентабеллигининг ўзгаришини ифодаловчи индивидуал индекси 1,085 ни ташкил қиласди. Унинг иқтисодий мустаҳкамлик миқдорига таъсири 16,5 дона бўлади:

$$(193,7 \times 1,085) - 193,7 = +16,5 \text{ дона.}$$

2. Доимий харажатлар самарадорлигининг индивидуал индекси 1,186 га teng. Ушбу омилнинг натижага таъсири 39,1 донани ташкил қиласди:

$$(193,7 \times 1,085 \times 1,186) - (193,7 \times 1,085) = \\ = 249,3 - 210,2 = +39,1.$$

3. Фойдалилик нуқтасининг ҳисобот йилидаги индивидуал индекси 0,948 ни ташкил қиласди. Бу омилнинг натижага таъсири салбий бўлди, яъни иқтисодий мустаҳкамликни 13,0 донага камайтириб юборди:

$$(193,7 \times 1,085 \times 1,186 \times 0,948) - (193,7 \times 1,085 \times 1,186) = 236,3 - 249,3 = -13,0.$$

Бу усулда барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига teng бўлади:

$$16,5 + 39,1 - 13,0 = +42,6 \text{ дона.}$$

Бундай ҳисоб-китобларни иқтисодий мустаҳкамликнинг барча кўрсаткичлари бўйича амалга ошириш мумкин. Биз методологик асос сифатида фақат битта кўрсаткичга таъсир этувчи омилларни таҳдил қилиб чиқдик, холос.

Бизнинг ушбу тавсиямиз амалиётта жорий қилинса, корхоналарнинг эркин рақобат шароитида уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун, банкротлик ҳолатининг олдини олиш, молиявий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам фаолият кўрсатишини таъминлаш учун асос бўлади. Бу орқали корхона хўжалик фаолиятига иқтисодий ташхис қўйиш мумкин бўлади. Иқтисодий таҳдилни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан янада бойитади. Хуллас, ушбу тавсиялар нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга эга деган хulosага келдик.

### **6.4.3. Корхона молиявий мустаҳкамлигининг таҳлили**

Корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини таҳлил қилишда унинг фаолиятига иқтисодий ташхис қўйиш нуқтаи назаридан ёндашилади. Ҳар бир корхона фақат иқтисодий жиҳатдан эмас, балки молиявий жиҳатдан ҳам мустаҳкам бўлиши керак. Тегишли кўрсаткичлар белгиланганча, шуларга асосан уларнинг ўзгариш тенденциялари аниқланниб, бирор хulosага келинади.

Молиявий мустаҳкамликни ифодаловчи кўрсаткичлар қуйидаги кетма-кетликда таҳлил қилинади:

- молиявий мустаҳкамликни ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳолати ўрганилади. Унда ушбу кўрсаткичлар тегишли маълумотлар асосида аниқланниб, уларнинг режадан, меъёрдан, ўтган давр ҳажмларидан фарқи ва уларга нисбатан фоиздаги ўзгаришлари аниқланади;
- ҳар бир кўрсаткичнинг нима эвазига ўзгарганлиги аниқланади. Бунда уларга таъсир этувчи омиллар белгиланиб, шу омилларнинг бир-бири ва натижа билан боғлиқлиги аниқланади, ҳамда шу боғлиқлик асосида тегишли ҳисоб-китоблар амалга оширилади;
- ҳар бир кўрсаткични ўзгартирувчи омиллар таъсири ҳисобланади. Бунда таҳлилнинг тегишли усуllibаридан фойдаланган ҳолда натижа ўзгаришига қайси омиллар қай даражада таъсир қилганлиги ҳисобланади;
- таҳлил натижалари бўйича тегишли ҳисоб-китобларга асосан иқтисодий жиҳатдан асосланган хulosса қилинади. Бунда қайси омилнинг ижобий, қайсисининг салбий таъсир қилганлиги аниқланниб, салбий таъсир қилган омилларни бартараф қилиш, шу орқали корхона молиявий мустаҳкамлигини яхшилаш чора-тадбирлари ишлаб чиқлади.

Таҳлил жараёнида кўрсаткичлар солиштирма баҳода олинади, чунки баҳонинг тез ўзгариб туриши иқтисодиётда қиймат билан белгиланадиган кўрсаткичлар ҳажми ни аниқ ифодалаш имконини бермайди. Бироқ шуни эътироф этиш керакки, баҳо индекси Ўзбекистонда вақти вақти билан матбуотда оммавий тарзда эълон қилинмай-

ди. Шу туфайли, таҳлилда услубий асос бўлиши учун инфляция даражасини ҳисобга олиш учун молиявий валютанинг бир АҚШ долларига нисбатан ўзгаришини асос қилиб олинди. Масалан, йил бошида 1 АҚШ доллари 50 сўм эди деб, фараз қиласиз, 1 февралда 58 сўм бўлди. Бу ҳолда пулнинг (сўмнинг) қадрсизланиш даражасини 1,16 деб олиш мумкин:

$$58 : 50 = 1,16.$$

Бу дегани шу даврда пулнинг қадрсизланиш даражаси 16%га тенг деган холосани чиқариш мумкин. Бу пулнинг қадрсизланиш даражасини аниқ ифода этмасада, таҳлил учун ҳозирги босқичда пулнинг қадрсизланиш даражасини ифодалайдиган бундан яқинроқ ва яхшироқ кўрсаткич йўқ.

Корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиласиз (*64-жадвал*).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг рентабеллик даражаси ўтган йилдаги 8,029% ўрнига ҳисбот йилида 8,714%гача ошган. Унинг ўсиш суръати 108,5%ни ташкил қиласи.

Биз таҳлил қилаётган корхона бўйича меъёрдаги рентабеллик даражасини шартли равишда такрибан 10,0% деб қабул қилинган. Бу меъёр турли соҳаларда, турли тармоқларда турлича бўлади. Аммо биз таҳлил методологиясини ёритиш мақсадида мисолда келтирилган рентабеллик даражасини яқинроқ қилиб шу рақамни олдик. Ушбу кўрсаткич билан таҳлил қилиб кўрилганда молиявий мустаҳкамликнинг меъёрга нисбатан ҳали камлигини кузатамиз. Ўтган йилда унинг миқдори меъёрга нисбатан 80,3%ни ташкил қилган бўлса, ҳисбот йилида 87,1%гача кўтарилиган. Демак, меъёрга нисбатан ўтган йили 19,7% кам бўлган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 12,9%гача камайиб келган. Ушбу ҳолатни ижобий баҳолаш мумкин. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, ҳамон молиявий мустаҳкамлик миқдори меъёрдан кам. Одатда меъёр даражасига ва ундан юқори натижаларга ҳам эришиш мумкин.

Корхонанинг молиявий мустаҳкамлик даражасини фойда суммасида ҳам, меъёрдаги рентабеллик даражасига ҳам

**Корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи  
кўрсаткичларни аниқлаш ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисо- бот йилида	Фарқи (+, -)	Ўсиш суръа- ти, %
1. Доимий харажатлар, минг сўм (Дх)	1890,1	1980,2	+90,1	104,8
2. Фойда, минг сўм (Ф)	368,0	496,2	+128,2	134,8
3. Битта маҳсулотнинг қиймати, сўм	3856	4829	+973	125,1
4. Бир маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчи харажатлар, сўм	1956	2729	+773	139,3
5. Барча маҳсулотнинг миқдордаги ҳажми, дона (Мм)	1188,5	1179,3	-9,2	99,2
6. Барча маҳсулотнинг қийматдаги ҳажми, минг сўм (Мбр)	4583,3	5694,5	+1111,2	124,3
7. Ушбу тармоқнинг меъёрдаги рентабеллик даражаси, %	10,0	10,0	—	100,0
8. Меъёрдаги рентабеллик даражасини таъминловчи фойда суммаси, минг сўм (Фр) ( $6\kappa \times 7\kappa : 100$ )	458,3	569,5	+111,2	124,3
9. Ўзгарувчи харажатларнинг умумий ҳажми (Ух) ( $4\kappa \times 5\kappa$ )	2325,2	3218,1	+898,9	138,4
10. Молиявий мустаҳкамлик даражаси-коэффициентда (Ммд) ( $2\kappa : 8\kappa$ )	80,3	87,1	+6,8	108,5
11. Рентабеллик даражаси, % (Р) ( $2\kappa \times 100 : 6\kappa$ )	8,029	8,714	+0,685	108,5
12. Меъёрдаги рентабелликнинг таъминланиш даражаси (Ртд) ( $11\kappa : 7\kappa$ )	80,3	87,1	+6,8	108,5

солишириб кўрдик. Натижа икки ҳолда ҳам бир хил чиқди. Демак, молиявий мустаҳкамлик даражасини молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг у ёки бу тури бўйича ҳам аниқлаш мумкин экан. Фақат энг муҳим муаммолардан бири меъёрдаги рентабеллик даражасини аниқлашдан иборатdir.

Таҳлилнинг навбатдаги энг муҳим босқичларидан бири шу таҳлил қилинаётган натижавий кўрсаткичлар ўзарига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблашдан иборатdir.

#### **6.4.4. Молиявий мустаҳкамлик ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлили**

Бизнинг тадқиқотлар кўрсатдикি, корхонанинг молиявий мустаҳкамлигига бир қанча омиллар таъсир қилади. Улардан, бизнинг фикримизча, асосийлари қуйидагилар:

1. Маҳсулотнинг рентабеллиги ( $X_1$ ).
2. Доимий харажатлар самарадорлиги ( $X_2$ ).
3. Фойдалилик нуқтасига эришиладиган маҳсулот миқдори ( $X_3$ ).
4. Меъёрдаги фойда суммасининг бир маҳсулот қиймати билан таъминланиш даражаси ( $X_4$ ).

Ушбу омилларнинг корхона молиявий мустаҳкамлиги билан боғлиқлигини қуйидаги мультиплікатив модел орқали ифодалаш мумкин:

$$Y = X_1 \times X_2 \times X_3 \times X_4 = \prod_{i=1}^4 X_i \quad (i = 1, 4) \quad (6.19).$$

Формулада келтирилган омилларнинг бир-бирига боғлиқлигини амалий маълумотларни қўллаб ечиш мумкин. Бу учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (65-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, омилларни шакллантирувчи барча ҳажм кўрсаткичлари ўтган йилга нисбатан у ёки бу даражада кўпайган. Натижада нисбий кўрсаткичлар, яъни бевосита омиллар ўзгариши турлича бўлган. Масалан, маҳсулот рентабеллиги 8,5%, доимий харажатлар самарадорлиги 18,6%, меъёрдаги фойданинг бир маҳсулот қиймати билан таъминланиш даражаси 1,2% ошган бўлса, фойдалилик нуқтасига эришиладиган маҳсулот миқдорига 16,3% (100–83,7) камайган. Шунга тегишли равища ушбу омилларнинг корхонанинг молиявий мустаҳкамлик даражасига таъсири ҳам турлича бўлган.

Ушбу омилларнинг таъсирини аниқлаш учун таҳлилнинг бир қанча усуllibаридан фойдаланиш мумкин. Биз бу ҳолатда энг қулай усуllibардан бири бўлган занжирли алмаштириш усулидан фойдаланамиз. У ҳолда омиллар таъсири қуйидагича ҳисобланади:

1. Корхона молиявий мустаҳкамлиги, яъни натижанинг биринчи омил эвазига ўзгаришини ( $\Delta Y_{X_1}$ ) аниқлаш учун

**Корхонанинг молиявий мустаҳкамлигига таъсир  
этувчи кўрсаткичларнинг бир-бирига боғлиқлигининг  
ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисо- бот йилида	Фарқи (+, -)	Ўсиш суръа- ти, %
<b>Мутлақ кўрсаткичлар</b>				
1. Фойда, минг сўм (Ф)	368,0	496,2	+128,2	134,8
2. Маҳсулот ҳажмининг қиймати, минг сўм (М)	4583,3	3614,5	+1111,2	124,3
3. Доимий харажатлар, минг сўм (Дх)	1890,1	1960,2	+90,1	104,8
4. Бир маҳсулот қиймати, сўм (Мқ1)	3856	4829	+975	125,1
5. Меъёрдаги рентабеллик дара- жасини таъминловчи фойда сум- маси, минг сўм (Фр)	458,3	569,5	+111,2	124,3
<b>Нисбий кўрсаткичлар</b>				
6. Маҳсулот рентабеллиги, % ( $X_1$ ) (1к×100:2к)	8,029	8,714	+0,635	108,5
7. Доимий харажатлар самарадор- лиги, сўм ( $X_2$ ) (2к:3к)	2,425	2,876	+0,451	118,6
8. Фойдалилик нуқтаси, дона ( $X_3$ ) (3к:4к)	490,2	410,1	-80,1	83,7
9. Меъёрдаги фойданинг бир маҳ- сулот қиймати билан таъминлани- ши, тийин ( $X_4$ ) (4к:5к)	8,41	8,48	+0,01	101,2
10. Молиявий мустаҳкамлик дара- жаси, % (1к:5к)	80,8	87,1	+6,8	108,5

режадаги натижанинг ҳажмини шу биринчи омил ўзгариши  
 билан қайта ҳисоблаб олинади ва чиққан натижадан унинг  
режадаги миқдори айрилади:

$$\Delta Y_{X_1} = (X_1^X \times X_2^P \times X_3^P \times X_4^P) - Y^P \quad (6.20),$$

бунда: индекс  $X$  — омилнинг ҳақиқий миқдори; индекс  
 $P$  — омилнинг режадаги миқдори.

2. Натижага иккинчи омилнинг таъсирини ( $\Delta Y_{X_2}$ ) аниқ-  
лаш учун биринчи қайта ҳисобланган миқдорни иккинчи  
омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланади ва  
 биринчи қайта ҳисобланган миқдори айрилади:

$$\Delta Ux_2 = (X_1^X \times X_2^X \times X_3^P \times X_4^P) - \\ - (X_1^X \times X_2^P \times X_3^P \times X_4^P) \quad (6.21).$$

3. Натижа ўзгаришига учинчи омил таъсирини ( $\Delta Ux_3$ ) аниқлаш учун иккинчи қайта ҳисобланган миқдорни учинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланади, яъни учта омилнинг ҳақиқий миқдори ва битта охирги омилнинг режада миқдори олиниб кўпайтирилади. Чиқсан натижа да иккинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдор айрилади:

$$\Delta Ux_3 = (X_1^X \times X_2^X \times X_3^X \times X_4^P) - \\ - (X_1^X \times X_2^X \times X_3^P \times X_4^P) \quad (6.22).$$

4. Натижа ўзгаришига тўртинчи омил таъсирини ( $\Delta Ux_4$ ) ҳисоблаш учун натижанинг ҳақиқий миқдоридан унинг учинчи омил таъсири билан қайта ҳисобланган миқдори айрилади:

$$\Delta Ux_4 = U^X - (X_1^X \times X_2^X \times X_3^X \times X_4^P) \text{ ёки} \\ \Delta Ux_4 = (X_1^X \times X_2^X \times X_3^X \times X_4^X) - \\ - (X_1^X \times X_2^X \times X_3^X \times X_4^P) \quad (6.23).$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий ўзгаришига ( $\Delta U$ ) teng бўлиши керак:

$$\Delta U = \Delta Ux_1 \pm \Delta Ux_2 \pm \Delta Ux_3 \pm \Delta Ux_4 \quad (6.24).$$

Ушбу назарий тавсияларни амалда қўллаш мумкин. Бу учун олдинги жадвалларда берилган маълумотлардан фойдаланган ҳолда қуйидагича ҳисоб-китобларни амалга оширишни тавсия қиласиз (бб-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, молиявий мустаҳкамлик даражаси ҳисбот даврида 6,8% бандга кўпайган. Бу қуйидаги омиллар эвазига содир бўлган:

1. Маҳсулот рентабеллигининг 0,685% ошганлиги корхонанинг молиявий мустаҳкамлик даражасини 6,8% бандга оширишга муваффақ бўлган:

$$87,1 - 80,3 = +6,8\%.$$

2. Доимий харажатлар самарадорлиги ҳисбот даврида 0,451 сўмга ошган. Бу омил таъсирида корхонанинг молиявий мустаҳкамлик даражаси 16,2% бандга кўпайган:

$$103,3 - 87,1 = +16,2\%.$$

**Корхонанинг молиявий мустаҳкамлигига таъсирилган омилларнинг ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Занжирли алмаштириш			
				I	II	III	IV
1. Маҳсулот рентабеллиги, % (X)	8,029	8,714	+0,685	8,714	8,714	8,714	8,714
2. Доимий харажатлар самарадорлиги, сўм (X) (бк;1к)	2,425	2,876	+0,451	2,425	2,876	2,876	2,876
3. Фойдалилик нуқтасига эришиладиган маҳсулот, миқдори дона (X) (1-жадвал 10к)	490,2	410,1	-80,1	490,2	490,2	410,1	410,1
4. Меъёрдаги фойданинг 1 маҳсулот қиймати билан таъминланishi, тийин (X) (3к;8к)	8,41	8,43	+0,07	8,41	8,41	8,41	8,48
5. Молиявий мустаҳкамлик даражаси, % (Y)	80,3	87,1	+6,8	87,1	103,3	86,4	87,1

3. Корхонанинг фойдалилик нуқтасига эришиш учун зарур бўлган маҳсулот миқдорининг таҳлил қилинаётган даврда 80,1 донага камайиши молиявий мустаҳкамлик даражасини 16,9% бандга камайтириб юборган.

$$86,4 - 103,3 = -16,9.$$

4. Меъёрдаги фойданинг бир маҳсулот қиймати билан таъминланиш даражаси 0,07 тийин кўпайган. Ушбу омил таъсирида натижанинг даражаси 0,7% бандга ошган:

$$87,1 - 86,4 = +0,7.$$

Барча омиллар таъсири, одатдагидек, натижанинг умумий фарқига тенг:

$$6,8 + 16,2 - 16,9 + 0,7 = +6,8\%.$$

Ушбу таҳлил усулининг амалиётда қўлланилиши, ҳозирги шароитда корхонанинг хўжалик фаолиятига иқтисодий ташхис қўйиш, бизнес-режани асослаш, аудиторлик хulosасини чиқариш, охир-оқибатда корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш орқали уни яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

## **7-боб. КОРХОНА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КҮРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ\***

### **7.1. Корхона молиявий барқарорлигининг моҳияти ва уни таҳлил қилиш зарурлиги**

Бозор муносабатлари маъмурий буйруқбозликни инкор қилиб корхона фаолиятини эркин ва мустақил бошқаришини тақозо қиласди. Бундай ҳолларда бошқариш буйруқ билан эмас, балки иқтисодий дастаклар билан амалга оширилиши лозим. Режали иқтисодиётда раҳбарнинг асосий функцияси корхонани режа дастаги орқали бошқариш бўлган. Барча куч ва имконият режани бажаришга қаратилган. Энди эса раҳбар бошқариш билан бирга меҳнаткашлар билан ҳам бевосита ишлайдиган бўлди. Унинг масъулияти ва жавобгарлиги ҳам ошди. Раҳбар олдин корхона зарар билан ишласа ҳам хотиржам эди. Унга фақат давлат режаси бажарилса бас. Зарар давлат ёки юқори ташкилот буйруғи билан шу тизимга кирувчи бошқа корхоналар ҳисобидан қопланар эди. Энди аҳвол бутунлай ўзгарди. Агар корхона зарар билан ишласа, унинг фаолияти тўхтаб қолиши муқаррар. Олдингидек бир раҳбар бир ташкилотни тугатиб иккинчисига бемалол ўтиб ишлаши учун имконият қисқарди. Корхоналар аксарият ҳолларда давлат тасаруфидан чиқарилиб жамоа ва хусусий мулкка айланди.

Шундай қилиб, эндиликда корхонани бошқаришда иқтисодий дастакларнинг моҳияти кескин ошмоқда. Шу билан бирга олдин раҳбар бўлиш учун маълум маъмурий поғоналардан ўтиб келинар эди. Энди эса ҳар бир жасур, тадбиркор киши иқтисодиёт бўйича дипломи бўлмасада, мустақил корхона очиб раҳбарлик фаолиятини амалга ошириши мумкин. Шу туфайли эндиги иқтисодий тавсиялар, йўриқнома ва кўргазмалар, ёзилган китоблар малақали иқтисодчилар билан биргаликда иқтисодий билими, малакаси етарли бўлмаган кенг ўкувчилар оммасига, хусусан, иқтисодий билимга эга бўлмаган ишбилармон-тадбиркорларга ҳам мўлжалланган бўлиши лозим.

\* Ушбу бобни ёзишда М.Д.Мухаммадиев иштирок этди.

Корхонани бошқаришда ахборотлар муҳим аҳамиятга эга. Бу ахборотларнинг асосий қисми молиявий ҳисботларда ифодаланади. Молиявий ҳисботлар корхона фаолияти натижасини ифодаловчи кўзгу. Ҳозир ҳар бир мутахассис, раҳбар молиявий ҳисботларни иқтисодий ўқиши, ундан тегишли хулоса чиқариб, бошқаришда фойдаланишни яхши билиши лозим.

Олдин корхона фаолияти режа бажарилишига қараб баҳоланаар эди. Молиявий ҳисботнинг асоси бўлган бухгалтерия балансидаги маълумотлар бошқаришда деярли иштирок этмас эди. Оқибатда корхонанинг реал иқтисодий аҳволига тўғри баҳо берилмаган. Эндиликда бошқариш корхонанинг молиявий ҳисботига асосан амалга ошириладиган бўлмоқда. Бу эса ҳар бир кишидан уни иқтисодий жиҳатдан тўғри ўқий олишни талаб қиласди.

Молиявий ҳисботлар жуда катта ахборотлар манбаига эгалиги туфайли у таҳлил қилувчи учун асосий хужжат бўлиб ҳисобланади. Саводхон иқтисодчи уни шунчаки қараб чиқиб ўзи учун корхонанинг молиявий аҳволи қандай ҳолатда эканлиги тўғрисидаги тегишли маълумотни олади. Эндиликда корхонанинг молиявий аҳволини яхши билмасдан фаолият кўрсатиш ва уни бошқаришда корхона истиқболига кишан солиш ёки уни қоронги йўлдан юришга мажбур қилиш демакдир. Шу туфайли корхона истиқболини тўғри аниқлаб олиш учун энг аввало унинг фаолиятини молиявий ҳисботлар орқали чукур ўрганиб олиш лозим.

Корхона молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлардан энг муҳими унинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардир. Аммо молиявий барқарорликка тегишли кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш йўллари ва таҳлили иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилмаган. Шу туфайли бу кўрсаткичларни таҳлил қилиш ҳозирги кунда жуда муҳим ва долзарб ҳисобланади.

## 7.2. Молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи

Молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий моҳияти жиҳатидан бешта гурӯҳга бўлиш мумкин:

1. Ўз (хусусий) маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар.
2. Четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.
3. Ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.
4. Айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.
5. Асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Ушбу кўрсаткичлар туркуми *36-чизмада* ифодаланган.

### *36-чизма*


#### **Корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими**



Молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар туркуми ўз навбатида бир қанча алоҳида кўрсаткичлардан иборат. Бу кўрсаткичлар груҳи, ҳисоблаш йўллари ва нимани ифодалаши қуидаги жадвалда келтирилган (*37-чизма*).

Ушбу кўрсаткичлар тизимига кирувчи ҳар бир груҳ кўрсаткичлар ўз навбатида бир қанча кўрсаткичларга бўлинади. Масалан, хусусий капитал билан боғлиқ кўрсаткичларга учта, четдан жалб қилинган маблағларга тўртта, ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичларга тўртта ва айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичларга бешта кўрсаткичлар киритилган. Ушбу чизмада кўрсаткичнинг номи, ифодаланган. Бундай кўрсаткичлар тизими амалиётда фойдаланиш учун жуда қулайдир. Аммо ҳар бир кўрсаткич бўйича тўлиқ холосага келиш учун уларнинг ҳар бир грухига алоҳида тўхталишни мақсаддага мувофиқ деб

## Корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими



ўйлаймиз. Бу эса ўз навбатида ҳар бир кўрсаткични ҳисоблаш йўллари ва уларнинг нимани ифодалашини кўрсатиб бериш билан биргаликда уларнинг амалиётда қўлланилиши учун қулайлик туғдиради ва ўрганишни осонлаштиради. Шу мақсадда молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни ҳисоблаш йўллари ва нимани ифодалашини кўрсатувчи жамланган жадвални тузишни лозим деб топдик (67-жадвал).

Ушбу жадвал 37-чизмадаги барча кўрсаткичларни аниқлаш йўлларини изоҳлаш учун асос бўлади. Энг муҳими шу кўрсаткичларни таҳлил қилишдан олдин уларнинг гуруҳлари нимани ифодалаши тўғрисидаги қисқача маълумотта эга бўлинади.

Бундан ташқари ушбу кўрсаткичлар тизими бўйича амалий маълумотларни қўллаб ҳам ечишни осонлаштиради. Бироқ таҳлил қилиш учун ушбу кўрсаткичларни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш методологиясини ишлаб чиқиш лозим. Шу туфайли ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича таҳлил қилиш усулларини кўриб чиқамиз.

### **7.3. Молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари**

Молиявий барқарорликни таҳлил қилиш учун уни ифодаловчи кўрсаткичларни тўғри аниқлаш муҳчим аҳамиятга эга. Шу туфайли юқорида тавсиф қилинган кўрсаткичларнинг бухгалтерия баланси ва бошқа молиявий ҳисобот шаклларида кўрсатилган маълумотларига асосан ҳисоблаш усулларини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

#### **7.3.1. Ўз маблағлари (хусусий капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили**

Бу гуруҳ кўрсаткичларга қуйидагилар киради: ўз маблағлари (хусусий капитал) нинг тўпланиш (концентрацияси) коэффициенти; молиявий қарамлик коэффициенти ва ўз маблағларининг (хусусий капитал) ҳаракатчанлик (маневрлик) коэффициенти (38-чизма).

## Молиявий барқарорликкин ифодаловчи күрсәткىчлар тизими, хисоблаш йўллари ва мазмунин


Күрсәткىчтарнинг номи	Хисоблаш йўли	Нимални ифодалаш
<b>I. Ўз маблагчлари (хусусий капитал) бирсан боғлиқ күрсәткىчлар</b>		
1.1. Ўз маблагининг (хусусий капитал) тўпланиш коэффициенти (Кўтк)	$\text{Кўтк} = \frac{\bar{Y}_M}{B}$ <p>бунда: <math>\bar{Y}_M</math> – ўз маблаглари; <math>B</math> – баланс суммаси</p>	Корхона эгалари мулкнинг умумий маблаглари (капиталидаги хиссасини ифодалайди. Бу юкори бўлса яхши
1.2. Молиявий қарамлик коэффициенти (Кмк)	$K_{MK} = \frac{B}{\bar{Y}_M}$	1 сўм ўз маблагига қанча умумий маблаг тўғри келганигини ифодайди. Бу юкори бўлса ёмон. 1 га интилиб борса яхши. Барча маблаги хусусий капитал эвазига қопланган хисобланади
1.3. Ўз маблагларининг (хусусий капиталнинг) ҳаракатчалик (маневрлик) коэффициенти (Км)	$K_M = \frac{\bar{Y}_M + \bar{Y}_{MP} - A_{COT}}{\bar{Y}_M} = \frac{\bar{Y}_{XM}}{\bar{Y}_M}$ <p>бунда: Асот — асосий капитал ва оборотдан ташқари активлар; <math>\bar{Y}_{MP}</math> — узок муддатли пассивлар; <math>\bar{Y}_{XM}</math> – ўз маблагларининг оборотда иштирок этган кисми</p>	Бу хусусий капиталнинг қанча оборотда иштирок этаётганлигини кўрагади. Бу юкори бўлса яхши
<b>II. Четдан жалб қилинган маблаглар (капитал) билан боғлиқ күрсәткىчлар</b>		
2.1. Четдан жалб қилинган капиталнинг тўпланиш (концентрацияси) коэффициенти (Кҷжк)	$K_{JJK} = \frac{Ч_{JJK}}{B}$ <p>бунда: Чжк — четдан жалб қилинган маблаглар (капитал)</p>	Корхона эгасининг қанча мулки четдан жалб қилинганини кўрсатади. Бу юкори бўлса ёмон

Күрсөткіштердегі номи	Хисоблаш үүли	Нимәни ифодалашы
2.2. Узок муддатлы четдан жалб қилинган маблағтар (капитал)нинг түләнешінш көзғишиенти (Күмчжк)	$\text{Күмчжк} = \frac{\text{Умчжк}}{\text{ҮМ}}$ бунда: Умчжк – узок муддатлы четдан жалб қилинган капитал (маблағтар) қийматы	Хұжалик фаолиятini узок муддатли маблағ билан тамирланғанligи дара-жасини күрсатади. Бу юкори бұлса жхши
2.3. Четдан жалб қилинган маблағтар-ниң таркий көзғишиенти, яни узок муддатлы четдан жалб қилинган қийималарнинг умумий Чжқ маблағтардаги көзғишиенти (Күмчжк)	$\text{Күмчжкт} = \frac{\text{Умчжк}}{\text{Чжк}}$	Умумий четдан жалб қилинган маблағтарда узок муддатлы четдан жалб қилинган маблағтар хиссасини информдалайди. Бу юкори бұлса яхши
2.4. Үз маблағларининг (хусусий капиталнинг) четдан жалб қилинган маблағтарға умумий қарамлик көзғишиенти (Кчжмк)	$\text{Кчжмк} = \frac{\text{Чжк}}{\text{ҮМ}}$	І сүм үз маблағларига (хусусий капиталға) қанча четдан жалб қилинган маблағ (капитал) түрги келишини күрсатади
2.5. Үз маблағларининг узок муддатлы пассивларында қарамлик көзғишиенти (Кумпк)	$\text{Кумпк} = \frac{\text{Умп}}{\text{ҮМ}}$ бунда: Умп – узок муддатлы пассив-лар	Узок муддатлы пассивтарнинг үз маблағлардаги утущини (хиссасини) ифодалайди. Бу юкори бұлса яхши эмас
<b>III. Харакатдагы (оборотдагы) маблағтар билан бөлік күрсөткішлер</b>		
3.1. Умумий қаракатчанлык (маневр-лик) көзғишиенти (Кух) ёки қара-катдаги маблағтарнинг фаолик ко-эффициенти	$\text{Кух} = \frac{\text{ҮХМ}}{\text{Б}}$ бунда: Үхм – умумий қаракатдагы (оборотдагы) маблағлари	Харакатдаги (оборотдагы) маблағнинг умумий маблағтардаги хиссасини ифодалайди. Бу юкори бұлса яхши

Күрсөткіштердің номи	Хисоблаш нүли	Нимек ифодалашы
V. Айланна маблағтар (капитал) билин бөлік күрсөткішлер		
5.1. Айланна маблағтарнинг (капиталнинг) ўз маблағлари (хусусий капитал) билан таъминланниш коэффициенти (Камт)	$\text{Камт} = \frac{\text{Үхм}}{\text{Айм}}$ бунда: Үхм — оборотдаги ўз маблағлар; Айм — айланна маблағтар күймати	Хар I сүм айланна маблағтарга қанча ўз маблағлари (хусусий капиталы) түгри келишини күрсатади. Бу қоюри бўлса яхши
5.2. Айланна маблағтарнинг (капиталнинг) қаралпик коэффициенти (Кчжк)	$\text{Кчжк} = \frac{\text{Чжк}}{\text{Айм}}$ бунда: Чжк — чётдан жалб қулинган капитал киймати	Четдан жалб қулинган маблағтарнинг (капиталнинг) айланна маблағлардаги (капиталлабги) хиссасини ифодалайди
5.3. Айланна маблағтарда қиска муддатлы банк кредитиң коэффициенти (Кбк)	$\text{Кбк} = \frac{\text{Кмбк}}{\text{Айм}}$ бунда: Кмбк — қиска муддатлы банк кредити	Қиска муддатлы банк кредитининг айланна маблағлардаги хиссаси қанча эканлигини күрсатади. Бу қоюри бўлса ёмон
5.4. Айланна маблағтарининг тез ҳаркагатдаги қарамдик коэффициенти (Кхмт)	$\text{Кхмт} = \frac{\text{Пмба}}{\text{Айм}}$ бунда: Пмба — тез ликвид бўладиган айланна маблағлар суммаси, яъни туп маблағлари ва бошқа активлар	Айланна маблағтарнинг қанча қисми тез ликвид бўладиган маблағлардан иборатлигини ифодалайди
5.5. Айланна маблағтарнинг бутун муликдаги хиссаси (Камх)	$\text{Камх} = \frac{\text{Айм}}{\text{Б}}$	Айланна маблағтарнинг барча муликдаги хиссаси неча фоиз эканлигини ифодалайди

<b>Күрсәткىчларнинг номи</b>	<b>Хисоблаш күли</b>	<b>Нимани ифодалашы</b>
3.2. Соф харакатчанник коэффициенти ( $K_{СХМ}$ )	$K_{СХМ} = \frac{С_{ХМ}}{Б}$ бунда: $С_{ХМ}$ – ўз маблагдарининг төв ар захиралари ва тул маблагдаридаги хисми	Соф харакатдаги маблагдарниң умумий маблагдардаги хиссасини ифодалайди. Бу юкори бўлса яхши
3.3. Соф харакатдаги маблагдарниң фаоллик коэффициенти ( $K\Phi$ )	$K\Phi = \frac{С_{ХМ}}{\bar{У}_{ХМ}}$	Соф харакатдаги маблагдарниң умумий ҳаракатдаги маблагдардаги хиссасини ифодалайди. Бу юкори бўлса яхши
<b>IV. Асосий воситалар (капитал) билан борлик күрсәткىчлар</b>		
4.1. Асосий воситанинг умумий маблагдардаги хиссасини ифодаловчи коэффициенти ( $К_{авХ}$ )	$К_{авХ} = \frac{А_{В}}{Б}$	Асосий воситаларниң корхона умумий ҳўжалик маблагдардаги хиссасини ифодалайди
4.2. Ўз маблагдарининг (хусусий капиталниң) капиталлашганик коэффициенти ( $К_{умК}$ )	$К_{умК} = \frac{А_{В} - У_{МП}}{\bar{У}_Х}$	Ўз маблагдарининг (хусусий капиталниң) қанча қисми асосий воситаларга (капиталга) сарф қилинганини кўрсатади. Бу юкори бўлса яхши
4.3. Асосий воситалар жамгаридишининг интенсивиги коэффициенти ( $К_{ин}$ )	$К_{ин} = \frac{А_{ВЖЭ}}{А_{В}}$ бунда: $А_{ВЖЭ}$ – асосий воситаларниң жорий йиллаги эскириш суммаси	Бир йилда асосий воситаларниң қанча қисми жамгаридишинни ифодалайди
4.4. Асосий воситалар жамгаридишининг умумий коэффициенти ( $К_{авЖу}$ )	$К_{авЖу} = \frac{А_{ВУЭ}}{А_{В}}$ бунда: $А_{ВУЭ}$ – асосий воситалар эскиришининг умумий суммаси	Асосий воситалар қийматининг қанча қисми тақрор тўпланганигини ва қанча қиймати қолганлигини ифодалайди

## Корхона молиявий барқарорлигининг ўз маблағлари (хусусий капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими



**Ўз маблағи (хусусий капитал)нинг тўпланишини (концентрациясини) ифодаловчи коэффициент (Кўмт).** Мазкур кўрсаткич ушбу маблағларниң умумий маблағлардаги ҳиссасини ифодалайди. Ушбу кўрсаткични хусусийлик коэффициенти ҳам деб аташ мумкин. Бу кўрсаткич ўз маблағларининг (хусусий капитал) умумий суммасини ( $У_м$ ) бухгалтерия баланси умумий суммасига ( $Б$ ) бўлиш йўли билан аниқланади:

$$Кўмт = \frac{У_м}{Б}.$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг умумий маблағларининг қанча қисми хусусий маблағларни ташкил қилишини ифодалайди. Ҳозирги шароитда у қанча кўп бўлса, корхона учун ўшанча яхши, чунки корхона молиявий жиҳатдан барқарор бўлиши учун асос бўлади. Четдан жалб қилинган маблағлар учун тўланадиган фоиз суммаси тежалади. Бизнинг мисолимизда (68-жадвал) ушбу кўрсаткич ҳажми 1999 йил охирида 0,26ни (531,1:2064,8) ташкил қиласди.

## 68-жадвал

**Корхонанинг ўз маблағлари (хусусий капитал) билан  
боглиқ кўрсаткичларнинг 1999 йилги ҳисоб-китоби  
минг сўм**

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Ўзгариши	
			суммада (+, -)	фоизда, %
<b>Ҳажми кўрсаткичлари</b>				
1. Балансдаги умумий сумма (Б)	1847,5	2064,8	+217,3	111,8
2. Ўз маблағлари (хусусий капитал) Ўм	492,3	531,1	+38,8	107,9
3. Асосий воситалар (капитал) ва оборотда бўлмаган активлар (Авот)	382,4	427,1	+44,7	111,7
4. Узоқ муддатли пассивлар (Умв)	13,7	20,8	+7,1	151,8
5. Умумий ҳаракатдаги ўз маблағ- лар (2+4-3) (Ухм)	123,5	124,5	+1,0	100,8
<b>Нисбий кўрсаткичлар</b>				
6. Ўз маблағи (хусусий капитал) тўпланиш (концентрацияси) коэффициенти ( $K_{ХК} = 2\text{к}; 1\text{к}$ )	0,266	0,257	-0,009	96,7
7. Молиявий қарамлик коэффи- циенти ( $K_{МК} = 1\text{к}; 2\text{к}$ )	3,75	3,89	+0,14	103,7
8. Ўз маблағлари (хусусий капи- тал)нинг ҳаракатчанлик (маневр- лик) коэффициенти ( $K_{ХК} = 5\text{к}; 2\text{к}$ )	0,251	0,234	-0,017	93,2

Демак, ушбу миқдор корхонанинг 26% маблағи ўзининг хусусий маблағи эканлигидан далолат беради.

Молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлардан бири **молиявий қарамлик коэффициентидир** ( $K_{МК}$ ). Бу кўрсаткич балансидаги умумий суммани (Б) ўз маблағлари (хусусий капитал — Ўм) суммасига бўлиш йўли билан аниқланади:

$$K_{МК} = \frac{B}{U_m}.$$

Бу кўрсаткичнинг ҳажми 1999 йил охирида 3,89ни (2064,8:531,1) ташкил қилган. Демак, ушбу кўрсаткичнинг ҳажми баланснинг умумий суммаси корхонанинг ўз маблағига нисбатан 3,9 марта кўп эканлигидан далолат беради. Бу кўрсаткич ҳажмини таҳдил қилганда унинг камай-

ишига эътибор берилиши лозим. Ушбу кўрсаткич ҳажми қанча камайиб борса, корхонанинг ўз маблағи шунча кўпайиб бораётганлигидан ва унинг молиявий қарамлиги камайганлигидан, яъни яхшиланаётганлигидан далолат беради. Агарда ушбу кўрсаткичнинг ҳажми қанча кўпайса, шунчалик корхона молиявий қарам бўлаётганлигини ифодалайди. Бу унинг молиявий барқарорлигига путур етаётганлигидан далолатдир.

Ўз маблағларининг (хусусий капиталнинг) ҳаракатчалик (маневрлик) коэффициентини ( $K_{ХК}$ ) аниқлаш учун умумий ҳаракатдаги маблағларнинг суммасини ( $У_{ХМ}$ ) ўз маблағлари ( $У_{М}$ ) суммасига бўлиш лозим:

$$K_{ХК} = \frac{У_{ХМ}}{У_{М}}.$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори қанча кўп бўлса, корхона учун ўшанча яхши. Бизнинг мисолимизда ушбу кўрсаткич ҳажми йил охирида 0,23ни (124,5:531,1) ташкил қиласди. Демак, ҳаракатдаги маблағларимиз хусусий маблағларнинг 23%ни ташкил қилас экан. Бу кўрсаткич оборотда хусусий маблағлардан ташқари четдан жалб қилинган маблағлар ҳам иштирок этаётганлигидан далолат беради.

Умумий ҳаракатдаги маблағлар суммаси ( $У_{ХМ}$ ) бухгалтерия баланси маълумотларига асосан корхонанинг ўз маблағларига (хусусий капиталга) ( $У_{М}$ ) узоқ муддатли пассивларни ( $У_{МП}$ ) кўшиб асосий воситалар (капитал) ва оборотда бўлмаган фаоллар (Авот) айириб ташланади:

$$У_{ХМ} = У_{М} + У_{МП} - Авот.$$

Олдин ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китоблар сченинг ярми олинар эди. Ҳозир корхоналар ишчи ва хизматчиларга кўп ҳолларда аванс бермайдилар. Шу туфайли ушбу кўрсаткичнинг миқдори инобатга олинмади.

Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларидан бирининг 1999 йилги ҳисоботи маълумотларидан фойдаланилди (корхона раҳбарларининг илтимосига кўра баъзи кўрсаткичлар улар учун тижорат сири ҳисобланганлигини инобатга олиб, корхонанинг номи келтирилмади. Таҳлил учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг ўз маблағлари (хусусий капитал) билан боғлиқ бўлган тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳажми турли йўналишга эгадир. Уларнинг ҳажми бутунлай ўзгарган. Жумладан, хусусий капиталнинг тўпланишини (концентрациясини) ифодаловчи коэффициент 0,009га ёки 3,3%га (100–96,7) камайган. Бу эса корхонанинг ўз маблағи ўсиш суръатининг (107,9%) умумий маблағи ўсиш суръатига нисбатан (111,8%) кам эканлиги эвазига содир бўлган. Ушбу кўрсаткич корхона маблағи таркибида четдан жалб қилинган маблағларнинг кўпайганлигини ва унинг қарамлигининг ошганлигидан далолат беради. Ҳақиқатда, корхонанинг молиявий қарамлигини ифодаловчи коэффициент 0,14га ёки 3,7%га ошган. Хусусий капиталнинг ҳаракатчанлик коэффициенти ҳам 0,017га ёки 6,8%га (100–93,2) камайган. Бу эса умумий ҳаракатдаги маблағлар ўсиш суръатининг (100,8%) ўз маблағлари ўсиш суръатига нисбатан (107,9%) камлигидандир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкини, таҳдил қилинётган корхонанинг ўз маблағлари билан боғлиқ бўлган молиявий барқарорлиги ҳисбот даврида анча сусайган. Ушбу кўрсаткичлар системасидан умумий комплекс кўрсаткичини (Кк) аниқлаш ҳам мумкин. Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$Kk = \prod_{i=1}^n A_{ij},$$

бунда:  $A$  — молиявий барқарорликни ифодаловчи ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар микдори;  $i$  — кўрсаткичларнинг тартиб сони ( $i=1, n$ );  $n$  — кўрсаткичларнинг умумий сони;  $\prod$  — кўпайтириш белгиси;  $ij$  — ҳар бир  $i$  — кўрсаткичининг индивидуал индекси.

Ушбу модуяга молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларнинг учтаси киритилган. Булар бир хил ўлчамга эга. Аммо уларнинг йўналиши ҳар хил. Уларни ҳам бир хил йўналишга келтириб олиш лозим, чунки хусусий капиталнинг концентрацияси ва унинг ҳаракатчанлиги коэффициентларининг кўпайиши натижасида молиявий барқарорлигининг яхшиланишидан далолат берса, молия-

вий қарамлик коэффициенти эса, унинг тескариси. Шу учун молиявий қарамлик коэффициентини ҳам бир хил йўналишга келтириб оламиз. Бунинг учун молиявий қарамлик коэффициентини бирга бўлиб олиш лозим.

Агар бирни шу кўрсаткич индексига бўлиб олинса, чиққан натижанинг кўпайиши молиявий барқарорликнинг яхшиданаётганлигидан далолат беради ва бошқа кўрсаткичлар билан бир хил йўналишга эга бўлади.

Бизнинг мисолимизда комплекс кўрсаткич 0,869ни

$$\left( 0,967 \times \frac{1}{1,037} \times 0,932 \right)$$

ташкил қиласи ёки ушбу микдорни 86,9% деб ҳам қабул қилиш мумкин. Комплекс кўрсаткич ҳажмидан ҳам кўриниб турибдики, ушбу корхонанинг хусусий капитал билан боғлиқ молиявий барқарорлиги сусайган.

Молиявий барқарорликнинг ўз маблағлари билан боғлиқ гуруҳини яхшилаш учун шу кўрсаткичларнинг ҳар бирiga таъсир қилувчи омилларини аниқлаш ва уларни ҳисоблаш лозим. Масалан, ўз маблағларининг ҳаракатчалик (маневрлик) коэффициентига ( $K_{ХМ}$ ) қуйидаги омиллар таъсир қиласи:

1. Умумий ҳаракатдаги маблағларнинг тўпланиш (концентрацияси) коэффициенти. ( $K_{УХМ}$ ) ушбу кўрсаткич (омил)ни аниқлаш учун умумий ҳаракатдаги маблағларни ( $У_{ХМ}$ ) корхонанинг умумий мулкига (баланс суммасига) ( $B$ ) бўлиш лозим.

$$K_{УХМ} = \frac{У_{ХМ}}{B}.$$

Ушбу омилни шартли равишда  $\langle X_1 \rangle$ , деб қабул қиласиз. Ушбу омил микдорининг кўпайиши хусусий капитал ҳаракатчалигига ижобий таъсир қиласи.

2. Асосий воситалар ва оборотда бўлмаган маблағларнинг (Авот) барча маблағлар ( $B$ ) билан таъминланиш коэффициенти. Ушбу кўрсаткични ( $K_{Авот}$ ) аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$K_{Авот} = \frac{B}{Авот}.$$

Ушбу омилни шартли равища « $X_2$ » деб белгилаб оламиз. Ушбу омилнинг микдори қанча кўл бўлса, корхонанинг ҳаракатчанлик коэффиценти ҳам шунча яхши бўлади, чунки бу умумий маблағ таркибида айланма маблағлар ҳиссасининг кўплигидан далолат беради.

3. Ўз маблағларининг ( $\bar{Y}_M$ ) асосий воситалар ва оборотда бўлмаган маблағлари (Авот) билан таъминланганлиги ёки ўз маблағининг капиталлашганлик даражаси. Ушбу омилнинг микдорини ( $U_{Mavt}$ ) аниқлаш учун қўйидаги формула тавсия қилинади:

$$U_{Mavt} = \frac{\text{Авот}}{\bar{Y}_M}.$$

Ушбу омилни шартли равища « $X_3$ » деб белгилаб оламиз. Ушбу омил микдори қанча кўл бўлса, хусусий капиталнинг ҳаракатчанлик коэффициенти шунча яхши бўлади.

Барча омиллар ва натижа ( $Y$ ) ўртасида боғлиқликни қўйидаги формула, яъни мултипликатив модель билан ифодалаш мумкин:

$$Y = X_1 \times X_2 \times X_3 = \prod_{i=1}^3 X_i \quad (i = 1, 3).$$

Ушбу формулага аниқ маълумотларни ва занжирли алмаштириш усулини қўллаб корхонанинг ўз маблағлари ҳаракатчанлик коэффициентига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш мумкин. Бу учун 68-жадвал маълумотларидан фойдаланган ҳолда қўйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (69-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхона ўз маблағларининг ҳаракатчанлик (маневрлик) коэффициенти ҳисобот даврида 0,017 камайган. Ушбу ўзгаришга қўйидаги омиллар таъсир қилган:

1. Умумий ҳаракатдаги маблағларнинг тўпланиш (концентрацияси) коэффициенти ҳисобот йилида 0,0065га камайган. Ушбу омил корхона ўз маблағларининг ҳаракатчанлик коэффициентини 0,025га (0,226–0,251) камайтиришга олиб келган.

2. Корхона асосий воситаларнинг барча маблағлар билан таъминланиш даражаси 0,003 коэффициентга ошган. Бу

**Корхонанинг ўз маблағлари (хусусий капитали)  
ҳаракатчанлик (маневрлик) коэффициентига  
таъсир қилувчи омилларнинг ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Ўзгариши (+, -)	Занжирили алмаштириш		
				I	II	III
1. Умумий ҳаракатдаги маблағларнинг тўпланиш (концентрацияси) коэффициенти (5к;1к)	0,066	0,060	-0,0065	0,060	0,060	0,060
2. Асосий воситалар ва оборотда бўлмаган маблағларнинг барча маблағлар билан таъминланиши (1к;3к)	4,831	4,834	+0,003	4,831	4,834	4,834
3. Ўз маблағларининг асосий воситалар билан таъминланганлиги ёки Ўм.нинг капиталлашганлиги (3к;2к)	0,777	0,804	+0,027	0,777	0,777	0,804
4. Ўз маблағининг ҳаракатчанлик (маневрлик) коэффициенти (6к;2к)	0,251	0,234	-0,017	0,226	0,227	0,234

омил таъсирида ўз маблағларининг ҳаракатчанлик коэффициенти 0,001га (0,227–0,226) ошган.

3. Корхона ўз маблағларининг асосий воситалар билан таъминланганлиги ёки ўз маблағининг капиталлашганлик даражаси ҳисббот даврида 0,027 коэффициентга ошган. Бу эса ўз навбатида таҳлил қилинаётган кўрсаткични 0,007 коэффициентга (0,234–0,227) оширишга олиб келган.

Шундай қилиб, барча омилларнинг таъсири натижанинг умумий ўзгаришига teng бўлган:

$$-0,025 + 0,001 + 0,007 = -0,017.$$

Омилли таҳлил корхона молиявий барқарорлигини яхшилашнинг ички резервларини топиш учун имконият яратади. Ушбу мисолимиздан кўриниб турибдики, корхона молиявий барқарорлигининг ёмонлашганлигига таҳлил қилинган учта омилдан биттаси салбий таъсир қилганилигини кўрамиз. Агар умумий ҳаракатдаги маблағларнинг тўпланиш (концентрацияси) коэффициенти камаймаган-


да эди, корхона ўз маблағининг ҳаракатчанлик коэффициенти ҳисобот йилида 0,025 коэффициентга кўпайган бўлар эди. Унинг ҳисобот даври йил охиридаги даражаси 0,234 эмас, балки 0,259 ( $0,234+0,025$ ) бўлган бўлур эди. Кўриниб турибдики, омили таҳдил корхона молиявий барқарорлигини яхшилашнинг ички имкониятларини топиш учун асосий дастак бўлиб хизмат қилас экан.

### **7.3.2. Четдан жалб қилинган маблағлар (капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили**

Ушбу гуруҳ кўрсаткичлари тизимиға четдан жалб қилинган капиталнинг тўпланиши (концентрациясини) ифодаловчи коэффициент, четдан жалб қилинган маблағларнинг (капиталнинг) таркибий коэффициенти, хусусий капиталнинг умумий қарамлий коэффициенти, ўз маблағларининг (хусусий капиталнинг) узоқ муддатли пассивларга қарамлий коэффициенти кабилар киради (38-чизма).

**38-чизма**

#### **Корхона молиявий барқарорлигининг четдан жалб қилинган маблағлар (капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими**



Четдан жалб қилинган маблағларнинг (капиталнинг) тўпланиши (концентрацияси)ни ифодаловчи кўрсаткич уларнинг умумий маблағлардаги ҳиссасини (Кчжк) аниқлаш учун қўлланилади. Ушбу кўрсаткични топиш учун четдан жалб қилинган маблағлар суммасини (Чжм) умумий маблағлар суммасига (Б) бўлиш мумкин:

$$\text{Кчжм} = \frac{\text{Чжм}}{\text{Б}}.$$

Ушбу кўрсаткични бегоналик коэффициенти ҳам деб атайдилар. Унинг ҳажми қанча кам бўлса, корхона учун шунча яхши, чунки бу корхона ўз фаолиятини маблағни четдан жалб қилмасдан амалга ошираётганлигидан далолат беради. Бу ҳозирги бозор муносабатлари шакланаётган даврда жуда муҳимдир, чунки четдан, айниқса, банклардан қарзга маблағ олиб ишлатиш юқори фоиз ҳисобига корхона учун жуда қимматга тушиб кетмоқда.

Четдан жалб қилинган маблағлар ичида узоқ муддатли қарзлар ҳиссанинг коэффициенти ҳам молиявий барқарорликни ифодалаш учун муҳимдир. Четдан жалб қилинган маблағларнинг (капиталнинг) таркибий коэффициенти (Кужктк) ни аниқлаш учун узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағларни (капитални) (Умчжк) корхонанинг умумий четдан жалб қилинган маблағига (капиталига) (Чжк) бўлиш йўли билан аниқланади:

$$\text{Кумчжкк} = \frac{\text{Умчжм}}{\text{Чжм}}.$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағининг умумий четдан жалб қилинган маблағдаги ҳиссасини кўрсатади. Ўз маблағи етарли бўлмай турган пайтда узоқ муддатли қўйилмалардан фойдаланиш корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун асосий омил бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли ушбу кўрсаткич ҳажмининг кўпайиши корхона учун ижобий ҳолатdir.

Четдан жалб қилинган капиталнинг хусусий капиталга нисбати хусусий капиталнинг умумий қарамлик коэффициентини (Кумк) ифодалайди. Уни аниқлаш учун четдан жалб қилинган барча маблағлар суммасини (Чжм) корхонанинг ўз маблағларига (Ўм) бўлиш лозим:

$$Кумқ = \frac{Чжм}{Ўм}.$$

Ушбу кўрсаткич ҳажми 1 дан кичик бўлса (Кумқ<1), корхонанинг ярмидан кўп маблағи хусусий капиталдан иборат эканлигидан, агар 1 дан катта бўлса (Кхкк>1), ушбу корхонада четдан жалб қилинган маблағлар ҳиссаси кўплигидан далолат беради. Бозор иқтисодиёти шакланаётган шароитда Кумқ<1 бўлгани яхши. Бу ҳолда жорий фаолият четдан жалб қилинган маблағ эвазига амалга ошиди. Моддий-техника базасини такомиллаштириш эса ўз маблағлари эвазига амалга ошириш имкони туғилади.

Молиявий барқарорликни таҳдил қилишда хусусий капиталнинг узоқ муддатли пассивларга қарамлик коэффициентини (Кхкумк) аниқлаш ва ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун узоқ муддатли четдан жалб қилинган пассивларни (Умп) ўз маблағлари (хусусий капиталнинг) умумий суммасига (Ўм) бўлиш йўли билан аниқлаш мумкин:

$$Кхкумк = \frac{Умп}{Ўм}.$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг ўз маблағларида (хусусий капиталида) четдан жалб қилинган узоқ муддатли қўйилмаларнинг (пассивларнинг) ҳиссаси қанчани ташкил қилишини кўрсатади. Бу кўрсаткич ҳажмининг яхши ёки ёмонлиги тўғрисида корхона фаолиятининг ҳолатига қараб хulosса қилиш мумкин.

Ушбу кўрсаткичларни таҳдил қилиш учун қуидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (70-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, молиявий барқарорликнинг четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлари йил давомида кўпайган. Бу эса корхонанинг молиявий барқарорлигининг сусайланлигидан далолат беради. Хусусан, четдан жалб қилинган маблағлар тўпланишини (концентрациясини) ифодаловчи коэффициент ҳисобот йилининг охирида 0,743ни ташкил қиласди. Бу дегани корхонанинг умумий молиявий потенциалининг 74,3% четдан жалб қилинган маблағлардир.

**Корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи  
четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ  
кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоби**  
(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Фарқи	
			суммада (+, -)	фоизда, %
<b>Ҳажм кўрсаткичлари</b>				
1. Балансдаги умумий сумма (Б)	1847,5	2064,8	+217,3	111,8
2. Четдан жалб қилинган маблағлар (капитал) жами, (Чжк)	1355,2	1533,7	+178,5	113,2
3. Шу жумладан узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағлар (Умчжм)	13,4	20,1	+6,7	150,0
4. Ўз маблағлари (хусусий капитал) (Ўм)	492,3	531,1	+38,8	107,9
5. Асосий воситалар (капитал) ва оборотда бўлмаган активлар (Авот)	382,4	427,1	+44,7	111,7
<b>Нисбий кўрсаткичлар</b>				
6. Четдан жалб қилинган капиталнинг тўпланиш (концентрацияси) коэффициенти (Кчжм) (2к;1к)	0,734	0,743	+0,009	101,2
7. Узоқ муддатли четдан жалб қилинган капитал таркибий коэффициенти (Кчжктк) (3к;2к)	0,0010	0,0013	+0,0003	130,0
8. Хусусий капиталнинг умумий қарамлик коэффициенти (Кхкк) (2к;4к)	2,752	2,888	+0,136	104,9
9. Узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағларга (капиталга) қарамлик коэффициенти (Кхкумк) (3к;4к)	0,027	0,038	+0,011	140,2

Бу кўрсаткичнинг ҳиссаси шу даврга нисбатан 0,009 пунктга ёки 1,2%га кўпайган. Демак, таҳдил қилинаётган хусусий маблағларнинг умумий маблағлардаги улуши камайиб бормоқда. Бу бозор иқтисодиёти шароитида молиявий барқарорлик жиҳатидан ижобий натижаларга олиб келмаслиги мумкин.

Молиявий барқарорликни таҳдил қилишда узоқ муддатли четдан жалб қилинган капиталнинг ўз маблағларига нисбатини таҳдил қилиш лозим, чунки ушбу кўрсаткич ўз

моҳияти жиҳатидан корхона учун жуда қулайдир. Узоқ муддатга четдан маблағ олиш, биринчидан, корхона фаолиятида узоқ муддат муқим иштирок этишини таъминласа, иккинчидан, унга тўланадиган фоиз миқдорининг камлиги жиҳатидан корхонага нисбатан кўпроқ фойда келтиради. Таҳлил шуни кўрсатадики, узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг ўз маблағларидағи улуши ушбу корхонада йил охирида атиги 3,8%ни ташкил қиласди. Аммо бу кўрсаткич йил бошидагига нисбатан 0,011 пункт ёки 40,2% кўп. Бу кўрсаткич кўп бўлса яхши. Аммо унинг улуши четдан жалб қилинган барча маблағлар таркибида кўпайган бўлиши мумкин. Ушбу кўрсаткич ҳисбот Йилининг охирида таҳлил қилинаётган обьектда 0,1%дан 1,13%гача ошган. Бу ҳолни умумий олганда ижобий баҳолаш мумкин.

Таҳлил қилинаётган корхонада асосий воситаларнинг узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағлар эвазига қопланиши йил бошидаги 3,5% ( $13,4:382,4 \times 100$ ) ўрнига йил охирида 4,7%ни ( $20,1:427,1 \times 100$ ) ташкил қиласди. Бу 1,2 пункт ( $4,7 - 3,5$ ) ёки 34,5% ( $100 - 4,7:3,5 \times 100$ ) кўпайганлигини кўрсатади. Бироқ, шуни эътироф этиш керакки, асосий воситалар асосан хусусий капитал эвазига қопланиши лозим. Лекин кўпгина корхоналарда, айниқса янги ташкил бўлаётган корхоналарда асосий воситаларни қоплаш учун ўз маблағларидан кўра четдан жалб қилинган маблағлари кўпроқ бўлиши мумкин.

Молиявий барқарорликни ифодаловчи четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар таркибига хусусий капиталнинг умумий қарамлик коэффициентини киритиш мумкин. Ушбу кўрсаткич корхонанинг умумий молиявий қарамлигини ифодалайди. Таҳлил қилинаётган корхонада ҳар бир сўм хусусий капиталга йил бошида 2,75 сўм тўғри келган бўлса, кўрсаткич йил охирига келиб 2,89 сўмни ташкил қиласди. Бу шу даврда 4,9% кўп демакдир. Демак, бу хусусий капиталнинг четдан жалб қилинган маблағига қарамлилиги ошганлигидан далолат беради.

Ушбу кўрсаткичлар таҳлили ҳам шуни кўрсатдики, корхонанинг молиявий барқарорлиги анча сусайган. Бу биринчи гурӯҳлар бўйича таҳлил натижасида қилинган холосани яна бир бор исботлаб турибди.

Ушбу кўрсаткичлардан 70-жадвал маълумотлари асосида молиявий барқарорликнинг умумлашган кўрсаткичини ҳам аниқлаш мумкин. Бу учун ҳамма кўрсаткичларни бир хил йўналишга келтириб оламиз. Барча кўрсаткичларнинг кўпайиши корхонада молиявий барқарорликнинг ёмонлашувини ифодалайди. Аммо узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг таркибий коэффициенти қанча юқори бўлса, корхона молиявий барқарорлиги шунча яхши. Шу туфайли унинг миқдорини ҳам бошқа кўрсаткичлар билан бир хил йўналишга келтириб оламиз. Бу учун бирни унинг ўсиш суръатига бўламиз. Бу ҳолда умумлашган кўрсаткич 1,145 индексни ташкил қиласи ёки унинг физдаги миқдори 114,5%га teng:

$$1,012 \times \frac{1}{1,300} \times 1,049 \times 1,402 = 1,145 = 114,5\%.$$

Демак, ушбу умумлашган кўрсаткич ҳам ифодалаб турибдики, корхонада молиявий барқарорлик четдан жалб қилинган маблағлар бўйича ҳам анча сусайган, чунки четдан жалб қилинган маблағлар миқдори қанча кўп бўлса, корхона хўжалик фаолиятининг ҳолати молиявий барқарорлик нуқтаи назаридан шунчалик ёмон бўлади. Бу ҳолат биз таҳлил қилган корхона мисолида ҳам кўриниб турибди.

### ***7.3.3. Корхонанинг ҳаракатдаги маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили***

Корхонанинг ҳаракатдаги маблағларига унинг айланма маблағларда иштирок этаётган хусусий капитали киради. Аммо айланма маблағлари ҳаракатчанлиги жиҳатидан ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, корхонанинг ҳисоб-китоб счётидаги, кассасидаги нақд пуллари тез ҳаракатга келувчи айланма маблағлари бўлса, товар захиралари нақд пулга нисбатан ҳаракатчанлиги жиҳатидан суст айланма маблағга киради. Дебитор қарзларнинг кўп қисми ҳозирги бозор муносабатлари шароитида умидсиз, бекарор маблағларга киради, чунки корхона қарз берган, товар жўнатган, хизмат қилган юридик ёки жисмоний шахс банкротга учраган бўлиб, тўлов қобилиятига эга бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолда дебитор

қарзларни тез ҳаракатчан маблағлар қаторига киритиш қийин. Ҳозирги шароитда ҳар бир корхона имкони борича дебитор қарзларга йўл қўймаслиги лозим. Бу борада Ўзбекистон Республика Президентининг бир қанча Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бежиз қабул қилинмади.

1995 йилдан бошлаб корхонанинг дебитор қарзлари давлат назоратида турибди. Корхонадаги дебиторларни тўғри таҳлил қилиш учун уни икки групга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Биринчидан, унинг мавжудлиги муқаррар бўлган дебиторлар. Бундай дебиторларга корхона ўзининг доимий товар олувчиларига шартнома асосида товар жўнатса (хизмат қилса, иш бажарса), аммо тўлов муддати ҳали қелмаган бўлса киритиш мумкин. Агар корхона қарзининг тўлов муддати ўтиб кетса, у тўлов қобилиятига эга бўлмаса, молиявий аҳволи бекарор бўлса, бундай дебиторлар иккинчи бекарор, умидсиз групга киради. Бундай дебиторлар корхонанинг маблағини асоссиз равишда оборотдан ташқарида ушлаб туришга, унинг молиявий хўжалик фаолиятининг эса ёмонлашувига олиб келади. Бу корхонанинг ҳаракатдаги маблағини ҳаракатсиз ҳолатга келтиради. Шу туфайли ҳаракатдаги маблағларни таҳлил қилганда, унинг ҳаракатчанлик даражасини аниқлагандан албатта бу омилларни инобатга олиш лозим.

Корхона маблағларининг ҳаракатчанлик даражасини аниқлаш учун ҳаракатдаги барча маблағларнинг турларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу кўрсаткичлар тизими қўйидаги чизмада келтирилган (*40-чизма*).


Умумий айланма маблағларнинг таркибига бухгалтерия баланси актив қисмининг  $\Pi$  бўлимидаги сумма киради. Ундан ҳаракатдаги маблағларни аниқлаш учун унинг умумий миқдоридан четдан жалб қилинган маблағларни айриш кифоя.

Таҳлил учун энг муҳим кўрсаткичлардан бири оборотда иштирок этаётган ҳаракатдаги ўз маблағлари суммасидир ( $X_m$ ). Бу кўрсаткич бухгалтерия баланси маълумотларига асосан қўйидагича аниқланади:

$$X_m = (\bar{U}_m + U_{mchm}) - A_{avot},$$

бунда:  $\bar{U}_m$  — корхонанинг ўз маблағи;  $U_{mchm}$  — узок муддатли четдан жалб қилинган маблағлар суммаси;  $A_{avot}$  — асосий воситалар ва оборотдан ташқари активлар.

## Корхона молиявий барқарорлигининг ҳаракатдаги (оборотдаги) маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими



Тез ҳаракатга келадиган маблағларга банкдаги ҳисобкитоб счётидаги маблағлари, кассадаги нақд пул, чеклар ва ҳоказолар киради. Таҳлилни бошлашдан олдин эса бухгалтерия балансига асосан шу кўрсаткичларни тегишли гуруҳларга бўлиш, уларни аниқлаб олиш лозим.

Молиявий барқарорликни ифодаловчи ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичларга қуидагилар киради: ҳаракатдаги маблағларнинг фаоллик коэффициенти; умумий ҳаракатчанлик коэффициенти ва соф ҳаракатчанлик коэффициенти.

**Корхонанинг умумий ҳаракатчанлик (маневрлик) коэффициенти (Кх)**ни топиш учун умумий ҳаракатдаги ўз маблағлари суммаси ( $X_m$ ) барча ўз маблағлари суммасига ( $\bar{U}_m$ ) бўлинади.

$$K_{xh} = \frac{X_m}{\bar{U}_m} = \frac{(U_m + U_{mchm}) - A_{bot}}{\bar{U}_m}.$$

Ушбу кўрсаткич ўз маблағларининг қанча қисми ҳаракатдаги маблағдан иборат эканлигини ифодалайди. Ушбу кўрсаткичнинг ҳажми қанчалик ошиб борса, корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти яхшиланиши учун ўшанча кулай.

**Ҳаракатдаги маблағларнинг ҳаракатчанлик коэффициенти (Кх)** ҳаракатдаги (оборотдаги) ўз маблағларининг умумий маблағлардаги ҳиссасини ифодалайди. Бу кўрсаткични аниқлашда ҳаракатдаги (оборотдаги) ўз маблағлари суммасини (Ўхм) умумий маблағлар суммасига (Б) бўлинади:

$$Кх = \frac{\text{Ўхм}}{Б}.$$

Бу кўрсаткичнинг миқдори қанча ошиб борса, корхона учун шунчалик муҳим ҳисобланади, чунки корхонанинг ҳаракатдаги (оборотдаги) ўз маблағи умумий маблағи таркибида кўпайиб бораётганлигидан далолат беради.

Корхона молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири эса соф ҳаракатчанлик коэффициентидир. Бунинг асосида соф ҳаракатдаги (товар захиралари ва пул маблағларидағи) маблағлар миқдори ётади.

Бу кўрсаткичларнинг ҳажмини аниқлаш учун умумий ҳаракатдаги маблағлардан жорий мажбуриятлар ва муддати ўтган дебиторларнинг миқдорини айриш лозим. Жорий мажбуриятларга ўтган ва ҳисбот йилида кўрилган заарлар киради. Булар бухгалтерия балансининг тегишли қаторларида кўрсатилган бўлади. Шундай қилиб, корхона молиявий барқарорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири ундаги соф ҳаракатчанлик коэффициентидир (Кск). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун ҳаракатдаги маблағлардан (Хм) жорий мажбуриятлар (Жм) ва муддати ўтган умидсиз дебиторларни (Дум) айриб ташлаш лозим. Чиққан натижа корхонанинг умумий маблағига (Б) бўлинади:

$$Кск = \frac{Хм - (Жм + Дум)}{Б} = \frac{Схм}{Б}.$$

Соф ҳаракатчанлик коэффициенти умумий айланма маблағларнинг қанча қисми тез ҳаракат қиласидиган айланма маблағларга тўғри келишини кўрсатади. Ушбу кўрсаткичларнинг миқдори ҳам қанча юқори бўлса, корхона молиявий хўжалик фаолиятининг яхшиланаётганлигидан, унинг молиявий барқарорлиги таъминланаётганлигидан далолат беради.

Молиявий барқарорликни ифодаловчи ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ энг муҳим кўрсаткичлардан бири соф

ҳаракатдаги маблағларнинг фаоллик коэффициентидир (Кф). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун товар захиралари ва пул маблағларида иштирок этаётган соф ҳаракатдаги хусусий маблағлар суммасини (Схм) ҳаракатдаги умумий айланма маблағлар суммасига (Ўхм) бўлиш йўли билан аниқланади:

$$Кф = \frac{Схм}{Ўхм}.$$

Ушбу кўрсаткичнинг ҳажми товар захиралари ва пул маблағларида иштирок этаётган ўз маблағининг умумий ҳаракатдаги маблағларидаги ҳиссасини ифодалайди. Банкларнинг қарз учун фоизи юқори бўлиб турган шароитда ушбу кўрсаткич ҳажми қанча юқори бўлса, ўшанча яхши. Бу кўрсаткичнинг максимал ҳажми бир. Агар унинг миқдори бирга тенг бўлса, корхонанинг ҳаракатдаги барча маблағлари ўз маблағидан иборат эканлигидан далолат беради.

Энди ушбу кўрсаткичлар орқали амалий маълумотларни қўллаган ҳолда корхонанинг молиявий барқарорлиги ни таҳлил қилиш усулини кўриб чиқамиз (71-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг ҳаракатдаги маблағи билан боғлиқ молиявий барқарорлиги унча яхшиланган эмас. Умумий ҳаракатчанлик (моневрлик) коэффициенти 0,017га ёки 6,8%га (100—93,2) камайган. Худди шундай ҳаракатдаги маблағларнинг ҳаракатчанлик коэффициенти ҳам камайган. Ҳаракатдаги маблағларнинг ҳаракатчанлик коэффициенти йилнинг бошида 0,067дан йилнинг охирида 0,060гача камайган. Демак, умумий маблағлар таркибида ҳаракатдаги ўз маблағлари камайган. Ушбу гуруҳда соф ҳаракатдаги маблағларнинг фаоллик коэффициенти 0,018 коэффициентга ёки 1,9%га ошган.

Бу эса ҳаракатдаги маблағлар фаолигининг ошганлигидан далолат беради. Соф ҳаракатдаги маблағларнинг фаоллик коэффициенти товар захиралари ва пул маблағларида иштирок этаётган соф ҳаракатдаги маблағлари умумий ҳаракатдаги маблағларнинг қанча қисмини ташкил қилганлигини кўрсатади. Жадвал маълумоти шуни кўрсатмоқдаки, таҳлил қилинаётган корхонада йил бошида барча умумий

**Корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи  
ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичларнинг  
ҳисоб-китоби**

МИНГ СҮМ

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Фарқи	
			суммада (+, -)	фоизда, %
<b>Ҳажм кўрсаткичлари</b>				
1. Баланснинг умумий суммаси (Б)	1847,5	2064,8	+217,3	111,8
2. Ўз маблағлари (Ум)	492,3	531,1	+38,8	107,9
3. Айланга маблағлар (Ам)	1465,1	1637,7	+172,6	111,8
4. Умумий ҳаракатдаги ўз маблағ- лари (Ўхм)	123,5	124,5	+1,0	100,8
5. Муддати ўтган умидсиз деби- торлар	4,8	2,5	-2,3	52,1
6. Жорий мажбуриятлар	0,2	0,3	+0,1	150,0
7. Товар захиралари ва пул маб- лағларида иштирок этаётган соғ ҳаракатдаги маблағлари (Схм) (4к;5к;6к)	118,5	121,7	+3,2	102,7
<b>Нисбий кўрсаткичлар</b>				
8. Умумий ҳаракатчанлик (ма- неврлик) коэффициенти (Кух) (4к:2к)	0,251	0,234	-0,017	93,2
9. Ҳаракатдаги маблағларнинг ҳа- ракатчанлик коэффициенти (Кх) (4к:1к)	0,067	0,060	-0,007	89,6
10. Соғ ҳаракатчанлик коэффи- циенти (Ксх) (7к:1к)	0,64	0,059	-0,005	92,2
11. Соғ ҳаракатдаги маблағлар- нинг фаоллик коэффициенти (Кф) (7к:4к)	0,960	0,978	+0,018	101,9

ҳаракатдаги маблағларнинг 96,0%ни товар захиралари ва пул маблағларида иштирок этаётган хусусий капитал таш-  
кил қилинган бўлса, бу кўрсаткичлар йил охирига бориб 97,8%га кўпайди. Бу жорий йилда умидсиз дебиторларнинг 2,3 минг сўмга камайганлиги эвазига содир бўлди. Хуллас, бу ҳолат ҳисбот йилида корхонанинг молиявий барқарор-  
лиги яхшиланиб бораётганлигидан далолат бераб турибди.

Таҳлил жараёнида ҳаракатдаги айланма маблағларнинг фаоллик коэффициентига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш лозим. Аммо бундай усул иқтисодий адабиётларда ҳамон кўриб чиқилмаган ва тўлик ёритилмаган. Бизнинг илмий кузатишларимиз шуни кўрсатдики, таҳлил қилинаётган кўрсаткичларга бир қанча омиллар таъсир қиласди. Хусусан, соф ҳаракатдаги маблағларнинг фаоллик коэффициентига ( $Y$ ) қўйидаги омиллар таъсир қиласди: обортда иштирок этаётган хусусий капиталнинг ҳаракатдаги соф айланма маблағлардаги ҳиссаси ( $X_1$ ); ҳаракатдаги соф айланма маблағларнинг умумий хўжалик маблағлардаги ҳиссаси ( $X_2$ ); пул маблағларининг барча активлар билан таъминланиши ( $X_3$ ) ва пул маблағларининг ҳаракатдаги умумий айланма маблағлардаги улуши ( $X_4$ ). Бу боғлиқликни қўйидаги мултипликатив модель билан ифодалашни тавсия қиласмиш:

$$Y = X_1 \times X_2 \times X_3 \times X_4 = \prod_{i=1}^4 X_i.$$

Ушбу математик боғлиқликка аниқ маълумотларни қўллаб, занжирли алмаштириш усулидан фойдаланиб, ҳар бир омилнинг натижа кўрсаткичининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш мумкин. Бу учун қўйидаги жадвални тузишни тавсия қиласмиш (72-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, соф ҳаракатдаги маблағнинг фаоллик коэффициенти ҳисбот йилида 0,018га (0,978–0,960) кўпайган. Бу қўйидаги омиллар эвазига содир бўлган:

1. Соф ҳаракатдаги ўз маблағларининг (хусусий капиталнинг) умумий ўз маблағдаги ҳиссаси 1,2%га (22,9–24,1) камайган. Бу омил соф ҳаракатдаги маблағнинг фаоллик коэффициентини 0,049га (0,911–0,960) камайтирган.

2. Ўз маблағларининг умумий хўжалик маблағидаги ҳиссаси 0,9%га (25,7–26,6) камайганлиги таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичини 0,031га (0,880–0,911) камайтирган.

3. Айланма маблағларнинг барча активлар билан таъминланганлиги йил давомида ўзгармасдан қолган. Шу туфайли бу омил натижа кўрсаткичининг ўзгаришига таъсир кўрсатмаган.

**Соф ҳаракатдаги хусусий маблағларнинг фаоллик коэффициентига таъсир қилувчи омилларнинг ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Ўзгариши (+, -)	Занжирили алмаштириш		
				I	II	III
1. Соф ҳаракатдаги ўз маблағларининг (хусусий капиталнинг) умумий ўз маблағдаги ҳиссаси (7қ:2қ)	0,241	0,229	0,229	0,229	0,229	0,229
2. Ўз маблағнинг умумий маблағидаги ҳиссаси (2қ:1қ)	0,266	0,257	0,266	0,257	0,257	0,257
3. Айланма маблағининг барча активлар билан таъминланиши (1қ:3қ)	1,261	1,261	1,261	1,261	1,261	1,261
4. Умумий ҳаракатдаги ўз маблағининг умумий айланма маблағлар билан таъминланиши (3қ:4қ)	11,863	13,154	11,863	11,863	11,863	13,154
5. Соф ҳаракатдаги маблағнинг фаоллик коэффициенти (7қ:4қ)	0,960	0,978	0,911	0,880	0,880	0,978

4. Умумий ҳаракатдаги ўз маблағларининг умумий айланма маблағлар билан таъминланиш даражаси 1,291 коэффициентга ( $13,154 - 11,863$ ) кўпайган. Ушбу омил таъсирида соф ҳаракатдаги маблағнинг фаоллик коэффициенти 0,098га ( $0,978 - 0,880$ ) ошган.

Барча омиллар таъсири натижага кўрсаткичининг ўзгаришига тенг:  $[(-0,049) - 0,031 + 0,000 + 0,098 = +0,18]$ .

Шундай қилиб, таҳлил натижаси ушбу корхонада соф ҳаракатдаги маблағнинг фаоллик коэффициенти ошиши учун ички имкониятлари мавжуд эканлигидан далолат бериб турибди. Агар таҳлил қилган даврда соф ҳаракатдаги ўз маблағларининг (хусусий капиталнинг) умумий ўз маблағларидаги ҳиссасини ва ўз маблағларининг умумий маблағлардаги ҳиссасини ҳеч бўлмагандан йил бошидаги даражада ушлаб турганда эди, таҳлил қилинаётган кўрсаткич коэффициенти яна 0,080га ( $0,049 - 0,031$ ) кўпайган бўлур эди. У ҳолда, яъни барча ички имкониятлардан фойдаланилганда эди, соф ҳаракатдаги маблағнинг фаоллик ко-

эффициенти йил охирида 0,978 эмас, балки 1,058ни (0,978 +0,040+0,031) ташкил қилган бўлар эди.

Демак, омили таҳлил натижага кўрсаткичини яхшилашнинг ички имкониятларини излаб топиш йўлларини аниқлаб берадиган энг муҳим иқтисодий дастаклардан биридир.

#### *7.3.4. Асосий воситалар (капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили*

Ушбу гурӯҳ кўрсаткичлар ҳам корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи энг муҳим кўрсаткичлардир, чунки корхона фаолиятида асосий воситалар фақат меҳнат воситалари бўлибгина қолмасдан унинг моддий бойлиги ҳам ҳисобланади. Унинг қиймати корхона мулки сифатида гаровга қўйиш учун асос ҳам бўлиши мумкин. Бундан ташқари корхона тутатиладиган бўлса, барча қарзларни тўлаш учун бошқа маблағлари етишмаса, ушбу кўчмас мулкни сотиш эвазига амалга ошириш мумкин. Асосий восита энг аввало мулк эгасининг, корхонанинг бойлиги. Қолаверса мулкдор ҳам, корхона ҳам шу давлат ҳудудида бўлганлиги туфайли уларнинг барчаси давлат бойлиги, шу мамлакат бойлиги бўлиб ҳисобланади.

Шу туфайли асосий воситаларни баҳолашни фақат мулк эгаси нуқтаи назаридан эмас, балки жамият, яъни давлат нуқтаи назаридан ҳам қарашиб лозим. Агар корхона тўлов қобилиятига эга бўлса у қандайдир юридик ва жисмоний шахслардан қарз бўлиши мумкин. Шу шахслар ҳам ушбу мамлакат ҳудудида, шу давлат тасарруфида. Демак, бир корхона синса, иккинчисига таъсир қиласлиги керак. Шу туфайли ушбу корхонанинг бошқалардан қарзини унинг асосий воситаларини ким ошиди савдоси орқали сотиб бўлса ҳам тўлаши мумкин. Бу билан яхши фаолият кўрсатаётган корхона ўз маблағига эга бўлади. Давлат эса унинг фаолиятидан бевосита манфаатдор, чунки бу корхона фаолияти натижасидан ҳар хил соликлар тўлайди.

Бу назарий хуносалар яна бир карра исботлаб турибдики, корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилганда асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичларни ҳам ўрганиш, уларни таҳлил қилиш зарур экан.

Молиявий барқарорликнинг асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- асосий воситалар жамғарилишининг интенсивлиги;
- асосий воситалар жамғарилишининг умумий коэффициенти;
- хусусий капиталнинг капиталлашганик коэффициенти;
- асосий воситаларнинг корхона хўжалик фаолияти умумий маблағлардаги ҳиссаси.

Ушбу кўрсаткичларнинг тизими қуйидаги чизмада келтирилган (*41-чизма*).

#### *41-чизма*

### **Корхона молиявий барқарорлигининг асосий воситалар (капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими**



Асосий воситаларни тўғри баҳолаш ва уларни таҳлил қилиш учун ҳар бир кўрсаткични аниқлаш йўлларини ва усулини ишлаб чиқиш лозим. Корхоналар молиявий барқарорлигини ифодаловчи асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичлардан бири уларнинг бутун мулкдаги ҳиссасидир (*Ках*). Ушбу кўрсаткични ҳисоблаш учун асосий воситалар суммасини (*Ав*) барча активларга (*Б*) бўлиш кифоя:

$$Ках = \frac{Ав}{Б}.$$

Ушбу кўрсаткичлар корхонанинг барча активларидағи асосий воситаларнинг улуши қанча эканлигини ифодалайди. Одатда асосий воситалар асосан ўз маблағлари (хусусий капитал) эвазига қопланиши лозим. Аммо бу ҳозирги корхоналарнинг молиявий аҳволи анча тант бўлиб турган пайтда асосий воситалар қиймати узоқ муддатли қарзлар эвазига ҳам қопланади. Бундай ҳолатларни ўтиш даврида ижобий баҳолаш мумкин.

Молиявий барқарорликни ифодаловчи асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичлардан бири хусусий капиталнинг капиталлашганлик коэффициентидир. Бу кўрсаткични (Кхкк) аниқлаш учун асосий воситалар (Ав) суммасидан узоқ муддатли капитал қўйилмаларни (Умп) олиб ташлаб ўз маблағларининг (хусусий капиталнинг) (Ўм) қийматига бўлиш лозим:

$$Кхкк = \frac{Ав - Умп}{Ўм}.$$

Ушбу кўрсаткичлар хусусий капиталнинг қанча қисми асосий воситага сарф қилинганлиги ёки асосий воситаларнинг қанча қисми ўз маблағлари эвазига шаклланганлигидан далолат беради. Молиявий барқарорликни таъминлаш учун асосий воситалар суммасининг кўп бўлиши етарли эмас. У ҳали ҳеч нарсадан далолат бермайди. Таҳлилда амалга ошириладиган энг муҳим кўрсаткичлардан бири уларнинг таркибини ўрганишдан иборатdir. Асосий воситаларнинг аксарияти уларнинг фаол қисмига тўғри келиши, фаол қисмининг асосийсини эса илфор жаҳон андозаларига тўғри келадиган технология ташкил қилиши лозим. У ҳолда асосий воситалар ҳар бирининг тури бўйича самарадорлик кўрсаткичларини топиб таҳлил қилиш корхонанинг умумий самарадорлигининг ошишига ва ички имкониятларни ижобий ишга сафарбар қилишга олиб келади.

Молиявий барқарорликни ифодаловчи энг муҳим кўрсаткичлардан бири, таъкидланганидек, асосий воситаларнинг умумий капиталидаги ҳиссасини ифодаловчи кўрсаткичdir. Бу кўрсаткич ҳажми жуда кўп бўлса ҳам, жуда кам бўлса ҳам ёмон. Ҳар бир корхонада мулк шаклидан қатъи назар, унинг менежерлари, бухгалтерлари асо-

сий воситаларнинг умумий маблағлардаги мақбул (оптимал) даражасини аниқлашлари лозим. Бунда корхонанинг зарарсизлик ёки фойдалилик нуқтасини аниқлаши, бу учун қанча асосий фонд зарур ва уларнинг қандай таркибда бўлиш лозимлиги кўрсатилиши шарт. Бу кўрсаткич ҳисобланмаган пайтда мақбул кўрсаткичнинг миқдори сифатида тармоқ бўйича ўртacha кўrсаткични олиш мумкин.

Масалан, савдо соҳаси бўйича Ўзбекистонда асосий воситаларнинг умумий маблағлардаги ҳиссаси, (жамланган ҳисбот бўйича) 40% деб фараз қиласиз. Аммо таҳлил қилинаётган «А» савдо корхонада 50%, «Б» савдо корхонасида эса 30%. Бу ҳолда хўжалик маблағларининг тақсимоти иккала корхонада ҳам яхши эмас, чунки биринчи сида оборотда маблағлар кам, иккинчидан эса моддий техника базаси керагича етарли эмас деган холосага келиш мумкин. Лекин аниқ холоса қилиш учун уларнинг таркибини, зарурлигини, умумий ҳажмини, самарадорлигини ҳар бир корхона бўйича ҳам ўрганиш лозим.

Корхоналар молиявий барқарорлигини ифодаловчи асосий воситалар билан боғлиқ кўrсаткичлардан бири асосий воситалар жамғарилишининг интенсивлигидир. Мазкур кўrсаткични (Кин) аниқлаш учун Ав.ларнинг жорий йилдаги эскириш суммасини (Авжэ) асосий воситаларнинг умумий суммасига (Ав) бўлиш кифоя:

$$\text{Кин} = \frac{\text{Авжэ}}{\text{Ав}}$$

Ушбу кўrсаткич умумий асосий воситаларнинг қанча қисми шу жорий йилда жамғарилганлигини кўrсатади. Масалан, ушбу кўrсаткичнинг ҳажми 0,12 бўлса, асосий воситаларнинг бир йилда жамғарилиши 12%ни ташкил қилганлигидан далолат беради. Демак, мавжуд асосий воситалар миқдори 8,3 йилда (100:12) тўла жамғарилиб бўлар экан.

Мазкур групга кирувчи яна бир муҳим кўrсаткич асосий воситалар жамғарилишининг умумий коэффициентидир (Қжу). Ушбу кўrсаткични аниқлаш учун асосий воситаларнинг барча эскириш суммасини (Авэ) умумий асосий воситалар қийматига бўлиши мумкин:

$$Кжy = \frac{AвЭ}{Aв}.$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори асосий воситалар умумий қийматининг қанча қисми жамғарилганини ифодалайди. Масалан, мазкур кўрсаткич миқдори 0,455га тенг деб фараз қиласиган бўлсак, бу барча асосий воситалар қийматининг 45,5% янги яратилган маҳсулотга кўшилганинидан, унинг қийматининг шунча қисми қайтадан жамғарилганинидан далолат беради.

Корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи асосий воситалар (капитал) билан боғлиқ кўрсаткичларни таҳдил қилиш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиласиз (73-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, узоқ муддатли қўйилмалар таркиби умумий асосий воситалар ичida 0,009га ошган. Бу кўрсаткични умуман олганда ижобий баҳолаш учун корхонанинг молиявий аҳволини кентроқ таҳдил қилиш лозим. Агар корхона етарли маблағига эга бўлса асосий воситаларни қоплашни ўз маблағи, яъни хусусий капитали эвазига амалга оширса бўлар эди. Аммо иқтисодий тараққиёт учун ўз маблағи етарли бўлмаган корхона учун асосий воситалар кўпайишига узоқ муддатли қўйилма эвазига амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Таҳдил қилинаётган корхонада хусусий капиталнинг капиталлашлик коэффициенти 0,027га ўсган.

Бу кўрсаткични умуман ижобий баҳолаш мумкин. Асосий воситаларнинг умумий хўжалик маблағларидаги ҳиссаси 0,0002 камайган. Бу эса корхона активида айланма маблағлар ҳиссасининг ошганлигидан далолат беради.

Айланма маблағларнинг кўпайишига баҳо беришда корхонанинг қайси соҳа билан шуғулланишига ҳам аҳамият бериш лозим. Агар корхона савдо билан шуғулланса, у ҳолда айланма маблағларнинг ўсиши асосий воситалар ўсишига нисбатан жадалроқ бўлади. Агар корхона ишлаб чиқарувчи соҳа бўлса, унда техника ва технологиянинг кўпайгани, айланма маблағларнинг камайгани, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тезлик билан сотилиб кетгани маъқул. Шу туфайли таҳдил жараёнида ҳар бир объектнинг

## 73-жадвал

**Корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи  
асосий воситалар (капитал) билан боғлиқ  
кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоби**

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Фарқи	
			суммада (+, -)	фоизда, %
<b>Ҳажм кўрсаткичлари</b>				
1. Асосий воситалар (капитал) қиймати (Ав)	382,4	427,1	+44,1	111,7
2. Узоқ муддатли капитал қўйил- малари (Умкк)	43,2	52,3	+10,1	121,1
3. Узоқ муддатли мажбуриятлар (Умм)	13,4	20,1	+6,7	150,0
4. Хусусий капитал (Ум)	492,3	531,1	+38,8	107,9
5. Хўжалик маблағлари умумий суммаси (Б)	1847,5	2064,8	+217,3	111,8
6. Асосий воситаларнинг жорий йилдаги эскириш суммаси	32,4	39,8	+7,4	122,8
7. Асосий воситаларнинг умумий эскириш суммаси	186,2	193,4	+7,2	103,9
<b>Нисбий кўрсаткичлар</b>				
8. Узоқ муддатли қўйилмаларнинг таркибий коэффициенти (2к:1к)	0,113	0,122	+0,009	108,0
9. Хусусий капиталнинг капитал- лашганлик коэффициенти [(1к-2к):4к]	0,777	0,804	+0,027	103,5
10. Асосий воситаларнинг умумий маблағлардаги ҳиссасини ифодаловчи коэффициент (1к:5к)	0,2070	0,2068	-0,0002	99,9
11. Асосий воситалар жамғари- лишининг интенсивлиги (Кин) (6к:1к)	0,0847	0,0932	+0,0085	110,0
12. Асосий воситалар жамғарилли- шининг умумий коэффициенти (Кавж) (7к:1к)	0,487	0,453	-0,034	93,0

соҳасидан келиб чиқсан ҳолда уларнинг хусусиятларини тўлароқ ўрганишни тақозо қиласди.

Бозор муносабатлари шароитида ҳам асосий воситалар таҳлилига алоҳида аҳамият берилади. Унинг таҳлили хўжа-

лик фаолияти таҳлилиниң ажралмас таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Аммо асосий восита иқтисодий жараённинг асосий элементи сифатида бошқа кўрсаткичларни таҳлил қилганда ҳам улар билан қўшиб кўп ҳолларда асосий омил сифатида ўрганилиши лозим.

### *7.3.5. Айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичларнинг таҳлили*

Корхонадаги иқтисодий жараёнларнинг содир бўлишида айланма маблағларнинг (капитал)нинг роли катта. Айланма маблағлар қанчалик тез суръатлар билан айланса, улардан қанча самарали фойдаланилса корхонаниң молиявий барқарорлиги шунча яхши таъминланади, тўлов қобилияти яхшиланади, рентабеллиги ошади. Шу туфайли таҳлил қилганда айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичларни аниклаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятта эга.


Корхона молиявий барқарорлигини ифодаловчи айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- айланма маблағларнинг (капиталнинг) ўз маблағлари (хусусий капитал) билан таъминланиш коэффициенти;
- айланма маблағнинг (Айм) бутун мулкдаги ҳиссаси, Айм.нинг (капиталнинг) қарамлик коэффициенти;
- айланма маблағларнинг қарамлик коэффициенти;
- айланма маблағларнинг (капиталнинг) қисқа муддатли қарзларга (банк кредитига) қарамлик коэффициенти;
- Айм.нинг ҳаракатдаги айланма маблағлар билан таъминланиш коэффициенти.

Ушбу кўрсаткичлар тизими қуйидаги чизмада келтирилган (42-чизма).

Чизмадан кўриниб турибдики, корхона молиявий барқарорлигининг айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар тизимига бешта кўрсаткичлар киради. Улардан бири айланма маблағларнинг ўз маблағлари (хусусий капитал) билан таъминланиш коэффициентидир (Камут). Ушбу кўрсаткичларни аниклаш учун корхонаниң оборотда иштирок этажтган ўз маблағларини (Ўмо) айланма маблағлар суммасига (Айм) бўлиш кифоя:

**Корхона молиявий барқарорлугининг айланма маблағлар (капитал)  
билин боғирик кўрсаткичлар тизими**



$$\text{Камут} = \frac{\text{УМО}}{\text{Ам}}.$$

Ушбу күрсаткичлар І сүм айланма маблағлар суммасынан қанча оборотдаги ўз маблағлари (хусусий капитал) суммасы түгри келишини ифодалайды. Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу күрсаткич ўзи алоҳида бирор молиявий барқарорлик түгрисида түлиқ хуласа бериши қийин. Аммо у күрсаткичлар тизимида бўлиши шарт, чунки айланма маблағларнинг ҳаракатдаги (оборотдаги ўз маблағлари) айланма маблағлар билан таъминланиш даражасини аниқлагандада ушбу күрсаткичлар бир-бирини тўлдиради.

Молиявий барқарорликни ифодаловчи айланма маблағлар билан боғлиқ күрсаткичлардан бири айланма маблағларнинг (Айм) бутун мулқдаги (Б) ҳиссасидир (Камх). Ушбу күрсаткич барча мулкда айланма маблағларнинг ҳиссаси қанча эканлигидан далолат беради. Бу күрсаткичнинг корхонадаги микдори кўпайса яхши. Аммо шуни инобатга олиш лозимки, агар корхона илғор технология билан ишләётган бўлса, унда асосий воситалар ҳиссаси ошиб боради, агар у технология жараёни билан түлиқ таъминланган барқарор корхона бўлса, унда ушбу күрсаткич ҳажми ошади. Шу туфайли таҳлил қилинаётган пайтда қайси объект ўрганилаётганлигига алоҳида эътиборни қаратиш лозим.

Ушбу күрсаткич ҳажмини аниқлаш учун куйидаги формула тавсия қилинади:

$$\text{Камх} = \frac{\text{Айм}}{\text{Б}}.$$

Таҳлил жараёнида күрсаткичлар тизимини кўллашнинг қулийлиги шундаки, ўрганилаётган объектни ҳар жиҳатдан атрофлича қамраб олади. Шу боисдан баъзи күрсаткичлар ўзи алоҳида унчалик катта аҳамиятга эга бўлмасада, күрсаткичлар тизимига киритилганки, улар шу объектни ўрганишдан қайсиdir жиҳатини түлиқ баҳолаш учун зарур бўлади. Ушбу фикрни молиявий барқарорликни ифодаловчи барча күрсаткичлар учун ҳам айтиш мумкин.

Молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичдан бири айланма маблағнинг четдан жалб қилинган маблағларга (капиталга) қарамлик коэффициентидир (Камқ). Бу

кўрсаткични аниқлаш учун четдан жалб қилинган барча маблағлар (капитал) суммасини (Чжк) айланма маблағларнинг умумий суммасига (Айм) бўлиш лозим:

$$\text{Камқ} = \frac{\text{Чжк}}{\text{Айм}}.$$

Ушбу кўрсаткич айланма маблағларда четдан жалб қилинган маблағларнинг ҳиссаси қанча эканлигидан далолат беради. Бу кўрсаткичнинг ҳажми қанча камайса, корхона учун шунча яхши, чунки унинг бегоналарнинг маблағига қарамлиги камаяди.

Молиявий барқарорликни ифодаловчи айланма маблағлар билан боғлиқ бўлган муҳим кўрсаткичлардан бири айланма маблағларнинг қисқа муддатли банк кредитига қарамлик коэффициентидир. Ушбу кўрсаткич қисқа муддатли банк кредитининг умумий айланма маблағлардаги ҳиссасини ифодалайди. Четдан жалб қилинган маблағлар ичида банк кредити муҳим эътиборни талаб қиласидан кўрсаткичdir, чунки четдан жалб қилинган маблағларнинг кўпига банк кредити каби юқори фоизда ҳақ тўланмаслиги мумкин. Шу туфайли ушбу кўрсаткични ўрганиш, баҳолаш ва таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Айланма маблағларнинг қисқа муддатли банк кредитига қарамлик коэффициентини (Кбк) аниқлаш учун қисқа муддатли банк кредити суммасини (Кмбк) айланма маблағларнинг умумий суммасига (Айм) бўлиш мумкин:

$$\text{Кбк} = \frac{\text{Кмбк}}{\text{Айм}}.$$

Молиявий барқарорликни ифодаловчи яна бир муҳим кўрсаткичлардан бири айланма маблағларнинг оборотдаги ўз маблағлари (умумий ҳаракатдаги маблағлар) билан таъминланиш коэффициентидир (Кхмт). Буни аниқлаш учун оборотдаги ўз маблағлари (ҳаракатдаги маблағлар) суммасини (Хам) айланма маблағлар ҳажмига (Айм) бўлинади:

$$\text{Кхмт} = \frac{\text{Умумий ҳаракатдаги Айм (Хам)}}{\text{Айм}}.$$

Ушбу кўрсаткич оборотдаги ўз маблағларининг умумий Аймлар таркибида қанча ҳиссага эга эканлигини кўрсатади.

Таъкидлаганимиздек, ҳозирги ўтиш даврида оборотдаги (ҳаракатдаги) айланма маблағлар қанча кўп бўлса, корхона учун шунча яхши. Таҳлил жараёнида ҳар бир корхонада молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткични амалий маълумотларни қўллаб аниқлаш ва ўрганиш лозим. Бу учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (74-жадвал).

#### 74-жадвал

### **Молиявий барқарорликнинг айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичларининг жорий йилдаги ҳисоб-китоби**

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Фарқи	
			суммада (+, -)	фоизда, %
<b>Ҳажм кўрсаткичлари</b>				
1. Корхонанинг барча мулки (Б)	1847,5	2064,8	+217,3	111,8
2. Айланма маблағлар (Айм)	1465,1	1637,7	+172,6	111,8
3. Ҳаракатдаги (оборотдаги) ўз маблағлари (хусусий капитал) (Охк)	123,5	124,5	+1,0	100,8
4. Четдан жалб қилинган капитал (Чжк)	1355,2	1533,7	+178,5	113,2
5. Умумий банк кредити (Бк)	1241,8	1413,6	+171,8	113,8
6. Кисқа муддатли банк кредити (Кмбк)	1228,4	1393,5	+165,1	113,4
7. Ўз маблағлари (Ўм)	492,3	531,1	+38,8	107,9
<b>Нисбий кўрсаткичлар</b>				
8. Айланма маблағларнинг хусусий капитал билан таъминланиш коэффициенти (Камхт) (7к;2к)	0,336	0,324	-0,012	96,4
9. Айм.нинг бутун мулкдаги ҳиссаси (Камх) (2к;1к)	0,793	0,793	-	100,0
10. Айланма маблағларнинг (капиталнинг) қарамлик коэффициенти (Кчжк) (4к;2к)	0,925	0,936	+0,011	101,2
11. Айланма маблағларнинг қисқача муддатли банк кредитига қарамлик коэффициенти (Кбк) (6к;2к)	0,838	0,851	+0,013	101,6
12. Айм.нинг ҳаракатдаги (оборотдаги) хусусий капитал билан таъминланиш коэффициенти (Кхмт) (3к;2к)	0,084	0,076	-0,008	90,5

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, айланма маблағларнинг хусусий капитал билан таъминланиш коэффициенти йил бошида 0,336ни ташкил қилган бўлса, йил охирида 0,324гача камайган, яъни бу 3,6%ни (100–96,4) ташкил қиласи. Демак, айланма маблағларнинг хусусий капитал билан таъминланиш даражаси ҳисобот даврида камайган. Бу эса айланма маблағларнинг қарамалик коэффициентини 0,925дан 0,936гача ошишига сабаб бўлган. Демак, айланма маблағлар таркибида четдан жалб қилинган маблағлар улуши йил бошидаги 92,5% ўрнига йил охирига келиб 93,6%гача кўпайган. Биз таҳлил қилаётган корхонада айланма маблағлар таркибида қисқа муддатли банк кредитининг ҳиссаси анча. Ушбу кўрсаткич миқдори йил бошида 83,8%ни ташкил қилган бўлса йил охирига келиб 85,1%ни ташкил қилган. Бу ҳам кўрсатадики, таҳлил қилинаётган обьектда айланма маблағлар четдан жалб қилинган маблағларга хусусан банк кредитига анча қарам. Бу кўрсаткичлар корхонанинг молиявий барқарор эмаслигидан далолат беради.

Айланма маблағларнинг ҳаракатдаги ўз маблағлари (хусусий капитали) билан таъминланиш коэффициентининг ҳажми йил бошида 0,084ни ташкил қилган бўлса, йил охирига келиб 0,076ни ташкил қилмоқда. Бу ҳаракатдаги (оборотдаги) хусусий капиталнинг айланма маблағлар таркибида камайганлигидан далолат беради. Корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун ҳозирги ўтиш даврида оборотдаги хусусий капиталнинг қарамлилигини камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш, уларни таҳлил қилиб, хўжалик фаолиятининг ҳамма қирраларини ўрганиш лозимлигини тақозо қиласи. Бу муаммо омилли таҳлилни кўллаш орқали ҳал бўлади.

Корхонанинг молиявий барқарорлигига айланма маблағлар билан боғлиқ омилларининг таъсири катта. Уларга захираларнинг ўз маблағлари билан таъминланиш коэффициенти ( $X_1$ ), захираларнинг моддий айланма маблағлардаги ҳиссасини ифодаловчи коэффициенти ( $X_2$ ), мод-

дий айланма маблағларнинг умумий активлардаги ҳиссасининг коэффициенти ( $X_3$ ), четдан жалб қилинган маблағларнинг активлар билан таъминланганлик коэффициенти ( $X_4$ ) киради. Ушбу омилларнинг натижага таъсирини ҳисоблаш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (75-жадвал).

### 75-жадвал

#### **Молиявий барқарорликнинг ўзгаришига айланма маблағлар билан боғлиқ омиллар таъсирининг ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Асос даври	Ҳисобот даври	Фарқи (+, -)	Ин-декси (i)
1. Захираларнинг ўз маблағлари билан таъминланиш коэффициенти ( $X_1$ )	1,372	1,667	+0,295	1,215
2. Захираларнинг моддий айланма маблағлардаги ҳиссасининг коэффициенти ( $X_2$ )	0,530	0,450	+0,080	0,849
3. Моддий айланма маблағларнинг умумий активлардаги ҳиссасининг коэффициенти ( $X_3$ )	0,606	0,619	+0,013	1,021
4. Четдан жалб қилинган маблағларнинг активлар билан таъминланганлик коэффициенти ( $X_4$ )	1,787	1,865	+0,078	1,044
5. Молиявий барқарорлик (Y)	0,787	0,865	+0,078	1,099

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, молиявий барқарорликнинг умумлашган кўрсаткичи, яни ўз маблағларининг четдан жалб қилинган маблағларга нисбати ҳисбот даврида ўтган асос йилига нисбатан 9,9%га ошган ёки унинг коэффициенти 0,787дан 0,865гача яъни 0,078га кўпайган.

Натижа (Y) билан ушбу омиллар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги мультиплекатив моделда ўз ифодасини топади:

$$Y = X_1 \times X_2 \times X_3 \times X_4 = \prod_{i=1}^4 X_i \quad (i = 1, 4)$$

Ушбу боғлиқликка таҳлилнинг анъанавий усуllibаридан бир қанчасини қўллаган ҳолда натижа ўзгаришига омил-

лар таъсирини аниқлаш мумкин. Мазкур жадвал маълумотларига индекс усулини қўллаган ҳолда аниқлаш йўлларини кўриб чиқамиз.

1. Захираларнинг ўз маблағлари билан таъминланиш коэффицентининг 0,295га ошганлиги молиявий барқарорлик даражасини 0,169 коэффициентга оширган:

$$\Delta U_x = (U \times ix_1) - U = (0,787 \times 1,215) - 0,787 = +0,169.$$

2. Захираларнинг моддий айланма маблағлардаги ҳиссасининг 0,080 коэффициентга камайиши молиявий барқарорлик даражасини 0,144 коэффициентга камайтирган:

$$\begin{aligned} \Delta U_x &= (U \times ix_1 \times ix_2) - (U \times ix_1) = \\ &= (0,787 \times 1,215 \times 0,849) - (0,787 \times 1,215) = -0,144. \end{aligned}$$

3. Моддий айланма маблағларнинг умумий активлардаги ҳиссаси коэффицентининг 0,013га ошганлиги натижажа ҳажмини ҳисбот даврида 0,017 коэффициентга оширди:

$$\begin{aligned} \Delta U_x &= (U \times ix_1 \times ix_2 \times ix_3) - (U \times ix_1 \times ix_2) = \\ &= (0,787 \times 1,215 \times -0,849 \times 1,021) - \\ &- (0,787 \times 1,215 \times 0,849) = +0,017. \end{aligned}$$

4. Четдан жалб қилинган маблағларнинг барча активлар билан таъминланганлик коэффициенти 0,078га ошган. Бу омил натижасида молиявий барқарорлик 0,036 коэффициентга кўпайган:

$$\begin{aligned} \Delta U_x &= Ux - (U \times ix_1 \times ix_2 \times ix_3) = \\ &= 0,865 - (0,787 \times 1,215 \times 0,849 \times 1,021) = +0,036. \end{aligned}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фикрига тенг бўлиши керак:

$$0,169 - 0,1444 + 0,017 + 0,036 = +0,078.$$

Шундай қилиб молиявий барқарорликни таъминлаш учун айланма маблағлар билан боғлиқ омилларни қайси йўналишда яхшилаш йўлларини ишлаб чиқиш учун тегишли маълумотларга эга бўлинди. Бу учун энг аввало салбий таъсир қилган омилларга эътибор қаратилади ва уларни яхшилаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

## **7.4. Молиявий барқарорликни таъминлаш йўллари (хуроса ўрида)**

Корхонанинг молиявий барқарорлиги деганда унинг фаолиятини молиявий жиҳатдан узлуксиз бир маромда таъминлаб туришни тушунмоқ лозим. Молиявий жиҳатдан таъминланиш фақатгина молиявий ресурслар билан таъминланиш эмас, балки унинг жуда кўп қирралари, тамойиллари мавжуд. Чунки хўжалик фаолиятининг узлуксиз содир бўлиб туриши учун биргина молиявий ресурслар етарли эмас. Бу ресурсларнинг таъминланиши учун бошқа моддий, меҳнат каби бир қанча ресурсларнинг ҳам етарли миқдорда бўлиши лозим. Шу туфайли молиявий барқарорликни баҳолаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланганилиги бежиз эмас.

Корхона молиявий барқарорлигини таъминлаш жуда кўп омилларга боғлиқ. Бунга энг аввало, корхона хусусий капиталининг кўпайиши, ундан самарали фойдаланишини киритиш мумкин. Корхона хусусий капиталининг кўпайишини биринчи марта таъсисчиларнинг ҳисобидан ташкил топган Низом (устав) жамғармаси орқали таъминласа, кейинчалик корхона фаолияти давомида олинган фойдаладан ажратмалар эвазига кўпайтириб бориш мумкин.

Шу туфайли хусусий капитални кўпайтириш учун энг аввало, корхона фойдасини кўпайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим. Корхонанинг фойдаси ҳар қандай хўжалик фаолиятининг натижаси бўлиб қолмасдан, балки самарали фаолият натижасидир. Масалан, савдо корхонасининг фаолияти товарни олиб келиб унинг устига бирор устама қўйиб сотиш билан корхонага ҳамиша фойда келтирмайди, балки унинг миқдори барча харажатларини қопладиган бўлиши лозим. Аммо савдо устамасининг ҳам чегараси бор. Биринчидан, бу қонунлар билан чегараланган бўлса, иккинчидан, нархга таъсири орқали искеъмолчилар талаби билан ҳам чегаралангандир. Шу туфайли фақат устамани ошириш эвазига эмас, балки тегишли муомала харажатларини камайтириш ва оборотни кўпайтириш эвазига ҳам фойда суммасини оширишга эришмоқ лозим.

Ҳозирги шароитда корхоналарнинг жуда кўп харажати банклардан олинган қарз учун тўланадиган фоизга ва транспорт харажатига кетмоқда. Шу туфайли корхона имкони борича оборотдаги маблағларда ўз маблағининг улшини кўпайтириши ва ниҳоят барча оборот маблағларини ўзининг ҳисобидан қоплаши лозим. Бунда банкка тўланадиган фоиздан холис бўлади.

Ҳозирги шароитда, таъкидлаганимиздек, корхонанинг жуда кўп харажатлари бошқа транспортдан фойдаланганлик эвазига сарф қилинмоқда. Шу туфайли асосий воситаларни шакллантиришда унинг ҳиссасида фаол қисмини кўпайтириш ва жисмоний меҳнатини енгиллаштирувчи ускуналарни сотиб олиш мақсадга мувофиқдир. Агар корхонанинг транспорт воситаси бўлса, у фақат корхона зарарини камайтирибгина қолмасдан, балки фойда олишни ҳам таъминлаши мумкин. Шу туфайли молиявий барқарорликни баҳолаганда асосий воситалар билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш технологияси тез ўзгараётган, фан-техника таракқиёти жадаллашаётган пайтда асосий воситаларни жуда тез янгилашни тақозо қиласди. Бу эса унинг амортизацияси меъёрини кўпайтиришни талаб қиласди. Шундай экан, асосий воситаларнинг ҳам янгиланиши илғор технологияни узлуксиз равишда жорий қилишни таъминлаш чора-тадбирларини ҳам ишлаб чиқиш лозим.

Молиявий барқарорликни таъминлашнинг асосий йўларидан бири корхона дебитор қарзларининг кўпаймаслик чорасини кўришдир. Ҳозирги пайтда жуда кўп фирмалар ва корхоналар молиявий жиҳатдан барқарор эмас. Бундай ноишоним субъектлар билан иқтисодий муносабатда бўлиш жуда эҳтиёткорликни талаб қиласди. Бундай корхоналарга товар бериш, пул ўтказиш ҳаракатдаги маблагни ўлик маблагга айлантириш билан баробар. Шу туфайли бундай хўжалик операцияларини содир қилишдан олдин ҳамкор субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини ҳам чуқур ўрганишни талаб қиласди.

Молиявий барқарорликни таъминлашда четдан жалб қилинган маблағлар, хусусан банк кредитининг ҳам роли катта. Корхонанинг молиявий потенциали таркибида чет-

дан жалб қилинган маблағлар ҳиссаси камайиб бориши лозим. Банк кредити фоиз юқори бўлиб турган ҳозирги шароитда ҳар бир корхона имкони борича ундан кам фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Иш барқарорлашиб, ишлаб чиқариш ёки савдо фаолияти бир меъёрга тушиб олган пайтдагина банк кредитидан фойдаланиш маълум даражада яхши натижа бериши мумкин. Шу туфайли молиявий барқарорликни таъминлаш учун банк кредитидан фойдаланиш вақтини, унинг ҳажмини ҳам билишни талаб қиласди.

Бозор иқтисодиёти шароитида, айниқса ҳозирги ўтиш даврида корхонанинг молиявий қарам бўлиб қолишига йўл кўймаслик лозим. Бу ҳолат эркин рақобат шароитида янада муҳимдир. Шу туфайли корхона раҳбарлари корхонани молиявий қарамликдан сақлаш орқали унинг барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бу бир ёқлама ёки мавсумий иш эмас. У доим амалга оширилиши лозим бўлган кенг қамровли, кўп қиррали иқтисодий ишдир. Шу туфайли молиявий барқарорликни баҳолаш ва уни таҳдил қилиш ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида катта аҳамиятга эга.

## **8-боб. КОРХОННИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ**

### **8.1. Молиявий натижаларни таҳлил қилишнинг вазифалари ва маълумотлар манбаи**

Мавзунинг мақсади — молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини, уларнинг «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да ифодаланишини, ҳар бир кўрсаткичнинг аниқланиш йўлларини, молиявий натижаларнинг умумлашган кўрсаткичлари таҳдилини ёритишдан иборат.

Молиявий натижалар таҳдили молиявий таҳлилнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу мавзуни таҳлил қилишда бевосита корхонанинг охирги натижаси, яъни фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлари ўрганилади. Аммо ушбу кўрсаткичлар бозор муносабатлари шароитида бир қанча омиллар таъсирида, кўпгина манбалар ҳисобидан шаклланади. Шу туфайли, корхона молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳдилининг кўлами анча кенгайган.

Молиявий натижаларни таҳлил қилиш, энг аввало, сотилган маҳсулотни ўрганишдан бошланади. Барча харажатларни қоплаб даромад олишни таъминлайдиган кўрсаткич бу сотилган маҳсулот учун тушган пул тушумидир. Ундан қўшилган қиймат солиғи, акцизларни тўлаб соф тушумни аниқлаш мумкин.

Демак, молиявий натижаларнинг асосий манбаси, бу сотишдан тушган тушумидир. Шу туфайли ушбу кўрсаткичга молиявий натижалар ўзгаришига таъсир қилувчи омил сифатида қаралиши лозим.

Навбатдаги бажариладиган амал сотишдан тушган ялпи молиявий натижани аниқлашдан иборатdir. Бу учун сотишдан олинган соф тушумдан унинг ишлаб чиқариш таннархини айриш кифоя. Демак, молиявий натижалар таркибида маҳсулотни (иш, хизматни) ишлаб чиқариш харажатлари ҳам ифодаланади. Лекин ушбу кўрсаткичга таҳлилда молиявий натижаларга таъсир қилувчи омиллар сифатида қаралади.

Корхона молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар таркибida сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинадиган даромадлари ва қилинадиган харажатларини ифодаловчи кўрсаткичлари ҳам мавжуд. Ушбу харажатлар (даромадлар) сотишдан тушган ялпи молиявий натижадан чегирилиб асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижасини келтириб чиқариш мумкин.

Кўриниб туриблики, кўрсаткичларнинг кўлами кенгайиши билан уларга таъсир қилувчи омиллар ҳам кенгайиб бормоқда. Демак, молиявий натижаларнинг шаклланишидаги ўзаро боғлиқлик ҳам мураккаблашиб бормоқда.

Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг молиявий натижаси бевосита унинг молиявий фаолиятига ҳам боғлиқ қолмоқда. Шу туфайли бир қанча кўрсаткичлар корхонанинг молиявий фаолияти билан боғлиқ кўрсаткичлардир. Булар жумласига, уюшма ва шульба корхоналаридан олинган дивидендлар, бошқа олинган дивидендлар, уюшма ва шульба корхоналаридан олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар, бошқа тўланган ва олинган фоизлар, валюта курсининг фарқи, молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва харажатлар киради. Ушбу кўрсаткичларни корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаларига кўшиб корхона умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси аниқланади. Ушбу кўрсаткич корхона молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг тўртинчиси бўлиб ҳисобланади. Эркин иқтисодиёт шароитида молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар таркибиға фавқулодда олинадиган фойда ва тўланадиган зарарнинг ҳам бўлиши мумкин экан. Агар олдинги кўрсаткичга ушбу омил таъсiri инобатга олинса, корхона молиявий натижаларини ифодаловчи навбатдаги кўрсаткич — солиқ тўланганга қадарги умумий молиявий натижа келиб чиқади.

Энди улар таркибидан соғ фойдани аниқлаб олиш учун мазкур кўрсаткичдан даромад (фойда) солиғи ҳамда бошқа солиқ ва ажратмаларни айириб ташлаш лозим.

Ушбу жараён ҳар бир корхонанинг «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (ОҚУД бўйича 2-шакл)ида ўз аксини топади. Шу туфайли молиявий натижаларни таҳлил

қылганда асосий манба сифатида ушбу ҳисобот олинади. Шу билан бирга таҳлил жараёнида корхонанинг «Бухгалтерия баланси» (1-шакл), «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома» (2а-шакл), «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги маълумотнома» (3-шакл), «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» (4-шакл), «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» (5-шакл), «Молиявий-иқтисодий ҳолат бўйича маълумотнома» (2б-шаклга 1-илова) каби ҳисоботлари, маълумотлари ва ҳисоб-китоблари қўлланилади.

Ушбу маълумотлардан корхонанинг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими니 шакллантириш мумкин.

Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг бир-бирига боғлиқлиги қўйидагича ифодаланади.



Таҳлил жараёнида ушбу боғлиқликнинг ҳамма тизими ўрганилади. Бу унинг вазифасини тўғри белгилаб олишни тақозо қиласди. Корхонанинг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш вазифаси қўйидагилардан иборат:

- молиявий натижаларни ифодаловчи барча кўрсаткичларнинг тўғри аниқланганлигини текшириш;
- молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳисобот давридаги ўзгаришига баҳо бериш;
- ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бирига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш;
- молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг бир-бирига боғлиқлигини аниқлаш ва уларнинг соғ фойда ўзгаришига таъсирини ҳисоблаш;
- рентабеллик кўрсаткичларига баҳо бериш;
- унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;
- фойда ва рентабелликни оширишнинг ички имкониятларини ахтариб топиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши.

Ушбу вазифани бажариш корхона молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаб олишни тақозо қиласди.

## **8.2. Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими\***

Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими унинг даромадлари, фойдаси ва рентабеллиги билан боғлиқ кўрсаткичлардир. Булар куйидагилардан иборат:

### **Даромадлар**

1. Сотишдан олинган даромад
2. Асосий фаолиятдан олинган даромад
3. Молиявий фаолиятдан олинган даромад
4. Фавқулодаги (тасоддифий) даромад.

### **Фойда турлари**

1. Сотишдан олинган фойда
2. Асосий фаолиятдан олинадиган фойда (зарар)
3. Молиявий фаолиятдан олинадиган фойда (зарар)
4. Фавқулодаги (тасоддифий) фойда (зарар)
5. Солиқ тўланганга қадарги фойда
6. Соф фойда

### **Рентабеллик кўрсаткичлари**

1. Иқтисодий салоҳият рентабеллиги
2. Молиявий салоҳият рентабеллиги
3. Ўз маблағлари рентабеллиги
4. Барча активлар рентабеллиги
5. Сотилган маҳсулотнинг рентабеллиги
6. Акциянинг рентабеллиги
7. Таҳдил мақсадидан келиб чиқадиган бошқа рентабеллик кўрсаткичлари.

Ушбу гуруҳларда келтирилган молиявий натижаларни ифодаловчи муҳим кўрсаткичларни аниқлаш усулини куйидаги чизмада кўриб чиқиш мумкин (43-чизма).

Ушбу чизмалардаги кўрсаткичларни молиявий ҳисоботнинг 2-шаклига «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»га асосан корхона молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳисобот йилидаги ҳолатини аниқлаш усулларини кўриб чиқиш мумкин:

$$\text{Ямн} (852,8) = \text{Ст} (5694,5) - \text{Тн} (4841,7)$$

$$\text{Афмн} (711,7) = \text{Ямн} (852,8) - \text{Дх} (98,3 + 80,0) + \text{Бд} (37,2)$$

\* Ушбу параграф А.А.Абдиев билан ҳаммуаллифликда ёзилган.

## Корхонада молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўллари



$$\text{Мфн} (80,4) = \text{Дб} 4,7 + \text{Шк} 2,9 - \text{Бтф} 27,5 + \text{Вкф} 7,1 + \text{Бмф} 93,2$$

$$\text{Яф} (800,4) = \text{Афмн} (711,7) + \text{Мфн} (80,4) + \text{Тф} (8,3)$$

$$\text{Сф} (496,2) = \text{Яф} (800,4) - \text{С} (248,5 + 55,7)$$

$$\text{Тмф} (396,2) = \text{Сф} (496,2) - \text{Дв} (100,0)$$

Ушбу кўрсаткичларни корхонанинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботидан олиш мумкин. Унинг шакли 76-жадвалда келтирилган.

**Молиявий натижалар түгрисида ҳисобот**

Кўрсаткичлар	Сатр ра- қам- лари	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		даро- мадлар (фойда)	хара- жатлар (зарар)	даро- мадлар (фойда)	хара- жатлар (зарар)
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан тушган тушум	010	5728,6	×	6883,6	×
Кўшилган қиймат солиги	020	×	799,1	×	831,3
Аквизизлар	030	×	346,2	×	357,8
Сотишдан олинган соғ тушум (даромад) (010–020–030)	050	4583,3	×	5694,5	×
Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи	060	×	3951,2	×	4841,7
Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа (050–060)	070	632,1		852,8	
Сотиш харажатлари	080	×	85,4	×	98,3
Маъмурий харажатлар	090	×	67,0	×	80,0
Асосий фаолиятнинг бош- қа жараёнларидан даро- мадлари ва харажатлари	100	31,3		37,2	
Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки за- рар) (070–080–090±100)	110	511,0		711,7	
Уюшма ва шульба корхона- ларидан олинган диви- дендлар	120		×		×
Бошқа олинган дивиден- лар	125	3,5	×	4,7	×
Уюшма ва шульба корхона- ларидан олинган ва бе- рилган қарзлар бўйича фоизлар	130	4,2		2,9	

Кўрсаткичлар	Сатр ра- қам- лари	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		даро- мадлар (фойда)	хара- жатлар (зарар)	даро- мадлар (фойда)	хара- жатлар (зарар)
1	2	3	4	5	6
Бошқа тўланган ва олин- ган фойзлар	135		21,6		27,5
Валюта курс фарқи	140	5,8		7,1	
Молиявий фаолият бўйи- ча бошқа даромадлар ва харажатлар	145	79,3		93,2	
Умумхўжалик фаолияти- нинг молиявий натижаси (фойда ва зарар) (110+ 125+130+135+140+145)	150	582,2		792,1	
Фавқулоддаги (тасодифий) фойда ва зарар	160	11,4		8,3	
Солиқ тўланганга қадарги умумий молиявий натижа (фойда) (150+160)	170	593,6		800,4	
Фойдадан (даромаддан) солиқ	180	×	200,0	×	248,5
Бошқа солиқлар, тўловлар ва ажратмалар	190	×	25,6	×	55,7
Ҳисобот давридаги соғ фойда (170–180–190)	200	368,0		496,2	

Ушбу жадвал маълумотларида корхонанинг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг икки йиллиги келтирилган. Ушбу маълумотлар мазкур кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун асосий манба бўлиб хизмат қилали. Шу туфайли иқтисодий таҳлил жараёнида мазкур ҳисобот шаклларидан кенг фойдаланилади. Чунки корхонани бошқариш таҳлил натижасида амалга оширилганлиги туфайли ҳисоботларда ифодаланадиган кўрсаткичларнинг ҳаққоний бўлишини таъминлаш лозим. Шундагина кўзланган мақсадга ўз вақтида эришилади.

### 8.3. Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар умумий ҳажмининг таҳлили

Молиявий натижаларни ифодаловчи даромадлар ва фойда билан боғлиқ кўрсаткичларга ҳисобот бўйича 8 та кўрсаткич киради. Корхона молиявий натижаларини таҳлил қилганда, энг аввало, ушбу кўрсаткичларнинг ўзгаришини аниқлаш лозим. Бу учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қилиш мумкин (77-жадвал).

*77-жадвал*

**Корхонанинг ҳисобот йилида олган даромадларини асосий турлари бўйича таҳлил қилиш**  
(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Ўсиш суръати, %
1. Маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан тушган тушум (Ят)	5728,6	6883,6	+115,5	120,2
2. Сотишдан олинган соф тушум (даромад) (Ст)	4583,3	5694,5	+1111,2	124,3
3. Сотишдан тушган ялпи молиявий натижаси (Ямн)	632,1	852,8	+220,7	134,9
4. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) (Афмн)	511,0	711,7	+200,7	140,6
5. Умумхўжалик фаолиятнинг молиявий натижаси (Мфн)	582,2	792,1	+209,9	136,1
6. Фавқулоддаги (тасодифий) фойда ва зарар (Тф)	11,4	8,3	-3,1	72,8
7. Солик тўланганга қадарги умумий фойда ( $5\text{к}+6\text{к}$ ) (Яф)	593,6	800,4	+206,8	134,8
8. Соф фойда (Сф)	368,0	496,2	+128,2	134,8

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан тушган тушум, яъни молиявий натижаларни шакллантирувчи асосий кўрсаткич шу таҳлил қилинаётган йилда 120,2% ошган. Бироқ, сотишдан олинган соф тушумнинг ўсиш суръати ундан ҳам кўпроқ, яъни 124,3%ни ташкил қиласди. Бу ҳолат кўрсатадики, корхона тўлайдиган соликларнинг ўсиш суръати маҳсулотни (иш, хизматни) сотишдан тушган тушумга нисбатан анча кам бўлган. Шу даврда унинг миқдори 103,8%ни  $[(831,3+357,8)\times 100 : (799,1+346,2)]$  ташкил қиласди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳисбот даврида маҳсулотнинг (иш, хизматнинг) таннархи ўтган йилга нисбатан ошган, лекин, ўсиш суръати сотишдан олингандан соғтушумнинг ўзгариш суръатига нисбатан анча кам бўлган. Бу мазкур даврда 122,3%ни ( $4841,7:3951,2 \times 100$ ) ташкил қиласиди. Натижада сотишдан тушган ялпи молиявий натижанинг ўсиш суръати 134,9% ни ташкил қиласиди. Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўсиш суръати бир-бирига нисбатан ошиб боришини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси ҳам шу ҳисбот даврида 140,6% ўсган. Бу кўрсаткичнинг микдори ҳам олдинги кўрсаткичларга нисбатан юқори. Демак, ушбу кўрсаткични шакллантиришда иштирок этадиган сотиш ва маъмурий харажатлар ҳам анча тежалганлигидан далолат беради. Ҳақиқатда ушбу харажатларнинг ўсиш суръати мазкур таҳлил даврида 116,8%ни [ $(98,3+80,0) \times 100:85,4+67,0$ ] ташкил қиласиди.

Корхонанинг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлардан умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси бироз олдингисига нисбатан камайган. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси 140,6% ўсган бир пайтда ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръати 136,1%ни ташкил қиласиди. Бу ўзгариш мазкур кўрсаткични шакллантирувчи омиллар эвазига амалга ошган. Хусусан, корхона оладиган дивиденdlар, берилган қарзлар учун олинадиган фоизлари, валюта курсидан олинадиган фарқ, молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар (харажатлар) ўсишига қарамасдан уларнинг ўзгариш суръати бир оз паст бўлган. Ушбу кўрсаткичларнинг ўсиш суръати ҳаммасини жамлаганда 88,6%ни [ $(3,5+4,2+21,6+5,8+79,3) \times 100:(4,7+2,9+27,5+7,1+93,2)$ ] ташкил қиласиди, яъни ўтган йилга нисбатан 11,4%га кам бўлган.

Ҳисбот даврида корхонада олингандан тасодифий фойда ўтган йилга нисбатан 27,2% кам бўлган ( $100,0-72,8$ ). Натижада солиқ тўланганга қадарги умумий фойданинг ҳам ўсиш суръати (134,8%) ўзидан олдинги кўрсаткичга нисбатан (136,1%) паст бўлган. Шу ҳисбот йилида фойдалан (даромаддан) тўланадиган солиқ ставкасининг ўзгар-

май қолғанлиги соф фойда ўзгариш суръатига таъсир қилмаган. Натижада ушбу кўрсаткичнинг ҳам ўсиш суръати 134,8%ни ташкил қилган.

Кўриниб турибдики, молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ экан. Бу боғлиқлик корхона рентабеллигини аниқлаш жараёнида ҳам яққол намоён бўлади.

#### **8.4. Корхонада фойда таҳлили\***

**Мавзу мақсади** — 1995 йил 1 январдан жорий қилинган харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга асосан фойда кўрсаткичларининг янги тизимини аниқлаш ва уларнинг таҳлил қилиш усусларини, фойда ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш йўлларини кўрсатишдан иборатdir.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун мазкур параграфда қуйидаги масалалар кўрилади:

- корхонанинг молиявий манбалари;
- молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш усули;
- соф фойданинг шаклланиш чизмаси;
- фойда турларининг аниқланиш усуллари;
- фойда ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш усули.


Корхонанинг молиявий манбаларини аниқлаш молиявий натижалар таҳлилида муҳим аҳамиятга эга, чунки яратилган фойданинг кимга ва қандай тақсимланиши айнан шу манбаларининг шаклланишига боғлиқ.

Эркин иқтисодиёт шароитида корхонани ташкил қилиш турли мулк эгалари ва турли маблағлар эвазига шаклланади. Шу туфайли уларнинг ташкил бўлиш манбаларининг чизмасини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ деб топдик (44-чизма).

Чизмадан кўриниб турибдики, корхонани ташкил қилишда ва унинг фаолияти давомида молиявий манбаларининг шаклланиши турли экан. Корхонани ташкил қилишда таъсисчилар маблағи, давлат маблағи, акциядорлар ва бошқа инвесторлар маблағи ҳисобидан молиялаш-

\* Ушбу параграф А.А.Абдиев билан ҳаммуаллифликда ёзилган.

## Корхонани ташкил қилишда ва унинг фаолияти давомида молиявий манбаларни шакллантириш



тирилса, унинг фаолияти давомида молиявий таъминоти ўз фойдасидан бир қисмини ажратиш, молиявий бозорда иштирок этиш, банклардан қарз олиш ва бошқа манбалар эвазига амалга оширилар экан.

Айнан корхонанинг соф фойдаси молиявий натижаларининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Унинг ҳам тўпланиши ва ишлатилиши ўзига хос хусусиятга эга. Ушбу ҳолатни қўйидагича тасвиrlаш мумкин (45-чизма).

Фойданинг тўпланиши корхонанинг қайси соҳага ман-

## Фойданинг шаклланиши ва ишлатилиши



сублигига бөлиқ. Агар у ишлаб чиқариш корхонаси бўлса, фойданинг асосий манбаи ишлаб чиқариб сотилган маҳсулотдан тушум бўлади. Агар у хизмат кўрсатишга дахлдор корхона бўлса фойданинг асосий қисми хизмат кўрсатиш эвазига олган тушумдан иборат бўлади ва ҳ.к. Шу туфайли таҳлил жараёнида қайси соҳа ўрганилаётган бўлса, унинг фаолиятидан келиб чиқмоқ мақсадга мувофиқдир.

### *8.4.1. Сотишдан олинган соф тушум таҳлили*

Сотишдан олинган соф тушумни корхонанинг ялпи фойдаси деб ҳам аташ мумкин. Бу одатда сотилган маҳсулотнинг умумий қийматидан унинг таннархини айриш йўли билан аниқланади. Аммо шу икки кўрсаткич замираша маҳсулотнинг қиймати, миқдори, баҳо ўзгариши, таннарҳдаги тебранишлар мужассам этилган. Шу туфайли ялпи фойданинг вужудга келишида бевосита шу омиллар таъсирини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Буни амалга ошириш учун куйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (78-жадвал).

**Ялпи фойда ўзгаришига таъсир этувчи  
омиллар ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Асос йилида	Ҳисобот йилидаги маҳсулот шу давр баҳоси ва асос йилидаги таннарх билан	Ҳисобот йилидаги маҳсулот асос йилидаги баҳо ва ҳисобот йилидаги таннарх билан	Ҳисобот йилида
1. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) нинг тўла таннархи	3951,2	3951,2	4841,7	4841,7
2. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) қиймати	4583,3	5694,5	4745,4**	5694,5
3. Ялпи фойда* (2к-1к)	632,1	1743,3	-96,3	852,8

\* Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)дан олинган ялпи фойда.

\*\* Вилоят статистика ва истиқболни белгилаш бошқармасининг ҳисоботига асосан баҳо индекси 1,2га тенг.

Жадвал маълумотлари кўрсатадики, ялпи фойда шу давр мобайнида 220,7 минг (852,8-632,1) сўмга ошган. Унинг ўзгаришига қўйидаги омиллар таъсир қиласан:

1. Сотилган маҳсулот ҳажмининг кўпайиши:

$$\Delta \Phi_{СМ} = (С_{M_1} - T_{H_0}) - (С_{M_0} - T_{H_0}) = \\ = 1743,3 - 632,1 = +1111,2.$$

2. Таннархнинг ошганлиги:

$$\Delta \Phi_{ТК} = [(С_{M_1}/i_p) - T_{H_1}] - (С_{M_1} - T_{H_0}) = \\ = -96,3 - 1743,3 = -1839,6.$$

3. Баҳонинг ошганлиги:

$$\Delta \Phi_{Б} = (С_{M_1} - T_{H_1}) - [(С_{M_1}/i_p) - T_{H_1}] = \\ = 852,8 + 96,3 = +949,1.$$

Барча омиллар тасири:

$$\Delta \Phi = 1111,2 - 1839,6 + 949,1 = +220,7.$$

Корхонада ялпи фойда маълум аҳамиятга эга, чунки у барча молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар негизини ташкил қиласан. Аммо хўжалик фаолиятининг пировард натижаси соғ фойдага эришиш билан белгиланди. Шу туфайли иқтисодий таҳлилда соғ фойдани ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

### **8.4.2. Корхонада соф фойданинг шакланиши**

Корхонада соф фойданинг шакланиш жараёни бутун молия-хўжалик фаолиятини қамраб олади. Бу ерда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш, сотиш ва маъмурий харажатларни тежаш, молиявий фаолият натижасида ижобий салдога эришиш, тасодифий фойдага мұяссар бўлиш, солиқ ставкаси ўзгармаган ҳолда солиқ обьектини кўпайтириш эвазига солиқ суммасини камайтириш каби бир қанча босқичлар мужассам. Уларнинг кетма-кетлигини куйидагича ифодалаш мумкин.

	<b>Маҳсулотни (иш, хизматни) сотишдан тушган соф тушум</b>
→	<b>Шу сотилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг ишлаб чиқариш таннархи</b>
=	<b>Сотишдан туштан ялпи молиявий натижа</b>
-	<b>Давр харажатлари (сотишга, бошқаришга ва бошқа маъмурий харажатлар)</b>
±	<b>Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар ва харажатлар</b>
=	<b>Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаси</b>
±	<b>Молиявий фаолият натижаси (олинган дивиденdlар, фоизлар, берилган фоизлар, валюта курс фарқи) фойда (+), зарар (-)</b>
=	<b>Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси</b>
±	<b>Фавқулоддаги (тасодифий) фойда (+) ёки зарар (-)</b>
=	<b>Солиқ тўлаганга қадарги умумий молиявий натижа -- фойда</b>
-	<b>Солиқлар ва ажратмалар</b>
=	<b>Соф фойда</b>
-	<b>Тўланган дивиденdlар</b>
	<b>Балансда кўрсатиладиган тақсимланмаган фойда</b>

Ушбу чизма молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашнинг мумтоз чизмаси бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги пайтда амалдаги меъёрий ҳужжатлар молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг шаклланишини айнан шу тарзда ифодалашни тақозо қиласи. Ушбу ҳолат молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳтил қилиш учун ҳам услубий жиҳатдан ёндашишга асосдир.

Ушбу кетма-кетликка асосланниб корхона соф фойдасининг шаклланиши ва уларнинг бир-бири билан боғлиқлигини кўриб чиқиш мумкин. Бу тадбирни амалга ошириш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (79-жадвал).

### 79-жадвал

#### Корхонада соф фойданинг шаклланиш ҳисоб-китоби (минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Ўсиш суръати, %
1. Маҳсулотни сотишдан келган соф тушум (қийматта қўшилган солик ва акцизларсиз)	4583,3	5694,5	+1111,2	124,3
2. Сотилган маҳсулот таннархи (иш, хизмат)	3951,2	4841,7	+890,5	122,5
3. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) дан олинган молиявий натижа (1к-2к)	632,1	852,8	+220,7	134,9
4. Давр харажатлари (маҳсулотни сотиш, бошқарув ва бошқа маъмурий харажатлар)	152,4	178,3	+25,9	117,0
5. Бошқа операцион даромадлар	31,3	37,2	+5,9	118,8
6. Асосий фаолиятдан олинадиган даромадлар натижаси (фойда +, зарар -) (3к-4к+5к)	+511,0	+711,7	+200,7	140,6
7. Молиявий фаолият натижаси (+, -)	+71,2	+80,4	+9,2	112,9
8. Тасодифий (фавқулодда) фаолият натижаси (фойда +, зарар -)	+11,4	+8,3	-3,1	72,8
9. Солик тўланганга қадарги фойда (6к±7к±8к)	593,6	800,4	+206,8	134,8
10. Соликлар ва ажратмалар суммаси	225,6	304,2	+78,6	134,8
11. Соф фойда (9к-10к)	368,0	496,2	+128,2	134,8

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг соф фойдаси ҳисобот йилида 128,2 минг сўмга ёки 134,8%га ўсган. Бу ўзгариш жуда кўп омиллар эвазига содир бўлган. Ушбу омиллар таъсирини шу жадвал маълумотлари асосида аниқлаш мумкин. Бу омиллар гуруҳига қуйидагилар киради:

- маҳсулот ҳажмининг ўзгариши;
- таннархнинг ўзгариши;
- баҳонинг ўзгариши;
- давр харажатларининг ўзгариши;
- турли операцион даромадларнинг (харажатларнинг) ўзгариши;
- асосий фаолият молиявий натижаси;
- молиявий фаолият натижаси;
- тасодифий (фавқулоддаги) фойда ва заарларнинг мавжудлиги;
- солиқ ставкаси;
- солиқ суммаси.

Ушбу омилларнинг таъсирини жадвал маълумотлари ва юқоридаги (8.4-бобдаги) ҳисоб-китоблар асосида кўриб чиқиш мумкин.

1. Сотилган маҳсулот ҳажмининг қўпайиши	→ +1111,2
2. Таннархнинг ошганлиги	→ -1839,6
3. Баҳонинг ошганлиги	→ +949,1
4. Давр харажатларининг қўпайганлиги (178,3–152,4)	→ -25,9
5. Бошқа операцион даромадларнинг ошганлиги (37,2–31,3)	→ +5,9
6. Асосий фаолиятдан олинадиган даромаднинг ошганлиги (711,7–511,0)	→ +200,7
7. Молиявий фаолиятдан олинган фойданинг қўпайиши (80,4–71,2)	→ +9,2
8. Тасодифий фойданинг камайганлиги (8,3–11,4)	→ -3,1
9. Солиқ суммасининг ошганлиги (304,2–295,6)	→ -78,6
Барча омиллар таъсирида соф фойданинг ўзгариши (496,2–368,0)	→ +128,2

Соф фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг умумий миқдори қуидагида ҳисобланади:

$$\Delta\Phi = \sum_{i=1}^n \Delta\Phi_i.$$

Ушбу формулага тегишли маълумотларни кўриб барча омиллар таъсирида натижанинг умумий ўзгаришини аниқлаш мумкин.

$$1111,2 - 1839,6 + 949,1 - 25,9 + 5,9 + 200,7 + \\ + 9,2 - 3,1 - 78,6 = +128,2 \text{ минг сўм.}$$

### **8.5. Корхона рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили**

Мавзунинг мақсади — бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида рентабеллик кўрсаткичларининг янги тизимини, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўлларини кўрсатиш ҳамда уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш эвазига ички имкониятларни ахтариб топиш орқали таҳлил қилинаётган корхона фаолиятининг самардорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқишдан иборатdir.

Энг аввало, корхона рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг бозор муносабатларига мос янги тизимини ишлаб чиқиш лозим. Бу кўрсаткичларга қуидагилар киради:

- корхона ишлаб чиқариш фаолияти рентабеллиги;
- сотилган маҳсулот рентабеллиги;
- иқтисодий салоҳият рентабеллиги;
- асосий воситалар рентабеллиги;
- айланма маблағлар рентабеллиги;
- номоддий фаоллар рентабеллиги;
- меҳнат салоҳияти рентабеллиги;
- молиявий салоҳият рентабеллиги;
- ўз маблағлари рентабеллиги;
- четдан жалб қилинган маблағлар рентабеллиги;
- ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги;
- активлар рентабеллиги.

Бундан ташқари қайси соҳада нимани таҳлил қилишига қараб рентабеллик кўрсаткичларининг бошқа турларини ҳам аниқлаш мумкин бўлади.

Барча кўрсаткичлар рентабеллигини кетма-кет тарзда аниқлаш усули қуйидагича бўлади.

**Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти рентабеллигини** (Рич) ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш учун соф фойдани (Сф) маҳсулотнинг (иш, хизматнинг) таннархига (Тн) бўлиш лозим:

$$Рич = \frac{Сф}{Тн} \times 100.$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм ишлаб чиқариш харажатига қанча соф фойда тўғри келишини кўрсатади. Бу қилинган харажатнинг қандай самарадорликка эга бўлганлигини ифодалайди. Ушбу кўрсаткич эркин иқтисодиёт шароитида корхонанинг этаси, раҳбари, жамоаси ва инвесторлари учун ўта муҳим кўрсаткичdir.

**Сотилган маҳсулот рентабеллигини** (Рем) аниқлаш учун соф фойдани (Сф) сотилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг (См) миқдорига бўлиш кифоя:

$$Рем = \frac{Сф}{См} \times 100.$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм сотилган маҳсулоти корхонага қанча соф фойда келтираётганлигидан далолат беради. Бу кўрсаткич корхонанинг тадбиркорлиги, бозордаги фаоллиги билан ҳам бевосита боғлиқ. Мазкур кўрсаткич режали иқтисодиёт шароитида умумий рентабелликни ифодалаб ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбатан олинар эди. Эндиликда ишлаб чиқарилган маҳсулот ўзининг баҳоловчи кўрсаткич сифатидаги моҳиятини йўқотади. Энди маҳсулот сотилмаса, ўз харидорини бозордан топмаса ҳисоб эмас. Шу туфайли бозор муносабатлари шароитида ушбу кўрсаткичнинг моҳияти ошди.

**Корхонанинг иқтисодий салоҳияти рентабеллиги** (Рис)-ни аниқлаш учун корхонанинг Сф.ни унинг иқтисодий салоҳияти ўртacha қийматига (Ис) бўлинади:

$$Рис = \frac{Сф}{Ис} \times 100.$$

Мазкур кўрсаткич корхонанинг 100 сўм иқтисодий салоҳиятига неча сўм соф фойда келтирилаётганлигини кўрса-

тади. Агар корхонанинг иқтисодий салоҳияти таркибини келтирадиган бўлсак, у қўйидаги ҳолатга эга бўлади:

$$Рис = \frac{Сф}{Ав = Аим + Нф + Mc} \times 100,$$

бунда:  $Av$  — Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати;  $Aим$  — айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати;  $Nф$  — номоддий фаолларнинг ўртача йиллик қиймати;  $Mc$  — меҳнат салоҳиятининг ўртача йиллик қиймати.

**Корхона асосий воситалари рентабеллиги (Рав)**ни аниқлаш учун Сф.ни асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматига ( $Av$ ) бўлиш кифоя:

$$Рав = \frac{Сф}{Av} \times 100.$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм асосий воситаларига қанча соф фойда тўғри келишини ифодалайди.

**Корхона айланма маблағлари рентабеллиги (Рам)**ни аниқлаш учун соф фойдани (Сф) айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматига ( $Aим$ ) бўлинади.

$$Рам = \frac{Сф}{Аим} \times 100.$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм айланма маблағларининг ўртача йиллик қийматига қанча соф фойда тўғри келишини ифодалайди. Бу кўрсаткич корхонада айланма маблағларни ташкил қилиш пайтида, унинг рентабеллигини баҳолашда кўлланилади.

**Корхона номоддий активлари рентабеллиги (Рнф)** ҳам бозор муносабатлари шароитида иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлар таркибиغا киритилди. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун Сф.ни номоддий активларнинг ўртача йиллик қийматига ( $Nф$ ) бўлинади:

$$Рнф = \frac{Сф}{Нф} \times 100.$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўмлик номоддий активига қанча соф фойда тўғри келишини ифодалайди. Ушбу кўрсаткични корхона миқёсидаги қатор йилларга аниқлаб номоддий активлар ва фойда суммаларининг ўзга-

риш суръатларини, уларнинг бир-бирига мувофиқлигини аниқлаш учун қўллаш мумкин.

**Корхонанинг меҳнат салоҳияти рентабеллигини** ( $R_{MC}$ ) аниқлаш учун Сф.ни меҳнат салоҳиятининг ўртача йиллик қийматига ( $M_C$ ) ёки ходимлар сонига ( $X_C$ ) бўлиш лозим.

$$R_{MC} = \frac{C_F}{M_C} \times 100, \quad R_{MC} = \frac{C_F}{X_C} \times 100.$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм меҳнат салоҳияти қийматига ёки битта ходимга қанча соф фойда тўғри келишини кўрсатади. Бу кўрсаткич ҳам корхонада меҳнат самарадорлигини таҳлил қўлганда кенг қўлланилади.

**Корхона молиявий салоҳияти рентабеллиги** ( $R_{MOS}$ ) 100 сўм молиявий салоҳиятнинг ўртача йиллик қийматига тўғри келадиган соф фойда микдорини ифодалайди. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун Сф.ни корхона молиявий салоҳияти ўртача йиллик қийматига ( $M_{OS}$ ) бўлинади:

$$R_{MOS} = \frac{C_F}{M_{OS}} \times 100.$$

Ушбу кўрсаткич ҳам бозор муносабатлари шароитида муҳим аҳамиятга эга, чунки корхонанинг молиявий манбалари учун энди бевосита корхона эгаси, инвестори масъул. Ундан қанча самарали фойдаланилса улар учун ўшанча яхши.

**Корхона ўз маблағлари рентабеллиги** ( $R_U$ ) молиявий салоҳият рентабеллиги сингари соф фойдани ўз маблағлари ўртача йиллик қийматига ( $U_M$ ) бўлиш йўли билан аниқланади:

$$R_U = \frac{C_F}{U_M} \times 100.$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм ўз маблағига қанча соф фойда тўғри келишини ифодалайди. Бу ўз капиталининг самарадорлик даражасини белгилайди.

**Корхонанинг четдан жалб қўлган маблағлари рентабеллиги** ( $R_{CJM}$ )ни аниқлаш учун Сф.ни четдан жалб қилинган маблағларнинг ўртача йиллик қийматига ( $C_{JM}$ ) бўлинади:

$$R_{CJM} = \frac{C_F}{C_{JM}} \times 100.$$

Ушбу кўрсаткич корхона олган узоқ ва қисқа муддатли кредитларининг ҳамда бошқа четдан жалб қилинган маблағларининг самарадорлигини ифодалайди. Унинг миқдори 100 сўм Чжм.га тўғри келадиган Сф. миқдорини кўрсатади.

**Корхонанинг ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги** — (Риф) бу асосий ва айланма маблағлар, яъни моддий ресурслар самарадорлигини ифодалайди. Уни аниқлаш учун Сф.ни асосий воситалар (Ав) ва айланма маблағлар (Айм) ўртacha қиймати йиғиндисига бўлинади:

$$\text{Риф} = \frac{\text{Сф}}{\text{Ав} + \text{Айм}} \times 100.$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўмлик моддий ресурсларига тўғри келадиган соф фойданинг миқдорини ифодалайди. Унинг миқдори қанча ошиб борса, корхона учун ўшанча яхши.

**Корхонанинг активлари рентабеллиги** (Ра) бевосита барча активлар самарадорлигини ифодалайди. Уни аниқлаш учун Сф.ни барча активларнинг (А) ўртacha йиллик қийматига бўлинади:

$$\text{Ра} = \frac{\text{Сф}}{\text{А}} \times 100.$$

Агар активларни алоҳида қисми бўйича оладиган бўлсак, ушбу формула қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\text{Ра} = \frac{\text{Сф}}{\text{Ав} + \text{Айм} + \text{Нф}} \times 100.$$

Ушбу кўрсаткич 100 сўм активлар қийматига тўғри келадиган Сф миқдорини ифодалайди. Бу кўрсаткич бозор муносабатлари шароитида корхоналар фаолияти самарадорлигини баҳолашда кенг кўлланилиб келинмоқда.

Таҳлил жараёнида маълум иқтисодий категорияларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ўта муҳим. Лекин уларнинг ўзгаришини, айниқса шу ўзгаришларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш таҳлилнинг энг муҳим воситасидир. Шу туфайли рентабелликни ифодаловчи ҳар бир кўрсаткични алоҳида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур ишда методологик асос сифатида уларнинг

айримларигагина тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки ушбу кўрсаткичлар таҳдилиниң усуллари бошқа кўрсаткичларни ҳам шундай таҳлил қилиш учун методологик асос бўлади.

### **8.6. Корхонанинг молиявий натижаларини ифодаловчи умумлашган рентабеллик кўрсаткичларининг омилли таҳлили**

Корхонанинг молиявий натижаларини ифодаловчи умумлашган кўрсаткичга маҳсулот (иш, хизмат) рентабеллигини киритиш мумкин. Мазкур кўрсаткични аниқлаш учун қуидаги формуладан фойдаланилади:

$$Рст = \frac{Сф}{Ст} \times 100,$$

бунда: Рст — маҳсулот (иш, хизмат) рентабеллиги.


Ушбу кўрсаткичга бир қанча омиллар таъсир қиласи. Булар жумласига қуидагиларни киритиш мумкин:

- соф фойданинг ялпи фойдадаги ҳиссаси ( $Сф/Яф$ );
- ялпи фойданинг сотилган маҳсулотдан олинган ялпи молиявий натижалардаги ҳиссаси ( $Яф/Ямн$ );
- ялпи молиявий натижанинг соф тушумдаги ҳиссаси ( $Ямн/Ст$ ).

Улар ўргасидаги боғлиқлик қуидаги чизмада акс этирилган (46-чизма).

**46-чизма**

#### **Корхона умумий рентабеллигига таъсир қилувчи омиллар ўргасидаги боғлиқлик**



Ушбу омилларни натижа билан боғлайдиган бўлсак, қуйидаги формулага эга бўлиш мумкин:

$$Рст = \frac{Сф}{Яф} \times \frac{Яф}{Ямн} \times \frac{Ямн}{Ст}.$$

Уларнинг қисқартирилган математик модели натижени «У», омилларни  $X_i$  деб белгиланса, қуйидаги формула орқали ифодаланади. Унда ҳар бир омилни  $X_i$  деб қабул қилиш мумкин:

$$У = X_1 \times X_2 \times X_3 = \prod_{i=1}^3 X_i \quad (i = 1, 3).$$

Ушбу формуладаги кўрсаткичларни 76 ва 77-жадвал маълумотлари асосида аниқлаб омилли таҳдил учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (80-жадвал).

#### 80-жадвал

#### **Молиявий натижалар умумлашган кўрсаткичига таъсир қилувчи омиллар ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Заржирилганмаштиришлар	
			I	II
1. Соф фойданинг ялпи фойдадаги улуши, % ( $8\% : 7\% \times 100$ )	61,995	61,994	61,994	61,994
2. Ялпи фойданинг сотилган маҳсулотдан олинган ялпи молиявий натижаларидаги ҳиссаси ( $7\% : 3\%$ )	0,939	0,938	0,939	0,938
3. Ялпи молиявий натижанинг сотилган соф маҳсулотдаги ҳиссаси ( $3\% : 2\%$ )	0,138	0,150	0,138	0,138
4. Маҳсулот рентабеллиги, % ( $1\% \times 2\% \times 3\%$ )	8,03	8,72	8,03	8,02

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, маҳсулот рентабеллиги кўрсаткичининг 0,69% (8,72–8,03) ошганлигига қуйидаги омиллар таъсир қилган:

1. Соф фойданинг ялпи фойдадаги улуши жуда кам миқдорда, яъни 0,001% ўзгарган. Бу натижа ўзгаришига таъсир қилмаган:

$$8,03 - 8,03 = 0.$$

2. Ялпи фойданинг сотилган маҳсулотдан олинган ялпи молиявий натижалардаги ҳиссаси 0,001га ( $0,938 - 0,939$ ) камайғанлиги натижани 0,01% камайишига олиб келган:

$$8,02 - 8,03 = -0,01.$$

3. Ялпи молиявий натижанинг сотилган соф маҳсулотдаги ҳиссаси 0,012га кўпайганлиги маҳсулот рентабеллигини 0,7% оширган:

$$8,72 - 8,02 = +0,7.$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$0 - 0,01 + 0,70 = +0,69.$$

## 8.7. Корхонанинг ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги таҳлили\*

Корхонанинг ишлаб чиқариш фондлари ёки моддий ресурслари рентабеллиги режали иқтисодиёт шароитида ҳам қўлланилар эди. Лекин унинг вазифаси ҳозирги эркин иқтисодиёт шароитида анча ўзгарди. Олдин давлат мулкининг самарадорлигини ифодаласа, ҳозир хусусий (жамоа) мулкининг самарадорлигини ифодалайди. Уларниң самарадорлигидан манфаатдорлар ҳам олдинги ҳолатдан ўзгарди. Ҳозир бевосита мазкур фондларниң ишлатилишидан корхона эгаси, инвестори, меҳнат жамоаси манфаатдор. Шу жиҳатдан таҳлилнинг усули ҳам шу талабларга қаратилган бўлмоғи лозим.

Энди бевосита ушбу кўрсаткичнинг таҳлили, унга таъсир этувчи омилларни иқтисодий таҳлил тили, яъни формуласалар билан ифодалаймиз:

Корхона моддий ресурсларининг умумий рентабеллик кўрсаткичи, таъкидланганидек, қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Pa = \frac{\text{Соф фойда (Сф)}}{\text{Асосий воситаларнинг} + \text{Айланма маблағларнинг}}.$$

$$\text{ўртача қиймати (Ав)} + \text{ўртача қиймати (Айм)}$$

Таҳлил бевосита шу рентабеллик даражасининг фарқини ( $\Delta Pa$ ) аниқлашдан бошланади:

$$\Delta Pa = Pa^x - Pa^p = \left( \frac{Cf^x}{Av^x + Am^x} \right) - \left( \frac{Cf^p}{Av^p + Am^p} \right)$$

\* Ушбу параграф А.А.Абдиев билан ҳаммуаллифликда ёзилган.

Энди рентабеллик даражасига таъсир қилувчи омиллар таъсирини аниқлаш лозим.

Энг аввало, рентабеллик ўзгаришига соф фойда суммаси ўзгаришининг таъсири ( $\Delta\text{Расф}$ ) аниқланади:

$$\Delta\text{Расф} = \left( \frac{\text{СФ}^x}{\text{АВ}^p + \text{АМ}^p} \right) - \left( \frac{\text{СФ}^p}{\text{АВ}^p + \text{АМ}^p} \right)$$

Рентабеллик ўзгаришига асосий воситалар ўртача қиймати ўзгаришининг таъсири ( $\Delta\text{Раав}$ ) қуидагича ҳисобланади:

$$\Delta\text{Раав} = \left( \frac{\text{СФ}^x}{\text{АВ}^x + \text{АМ}^p} \right) - \left( \frac{\text{СФ}^x}{\text{АВ}^p + \text{АМ}^p} \right)$$

Рентабелликнинг ўзгаришига айланма маблағлар ўртача қийматининг таъсирини ( $\Delta\text{Раам}$ ) ҳисоблаш учун қуидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta\text{Раам} = \left( \frac{\text{СФ}^x}{\text{АВ}^x + \text{АМ}^x} \right) - \left( \frac{\text{СФ}^x}{\text{АВ}^p + \text{АМ}^p} \right)$$

Барча омиллар таъсири рентабеллик ўзгаришининг умумий ҳажмига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta\text{Ра} = \Delta\text{Расф} \pm \Delta\text{Раав} \pm \Delta\text{Раам}.$$

Ушбу формулаларга амалий маълумотларни кўллаган ҳолда аниқлаш усулини кўриб чиқиш лозим. Бу учун қуидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (81-жадвал).

### 81-жадвал

#### Корхона (фирма)нинг ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги даражасини аниқлаш ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Ўзгариш суръати, %
1. Соф фойда, минг сўм	368,0	496,2	+128,2	134,8
2. Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	2956,5	3497,5	+541,0	118,3
3. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	7269,0	8810	+1541,0	121,2
4. Рентабеллик даражаси, %	3,599	4,032	+0,433	112,0

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, рентабеллик даражаси таҳдил қилинаётган корхонада ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 0,433% бандга ўстан. Бу соф фойда суммасининг 134,8% ўстандаги ҳолати билан асосий воситаларнинг 118,3% ва айланма маблағларнинг 121,2% ўстан ҳолатига тўғри келади. Демак, шу учала омил ҳам рентабелликнинг ўзгаришига маълум даражада таъсир қилган. Шу омил таъсирини ҳисоблаш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (82-жадвал).

### 82-жадвал

#### **Корхона (фирма) ишлаб чиқариш фондлари рентабеллигига таъсир этувчи омиллар ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Соф фойда ўзгариши билан (Раф)	Асосий воситалар ўзгариши билан (Рав)	Ҳақиқий миқдори ёки айланма маблағларнинг ўзгариши билан (Рам)
1. Соф фойда, минг сўм	368,0	496,2	496,2	469,2
2. Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	2956,5	2956,5	3497,5	3497,5
3. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	7269,0	7269,0	7269,0	8810,0
4. Рентабеллик даражаси, %	3,599	4,853	4,609	4,032

Ҳисобот йилида фирмада ишлаб чиқариш фондлари рентабеллик даражасининг умумий миқдори 0,433 фоизга ошган (4,032–3,599).

Ушбу ўзгаришга қуйидаги омиллар таъсир қилган:

1. Фойданинг 128,2 минг сўмга кўпайганлиги рентабеллик даражасини 1,254% оширган;

$$\Delta P_a\Phi = P_a\Phi - P_a = 4,853 - 3,599 = +1,254\%.$$

2. Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати 541,0 минг сўмга ошганлиги рентабеллик даражасини 0,244% камайтирган:

$$\Delta P_{a\text{ав}} = P_{a\text{ав}} - P_a\Phi = 4,609 - 4,853 = -0,244\%.$$

3. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматининг

1541,0 минг сўмга кўпайганлиги рентабеллик даражасини 0,577%га камайтирган:

$$\Delta P_{a\text{ам}} = P_{a\text{ам}} - P_{a\text{ав}} = 4,032 - 4,609 = -0,577.$$

Барча омиллар таъсири рентабеллик ўзгаришининг умумий фарқига тенг:

$$\Delta P_a = \Delta P_{a\Phi} \pm \Delta P_{a\text{ав}} \pm \Delta P_{a\text{ам}} = 1,254 - 0,244 - 0,577 = +0,433.$$

Корхонанинг ушбу умумий рентабеллиги ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳдил қилганда уларнинг мазмунини ўзгартириш ҳам мумкин. Бунга ишлаб чиқариш фондлари билан боғлиқ умумий рентабеллик кўрсаткичини аниқлашнинг кенгайтирилган усулини қўллаган ҳолда ҳам эришиш мумкин. Бунда ушбу анъанавий формуладан фойдаланилади:

$$\text{Рентабеллик } (P_a) = \frac{\text{Соф фойда (Сф)}}{\text{Асосий восита-} \quad \text{Айланма маб-} \\ \text{ларнинг ўртача} \quad + \quad \text{лағлар ўртача} \\ \text{қиймати (Ав)} \quad \quad \quad \text{қиймати (Айм)}}.$$

Ушбу формуладаги кўрсаткичларни бир хил кўрсаткичга бўлиб ёки кўпайтириб олиш йўли билан натижанинг миқдорини сақлаб қолган ҳолда омилларнинг номини ва мазмунини ўзгартириш мумкин. Масалан, биз ўзгартирувчи кўрсаткич сифатида корхона маҳсулотини олдик. У ҳолда активлар рентабеллиги қуидаги кўринишга эга бўлади:

$$P_a = \frac{\frac{\text{Сф}}{M}}{\frac{AB}{M} + \frac{AйM}{M}},$$

бунда: M — маҳсулот.

$$\text{Рентабеллик } (P_a) = \frac{\text{Маҳсулот рентабеллиги (Рм)}}{\text{Асосий воситалар} \quad \text{Айланма маблағлар} \\ \text{сигимининг ко-} \quad + \quad \text{сигимининг ко-} \\ \text{эффициенти (Рав)} \quad \quad \quad \text{эффициенти (Рав)}}.$$

Ушбу формулага асосан корхонанинг умумий рентабеллиги ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг занжирли алмаштириш усулини қўллаган ҳолдаги ҳисоб-китоби қуидагича амалга оширилади.

Рентабелликнинг умумий фарқи:

$$\Delta P_a = \left( \frac{P_m^x}{P_{av}^x + P_{am}^x} \right) - \left( \frac{P_m^p}{P_{av}^p + P_{am}^p} \right)$$

Рентабеллик ўзгаришига маҳсулот рентабеллиги ўзгаришининг таъсири:

$$\Delta P_{apm} = \left( \frac{P_m^x}{P_{av}^p + P_{am}^p} \right) - \left( \frac{P_m^x}{P_{av}^x + P_{am}^p} \right)$$

Рентабеллик ўзгаришига асосий фондлар сифими ўзгаришининг таъсири:

$$\Delta P_{a_{av}} = \left( \frac{P_m^x}{P_{av}^x + P_{am}^p} \right) - \left( \frac{P_m^x}{P_{av}^p + P_{am}^p} \right)$$

Рентабеллик ўзгаришига айланма маблағлар сифими ўзгаришининг таъсири:

$$\Delta P_{a_{ram}} = \left( \frac{P_m^x}{P_{av}^x + P_{am}^x} \right) - \left( \frac{P_m^x}{P_{av}^x + P_{am}^p} \right)$$

Рентабеллик ўзгаришига барча омиллар таъсири:

$$\Delta P_a = \Delta P_{apm} \pm \Delta P_{a_{av}} \pm \Delta P_{a_{ram}}$$

Ушбу кўрсаткичларни аниқлаш учун ушбу жадвални тузиш тавсия қилинади (83-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотлари асосида корхона рентабеллиги ўзгаришига юқорида қайд қилинган омиллар таъсирини аниқлаш мумкин. Бу учун қўйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (84-жадвал).

Мазкур корхонада ҳисобот даврида ишлаб чиқариш фондларининг рентабеллик даражаси 0,44% ошган. Бунга қўйидаги омиллар таъсир қилган:

1. Маҳсулот рентабеллигининг 0,69% ошганлиги ишлаб чиқариш фондлари рентабеллигини 0,31% кўпайтирган:

$$3,90 - 3,59 = +0,31\%$$

2. Маҳсулотдаги асосий фондлар сифими коэффициенти 0,031га камайтган. Бу таҳлил қилинаётган кўрсаткични 0,06% оширган:

$$3,96 - 3,90 = +0,06\%$$

## 83-жадвал

**Корхонанинг ишлаб чиқариш фондлари рентабеллигини аниқлаш йўллари  
(минг сўм)**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Хисобот йилида	Фарқи (+, -)	Ўзгириш суръати, %
<b>Мутлақ кўрсаткичлар</b>				
1. Соф фойда	368,0	496,2	+128,2	134,8
2. Асосий воситаларнинг ўртача қиймати	2956,5	3497,5	+541,0	118,3
3. Айланма маблағларнинг ўртача қиймати	7269,0	8810,0	+1541,0	121,2
4. Маҳсулот ҳажми	4583,3	5694,5	+1111,2	124,3
<b>Нисбий кўрсаткичлар</b>				
5. Маҳсулот рентабеллиги, %	8,02	8,71	+0,69	108,6
6. Асосий воситалар сифимининг коэффициенти (2к:4к)	0,645	0,614	-0,031	95,2
7. Айланма маблағлар сифимининг коэффициенти (3к:4к)	1,586	1,547	-0,039	97,5
8. Ишлаб чиқариш фондлари рентабеллик даражаси, % [5к:(6к+7к)]	3,59	4,03	+0,44	112,3

## 84-жадвал

**Корхонанинг ишлаб чиқариш фондлари рентабеллик даражасига таъсир қилувчи омиллар ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Хисобот йилида	Фарқи (+, -)	Занжирли алмаштиришлар		
				I	II	III
1. Маҳсулот рентабеллиги, %	8,02	8,71	+0,69	8,71	8,71	8,71
2. Асосий воситалар сифимининг коэффициенти	0,645	0,614	-0,031	0,645	0,614	0,614
3. Айланма маблағлар сифимининг коэффициенти	1,586	1,547	-0,039	1,586	1,586	1,547
4. Ишлаб чиқариш фондлари рентабеллик даражаси, % [5к:(6к+7к)]	3,59	4,03	+0,44	3,90	3,96	4,03

3. Айланма маблағлар сифимининг коэффициенти 0,039га камайган. Бу эса натижанинг 0,07 ошишига олиб келган:

$$4,03 - 3,96 = +0,07\%.$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$0,31 + 0,06 + 0,07 = +0,44.$$

## 8.8. Корхонанинг барча активлари рентабеллиги

Бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида кўп корхоналар барча активлардан самарали фойдаланиш масаласини устувор вазифа қилиб қўйишмоқда. Чунки корхонанинг активлари уларнинг мулки. Бу мулк фойда келтириш учун мўлжалланган мулкдир. Шу туфайли мазкур кўрсаткичнинг таҳлили иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисмига асосланган. Буни инобатга олиб ушбу кўрсаткич таҳлилига тўхталишни мақсадга мувофик, деб топдик.

Барча активлар рентабеллигини аниқлаш, таъкидланганидек, қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\text{Рентабеллик} = \frac{\text{Соф фойда (Фс)}}{\text{(Ра)} \quad \text{Активлар (A)}}$$

Агар активларни таркиби бўйича ёйиб чиқилса, у қуйидаги элементлардан ташкил топганлигини кўрамиз.

$$A = \frac{\text{Асосий}}{\text{воситалар (Av)}} + \frac{\text{Номоддий}}{\text{активлар (Нф)}} + \frac{\text{Айланма}}{\text{маблағлар (Аим)}}$$

Бу ерда айланма маблағлар ҳам икки йирик гурӯҳга бўлинади. Бу гурӯҳларни ёйиб чиқилса, қуйидаги формула вужудга келади:

$$A_{\text{им}} = \frac{\text{Моддий айланма}}{\text{маблағлар (Амм)}} + \frac{\text{Пул маблағлари}}{\text{(Пм)}}$$

Энди активлар ўрнига унинг таркибига кирувчи алоҳида кўрсаткичларни қўядиган бўлсак, активлар рентабеллигини ифодаловчи формулаларнинг шакли қуйидагича ифодаланади.

$$P_a = \frac{\Phi_c}{A_v + A_m + P_m + H_f}.$$

Энди ушбу формулага асосан корхона активлари рентабеллигининг таҳдилини кўриб чиқамиз. Энг аввало, унинг фарқи аниқланади:

$$\Delta P_a = \left( \frac{\Phi_c^x}{A_v^x + A_m^x + P_m^x + H_f^x} \right) - \left( \frac{\Phi_c^p}{A_v^p + A_m^p + P_m^p + H_f^p} \right)$$

Энди шу аниқланган фарқقا таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш мумкин. Натижага биринчи омилнинг таъсири қуидагича ҳисобланади:

$$\Delta P_{afc} = P_{afc} - P_a^p = \left( \frac{\Phi_c^x}{A_v^p + A_m^p + P_m^p + H_f^p} \right) - P_a^p.$$

Натижা ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсири қуидагича ҳисобланади:

$$\Delta P_{av} = P_{av} - P_{afc} = \left( \frac{\Phi_c^x}{A_v^x + A_m^p + P_m^p + H_f^p} \right) - P_{afc}.$$

Натижা ўзгаришига учинчи омилнинг таъсири қуидагича аниқланади:

$$\Delta P_{amm} = P_{amm} - P_{av} = \left( \frac{\Phi_c^x}{A_v^x + A_m^x + P_m^p + H_f^p} \right) - P_{av}.$$

Натижা ўзгаришига тўртинчи омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун қуидаги формуладан фойдаланади:

$$\Delta P_{apm} = P_{apm} - P_{amm} = \left( \frac{\Phi_c^x}{A_v^x + A_m^x + P_m^x + H_f^p} \right) - P_{amm}.$$

Натижা ўзгаришига бешинчи омилнинг таъсирини топиш учун қуидаги ҳисоб-китобни амалга ошириш кифоя:

$$\Delta P_{anf} = P_{anf} - P_{apm} = P_a^x - P_{apm}.$$

Натижанинг умумий ўзгариши, одатдагидек, барча омиллар таъсирининг йигиндисига тенг бўлиши керак:

$$\Delta P_a = \Delta P_{afc} \pm \Delta P_{av} \pm \Delta P_{amm} \pm \Delta P_{apm} \pm \Delta P_{anf}.$$

Ушбу формулаларга аниқ маълумотларни қўллаб корхона активлари рентабеллигига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (85-жадвал).

*85-жадвал*

**Корхона рентабеллигини аниқлаш ва унинг ҳисобот йилидаги ўзгаришининг таҳлили  
(минг сўм)**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Ўзгириши (+, -)	Ўсиш суръати, %
<b>Мутлақ кўрсаткичлар</b>				
1. Соғ фойда (Сф)	368,0	496,2	+128,2	134,8
2. Асосий воситаларнинг ўртача қиймати (Ав)	2956,5	3497,5	+541,0	118,3
3. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати (Айм)	7269,0	8810,0	+1541,0	121,2
4. Номоддий активларнинг ўртача қиймати (Нф)	73,2	195,0	121,8	266,4
5. Барча активлар (Б) (2к+3к+4к)	10298,7	12502,5	+2203,8	121,4
<b>Нисбий кўрсаткичлар</b>				
6. Рентабеллик даражаси, (Ра) [(1к×100)/2к+3к+4к] ёки (1к×100)/5к	3,57	3,97	+0,40	111,2

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада активлар рентабеллиги ҳисобот йилида 0,40%га ошган. Бу бир қанча омиллар таъсирида рўй берган. Уларни аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (86-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, барча активларнинг рентабеллик даражаси ҳисобот йилида 0,40% ошган. Бу қуйидаги омиллар эвазига содир бўлган:

1. Фойда суммасининг 128,2 минг сўмга кўпайганлиги барча активлар рентабеллик даражасини 1,25%га оширган:

$$(4,82 - 3,57).$$

2. Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматининг 541,0 минг сўмга кўпайганлиги таҳлил қилинаётган кўрсаткич даражасини 0,24% камайишига олиб келган:

$$(4,58 - 4,82).$$

**Рентабеллик даражасига таъсир этувчи омилларни занжирили алмаштириш йўли билан аниқлаш ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилида	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Занжирили алмаштиришлар			
				I	II	III	IV
1. Соғ фойда	368,0	496,2	+128,2	496,2	496,2	496,2	496,2
2. Асосий восита-лар	2956,5	3497,5	+541,0	2956,5	3497,5	3497,5	3497,5
3. Айланма маблағ-лар	7269,0	8810,0	+1541,0	7269,0	7269,0	8810,0	8810,0
4. Номоддий ак-тивлар	73,2	195,0	+121,8	73,2	73,2	73,2	195,0
5. Барча активлар-нинг рентабеллик даражаси, %	3,57	3,97	+0,40	4,82	4,58	4,01	3,97

3. Айланма маблағлар ўртача қийматининг 1541,0 минг сўмга кўпайганлиги барча активлар рентабеллик даражасини 0,57%га камайтирган:

$$(4,01 - 4,58).$$

4. Ҳисобот йилида номоддий активларнинг 121,8 минг сўмга кўпайганлиги ушбу категориянинг рентабеллик даражасини 0,04% камайтириб юборган:

$$(3,97 - 4,01).$$

Барча омиллар таъсири натижасида барча активлар рентабеллик даражасининг умумий ўзгариши ҳосил бўлган:

$$1,25 - 0,24 - 0,57 - 0,04 = +0,40\%.$$

### **8.9. Корхонада ўз маблағлари рентабеллиги таҳлили\***

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ҳар бир корхона ўз маблағига эга бўлиши табиий ҳол. Бу айниқса хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун ўта муҳим, чунки улар ўз фаолияти учун мулкини асосан ўз маблағи эвазига шаклантиради.

Ўзбекистон ўзига хос иқтисодий тараққиёт йўлидан бор-

\* Мазкур параграф А.Турсунов билан ҳаммуаллифликда тайёрланди.

моқда. Бунда барча янгиланишлар жаҳон цивилизациясидан баҳраманд бўлган ҳолда қадриятларимизни тиклашга ҳам қаратилган. Бу бевосита, кичик ва хусусий тадбиркорликда оила тадбиркорлигини амалга ошириш билан боғлиқ.

Агар жаҳон тажрибасига таянадиган бўлсак, кичик ва ўрта тадбиркорлар мамлакат иқтисодиётида етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Хусусан, Европа иттифоқи мамлакатларида кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг сони 15,8 миллионтани ташкил қиласди. Унда 68 миллион киши иш билан банд. АҚШда 19,3 миллион кичик корхонада 70,2 миллион киши иш билан банд бўлса, Японияда бу кўрсаткич, мос равишда, 65 ва 39,5 миллионни ташкил қиласди.<sup>29</sup> Кўриниб турибдики, ушбу кичик корхоналар одам сони жиҳатидан жуда ихчам. Европа иттифоқи мамлакатлари ялпи ички маҳсулотининг 65% кичик бизнес корхоналарига тўгри келса, ушбу кўрсаткич АҚШда — 50%дан кўпроғини, Японияда эса 55%га яқинроғини ташкил қиласди<sup>30</sup>. Тараққий этган мамлакатларда шу билан банд аҳолининг ҳам аксарият қисми кичик ва ўрта бизнес корхоналарида жойлашган. Европа иттифоқи мамлакатларида барча банд аҳолининг 72%, АҚШда — 54%, Японияда 78% шу ўрта ва кичик бизнес корхоналарида банд.

Ўзбекистонда бу борада ўзига хос йўлни тутиш мумкин. Ҳозир мамлакатимизда 4,4 миллион оила мавжуд. Агар ўрта ҳисобда ҳар бир оиладан биттадан тадбиркор чиқса, яна 4,4 миллион янги иш ўринлари очиласди. Агар улар қўшимча яна иккитадан кишини ўзларига жалб қиласа яна 8,8 миллион киши иш билан таъминланадилар. Бу ҳозирги иш билан банд аҳолининг сони билан деярли тенгдир.

Кичик бизнес корхоналари ўзларининг бир қанча афзалликлари билан бирга ишсизликнинг олдини олиш учун ҳам жуда куладайдир. Аммо бизда ушбу соҳа ҳали кескин ўсиш босқичига кирган эмас. Ҳозирги кунда мамлакати-

<sup>29</sup> Тўхлиев Н. Мўъжаз «митти»лар // Халқ сўзи, 2001 йил 10 апрел, 1-2 бетлар.

<sup>30</sup> Ўша жойда, 1-2 бетлар.

мизда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг сони 183 мингдан ошган, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 30% дан зиёдроқни ташкил қиласди.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ҳам кичик ва ўрта бизнес корхоналари келажакда иқтисодиётнинг ривожида салмоқли ўринга эга бўлиши табиий, чунки амалга оширилаётган янтиланиш ва ислоҳотлар жараёнида кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Мазкур корхоналар мулкининг асосий манбай унинг ўз маблағларидан иборат бўлади. Демак, ўз маблағларини таҳлил қилиш, айниқса унинг самарадорлигини ошириш, улар ичидаги ўз маблағлари рентабеллигини аниқлаш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан мазкур кўрсаткични таҳлил қилганда ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўз маблағлари рентабеллигини таҳлил қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ўз маблағлари рентабеллигини аниқлаш;
- уни ўтган давр ва режа кўрсаткичлари билан таққослаб ўзгаришларини аниқлаш;
- унинг ўзгаришига таъсири қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш;
- ўз маблағлари рентабеллигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Корхонада ўз маблағлари рентабеллигини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\text{Рентабеллик (Рўм)} = \frac{\text{Соф фойда (Фс)}}{\text{Ўз маблағлари (Ўм)}} \times 100.$$

Ушбу кўрсаткич фарқига омиллар таъсирини аниқлаш учун унинг қайта ҳисобланган ҳажми аниқланади. Ўз маблағлари рентабеллигининг қайта ҳисобланган микдорини ( $\text{Рўм}^{\text{кx}}$ ) аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\text{Рўм}^{\text{кx}} = \frac{\Phi_{\text{с}}^{\text{x}}}{\bar{Y}_{\text{м}}^{\text{p}}}.$$

Энди ҳар бир омилнинг таъсирини топиш мумкин. Кор-

хонанинг ўз маблағлари рентабеллиги ўзгаришига фойда суммасининг таъсири ( $\Delta P_{\text{УМФС}}$ ) қуидаги ҳисобланади:

$$\Delta P_{\text{УМФС}} = P_{\text{УМ}}^x - P_{\text{УМ}}^p = \left( \frac{\Phi c^x}{\bar{Y}_{\text{М}}^p} \right) - \left( \frac{\Phi c^p}{\bar{Y}_{\text{М}}^p} \right)$$

Ўз маблағлари рентабеллиги ўзгаришига ўз маблағлари суммаси ҳам таъсир қилади. Унинг таъсирини ( $\Delta P_{\text{УМ}}$ ) ҳисоблаш учун қуидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta P_{\text{УМ}} = P_{\text{УМ}}^x - P_{\text{УМ}}^p = \left( \frac{\Phi c^x}{\bar{Y}_{\text{М}}^x} \right) - \left( \frac{\Phi c^p}{\bar{Y}_{\text{М}}^p} \right)$$

Барча омиллар таъсири одатдагидек натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta P_{\text{УМ}} = \Delta P_{\text{УМФС}} \pm \Delta P_{\text{УМ}}^x.$$

Ушбу формулаларда келтирилган ҳисоб-китобларни амалий маълумотларни қўллаган ҳолда ечиш учун қуидаги жадвални тузишни тавсия қиласиз (87-жадвал).

### 87-жадвал

#### Корхона ўз маблағлари рентабеллигига таъсир қилувчи омиллар ҳисоб-китоби

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йилида	Ҳисоб-йилида	Қайта ҳисобланган	Фарқи (+, -)		
				жами	шу жумладан	ўз маблағлари эвазига
					фойда эвазига	
1. Соф фойда	368,0	496,2	496,2	+128,2	×	×
2. Ўз маблағларининг ўргача қиймати	4039,9	4307,5	4039,9	+767,6	×	×
3. Ўз маблағлари рентабеллиги даражаси, %	9,11	11,52	12,28	+2,41	+3,17	-0,76

Ушбу жадвал бўйича натижанинг умумий фарқи 2,41 минг сўмга тенг:

$$\Delta P = 11,52 - 9,11 = +2,41.$$

Натижа ўзгаришига биринчи омил таъсири, яъни соф фойданинг 128,2 минг сўмга ошганлиги рентабеллик даражасини 3,17% ошириди:

$$\Delta P_F = 12,28 - 9,11 = +3,17.$$

Натижа ўзгаришига иккинчи омил таъсири 0,76%ни ташкил қиласиди:

$$\Delta P_{\text{УМ}} = 11,52 - 12,28 = -0,76.$$

Барча омиллар таъсири одатдагицек натижанинг умумий фарқига тенг:

$$\Delta P = 3,17 - 0,76 = +2,41.$$

## 8.10. Корхонада маҳсулот рентабеллиги таҳлили

Корхонада маҳсулот рентабеллигининг умумий ҳажмини таҳлил қилиш усуслари адабиётларда етарлича ёритилган. Аммо корхонада маҳсулот рентабеллигига таъсир этувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш йўллари адабиётларда кам ёритилган. Шу туфайли мазкур масалага алоҳида эътибор беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$P = \frac{\Phi_C}{Q} = \frac{\Phi_C}{\Phi_{CM}} \times \frac{\Phi_{CM}}{\Phi_{AF}} \times \frac{\Phi_{AF}}{\Phi_{MF}} \times \frac{\Phi_{MF}}{\Phi_{ST}} \times \frac{\Phi_{ST}}{Q},$$

бунда:  $P$  — рентабеллик даражаси;  $\Phi_C$  — соф фойда;  $Q$  — натижа (сотилган маҳсулот, товар обороти ва ҳ.к.);  $\Phi_{CM}$  — сотилган маҳсулотдан олинадиган фойда;  $\Phi_{AF}$  — асосий фаолият фойдаси;  $\Phi_{MF}$  — молиявий фаолият фойдасига қўшилган фойда;  $\Phi_{ST}$  — солиқ тўланганга қадарги фойда.

Натижани «У» билан омилларни кетма-кет равишда «Х» билан алмаштиrsак қуйидаги формула келиб чиқади:

$$Y = X_1 \times X_2 \times X_3 \times X_4 \times X_5 = \prod_{i=1}^5 X_i \quad (i = 1, 5)$$

бунда:  $Y$  — рентабеллик даражаси;  $X_1$  — соф фойданинг сотилган маҳсулотдан олинган фойдадаги ҳиссаси;  $X_2$  — сотилган маҳсулотдан олинган фойданинг асосий фаолият фойдасидаги ҳиссаси;  $X_3$  — асосий фаолият фойдасининг молиявий фаолият фойдасидаги ҳиссаси;  $X_4$  — молиявий

фаолият фойдасининг солиқ тўланганга қадарги фойдадаги ҳиссаси;  $X_5$  — солиқ тўланганча бўлган фойданинг иш ҳажми (сотилган маҳсулот, товар обороти кабилар)даги ҳиссаси.

Маҳсулот рентабеллиги даражасига алоҳида омилларнинг таъсири занжирли алмаштириш усули билан қўйидагича ҳисобланади.

Рентабеллик ўзгаришига:

1. Соғ фойданинг сотилган маҳсулотдан олинган фойдадаги ҳиссаси ( $\Delta\Phi_{X_1}$ )нинг таъсири:

$$\Delta\Phi_{X_1} = \Phi_{X_1}^x - \Phi^0 = (X_{1x} \times X_{20}^0 \times X_{30}^0 \times X_{40}^0 \times X_{50}^0) - \Phi^0.$$

2. Сотилган маҳсулотдан олинган фойданинг асосий фаолият фойдасидаги ҳиссаси ( $\Delta\Phi_{X_2}$ )нинг таъсири:

$$\Delta\Phi_{X_2} = \Phi_{X_2}^x - \Phi_{X_1}^x = (X_{1x} \times X_{2x}^x \times X_{30}^0 \times X_{40}^0 \times X_{50}^0) - \Phi_{X_1}^x.$$

3. Асосий фаолият фойдасининг молиявий фаолият фойдасидаги ҳиссаси ( $\Delta\Phi_{X_3}$ )нинг таъсири:

$$\Delta\Phi_{X_3} = \Phi_{X_3}^x - \Phi_{X_2}^x = (X_{1x} \times X_{2x}^x \times X_{3x}^x \times X_{40}^0 \times X_{50}^0) - \Phi_{X_2}^x.$$

4. Молиявий фаолият фойдасининг солиқ тўланганга қадарги фойдадаги ҳиссаси ( $\Delta\Phi_{X_4}$ )нинг таъсири:

$$\Delta\Phi_{X_4} = \Phi_{X_4}^x - \Phi_{X_3}^x = (X_{1x} \times X_{2x}^x \times X_{3x}^x \times X_{4x}^x \times X_{50}^0) - \Phi_{X_3}^x.$$

5. Солиқ тўланганча бўлган фойданинг иш ҳажми (сотилган маҳсулот, товар обороти ва ҳ.к.) кўрсаткичлардаги ҳиссаси ( $\Delta\Phi_{X_5}$ )нинг таъсири:

$$\Delta\Phi_{X_5} = \Phi_{X_5}^x - \Phi_{X_4}^x = (X_{1x} \times X_{2x}^x \times X_{3x}^x \times X_{4x}^x \times X_{5x}^x) - \Phi_{X_4}^x.$$

Барча омиллар таъсири одатдагидек, натижанинг умумий фарқига teng бўлиши керак  $\Delta\Phi$ :

$$\Delta\Phi = \Delta\Phi_{X_1} \pm \Delta\Phi_{X_2} \pm \Delta\Phi_{X_3} \pm \Delta\Phi_{X_4} \pm \Delta\Phi_{X_5}.$$

Ушбу ҳисоб-китобларни аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда амалга ошириш мумкин. Бу учун қўйидаги жадвални тузишни тавсия қиласиз (88-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларига асосан маҳсулотнинг рентабеллик даражаси қўйидагича аниқланади.

$$y = \frac{X_1 \times X_2 \times X_3 \times X_4 \times X_5}{100}.$$

**Корхона маҳсулот рентабеллиги билан боғлиқ  
кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоби**

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Ўзга-риши (+, -)	Ўсиш суръати, %
<b>Мутлақ кўрсаткичлар</b>				
1. Сотилган маҳсулот (Q)	4583,3	5694,5	+1111,2	124,3
2. Соф фойда (Фс)	368,0	496,2	+128,2	134,8
3. Сотилган маҳсулотдан олинган фойда (Фсм)	632,1	852,8	+220,7	134,9
4. Асосий фаолиятдан олинган фойда (Фаф)	511,0	711,7	+200,7	140,6
5. Молиявий фаолият натижаси кўшилган фойда (Фмф)	582,0	792,1	+209,9	136,1
6. Солиқ тўлангунча бўлган фойда (Фст)	593,6	800,4	+206,8	134,8
<b>Нисбий кўрсаткичлар</b>				
7. Соф фойданинг сотилган маҳсулот фойдасидаги ҳиссаси — $X_1$ (2к;3к)	0,5822	0,5818	-0,0004	99,9
8. Сотилган маҳсулот фойдасининг асосий фаолият фойдасидаги ҳиссаси — $X_2$ (3к;4к)	1,2370	1,1983	0,0387	96,9
9. Асосий фаолият фойдасининг молиявий фаолият фойдасидаги ҳиссаси — $X_3$ (4к;5к)	0,8777	0,8985	+0,0208	102,4
10. Молиявий фаолият фойдасининг солиқкача бўлган фойдадаги ҳиссаси — $X_4$ (5к;6к)	0,9808	0,9896	+0,0088	100,9
11. Солиқкача бўлган фойданинг сотилган маҳсулотдаги ҳиссаси, $X_5$ (6к;1к)	0,1295	0,1406	+0,0111	108,6
12. Маҳсулот рентабеллиги даражаси, % — У (2к;1к;100)	8,03	8,71	+0,68	108,5

Ушбу формулага жадвал маълумотларини қўлласа қўйидаги натижаларга эришилди:

**Ўтган йилда:**

$$У\bar{U} = \frac{0,5822 \times 1,2370 \times 0,8777 \times 0,9808 \times 0,1295}{100} = 8,03.$$

### Ҳисобот йилда:

$$Уx_{\bar{Y}} = \frac{0,5818 \times 1,1983 \times 0,8985 \times 0,9896 \times 0,1406}{100} = 8,71.$$

Шу даврда ўзгариши  $8,71 - 8,03 = +0,68$ .

$$\text{Ўзгариш суръати } \frac{8,71 \times 100}{8,03} = 108,5.$$

Ушбу жадвал маълумотлари асосида маҳсулот рентабеллигининг ҳисобот йилдаги ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш мумкин. Бу амални занжирли алмаштириш усулини қўллаган ҳолда қўйидагича бажаришни ва унинг учун мазкур жадвални тузиш тавсия қилинади (89-жадвал).

*89-жадвал*

### Корхонада маҳсулот рентабеллиги даражасига таъсир қилувчи омиллар ҳисоб-китоби

Кўрсат-кичлар	Ўтган йилда	Ўтган йилдаги рентабеллик даражаси				Ҳисобот йилида ёки $y^0 x_5$
		$X_1$ омил ўзгариши билан 0 ( $Ux_1$ )	$X_2$ омил ўзгариши билан 0 ( $Ux_2$ )	$X_3$ омил ўзгариши билан 0 ( $Ux_3$ )	$X_4$ омил ўзгариши билан 0 ( $Ux_4$ )	
$X_1$	0,5822	0,5818	0,5818	0,5818	0,5818	0,5818
$X_2$	1,2370	1,2370	1,1983	1,1983	1,1983	1,1983
$X_3$	0,8777	0,8777	0,8777	0,8985	0,8985	0,8985
$X_4$	0,9808	0,9808	0,9808	0,9808	0,9896	0,9896
$X_5$	0,1293	0,1293	0,1293	0,1293	0,1293	0,1406
$Y$	8,03	8,02	7,76	7,94	8,02	8,71

Корхонада маҳсулотнинг умумий рентабеллиги ҳисобот йилида 0,68% ошган. Бу ўзгариш қўйидаги омиллар таъсирида содир бўлган.

1. Соф фойданинг сотилган маҳсулотдаги ҳиссасининг 0,0004га камайиши маҳсулот рентабеллиги даражасини 0,01% камайтириди:

$$\Delta Ux_1 = 8,02 - 8,03 = -0,01\%.$$

2. Сотилган маҳсулот фойдасининг асосий фаолият

фойдасидаги ҳиссасининг 0,0387га камайиши маҳсулот рентабеллиги даражасини 0,26% камайтириди:

$$\Delta U_{x_2} = 7,76 - 8,02 = -0,26\%.$$

3. Асосий фаолият фойдасининг молиявий фаолият фойдасидаги ҳиссасининг 0,0208га ошганлиги маҳсулот рентабеллиги даражасини 0,18% оширган:

$$\Delta U_{x_3} = 7,94 - 7,76 = +0,18\%.$$

4. Молиявий фаолият фойдасининг солиқ тўлангангача бўлган фойдадаги ҳиссасининг 0,0088га кўпайганлиги маҳсулот рентабеллиги даражасини 0,08%га оширган:

$$\Delta U_{x_4} = 8,02 - 7,94 = +0,08\%.$$

5. Солиқ тўлангангача бўлган фойданинг сотилган маҳсулотдаги ҳиссаси 0,0111га ошганлиги маҳсулот рентабелигини 0,69%га оширган:

$$\Delta U_{x_5} = 8,71 - 8,02 = +0,69.$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$\Delta U = -0,01 - 0,26 + 0,18 + 0,08 + 0,69 = +0,68.$$

Биз мазкур ишда молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг айримларигагина тўхталдик, холос. Аммо ушбу таҳлил усуллари бошқа кўрсаткичларни ҳам таҳлил қилиш учун методологик асос бўлади, деб ўйлаймиз.

## **9-боб. ЮРИДИК ШАХСЛАР ТЎЛАЙДИГАН ДАРОМАД (ФОЙДА) СОЛИФИ ТАҲЛИЛИ**

### **9.1. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солигини таҳлил қилиш усуллари**

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислоҳотлар кундан-кунга чукурлашиб, такомиллашиб бормоқда. Бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини эркинлашувидан намоён бўлмоқда. Давлат билан корхоналар ўртасидаги муносабат эндиликда фақат солик орқали амалга ошириладиган ҳолатта айланмокда. Бу эса ушбу жараённи чукур ўрганишни, таҳлил қилишни тақозо қиласди. Аммо соликларни таҳлил қилиш усуллари иқтисодий адабиётларда ҳамон етарли даражада ёритилмаган. Бироқ амалиёт, ҳаёт бундай ҳолатларни таҳлил қилишни тақозо қилмоқда. Шуни инобатга олиб ушбу масалага ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ушбу қўлланма талабалар билан биргаликда амалиёт ходимларига мўлжалланганлиги туфайли даромад (фойда) солик суммасининг ҳолати ва динамикасини таҳлил қилишда жадваллар билан батафсил кўрсатилмади, чунки бу ҳисоб-китоблар уларнинг кундалик иши. Шу туфайли ишда асосан корхоналар тўлайдиган даромад (фойда) солигининг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш йўллари кўрсатиб берилган. Амалиёт ходимларига, мутахассисларга тушунарли бўлиши учун натижага ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлаш усуллари олдин назарий жиҳатдан ва сўнгра аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда ёритилган. Энг муҳими, соликни кўпайтиришнинг ички имкониятларини ахтариб топиш йўллари ҳам кўрсатиб берилган.

Қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 декабрдаги «Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджетининг 2000 йилга мўлжалланган истиқболи тўғрисида»ги 554-сонли қароридаги 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб солик соҳасида кўзда тутилган ўзгаришлар инобатга олинди. Ундаги солик ставкаларининг камайганлигининг солик суммасига таъсири услубий тавсия сифатида кўрсатиб берилди.

Ушбу солик турига тўхталишимизнинг сабаби хўжалик

юритувчи субъектлар тўлайдиган солиқлар миқдорида даромад (фойда) солигининг ҳиссаси кўплиги ва ушбу солиқ барча корхоналарга хослигидир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида турли мулк шаклида фаолият кўрсатаетган корхоналар бошқа солиқлар билан бирга даромад (фойда) солиги тўламоқдалар. Аммо унинг таҳлил қилиш усуллари ҳамон ишлаб чиқилмаган. Солиқ инспекцияси ходимлари ушбу солиқнинг тўғри тўланишини текшириш учун олдин унинг ҳолатини таҳлил қилиб олиши зарур. Албатта, аудиторлар аудиторлик хуносасини берганда ушбу солиқни таҳлил қилади. Бироқ, улар солиқ тўланишининг қонунийлигига кўпроқ аҳамият берадилар. Ҳақиқатда эса солиқлар масаласига ҳам қонуний, ҳам иқтисодий жиҳатдан ёндошмоқ лозим. Иқтисодий ёндашиш ўз навбатида таҳлил йўли билан амалга оширилади.

Таҳлил учун маълумотлар манбаидан тўғри фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Даромаддан олинадиган солиқ суммаси «Молиявий натижалар» тўғрисидаги ҳисоботнинг — «Бюджетга тўланмалар» қисмида жойлашган. Шу ҳисоботнинг бир қисмида «Даромаддан олинадиган солиқ бўйича бериладиган имтиёзларни ҳисоблашда инобатга олинадиган сарф харажатлар» кўрсатилади. Шунингдек бухгалтерия ҳисботи таркибида даромаддан олинадиган солиқнинг алоҳида ҳисоб-китоби ҳам кўрсатилади. Буларнинг ҳаммаси таҳлил учун тегишли маълумотларни ўзида ифодалайдиган ҳисбоглардир, яъни маълумот манбалариридир.

Таҳлил одатда ҳисбогот даврида эришилган натижанинг бошқа давр кўрсаткичларидан фарқини аниқлашдан бошланади. Таҳлил натижасида тегишли фарқ аниқланади. Бу фарқ таҳлил қилувчига ижобий ёки салбий хулоса чиқариш учун асос бўлади. Аммо таҳлилнинг тўлиқ бўлиши учун бу хулоса ҳали етарли эмас. Ушбу кўрсаткичнинг қатор йиллар давомида ўзгариши тенденциясини аниқлаш мазкур хуносани янада бойитади. Шу туфайли таҳлил жараёнида ўрганилаётган кўрсаткичнинг бошқа кўрсаткичлар билан солиштирилган ҳолда динамикаси ҳам аниқланиши лозим.

Кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилганда иқтисодий жараёнларнинг бир-бiri билан ўзаро боғлиқлигидан

келиб чиқилади. Масалан, солик кўрсаткичининг динамикасини ўрганилса, албатта, у билан боғлиқ кўрсаткичларга, яъни ишлаб чиқариш ҳажми, даромадлар (фойда) миқдори, солик ставкаси каби кўрсаткичлар билан солиштирган тарзда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, даромад солиги динамикаси маҳсулот ҳажми ва ялпи даромад динамикаси билан солиштирилиб қаралса, солик йилдан-йилга камайса, бу нима эвазига содир бўлганини ҳали биз билмаймиз. Бу ўзгаришларнинг сабабини билиш учун даромад солигини ишлаб чиқариш ҳажмини ва ялпи даромад динамикаларини ҳам ўрганишимиз лозим. Даромад йилдан-йилга камайиб кетса, ишлаб чиқариш қисқарса, даромад солиги, албатта, камаяди. Аммо буни билиш учун, таъкидланганидек, шу барча кўрсаткичлар динамикасини ўрганишга тўғри келади.

Таҳдилнинг муҳим босқичларидан бири ўрганилаётган натижа кўрсаткичига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаб топишдан иборатdir. Аммо бу таҳдилнинг энг мураккаб қисми, чунки олдин натижа кўрсаткичига қандай омиллар таъсир қилиниши, сўнгра уларнинг қай даражада таъсир қилганлигини аниқлаш лозим. Бу эса кўрсаткичларга мантиқий ёндашишни амалиётнинг сир-асрорларини яхши ўрганишни талаб қилади.

Таҳдилда натижа ўзгаришига омиллар таъсирини ҳисоблаш, унинг ўта муҳим босқичи ва соҳасидир.

Даромаддан олинадиган солик суммасига ( $C_d$ ) бир қанча омиллар таъсир қилади. Буларга даромаднинг солик тўланадиган қисми ( $D_s$ ) ва солик ставкасини ( $C_t$ ) киритиш мумкин. Натижа ва бу омиллар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиласиз.

$$C_d = D_s \times C_t \quad (9.1)$$

Ушбу формуладаги омиллар таъсирини фарқли усул билан аниқлаш мумкин. Бу учун қуйидаги амаллар бажарилади:

1. Солик суммасининг даромадлар ўзгариши эвазига ўзгарганлигини ( $\Delta C_d$ ) аниқлаш учун даромадларнинг ҳисбот давридаги фарқини ( $D_{s_1} - D_{s_0}$ ) солик ставкасининг режадаги миқдорларига ( $C_{t_0}$ ) кўпайтирилади:

$$\Delta C_{dc} = (C_{d1} - C_{d0}) \times C_{t0} \quad (9.2).$$

2. Солиқ суммасининг солиқ ставкаси эвазига ўзгаришини ( $C_{st}$ ) ҳисоблаш учун солиққа тортиладиган даромад суммасининг ҳақиқий миқдорини ( $C_{d1}$ ) солиқ ставкасининг ўзгаришига ( $C_{t1} - C_{t0}$ ) кўпайтирилди:

$$\Delta C_{st} = C_{d1} \times (C_{t1} - C_{t0}) \quad (9.3).$$

Агар ҳисоб-китоблар тўғри амалга оширилса, шу икки омилнинг таъсири натижага ўзгаришининг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta C_d = \Delta C_{dc} \pm \Delta C_{st} \quad (9.4).$$

Келтирилган омили таҳлил усулига амалий маълумотларни қўллаб ечиш йўлларининг амалиётда қўлланилишини кўриш мумкин (90-жадвал).

#### 90-жадвал

#### **Даромад солиги ҳажмининг ўзгаришига солиққа тортиладиган даромад ва солиқ ставкасининг таъсирини фарқли усул билан аниқлаш йўллари**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Жами фарқи (+, -)	Шу жумладан, даромад эвазига	Солиқ ставкаси эвазига
Солиққа тортиладиган даромад, минг сўм	885,3	1020,8	+135,5	×	×
Солиқ ставкаси, %	33,0	31,0	-2,0	×	×
Солиқ суммаси, минг сўм	292,1	316,4	+24,3	+44,7	-20,4

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, даромаддан олинадиган солиқ суммаси 24,3 минг сўмга кўпайган. Бунга иккита омил таъсири қилган:

1. Солиққа тортиладиган даромад суммасининг 135,5 минг сўмга кўпайганлиги солиқ суммасини 44,7 минг сўмга ( $135,5 \times 33,0 : 100$ ) кўпайтирган.

2. Солиқ ставкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 декабрдаги 554-сонли қарори билан шу йили 33%дан 31%гача туширилди. Ушбу омил

эвазига солиқ суммаси 20,4 минг сүмга ( $2,0 \times 1020,8 : 100$ ) камайды. Бу корхона ҳисобида қолди ва унинг фаолиятини кенгайтириш, ходимларни рағбатлантириш каби тадбирларга йўналтирилиши мумкин.

3. Одатда шу икки омил таъсири солиқ суммасининг умумий фарқига тенг бўлиши керак, яъни  $44,7 - 20,4 = +24,3$  минг сўм. Демак амалга оширилган ҳисоб-китобларимиз тўғри.

Ҳар бир омиллар таъсириниң улушкини алоҳида омиллар суммасини юзга кўпайтириб натижанинг умумий фарқига бўлиш йўли билан аниқлаш мумкин. Бизнинг мисолимизда даромад солиғининг ўсиши 184,0%ни ( $44,7 : 24,3 \times 100$ ) солиққа тортиладиган даромад суммасининг кўпайиши эвазига ошганлигини кўрамиз. Аммо солиқ ставкасининг 2% камайганлиги солиқ суммаси ўсишига нисбатан 84% салбий таъсир қилганлигини кўрамиз ( $20,4 : 24,3 \times 100$ ). Шу икки омил таъсири 100%га ( $184,0 - 84,0$ ) тенг. Биз ушбу ҳисоб-китобларни услубий асос бўлиши учун келтирмоқдамиз, чунки солиқ суммаси шу икки омил эвазига доим ўзгариб туради.

Таҳлил жараёнида омиллар таъсирини кенгайтириш мумкин. Масалан, даромаднинг солиқ тўланадиган қисми (Дс) ялпи даромад (Яд) ва солиқ тўланадиган даромаднинг улушкига (Удс) тенг. Бу боғлиқлик қуидагича ифодаланади:

$$Дс = Яд \times Удс \quad (9.5).$$

Агар 9.1-формуладаги Дс ўрнига 9.5-формуладаги боғлиқликни алмаштириб қўйсан, биринчи формула қуидаги шаклга эга бўлади:

$$Сд = Яд \times Удс \times Ст \quad (9.6).$$

Ушбу 9.6-формуладан кўриниб турибдики, даромаддан тўланадиган солиқ суммасининг ўзгаришига учта омил таъсир қилмоқда. Бу омиллар таъсирини ҳисоблаш учун занжирли алмаштириш, фарқлаш, индекс, интеграл усулларидан фойдаланиш мумкин.

Солиқ суммасига омиллар таъсирини фарқлаш усулини қўллаган ҳолда аниқлашни кўриб чиқамиз.

1. Солиқ суммасининг ялпи даромад таъсири эвазига ўзгаришини ( $\Delta C_d$  яд) аниқлаш учун ялпи даромад фарқини ( $\Delta Y_d$ ) солиқ тўланадиган даромад улушининг ўтган (асос) йилидаги миқдорига ( $Udc_0$ ) ва солиқ ставкасининг ҳам асос йилидаги ҳажмига ( $Ст_0$ ) кўпайтирилади:

$$\Delta C_d \text{ яд} = \Delta Y_d \times Udc_0 \times Ст_0 \quad (9.7).$$

2. Солиқ суммасининг солиқ тўланадиган даромадлар улуши таъсири эвазига ўзгаришини ( $\Delta C_d$  удс) аниқлаш учун ялпи даромаднинг ҳисобот давридаги ҳажмини ( $Яд_1$ ) солиқ тўланадиган даромад улушининг ўзгаришига ( $\Delta Udc$ ) ва солиқ ставкасининг асос йилидаги ҳажмига ( $Ст_0$ ) кўпайтирилади:

$$\Delta C_d \text{ удс} = Яд_1 \times \Delta Udc \times Ст_0 \quad (9.8).$$

3. Солиқ суммасининг солиқ ставкаси таъсири эвазига ўзгаришини ( $\Delta C_d$  ст) аниқлаш учун ялпи даромаднинг ҳисобот давридаги ҳажмини ( $\Delta Яд_1$ ) солиқ тўланадиган даромад улушининг ҳисоботдаги миқдори ( $Udc_1$ ) ва солиқ ставкасининг фарқига ( $\Delta Ст$ ) кўпайтирилади:

$$\Delta C_d \text{ ст} = Яд_1 \times Udc_1 \times \Delta Ст \quad (9.9).$$

Агар солиқ ставкаси ўзгармай қолган бўлса, натижанинг ўзгариши фақат юқорида кўриб чиқсан иккита омил эвазига ўзгарганлигидан далолат беради. Бу омилларнинг таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши керак:

$$\Delta C_d = \Delta C_d \text{ яд} \pm \Delta C_d \text{ удс} \pm \Delta C_d \text{ ст} \quad (9.10).$$

Ушбу ҳисоб-китобни амалий маълумотларни қўллаб ечиш йўлини кўриб чиқамиз (91-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таъкидланган солиқ суммаси 24,3 минг сўмга кўпайган. Бунга қуйидаги омиллар таъсири қилган:

1. Ялпи даромад суммасининг 253,3 минг сўмга кўпайганлиги солиқ суммасини 74,0 минг сўмга кўпайтирган:

$$253,3 \times 88,9 \times 33,0 = +74,0 \text{ минг сўм}.$$

2. Солиқقا тортиладиган даромад суммасининг ялпи даромаддаги улуши ҳисобот даврида 7,1% бандга камай-

**Даромад солиғига алоқида омиллар таъсирини  
фарқли усул билан ечиш йўли**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Натижা ўзгаришига омиллар таъсирини ҳисоблаш
1. Ялпи даромад, минг сўм	999,0	1252,3	+253,3	$253,3 \times 88,6 \times 33,0 = +74,0$
2. Солиқقا тортилган даромаддинг ялпи даромаддаги улуши, %	88,6	81,5	-7,1	$1252,3 \times (-7,1) \times 33,0 = -29,3$
3. Солиқ ставкаси, %	33,0	31,0	-2,0	$1252,3 \times 81,5 \times (-2,0) = -20,4$
4. Солиқ суммаси, минг сўм ( $1к \times 2к \times 3к$ )/100	292,1	316,4	+24,3	$74,0 - 29,3 - 20,4 = +24,3$

ган. Бу омил эвазига солиқ суммаси 29,3 минг сўмга камайган:

$$1341,0 \times (-7,1) \times 33,0 = -29,3 \text{ минг сўм.}$$

Солиқ ставкасининг 2%га камайиши ҳам солиқ суммасининг камайишига таъсир қилган:

$$1252,3 \times 81,5 \times (-2,0) = -20,4 \text{ минг сўм.}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$74,0 - 29,3 - 20,4 = +24,3 \text{ минг сўм.}$$

Таҳлил орқали солиқни кўпайтиришнинг имкониятларини топиш мумкин. Хусусан, бизнинг таҳлил қилаётган обьектда солиқقا тортиладиган даромад улуши камаймаганда эди, давлат бюджетига тўланадиган солиқ суммаси яна 49,7 минг сўмга ( $29,3+20,4$ ) кўпайган бўлар эди. У ҳолда ҳақиқий солиқ суммаси 316,4 минг сўм эмас, балки 366,1 минг сўмни ( $316,4+49,7$ ) ташкил қилган бўлар эди. У ҳолда солиқ суммасининг ўтган йилга нисбатан фарқи 24,3 минг сўм эмас, балки 74,0 минг сўмни ( $366,4 - 292,1$ ) ташкил қилган бўлар эди. Демак, ялпи даромад суммасини кўпайтириш билан биргаликда унинг солиқка тортиладиган қисмини ҳам кўпайтириш лозим экан.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, корхона даромадларининг кўпайишидан корхона билан биргаликда

давлат бюджети ҳам манфаатдор экан. Бу ерда манфаатлар муштараклиги ва мувофиқлиги айнан таъминланади. Корхонанинг даромади хўжалик фаолияти самарадорлигининг ошишига бевосита боғлиқ. Бу эса ўз навбатида солик суммасини ҳам оширишга олиб келади.

Даромаддан олинадиган солик суммасининг ўзгаришига фақат баъзи омиллар таъсирини аниқлаш йўлларини кўрсатиб ўтдик. Амалда бу солик суммасининг ўзгаришига яна бир қанча омиллар ҳам таъсир қилиши мумкин. Масалан, даромад билан боғлиқ бўлган омилларнинг барчasi ҳам солик суммасига билвосита таъсир қиласди. Буларга корхоналардаги иш ҳажмининг кенгайиши, ундаги самарадорликнинг оширилиши, тежамкорлик ва бошқа бир қанча омилларни киритиш мумкин. Бу омиллар таъсирини аниқлашда ҳам таҳлилнинг анъанавий усуллари билан биргаликда иқтисодий математик усулларидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу тавсияларимиз амалда қўлланиладиган бўлса, солик инспекцияси ходимлари, аудиторлар учун солиқларни тўғри ҳисоблашда, корхона мутахассисларига амалий ёрдам беришда анча қулайликлар туғилади. Энг муҳими корхоналарнинг самарадорлиги ошиши билан биргаликда давлат бюджетининг маблағи ҳам ошади. Бу эса корхонанинг молия хўжалик фаолиятига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда юз беради. Бундай ҳол ҳозирги ўтиш даврида, корхоналар фаолиятини кенгайтириш зарурати туғилиб турган пайтда, ўта муҳимдир.\*

## **9.2. Савдо корхоналари тўлайдиган ялпи даромад солиги таҳлили**

Савдо корхоналари ҳам мулк шаклидан қатъи назар ялпи даромад солиги тўлайдилар. Улар бошқа корхоналар сингари юридик шахс мақомига эга. Шу туфайли улар тўлайдиган солиқлар ҳам Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексидаги 2-бўлимида кўрсатилган боблар ва моддаларга асосан аниқланади, ҳисобланади. Аммо савдо соҳаси ишлаб чиқариш ёки хизмат соҳасига нисбатан бир

\* Ушбу параграф Р.К.Пардаев билан ҳамкорликда ёзилди.

оз фарқ қиласи. Бунда даромад сотилган маҳсулот, яъни товарлар устига кўйилган устама эвазига шакланади. Бунда товар обороти, ялпи даромадларнинг ўртача даражаси каби кўрсаткичлар ўзига хос хусусиятларга эга.

Савдо корхоналари тўлайдиган ялпи даромад солиғини таҳлил қилиш учун бир қанча маълумотлар манбаидан фойдаланилади. Буларга энг аввало солик кодекси, бошқа йўриқномалар, бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари, соликни ҳисоблаш жадвали, аудиторлар хulosаси, солик инспекторларининг далолатномалари каби маълумот манбалари киради.

Маълумки, савдо корхоналарида ялпи даромаддан олинадиган соликقا бир қанча омиллар таъсири қиласи. Хусусан, бунга товар обороти, ялпи даромад, унинг даражаси, солик ставкаси каби омиллар киради. Улар ўртасидаги боғлиқликни қўйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$СС = Т \times Дд \times Ст,$$

бунда: СС — даромаддан олинадиган солик суммаси; Т — товар обороти; Дд — ялпи даромад даражаси; Ст — даромаддан олинадиган солик ставкаси.

Натижага ўзгаришига ушбу омиллар таъсирини ҳисоблаш учун таҳлилнинг бир қанча усулларидан фойдаланиш мумкин. Биз натижка билан омиллар ўртасидаги ушбу боғлиқликни аниқлаш учун таҳлилнинг анъанавий усулларидан бири индекс усулини қўллаб ечишимиз мумкин. Бу ҳолда натижага ўзгаришига омиллар таъсири қўйидагича ҳисобланади:

1. Солик суммасининг товар обороти эвазига ўзгаришини ( $\Delta Сст$ ) аниқлаш учун режадаги солик суммасини ( $ССР$ ) товар оборотининг индивидуал индексига ( $i_T$ ) кўпайтириб режадаги натижага билан солиштирилади:

$$\Delta Сст = (ССР \times i_T) - ССР.$$

2. Натижага, яъни даромаддан олинадиган солик суммаси ўзгаришига савдо корхоналари ялпи даромади даражаси (Дд) ўзгаришининг таъсирини ( $\Delta ССдд$ ) аниқлаш учун натижанинг биринчи омил индекси билан қайта ҳисобланган миқдорини ( $ССР \times i_T$ ) иккинчи омил, яъни ялпи даромад даражасининг индивидуал индекси билан

қайта ҳисоблаб олинади ( $CC^P \times i_t \times i_{dd}$ ) ва чиққан натижадан натижанинг биринчи омил таъсирида қайта ҳисобланган миқдори ( $CC^P \times i_t$ ) айирилади:

$$\Delta CC_{dd} = (CC^P \times I_t \times i_{dd}) - (CC^P \times i_t).$$

3. Натижа ўзгаришига учинчи омил таъсирини аниқлаш учун ( $\Delta Cc_{ct}$ ) натижанинг иккита омил индивидуал индекси учинчи омил индивидуал индекси ( $i_{ct}$ ) билан қайта ҳисобланади ( $CC^P \times I_t \times I_{dd} \times i_{ct}$ ) ва чиққан натижадан унинг олдинги икки омил индивидуал индекси билан қайта ҳисобланган миқдори ( $CC^P \times I_t \times I_{dd}$ ) айирилади, ёки натижанинг ҳақиқий миқдоридан ( $CC^x$ ) унинг икки омил таъсирида қайта ҳисобланган миқдорини айриб ташлаш ҳам кифоя:

$$\Delta CC_{ct} = (CC^P \times I_t \times I_{dd} \times I_{ct}) - (CC^P \times i_t \times i_{dd})$$

$$\text{ёки } \Delta C_{ccst} = CC^x - (CC^P \times I_t \times I_{dd}).$$

Бу ҳолда ҳам барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta CC = \Delta CC_{ct} \pm \Delta CC_{dd} \pm \Delta CC_{st}.$$

Агар уларнинг умумий индексини оладиган бўлсак, у ҳар бир омилнинг индивидуал индексига тенг бўлади:

$$J_{cc} = I_t \times I_{dd} \times I_{ct}.$$

Кўриниб турибдики, ушбу усул билан натижа ўзгаришига омиллар таъсирининг фақат миқдорини аниқлаш билан чекланиб қолмасдан, балки нисбий ўзгаришини ҳам аниқлаш мумкин. Бундай ҳолатни умумий индексни қўллаган ҳолда ҳам амалга ошириш мумкин.

Масалан, ушбу ҳолатда натижанинг умумий индекси куйидагича ифодаланади:

$$J_{cc} = \frac{T_1 \times DD_1 \times CT_1}{T_0 \times DD_0 \times CT_0}.$$

Бу формула орқали уни юзга қўпайтириб натижанинг қанча фойзга қўпайғанлигини ёки камайғанлигини аниқлаш мумкин. Агар суръатидан маҳражини айирадиган бўлсак, натижа умумий ўзгаришининг миқдори ҳисобланади:

$$\Delta CC = (T_1 \times DD_1 \times CT_1) - (T_0 \times DD_0 \times CT_0).$$

Ушбу боғлиқларга асосан натижада ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлаш мумкин.

1. Натижага биринчи омилнинг таъсири қўйидагича ҳисобланади:

*Нисбий ўзгариши:*

$$J_{CC.T} = \frac{T_1 \times DD_0 \times CT_0}{T_0 \times DD_0 \times CT_0}.$$

*Мутлақ ўзгариши:*

$$\Delta CC_T = (T_1 \times DD_0 \times CT_0) - (T_0 \times DD_0 \times CT_0).$$

2. Натижада ўзгаришига иккинчи омил таъсири қўйидагича ҳисобланади:

*Нисбий ўзгариши:*

$$J_{CC.DD} = \frac{T_1 \times DD_1 \times CT_0}{T_1 \times DD_0 \times CT_0}.$$

*Мутлақ ўзгариши:*

$$\Delta CC_{DD} = (T_1 \times DD_1 \times CT_0) - (T_1 \times DD_0 \times CT_0).$$

3. Натижанинг охирги, учинчи омил эвазига ўзгарган қисмини қўйидагича аниқлаш мумкин:

*Нисбий ўзгариши:*

$$J_{CC.CT} = \frac{T_1 \times DD_1 \times CT_1}{T_1 \times DD_1 \times CT_0}.$$

*Мутлақ ўзгариши:*

$$\Delta CC_{CT} = (T_1 \times DD_1 \times CT_1) - (T_1 \times DD_1 \times CT_0).$$

Одатдагидек, барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлади:

$$\Delta CC = \Delta CT \pm \Delta CD \pm \Delta CC_{CT}.$$

Ушбу формулаларга тегишли амалий маълумотларни қўллаб, солиқ суммасининг ўзгаришига алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблаш мумкин. Шу сингари омилларни аниқлашларни қўллаб ҳисоблаш усули биринчи параграфда кўрсатилган. Шу туфайли ушбу параграфда такрорлашга ҳожат йўқ, деб ҳисоблаймиз.

## **10-боб. КОРХОНАДА ФОЙДАЛИЛИК НУҚТАСИНИ АНИҚЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **10.1. Корхона даромадлари таркиби**

Бозор муносабатлари шакланаётган эркин иқтисодиёт шароитида фаолият кўрсатаётган ҳар қандай корхона эркин рақобат натижасида синиб кетмаслиги ҳамда хатарсиз ишлашини таъминлаш учун унинг зарарсиз фаолият кўрсатиши мумкинлигини олдиндан аниқлаш ва таҳлил қилиш йўлларини билиши лозим.

Ҳар бир корхона ўз фаолияти давомида маълум даражада даромад ( $D$ ) олади. Бу ўз-ўзидан шаклланмайди. Тегишли харажатларни ( $X$ ) сарф қилишни талаб қиласди. Мақсад корхонанинг оладиган даромади унинг қилган харажатларини қоплаб фойда олишдир. Агар олинган даромад фақат харажатни қопласа ( $D=X$ ), бу корхонанинг зарарсиз ишлаганинги кўрсатади. Агар  $D>X$  бўлса, бунда корхона фойда билан ишлатганлигини, агар  $D<X$  бўлса, зарар билан ишлатганлигини билдиради. Бу оддий назария. Бироқ, корхона раҳбари (эгаси) маълум муддатда қанча маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаришни, шунга қанча харажат бўлишини ва бу харажатни қоплаш учун қанча даромад олиш зарурлигини олдиндан билиши керак. Буни баҳолаш ва таҳлил қилиш учун корхонанинг зарарсизлик даражасини аниқлашни тақозо қиласди.

Корхонанинг зарарсизлик даражасини аниқлаш учун даромаднинг таркиби белгилаб олинади. Корхона даромади қуйидаги элементларга бўлинади: корхона харажатларини қоплашга, давлат бюджетига тўловларни ( $C$ ) амалга оширишга ва фойдани ( $\Phi$ ) ташкил қилишга. Бу ҳолда қуйидаги тенглик ҳосил бўлади:

$$D = X + C + \Phi \quad (10.1).$$

Ушбу формуладан кўриниб турганидек, корхонанинг даромади унинг харажати, тўланадиган солифи ва олинадиган фойдасига тўғри пропорционал (мувофик). Буларнинг қайси бири кўпайса (камайса),  $D$ -нинг ҳажми ҳам шунга мос равишда кўпайиши (камайиши) мумкин.

## **10.2. Ўзгарувчи ва ўзгармас харажатларни аниклаш**

Таҳлил жараёнида шуни кўзда тутиш керакки, харажатлар ва солиқларнинг бир қисми ўзгарувчи ва бир қисми ўзгармасдир. Демак формулада ифодаланган натижа ва омил кўрсаткичларининг ҳисобот йилларидағи ҳақиқий ҳажми 10.1-формулада кўрсатилган назариядан фарқ қилиши ҳам мумкин. Буни аниклаш учун харажатларни ва солиқларни иккига: ўзгарувчи ва ўзгармас қисмларига бўлиб олинади. У ҳолда 10.1-формула куйидагича ифодаланади:

$$Д = (Х_{\text{уз}} + Х_{\text{ум}}) + (С_{\text{уз}} + С_{\text{ум}}) + \Phi \quad (10.2),$$

бунда:  $Х_{\text{уз}}$  — ўзгарувчи харажатлар;  $Х_{\text{ум}}$  — ўзгармас харажатлар;  $С_{\text{уз}}$  — солиқларнинг ўзгарувчи қисми;  $С_{\text{ум}}$  — солиқларнинг ўзгармас қисми.

Бу формуладаги ўзгарувчи ( $Х_{\text{уз}}, С_{\text{уз}}$ ) ва ўзгармас ( $Х_{\text{ум}}, С_{\text{ум}}$ ) миқдорларни алоҳида қўшиб биргаликда ифодаласак, куйидаги 10.3-формула келиб чиқади:

$$Д = М_{\text{уз}} + М_{\text{ум}} + \Phi \quad (10.3),$$

бунда:  $М_{\text{уз}} = Х_{\text{уз}} + С_{\text{уз}}$  га,  $М_{\text{ум}} = Х_{\text{ум}} + С_{\text{ум}}$  га тенг.

Ушбу ифодаланган омилларнинг даромад ҳажми билан боғлиқлиги куйидагича. Даромаднинг кўпайиши ўзгарувчи харажатларни кўпайтиради, ўзгарувчи харажатларнинг кўпайиши эса, пировард натижада, даромадларни кўпайтиради.

## **10.3. Мувофиқлик (пропорционаллик) коэффициентини аниклаш**

Харажатларнинг таркибини тўғри ифодалаш учун мувофиқлик (пропорционаллик) коэффициентидан ( $K_m$ ) фойдаланиш мумкин.

Мувофиқлик (пропорционаллик) коэффициентини аниклаш учун маҳсулотнинг ўзгарувчи харажатларини солиқнинг ўзгарувчи қисми билан биргаликда қўшиб ( $M_{\text{уз}}$ ) унинг қийматига ( $P$ ) бўлинади:

$$K_m = \frac{M_{\text{уз}}}{P} \quad (10.4).$$

Мувофиқлик коэффициенти инобатга олинган ҳолда 10.3- формула қуйидаги шаклга эга бўлади:

$$Д = К_м \times М_ўз + М_ўм + \Phi \quad (10.5).$$

Ушбу формулага асосан корхонанинг барча харажатларни қоплаш, яъни унинг заарсизлик даражасини таъминлаш учун қанча даромад зарурлигини ҳисоблаш мумкин.

#### 10.4. Корхонанинг заарсизлик (тengлик) нуқтасини аниқлаш

Бу кўрсаткични аниқлаш учун олдин даромаднинг «Тенглик нуқтаси» аниқланади ( $Д^{тн}$ ), яъни даромад ҳажми барча харажатларни қоплашга етарли бўлиши керак. Бунда фойда олиш кўзда тутилмайди. У ҳолда 10.5-формула қуйидагича ифодаланади:

$$Д^{тн} = К_м \times М_ўз + М_ўм \quad (10.6).$$

Натижа билан омил ўртасидаги мувофиқлик (пропорционаллик) коэффициентини тўғри ифодалаш учун 10.6-формулани қуйидагича ёзиш ҳам мумкин<sup>31</sup>.

$$Д^{тн} = \frac{М_ўм}{1 - К_м} \quad (10.7).$$

Ушбу формулага асосан барча харажатларни қоплаш ва соликларни тўлаш учун корхонага қанча даромад кераклигини аниқлаш мумкин.

Масалан, «Турон» корхонаси сандик ишлаб чиқариб сотади, деб фараз қиласиз. Унинг биттасининг қиймати 20,0 минг сўмни ташкил қиласи. Бу нарх ҳисобот йилида ҳам ўзгармасдан сақланиб қолади. Бунинг 14 минг сўми ўзгарувчи харажатлардир. Бунда мувофиқлик (пропорционаллик) коэффициенти 0,7 (14:20)га teng бўлади.

Энди «Турон» корхонасининг заарсиз ишлаши учун ҳисобот даврида қанча сандик ишлаб чиқариб сотиши лозимлигини аниқлаш мумкин. Корхонанинг доимий ха-

<sup>31</sup> Ефимова О.В. Анализ безубыточности предприятия // Бухгалтерский учет, 1993, № 6, 19 бет.

ражатлари 450,0 минг сўмни ташкил қилганда, ушбу кўрсаткич куйидагича аниқланади:

$$Д^{mH} = \frac{450}{1 - 0,7} = 1500,0 \text{ минг сўм.}$$

«Турон» корхонаси барча харажатларини қоплаши ва солиқларни тўла тўлаши учун 1500,0 минг сўмлик сандик ишлаб чиқиб сотиши лозим экан. Бу учун 75 та (1500,0:20,0) сандиқни ишлаб чиқиб сотишни тақозо қиласди. Бу ҳолда, ҳар бир сандиқни ишлаб чиқариш ва сотишга кетган умумий харажат  $14 + (450:75) = 20$  минг сўмни ташкил қиласди.

«Турон» корхонаси бир йилда сандиқни 75 тадан кам ишлаб чиқариб сотса, у заар билин ишлайди, фойда ололмайди. Ниҳоят синиши мумкин.

Агарда 75 тадан кўп ишлаб чиқариб сотадиган бўлса, корхона фойда олиши муқаррар. Шу туфайли йил бошида корхонанинг «тengлик нуқтасини» аниқлаб олиш лозим.

Агарда корхона хизмат қиласдиган ҳудудда шунча сандиқнинг сотилиш имкони бўлмаса, унда «Турон» корхонаси бошқа бозорни ҳам топиши, агар унинг ҳам иложи бўлмаса, бошқа маҳсулотни ишлаб чиқариб сотишга ихтинослашиши лозим.

## 10.5. Фойдалилик нуқтасини аниқлашнинг бевосита усули

Ушбу кўрсаткичларни бошқачароқ йўл билан ҳам ечиш мумкин. Энг аввало, харажатларнинг иккига бўлинишини инобатга олиш лозим.

1. Доимий ўзгармас харажатлар -- 100,0 минг сўм.
2. Ўзгарувчи харажатлар -- 140,0 минг сўм.

Иккинчидан, маржинал фойда (Мф) аниқланади. Бу учун маҳсулотнинг сотилиш қийматидан (К) унинг ўзгарувчи харажатлар бўйича таннархи (Тн) айрилади:

$$Мф = К - Тн \quad (10.8).$$

Маҳсулотнинг (иш, хизматнинг) сотилиш қиймати 3,0 минг сўм унинг ўзгарувчи харажатлар бўйича 2,0 минг сўм. У ҳолда ҳар бир маҳсулот (иш, хизмат)дан олинадиган

маржинал фойданинг микдори 1,0 минг сўмни (3,0–2,0) ташкил қиласди.

Учинчидан, барча харажатларни қоплаш учун зарур бўлган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми ( $Q$ ) аниқланади.

Бу учун доимий ўзгармас харажатлар суммасини ( $\Delta x$ ) маржинал фойда суммасига ( $M_f$ ) бўлинади:

$$Q = \frac{\Delta x}{M_f} \quad (10.9).$$

Бизнинг мисолимизда барча харажатларни қоплаш учун зарур бўлган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми 100 доимий (бирликни) ташкил қиласди.

$$Q = \frac{100,0}{1,0} = 100 \text{ дона (бирликда).}$$

Демак, мазкур тадбиркор бир ой муддатда барча харажатларни қоплаш учун 100 та маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариб сотиши лозим экан.

Аммо тадбиркорнинг мақсади ўз фаолияти натижасидан фойда олишдан иборатdir. Фойда суммаси ҳам бизнес-режада олдиндан аниқланади ва кўзда тутилади. У ҳолда мазкур тадбиркор барча харажатларини қоплаб кўзда тутилган фойдага эришиш лозим бўлган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмини ( $Q_{kt}$ ) аниқлаш учун ўзгармас харажатларга ( $\Delta x$ ) бизнес-режада кўзда тутилган фойда суммасини ( $\Phi_{br}$ ) кўшиш маржинал фойда суммасига ( $M_f$ ) бўлинади:

$$Q_{kk} = \frac{\Delta x + \Phi_{br}}{M_f} \quad (10.10).$$

Фараз қиласмиш, мазкур тадбиркорнинг бир ойда оладиган фойдаси 25,0 минг сўмни ташкил қиласди. У ҳолда ушбу кўзланган фойдага эришиши учун у шу ойда 125 дона маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариб сотиши лозим экан.

$$\Phi_{kt} = \frac{100,0 + 25,0}{1,0} = 125 \text{ дона.}$$

Ушбу ҳисоб-китобларнинг чизмаси қўйидагича бўлади:



Шуни эътироф этиш керакки, фойда суммасини иш ҳажмини оширмасдан ҳам кўпайтириш мумкин. Бу учун 10.4-формуладаги Мф ўрнига 10.1-формуладаги миқдори кўйилса, қуйидаги формула ҳосил қилинади:

$$Q_{kk} = \frac{Dx + \Phi_{br}}{K - T_h} \quad (10.11).$$

Ушбу формуладан бизнес-режада кўзда тутилган фойда ( $\Phi_{kt}$ ) миқдорини аниқлаш мумкин:

$$\Phi_{br} = \frac{Q - Dx}{K - T_h} \quad (10.12).$$

Мазкур формуладан кўриниб турибдики, бизнес-режада кўзда тутилган фойдани кўпайтириш учун иш ҳажмини ( $Q$ ) ошириш, доимий ўзгармас харажатларни ( $Dx$ ) камайтириш, битта маҳсулотни (иш, хизматни) ишлаб чиқариб сотиш қийматини ( $K$ ) арzonлаштириш ва унга нисбатан шу маҳсулот (иш, хизмат) таннархини ( $T_h$ ) камайтириш орқали эришиш мумкин.

Ушбу омиллар таъсирини аниқлаш учун қуйидаги жадвал тузиш тавсия қилинади (92-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада барча кўрсаткичлар бўйича ўсишга эришилган. Аммо бизнес-режада кўзда тутилган фойда миқдори 14,4% ёки 3,6 минг сўмга камайган. Бу ўзгаришга бир қанча омиллар таъсир қилган. Таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири шу таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини аниқлашдан иборатdir.

**Бизнес-режада кўзда тутилган фойдани аниқлаш  
ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Бизнес-режада	Ҳақиқатда	Фарқи (+, -)	Ўзгариш суръати, %
1. Маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми (микдори, қиймати), минг сўм	125 125,0	140 130,0	+15 +5,0	112,0 104,0
2. Доимий ўзгармас харажатлар, минг сўм	200,0	100,0	—	100,0
3. Битта маҳсулотнинг сотиш қиймати, минг сўм	3,0	3,5	+0,5	116,7
4. Битта маҳсулотнинг таннахии, минг сўм	2,0	2,2	+0,1	105,0
5. Маржинал фойда, минг сўм (3к-4к)	1,0	1,4	+0,4	140,0
6. Бизнес-режада кўзда тутилган фойда, минг сўм	25,0	21,4	-3,6	85,6

**10.6. Корхона бир қанча фаолият билан шуғулланганда заарсизлик нуқтасини аниқлаш усули\***

Кўтарилиган масала тушунарли бўлиши учун корхонанинг битта маҳсулот бўйича фаолият кўрсатган ҳолдаги аҳволи таҳлил қилинди. Амалиётда корхоналар ўз фаолияти жараёнида бир вақтнинг ўзида бир қанча товар турларини ишлаб чиқариб сотиш билан ҳам шуғулланиши мумкин. Бу ҳолда корхонанинг заарсиз ишлаш даражаси барча товарларни ишлаб чиқариб сотиш билан боғлиқ фаолият натижаси бўйича аниқланади. Бу ҳолда қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиласиз:

$$\Delta^{mH} = \sum_{i=1}^n (\Delta_i - M_{\bar{y}_i}) - M_{\bar{y}_m} \quad (10.13),$$

бунда:  $\Delta_i$  — товар бўйича олинадиган даромад;  $M_{\bar{y}_i}$  —  $i$  — товарни ишлаб чиқариб сотиш учун кетадиган ўзгарув-

\* Ушбу параграф Г.М.Шодиева билан ҳаммуаллифликда ёзилган.

чи харажат;  $M_{\text{ум}}$  — барча доимий ўзгармас харажатларнинг ҳақиқий миқдори;  $i$  — товар гуруҳи тартиб сони ( $i=1, n$ );  $n$  — ишлаб чиқарилиб сотиладиган товар гурухининг умумий сони.

Амалиётда ҳар бир товар бўйича даромадларни ва харажатларни ҳисоблаш қийин. Шу туфайли даромад ва харажатлар умумий суммасидан фойдаланилади.

У ҳолда молиявий натижани ( $\Phi$ ) ҳисоблаш йўли анча соддалаштирилади ва қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\Phi = D - \left( \frac{M_{\text{ум}} \times Y_z}{100} + M_{\text{ум}} \right) \quad (10.14),$$

бунда:  $D$  — йилнинг  $t$  — чорагида олинган даромаднинг ҳақиқий суммаси;  $M_{\text{ум}}$  — ўзгармас харажатларнинг йиллик суммаси;  $Y_z$  — ўзгармас харажатларнинг  $t$  — чоракдаги улуши;  $M_{\text{ум}}$  — ўзгарувчи харажатларнинг  $t$  — чоракдаги ҳақиқий суммаси.

Ушбу формулалардан амалиётда фойдаланиш учун қуйидаги амалий маълумотларни қўллаймиз. Бунда ҳақиқий ўзгармас йиллик харажатларни 15200 минг сўм миқдорида қабул қиласиз. Уни шартли равишда тўрт чоракка тенг 25%дан бўламиз. У ҳолда молиявий натижа қуйидагича бўлади (93-жадвал).

### 93-жадвал

#### «Турон» корхонасининг бутун фаолияти бўйича молиявий натижаларнинг йиллик ҳисботи

Курсаткичлар	Йил чораклари				Йил бўйича
	I	II	III	IV	
Барча товарларни сотишдан олинган даромад, минг сўм	9280,0	9940,0	11551,0	11940,0	42711,0
Ўзгарувчи харажатлар, минг сўм	5310,0	6240,0	7151,0	6830,0	25531,0
Ўзгармас харажатлар, минг сўм					15200,0
<b>ЖАМИ:</b>					40731,0
Молиявий натижа (фойда), минг сўм	170,0	-100,0	600,0	1310,0	1980,0

Ушбу жадвал маълумотидан кўриниб турибдики, «Турон» корхонаси ҳисобот йили натижаси бўйича 1980,0 минг сўм фойда олишга эришган. Аммо уни алоҳида чораклар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, 1 чорак натижаси ижобий, яъни 170,0 минг сўм фойда олишга муваффақ бўлган:

$$\left[ 9280,0 - \left( 5310,0 + \frac{15200 \times 25\%}{100} \right) = +170,0 \text{ минг сўм} \right].$$

Иккинчи чорак натижаси ушбу корхонанинг 100,0 минг сўмлик заар билан ишлаганинги кўрсатади:

$$\left[ 9940 - \left( 6240,0 + \frac{15200 \times 25\%}{100} \right) = -100,0 \text{ минг сўм} \right].$$

Учинчи ва тўртинчи чорак натижалари эса ижобий бўлган, яъни III чоракда 600,0 минг сўм фойда олган бўлса, бу кўрсаткич IV чоракда 1310,0 минг сўмни ташкил қиласди.

Ушбу таҳлил натижасидан шундай хулоса қилиш мумкини, ҳисобот даврида «Турон» корхонаси умумий натижа бўйича заарсиз ишлаган. Аммо иккинчи чоракда 100,0 минг сўм заар кўрган. Агар ушбу заар бўлмагандан эди, унинг йиллик фойдаси 1980,0 минг сўм эмас, балки 2080,0 минг сўмни ( $1980,0 + 100,0$ ) ташкил қиласган бўлар эди.

Корхонанинг заарсиз ишлаш даражасини таҳлил қилишни унинг ҳақиқий натижасини ўтган давр натижалари билан солиштирган ҳолда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш билан давом этириш мумкин.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1993.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонуни. 1990 йил 31 октябр.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни. 1991 йил 15 феврал.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги қонуни. 1991 йил 15 феврал.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Кооперация тўғрисида»ги қонуни. 1991 йил 14 июн.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуни. 1991 йил 19 ноябр.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Кооперация тўғрисида»ги қонуни. 1991 йил 14 июн.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонуни. 1992 йил 2 июл.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни. 2000 йил 26 май.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлар тўғрисида»ги қонуни. 1992 йил 9 декабр.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги қонуни. 1992 йил 9 декабр.
12. Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонуни. 1993 йил 2 сентябр.
13. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 1995 йил 21 декабр.
14. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни. 2000 йил 14 декабр.
15. Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонуни. 1994 йил 5 май.
16. Ўзбекистон Республикасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириши рафбатлантириш тўғрисида»ги қонуни. 1995 йил 21 декабр.
17. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни. 1996 йил 26 апрел.

18. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни. 1996 йил 30 август.
19. Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»-ги қонуни. 1996 йил 27 декабр.
20. Ўзбекистон Республикасининг «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тўғрисида»ги қонуни. 1997 йил 24 апрел.
21. Ўзбекистоннинг янги қонунлари (тўпламлар). 1-22 тўплам.—Тошкент: «Адолат», тегишли йилларда.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармони. 1994 йил 26 январ.
23. *Каримов И.А.* Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1992.
24. *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Нутқлар, мақолалар, сұхбатлар.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1993.
25. *Каримов И.А.* Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1993.
26. *Каримов И.А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1994.
27. *Каримов И.А.* Иқтисодий ислоҳот: масъулиятли босқич.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1994.
28. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1997.
29. *Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1998.
30. *Каримов И.А.* Истиқдол йўли: муаммолар ва режалар.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1992.
31. *Каримов И.А.* Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1993.
32. *Каримов И.А.* Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1995.
33. *Каримов И.А.* Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва

иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1995.

34. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1999.

35. *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз.—Тошкент: «Ўзбекистон», 2000.

36. *Абдукаримов И.Т.* Анализ издержек обращения в кооперативной торговле.—М.: «Экономика», 1968.

37. *Абдукаримов И.Т. и др.* Сборник задач по анализу хозяйственной деятельности потребительской кооперации.—М.: «Экономика», 1968.

38. *Абдукаримов И.Т.* Анализ розничного товарооборота в кооперативной торговле.—М.: МКИ, 1971.

39. *Абдукаримов И.Т.* Прибыль и рентабельность в кооперативной торговле.—М.: «Экономика», 1973.

40. *Абдукаримов И.Т. и др.* Задачник по анализу хозяйственной деятельности предприятий и организаций потребительской кооперации.—М.: «Экономика», 1975.

41. *Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К.* Анализ показателей по труду в кооперативной торговле.—М.: «Экономика», 1978.

42. *Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К., Абдиев А.А.* Теоретические основы экономического анализа. Альбом наглядных пособий.—Самарканд: СамКИ, 1983.

43. *Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К., Абдиев А.А.* Анализ хозяйственной деятельности отдельных отраслей потребительской кооперации / Альбом наглядных пособий.—Самарканд: СамКИ, 1983.

44. *Абдукаримов И.Т.* Анализ хозяйственной деятельности потребительской кооперации. 2-е изд.—М.: «Экономика», 1989.

45. *Абдукаримов И.Т. ва бошқалар.* Матлубот кооперацияси хўжалик фаолиятини анализ қилиш.—Тошкент: «Ўқитувчи», 1989.

46. *Абдукаримов И.Т. ва бошқалар.* Савдоға оид иқтисодий атамаларнинг русча-ўзбекча луғати.—Тошкент: «Ўқитувчи», 1992.

47. *Абдукаримов И. Т, Пардаев М.К.* Анализ хозяйственной деятельности. Программа для кооперативных институтов по специальности 1729 «Экономика торговли».—М.: ПУМК, 1987.
48. *Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К. Хайдаров Ш.У.* Анализ доходов в кооперативной торговле в условиях нового хозяйственного механизма.—М.: МКИ, 1991.
49. *Абдукаримов И.Т.* Молиявий ҳисоботни ўқиши ва таҳлил қилиш йўллари.—Тошкент: «Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси», 1998.
50. *Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К.* Раҳбарнинг бизнес тили // Бозор, пул ва кредит.—1999, № 1.
51. *Абдукаримов И.Т.* Менежерга молиявий ҳисбот шакллари // Бозор, пул ва кредит.—1999, № 2.
52. *Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К.* Бухгалтерия баланси ва унинг таркиби // Бозор, пул ва кредит.—1999. № 3.
53. *Абдукаримов И.Т.* Менежер бухгалтерия балансини қандай таҳлил қилиши керак // Бозор, пул ва кредит.—1999, № 4.
54. *Абдукаримов И.Т.* Менежерга корхона ликвидиги ва тўлов қобилияти ҳақида // Бозор, пул ва кредит.—1999, № 5.
55. *Абдукаримов И.Т.* Менежерга корхона молиявий барқарорлиги ва иқтисодий бақувватлиги ҳақида // Бозор, пул ва кредит.—1999, № 6.
56. *Абдукаримов И.Т.* Менежерга пул маблағлари оқими тўғрисида // Бозор, пул ва кредит.—1999, № 7-8.
57. *Абдукаримов И.Т.* Менежерга молиявий натижалар ва иқтисодий самарадорлик тўғрисида // Бозор, пул ва кредит.—1999, № 9.
58. *Абдукаримов И.Т.* Менежерга корхонанинг айланма маблағлари тўғрисида // Бозор, пул ва кредит.—1999, № 10.
59. *Абдукаримов И.Т.* Менежерга дебитор ва кредитор қарзлар тўғрисида // Бозор, пул ва кредит.—1999, № 11.
60. *Абдукаримов И.Т.* Менежерга асосий воситалар ҳолати ва уларни қўллаш самарадорлигини баҳолаш ҳақида // Бозор, пул ва кредит.—2000, № 3.
61. *Абдукаримов В.И.* Вопросы оценки эффективности

многоотраслевой хозяйственной деятельности потребительской кооперации в условиях АСАД.—Ташкент: «Мехнат», 1990.

62. Абдулаев Р.А. ва бошқалар. Иқтисодий ахборотларни ЭХМ да ишлашни автоматлаштириш.—Ташкент: «Ўқитувчи», 1990.

63. Абдулаев Ё. Региональные аспекты статистического изучения эффективности общественного производства.—Ташкент: «Фан», 1985.

64. Абдулаев Ё. Сравнительный анализ эффективности региональной экономики.—Ташкент: «Мехнат», 1987.

65. Абдулаев Ё. Перестройка хозяйственного механизма: вопросы и ответы.—Ташкент: «Мехнат», 1989.

66. Абдулаев Ё. Статистиканинг умумий назарияси.—Ташкент: «Ўқитувчи», 1993.

67. Абдулаев Ё. Статистиканинг умумий назарияси: тестлар.—Ташкент: «Ўқитувчи», 1996.

68. Абдулаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб.—Ташкент: «Мехнат», 1997.

69. Абдулаев Ё. Макроиқтисодий статистика: 100 савол ва жавоб.—Ташкент: «Мехнат», 1998.

70. Амалий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма.—Ташкент: «Шарқ» НМК, 1996.

71. Актуальные проблемы учета, аудита и совершенствования финансово-кредитной системы в условиях развития рыночных отношений / Материалы международной НПК.—Самарканд, 1994.

72. Анализ экономики. Страна, рынок, фирма.—М.: «Международные отношения», 1999.

73. Анализ финансово-хозяйственной деятельности предприятий (объединений).—М.: «Финансы и статистика», 1988.

74. Анализ хозяйственной деятельности в промышленности.—Минск: «Вышэйшая школа», 1995.

75. Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа.—М.: «Финансы и статистика», 1998.

76. Баканов М.И., Кашаев А.Н., Шеремет А.Д. Экономический анализ. Теория, история, современное состояние, перспективы.—М.: «Финансы», 1976.

77. Батухтин И.Л. Совершенствование методов анализа труда и заработной платы.—М.: «Экономика», 1975.
78. Баригольц С.Б. Экономический анализ хозяйственной деятельности на современном этапе развития.—М.: «Финансы и статистика», 1984.
79. Вейцман Н.Р. Очерки по бухгалтерскому учету и анализу.—М.: «Госфиниздат», 1958.
80. Виды экономического анализа, их место и роль в совершенствовании управления промышленным производством.—М.: МГУ, 1976.
81. Волжин И.О., Эргашбоеев В.П. Молиявий таҳлил.—Тошкент: «Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси», 1998.
82. Дембинский Н.В. Вопросы теории экономического анализа.—М.: «Финансы», 1973.
83. Ганштак В.И. Экономический анализ резервов на машиностроительном предприятии.—М.: «Машгиз», 1960.
84. Долгополов Е.В. и др. Экономический анализ хозяйственной деятельности социалистических предприятий.—Киев: «Выща школа», 1938.
85. Дембинский Н.В. Вопросы теории экономического анализа.—М.: «Финансы», 1973.
86. Жарковская Е.П. и др. Анализ хозяйственной деятельности строительных организаций.—М.: «Стройиздат», 1989.
87. Деркач Д.И. Анализ производственно-хозяйственной деятельности предприятий строительных организаций.—М.: «Финансы и статистика», 1990.
88. Иброҳимов А.Т. Молиявий таҳлил.—Тошкент: «Мехнат», 1995.
89. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш муаммолари ва матлубот кооперацияси.—Самарқанд, 1994.
90. Ковалев В.В. Финансовый анализ: управление капиталом, выбор инвестиций, анализ отчетности.—М.: «Финансы и статистика», 1996.
91. Крейнина М.Н. Анализ финансового состояния и инвестиционной привлекательности акционерных обществ в промышленности, строительстве и торговле.—М.: АО «ДИС», МВцентр, 1994.

92. Курс экономического анализа.—М.: «Финансы и статистика», 1984.
93. Каракоз И.И. Совершенствование экономической работы и управления производством на промышленном предприятии.—Киев: «Выша школа», 1976.
94. Каракоз И.И., Самборский В.И. Теория экономического анализа.—Киев: «Выша школа», 1989.
95. Кмицкевич О.Р. и др. Анализ хозяйственной деятельности предприятий потребительской кооперации.—М.: «Экономика», 1966.
96. Кмицкевич О.Р. и др. Анализ хозяйственной деятельности организаций и предприятий потребительской кооперации.—М.: «Экономика», 1971.
97. Кравченко Л.И. Анализ финансового состояния предприятия.—Минск: ПКФ «Экаунт», 1994.
98. Кудбиеев Д.К. Анализ эффективности использования в кооперативной торговле.—М.: ЗИСТ, 1981.
99. Кудбиеев Д.К. Проблемы анализа использования основных фондов в торговле.—Ташкент: «Узбекистон», 1990.
100. Курс анализа хозяйственной деятельности.—М.: «Экономика», 1984.
101. Майданчик Б.И. и др. Анализ и обоснование управленческих решений.—М.: «Финансы и статистика», 1991.
102. Муравьев А.И. Теория экономического анализа: проблемы и решения.—М.: «Финансы и статистика», 1988.
103. Меркушев А.И., Меркушев А.А. Анализ хозяйственной деятельности снабженческо-сбытовых организаций.—М.: «Высшая школа», 1987.
104. Махмудов О. Кишлок хўжалик корхоналарининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш.—Тошкент: «Ўқитувчи», 1979.
105. Пардаев М.К., Саттаров Ю.С. Методические рекомендации по комплексной оценке эффективности труда в розничной торговле.—Ташкент: «Узбекпотребсоюз», 1983.
106. Пардаев М.К. Эффективность труда в торговле и методика ее определения // Бухгалтерский учет, 1978, № 9.
107. Пардаев М.К., Курбанов З.Н. Анализ показателей эффективности и интенсификации в кооперативной торговле.—Ташкент: «Уқитувчи», 1990.

108. *Пардаев М.К., Хайдаров Ш.К.* Кооператив савдо корхона ва ташкилотларининг молиявий аҳволини таҳлил қилиш.—Тошкент: РУМК, 1990.
109. *Пардаев М.К.* Интенсификация в торговле: сущность, показатели и пути их повышения.—Самарканд: «Зарафшон», 1993.
110. *Пардаев М.К.* Хўжалик фаолияти таҳлилида қўлланиладиган усуслар.—Самарқанд: СамКИ, 1998.
111. *Пардаев М.К.* Иқтисодий таҳлилнинг комплекс баҳолаш усуслари.—Самарқанд: СамКИ, 1998
112. *Пардаев М.К., Исроилов Б.И.* Молиявий таҳлил.—Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999.
113. *Петров В.В., Ковалев В.В.* Как читать баланс. Изд. 2-е.—М.: «Финансы и статистика», 1994.
114. *Поклад И.И.* Теоретические основы экономического анализа работы предприятий.—М.: «Финансы», 1969.
115. *Раевский В.А.* Анализ финансово-хозяйственной деятельности предприятий (объединений). Учебник.—М.: «Финансы и статистика», 1988.
116. *Русак Н.А., Русак В.А.* Основы финансового анализа.—Минск: ООО «Меркаванне», 1995.
117. *Совицкая Г.В.* Теория анализа хозяйственной деятельности.—Минск: ИСЗ, 1996.
118. *Совицкая Г.В.* Анализ хозяйственной деятельности предприятия.—Минск: ИП «Экоперспектива», 1997.
119. *Савичев И.И.* Экономический анализ — орудие выявления внутрихозяйственных резервов.—М.: «Финансы», 1968.
120. *Татур С.К.* Анализ хозяйственной деятельности промышленных предприятий.—М.: «Экономическая литература», 1962.
121. Теория экономического анализа.—М.: «Прогресс», 1998.
122. *Хан Н.А.* Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг анализи.—Тошкент: «Ўқитувчи», 1978.
123. Теория анализа хозяйственной деятельности.—Минск: «Вышэйшая школа», 1989.
124. *Худойбердиев У.Х., Пардаев М.К., Курбонов З.Н.* Соликлар учёти ва таҳлили.—Самарқанд: СамКИ, 1995.

125. Шеремет А.Д. Комплексный экономический анализ деятельности предприятия (вопросы методологии).—М.: «Экономика», 1974.
126. Шеремет А.Д. Методика финансового анализа предприятия.—М.: ИПО «МП», 1996.
127. Шодиев Х.А. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашни такомиллаштириш (интенсивлаш ва самарадорлик масалалари).—Тошкент: «Меҳнат», 1989.
128. Шодиев Х.А. Интенсивлаш ва самарадорликнинг ўзаро алоқадорлиги.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1991.
129. Экономический анализ деятельности предприятий.—Минск: «Вышэйшая школа», 1981.
130. Экономика предприятия / Пер. с нем.—М., 1999.

## МУНДАРИЖА

<b>5-боб. Корхонанинг меҳнат салоҳияти (потенциали) таҳлили .....</b>	<b>3</b>
<b>5.1. Меҳнат, унинг характеристи, салоҳияти ва самарадорлигини баҳолаш мезонлари .....</b>	<b>3</b>
<b>5.1.1. Меҳнат тушунчаси .....</b>	<b>3</b>
<b>5.1.2. Бозор муносабатлари шароитида меҳнатнинг характеристи ва манфаатлар муштараклиги .....</b>	<b>4</b>
<b>5.1.3. Меҳнат салоҳияти (потенциали) тушунчаси ....</b>	<b>12</b>
<b>5.1.4. Меҳнат салоҳияти (потенциали) тарқиби .....</b>	<b>15</b>
<b>5.1.5. Меҳнат самарадорлиги тушунчаси .....</b>	<b>19</b>
<b>5.1.6. Меҳнат салоҳияти (потенциали) самарадорлигини баҳолаш мезонлари .....</b>	<b>21</b>
<b>5.2. Меҳнат салоҳиятини (потенциалини) ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг таснифи, аниқлаши йўллари ва таҳлили .....</b>	<b>25</b>
<b>5.2.1. Меҳнат салоҳиятини (потенциалини) ифодаловчи кўрсаткичлар тизими .....</b>	<b>25</b>
<b>5.2.2. Меҳнат салоҳияти (потенциали) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари .....</b>	<b>26</b>
<b>5.2.3. Меҳнат салоҳияти (потенциали) билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари .....</b>	<b>31</b>
<b>5.2.4. Меҳнат салоҳияти (потенциали) самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари .....</b>	<b>35</b>
<b>5.2.5. Меҳнат салоҳияти (потенциали) самарадорлигининг омилли таҳлили .....</b>	<b>39</b>
<b>5.2.6. Меҳнат салоҳияти (потенциали) рентабеллиги ва унга таъсир қилувчи омиллар таҳлили .....</b>	<b>44</b>

<b>5.3. Меҳнат мотивацияси ва унинг таҳлили .....</b>	<b>49</b>
<i>5.3.1. Меҳнат мотивацияси тушунчаси.....</i>	49
<i>5.3.2. Меҳнат мотивациясининг типлари ва омил- лари .....</i>	52
<i>5.3.3. Меҳнат бозорида иш кучи, унинг товарга айланиши .....</i>	56
<i>5.3.4. Меҳнат мотивациясида иш кучининг қийма- ти ва уни баҳолаш муаммоларини ечиш бўйича айрим тавсиялар .....</i>	60
<i>5.3.5. Меҳнат хақининг режадаги ва ҳақиқий миқ- дорини аниқлаш .....</i>	70
<i>5.3.6. Меҳнат хақи умумий ҳажмининг таҳлили .....</i>	71
<b>5.4. Корхонада банд бўлган ходимлар сони таҳ- ЛИЛИ .....</b>	<b>78</b>
<i>5.4.1. Ходимлар сони тушунчаси .....</i>	78
<i>5.4.2. Ходимлар сонининг таҳлили .....</i>	83
<i>5.4.3. Кўшимча иш ўринларини очишнинг сама- радорлиги .....</i>	89
<b>5.5. Корхонада иш вақти ва ундан фойдаланиш- нинг таҳлили .....</b>	<b>90</b>
<i>5.5.1. Иш вақти тушунчаси .....</i>	90
<i>5.5.2. Иш вақти ҳажмининг таҳлили .....</i>	92
<b>5.6. Меҳнат салоҳияти (потенциали) ва харажат- лари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича корхона рейтингини аниқлаш усуслари.....</b>	<b>98</b>
<i>5.6.1. Меҳнат салоҳияти (потенциали) ва ха- ражатлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш йўллари .....</i>	98
<i>5.6.2. Меҳнат салоҳияти (потенциали) ва ха- ражатлари самарадорлиги бўйича корхона рейтингини аниқлаш методологияси .....</i>	101

<b>6-боб. Корхона иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари .....</b>	109
6.1. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг зарурлиги .....	109
6.2. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигининг моҳияти ва мазмуни .....	111
6.3. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари .....	114
6.3.1. Корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар .....	114
6.3.2. Корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар .....	118
6.4. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигининг таҳлили .....	121
6.4.1. Корхона иқтисодий мустаҳкамлигининг таҳлили .....	121
6.4.2. Корхона иқтисодий мустаҳкамлигига таъсир этувчи омиллар .....	124
6.4.3. Корхона молиявий мустаҳкамлигининг таҳлили .....	128
6.4.4. Молиявий мустаҳкамлик ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлили .....	131
<b>7-боб. Корхона молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили .....</b>	135
7.1. Корхона молиявий барқарорлигининг моҳияти ва уни таҳлил қилиш зарурлиги .....	135
7.2. Молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи .....	136
7.3. Молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари .....	139

<i>7.3.1. Ўз маблағлари (хусусий капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили .....</i>	139
<i>7.3.2. Четдан жалб қилинган маблағлар (капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили .....</i>	151
<i>7.3.3. Корхонанинг ҳаракатдаги маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили .....</i>	156
<i>7.3.4. Асосий воситалар (капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили .....</i>	164
<i>7.3.5. Айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичларнинг таҳлили .....</i>	170
<i>7.4. Молиявий барқарорликни таъминлаш йўллари (хулоса ўрнида) .....</i>	178
<b>8-боб. Корхонанинг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили .....</b>	181
<i>8.1. Молиявий натижаларни таҳлил қилишнинг вазифалари ва маълумотлар манбай .....</i>	181
<i>8.2. Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими .....</i>	184
<i>8.3. Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар умумий ҳажмининг таҳлили .....</i>	188
<i>8.4. Корхонада фойда таҳлили .....</i>	190
<i>8.4.1. Сотишдан олинган соф тушум таҳлили .....</i>	192
<i>8.4.2. Корхонада соф фойданинг шаклланиши .....</i>	194
<i>8.5. Корхона рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили .....</i>	197
<i>8.6. Корхонанинг молиявий натижаларини ифодаловчи умумлашган рентабеллик кўрсаткичларининг омили таҳлили .....</i>	202
<i>8.7. Корхонанинг ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги таҳлили .....</i>	204
<i>8.8. Корхонанинг барча активлари рентабеллиги .....</i>	210

<b>8.9. Корхонада ўз маблаглари рентабеллиги таҳлили .....</b>	<b>213</b>
<b>8.10. Корхонада маҳсулот рентабеллиги таҳлили ....</b>	<b>217</b>
<b>9-боб. Юридик шахслар тўлайдиган даромад (фойда) солиги таҳлили .....</b>	<b>222</b>
<b>9.1. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солигини таҳлил қилиш усуллари .....</b>	<b>222</b>
<b>9.2. Савдо корхоналари тўлайдиган ялпи даромад солиги таҳлили .....</b>	<b>229</b>
<b>10-боб. Корхонада фойдалилик нуқтасини аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари .....</b>	<b>233</b>
<b>10.1. Корхона даромадлари таркиби .....</b>	<b>233</b>
<b>10.2. Ўзгарувчи ва ўзгармас харажатларни аниқлаш .....</b>	<b>234</b>
<b>10.3. Мувофиқлик (пропорционаллик) коэффициентини аниқлаш.....</b>	<b>234</b>
<b>10.4. Корхонанинг заарсизлик (тенглик) нуқтасини аниқлаш.....</b>	<b>235</b>
<b>10.5. Фойдалилик нуқтасини аниқлашнинг бевосита усули .....</b>	<b>236</b>
<b>10.6. Корхона бир қанча фаолият билан шуғулланганда заарсизлик нуқтасини аниқлаш усули .....</b>	<b>239</b>
<b>Адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>242</b>

**«СОЛИҚЛАР ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ»  
ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИ**

**М.ПАРДАЕВ, Б.ИСРОИЛОВ**

**ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ  
(Ўқув кўлланма)  
2-қисм**

**6-чиқарилаш**

**Нашр менежери *Б. С. Муслимов***

Босишига рухсат этилди 16.11.2001. Ҳажми 16,0 б.т.  
Бичими 84×108'/<sub>32</sub>. Адади 1000 нусха. Буюртма № К-9017.



**«Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси» нашриёт уйи  
Тошкент ш., Махтумкули к., 1.**

Ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.  
Тошкент ш., Навоий к., 30.

2800-00

657053-27-73

17 210



## Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич

Муаллиф иқтисодиёт таҳлил назарияси, хужалик фаолияти таҳлили муаммолари ва Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш оила иқтисоди ва тадбиркорлиги масалалари билан шуғулланади. Иқтисод фанлари номзоди, доцент.

У ўнлаб дарслик, ўқув қўлланмалари, монография, юзлаб илмий мақолалар муаллифи. Ҳажми 400 босма табоқдан, сони 360 номдан зиёд илмий ва илмий услубий ишлар унинг қаламига мансуб.



## Исройлов Баҳодир Ибрагимович

Маълумоти олий, Самарқанд кооператив институтини "Иқтисод" ва Самарқанд Давлат Университети хукукшунослик факультетини тугатган. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш ва бозор иқтисоди шароитида иқтисодий таҳлил муаммолари билан шуғулланади. Республика вақтли матбуотида бир қанча илмий мақолалири эълон қилинган.



СОЛИҚЛАР ВА  
БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ